Душистые вещества и цветочные продукты применяются в производстве отдушки для мыла, в косметике, в приготовлении духов, спиртной и безалкогольной продукции, мороженого, фруктовых эссенций, табачных продуктов и фармацевтических препаратов. В статье описаны специфические органолептические свойства натуральных и синтетических душистых веществ и цветочных продуктов, а также их коммерческое использование.

SUMMARY

Fragrance and flavor materials are used in a wide variety of products, such as soaps, cosmetics, toiletries, detergents, alcoholic and nonalcoholic beverages, ice cream, confectioneries, baked goods, convenience foods, tobacco products and pharmaceutical preparations. This article presents a survey of those natural and synthetic fragrance and flavor materials which are produced commercially on a relatively large scale, or which are important because of their specific organoleptic properties.

Nashrga dots. L. Kamolov tavsiya etgan

БОЙИТИЛМАГАН ФОСФОРИТ УНИДАН НРК ЛИ ЎҒИТ ОЛИШ ВА ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Алланов А.Б., Жаҳонгирова М.Қ. (ҚарДУ),
Таджиев С.М. (ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти)

Таянч сўз ва иборалар: *минерал, меъёр, ўғит, фосфорит, ўсимлик, ўзлаштирувчанлик, сувда эрувчанлик.*

Дунё мамлакатларининг барчасида ҳозирги кунда аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун етарли миқдорда деҳқончилик маҳсулотлари, яъни бошоқли дон экинлари, пахта ва турли хил сабзавотларни етказиб бериш асосий долзарб масала ҳисобланади. Ушбу масалани ҳал этиш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишнинг энг асосий агротехник тадбирларидан бири, уларга кимёвий ишлов бериш ва уларнинг минерал ўғитларга бўлган талабини ўз вақтида таъминлашдан иборат.

Ҳозирги даврда кўпчилик кимё саноатида фосфорли минерал ўғитларни тўлиқ кислота меъёрлари билан ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жорий этилган тўлиқ кислота меъёрлари билан минерал ўғитларни ишлаб чиқариш технологияси кислоталарга бўлган эҳтиёжни ошиб кетишига сабаб бўлади. Бу эса танқис бўлган сульфат кислотанинг олдинги ҳолатга нисбатан янада танқислик муаммосини келтириб чиқаради.

Дунё мамлакатларининг кимё саноатларида фосфорит минералларининг таркибида 35–40 фоиз ва ундан юқори миқдорларни ташкил этадиган фосфор озиқаси мавжуд бўлган хомашёлардан фосфорли минерал ўғитларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Минерал ўғитларни ишлаб чиқаришда сарф-харажатларни иқтисодий жиҳатдан тежаш ва кам меҳнат билан тайёр маҳсулот олиш учун маҳаллий хомашёдан фойдаланиш асосий долзарб масалалардан ҳисобланади.

Озиқалар миқдори турли хил таркибга эга бўлган тупроқларда ўстириладиган пахта, бошоқли дон экинларини ва турли хил сабзавотларнинг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжга қараб маҳаллий хомашёлардан асосий озиқа элементлари ҳар хил нисбатли минерал ўғитларни ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан кам харажатли ҳамда ишлаб чиқариш вақти бўйича тежамкор бўлган янги технологик усулларни топиш асосий долзарб масала ҳисобланади [1–5].

Илмий тадқиқот ишларида Қизилкум фосфорит конининг P_2O_5 – 15,36фоиз, CaO – 31,01 фоиз, CO_2 – 11,66 фоиз таркибли бойитилмаган фосфорит унини 93 фоизли H_2SO_4 нинг 20; 30; 40; 50; 60; 70; 80 фоиз меъёрлари, 57 фоизли HNO_3 нинг 20 фоиз меъёри ва таркибида K_2O -60 фоиз бўлган KCl тузидан фойдаланиб азот-фосфор-калийли мураккаб ўғитлар олинди.

Мураккаб ўғит олишда хомашё таркибидаги фосфор озиқаси билан азотнинг нисбатлари ўғит намуналарининг ҳаммасида бир хил $N:P_2O_5=0,2:1$ нисбатга мос келадиган миқдори ҳисоблаб аниқланди ва қайта ишлашда шу миқдордаги азот мавжуд бўлган нитрат кислотадан фойдаланилди.

Хомашёдаги P_2O_5 нинг миқдорига K_2O нинг миқдорини эса $P_2O_5: K_2O = 1:1$ нисбатга мос келадиган миқдори ҳисоблаб аниқланди ва системага қўшиб аралаштирилди.

Бойитилмаган фосфорит унини H_2SO_4 қўшиб тўхтовсиз аралаштирилди, парчаланиш тўхтагандан кейин аралашманинг ҳар бири HNO_3 нинг 20 фоиз меъёридаги миқдори қўшиб аралаштириш давом эттирилди. Фосфорит унини парчаланиши жуда қисқа вақт – 15–20 дақиқада содир бўлди, карбонат ангидрид газини ажралиши ҳисобига озроқ кўпикланиш ходисаси кузатилди.

Кислоталар билан қайта ишланган идишлардаги аралашманинг ҳар бирига бир хил миқдордаги KCl тузидан қўшиб аралаштирилди.

Фосфоритнинг парчаланиш жараёнидаги ҳарорат кислота меъёрига боғлиқ ҳолда сульфат кислота таъсир эттирилганда 70–115°C оралиқда, нитрат кислота таъсир эттирилганда эса 45–65°C оралиқда ўзгариб бориши кузатилди.

Кислоталарнинг меъёрларида олинган ўғит таркибидаги сув миқдорининг ортиши сабабли дастлаб ёпишқоқ бўтқа кўринишдаги маҳсулот ҳосил бўлди, сўнгра парчаланиш жараёнида вужудга келган иссиқлик ҳисобига бўтқа кўринишидан қаттиқ қуруқ маҳсулот шаклига келди.

Калий хлорид аралаштирилгач маҳсулот майда юмшоқ кукун ҳолатга ўтди. Лаборатория шароитида тарелкали грануляторда донадор ҳолатга ўтказилди ва қуритиш шкафида 2–3 фоиз намлик қолгунча 100–105 °С ҳарорат оралиғида қуритилди.

Олинган азот-фосфор-калийли мураккаб ўғитларнинг кимёвий таркиби маълум стандарт усуллар ёрдамида кимёвий таҳлил қилинди.

1 -жадв.

Маҳсулот таркибидаги озиклар нисбати ва уларнинг миқдори (фоиз)

Кислота меъёри, %		N, %	P ₂ O ₅ , фоиз			K ₂ O фоиз	$\frac{P_2O_{5\text{ўзл.}}}{P_2O_{5\text{ум.}}}$ фоиз	$\frac{P_2O_{5\text{сுவ...эрув.}}}{P_2O_{5\text{ум.}}}$ фоиз	CO ₂ фоиз	H ₂ O фоиз	pH
H ₂ SO ₄	HNO ₃		умумий фоиз	ўсим. ўзл. фоиз	сув. эрув. фоиз						
N: P ₂ O ₅ : K ₂ O = 0,2:1:1											
20	20	2,01	10,61	5,01	0,28	10,62	47,19	2,66	4,83	4,02	5,41
30	20	1,94	10,30	5,70	0,45	10,31	55,43	4,32	3,91	3,91	5,17
40	20	1,89	10,01	6,37	0,59	10,01	65,67	5,97	3,04	3,79	4,92
50	20	1,84	9,74	7,35	0,79	9,74	75,48	8,14	2,23	3,69	4,01
60	20	1,79	9,48	8,28	0,98	9,48	87,29	10,31	1,44	3,61	3,09
70	20	1,74	9,23	8,59	1,15	9,23	93,15	12,48	0,70	3,50	2,78
80	20	1,70	8,98	8,89	1,32	8,98	99,01	14,65	0,54	3,41	2,47

Мураккаб азот-фосфор-калийли ўғит қуритилгандан кейин кислоталарнинг меъёрига мос ҳолда озуклар нисбати N:P₂O₅:K₂O=0,2:1:1 бўлган ўғитларда P₂O₅ умум нинг умумий миқдори 10,61 фоиздан 8,98 фоиз гача камайиб бориши, P₂O₅ ўсим. ўзл. нинг ўсимлик ўзлаштирувчан шаклга ўтган миқдори 5,01 фоиздан 8,89 фоизгача ортиб бориши, P₂O₅ сув.эр нинг сувда эрувчан шаклга ўтган миқдори 0,28 фоиздан 1,32 фоизгача ортиб бориши, умумий P₂O₅ нинг 47,19 фоиздан 99,01 фоизгача миқдори ўсимлик ўзлаштирувчан шаклга ўтиши аниқланди (1-жадвал).

Кислоталарнинг меъёрига мос ҳолда CO₂ нинг миқдори 4,02 фоиздан 3,41 фоизгача камайиб бориши аниқланди.

2-жадв.

НРК ўғитлар таркибини кальций ва кальций нитратнинг миқдори

Кислота меъёри, фоиз		N: P ₂ O ₅ : K ₂ O	CaO, фоиз			CaO ўс./ум	Ca(NO ₃) ₂
H ₂ SO ₄	HNO ₃		умумий фоиз	ўсим. ўзл. фоиз	сув.эрув. фоиз		
20	20	0,2 : 1 : 1	22,78	9,11	3,99	39,99	11,71
30	20	0,2 : 1 : 1	22,13	11,07	3,88	50,02	11,37
40	20	0,2 : 1 : 1	21,51	12,98	3,77	60,34	11,06
50	20	0,2 : 1 : 1	20,93	14,69	3,67	70,18	10,76
60	20	0,2 : 1 : 1	20,37	16,29	3,57	79,97	10,47
70	20	0,2 : 1 : 1	19,83	17,84	3,48	89,96	10,19
80	20	0,2 : 1 : 1	19,31	18,73	3,39	96,99	9,93

Олинган натижалардан K₂O нинг миқдори кислоталарнинг меъёрига мос ҳолда 10,62 фоиздан 8,98 фоизгача камайиб бориши, сувнинг миқдори эса 4,02 фоиздан 3,41фоизгача камайиб бориши аниқланди.

Кислоталарнинг меъёрига мос ҳолда маҳсулотларда рН нинг қиймати 5,41 дан 2,47 гача камайиб бориши кузатилди.

Кислоталарнинг меъёрига мос ҳолда $\text{CaO}_{\text{умум}}$ нинг умумий миқдори 22,78 фоиздан 19,31 фоизгача камайиб бориши, $\text{CaO}_{\text{ўсим. ўзл.}}$ нинг ўсимлик ўзлаштирувчан шаклга ўтган миқдори 9,11 фоиздан 18,73 фоизгача ортиб бориши, $\text{CaO}_{\text{сув.эр}}$ нинг сувда эрувчан шаклга ўтган миқдори 3,99 фоиздан 3,39 фоизгача камайиб бориши аниқланди. Ўғит таркибидаги умумий $\text{CaO}_{\text{умум}}$ нинг 39,99 фоиздан 96,99 фоизгача миқдори ўсимлик ўзлаштирувчан шаклга ўтганлиги аниқланди.

Кислоталарнинг меъёрига мос ҳолда $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ нинг умумий миқдори 11,71фоиздан 9,93 фоизгача камайиб бориши аниқланди.

Янги навли ўғит намуналарининг уйма оғирлиги, ҳажмий оғирлиги уларнинг намлиги, доналар ўлчами ва қатламларнинг зичлигига боғлиқ.

Маҳсулотларнинг уйма оғирлиги маълум ҳажмдаги алюминийли стаканга ўғит намунасида эркин уймалар ҳолида солиниб, 24 соат юкли платформада сақлангандан сўнг аниқланди. Маълумотлар шуни кўрсатадики, уйма оғирлик ўғит намуналарининг намлик миқдориغا боғлиқ ҳолда ўзгаради.

3- жадв.

Янги навли ўғит намуналарининг физик ва механо-кимёвий хоссалари

Ўғит намуналари	H_2O , фоиз	уйма оғирлик, г/см^3	ҳажмий оғирлик, г/см^3	мустаҳкамлик, МПа/см^2	сочилувчанлик, фоиз	табiiй қиялик бурчаги, °С	оқувчанлик, с	гигроскопик нуқта, фоиз
Азот-фосфор-калийли ўғит (фосфорит уни + H_2SO_4 + HNO_3 + KCl)								
1. $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{HNO}_3$ (20:20)	4,02	1,83	1,76	2,52	100	45	37	67
2. $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{HNO}_3$ (30:20)	3,91	1,87	1,82	2,79	100	44	40	69
3. $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{HNO}_3$ (40:20)	3,79	1,85	1,86	2,47	100	42	43	70
4. $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{HNO}_3$ (50:20)	3,69	1,89	1,88	2,33	100	42	47	72
5. $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{HNO}_3$ (60:20)	3,61	1,93	1,91	1,56	100	41	45	74
6. $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{HNO}_3$ (70:20)	3,50	1,94	1,92	1,46	100	40	48	74
7. $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{HNO}_3$ (80:20)	3,41	1,97	1,94	1,28	100	40	48	75

Фосфоритни сульфат ва нитрат кислоталарнинг тўлиқсиз меъёрлари ҳамда калий хлорид тузи билан қайта ишлов бериш асосида парчалаб, олинган 4,02-3,41 фоиз намликдаги ўғит намуналарининг уйма оғирлиги 1,83–1,97 г/см^3 га тенг.

Ҳажмий оғирлик қийматини аниқлаш омборхоналарни лойиҳалаш, бункер ва ташиш қурилмаларини танлаш учун зарурдир. Намуналарнинг ҳажмий оғирлиги 1,76–1,94 г/см^3 оралиғига тенг бўлишини кўрсатди.

Ўғитларнинг ёпишқоқлиги намлик, сақлаш шароити ва муддатни ўзгаришига боғлиқ бўлади. НРК ли мураккаб ўғитларнинг ёпишқоқлигини аниқлаш учун улар тайёрланган цилиндрларга турли оғирликдаги юклар ёрдамида прессланди. Бир сутка давомида сақланган юк остидаги маҳсулот суриб чиқарилди ва унинг сочилиши учун керакли куч ёрдамида текширилди.

Таҷриба натижалари шуни кўрсатдики, ўрганилган шароитда сульфат ва нитрат кислоталарнинг тўлиқсиз меъёрлари ҳамда калий хлорид тузи билан қайта ишлов бериш асосида парчалаб олинган ўғит намуналари ёпишқоқ эмаслигини аниқланди.

Ўғит намуналарининг доналар мустаҳкамлиги уларни ташиш, сақлаш ва тупроқда қўлаш, сақлаш шароитини билдирувчи муҳим физик хоссаси ҳисобланади. Сульфат ва нитрат кислоталарнинг тўлиқсиз меъёрлари билан қайта ишлаш ва калий хлорид тузи билан қайта ишлов бериш асосида олинган янги навли ўғит намуналарининг мустаҳкамлиги унинг

намлиги ва технологик кўрсаткичларига боғлиқ ҳолатда 2,52 мПа/см² дан 1,28 мПа/см² гача бўлади.

Маҳсулотнинг доналар ўлчами 1 ммдан 3 ммгача ва намлиги 3,41–4,02 фоиз бўлган ўғит намуналарнинг табиий қиялик бурчаги 40–45⁰С ни ташкил этади.

Оқувчанлик ўғитларнинг энг муҳим физик хоссаларидан биридир. Ҳозирги кунда оқувчанликни аниқлашнинг турли усуллари мавжуд. Ўғит намуналарини оқувчанлиги куйидагича пастки қисми 15 мм, ички бурчаги 60⁰ бўлган воронка (Меринг воронкаси) ёрдамида 500 грамм маҳсулотнинг ундан оқиб ўтиши учун кетган вақтни ўлчаш асосида текширилди. Вақтни кузатиш асосида келиб чиққан оқувчанлик 10 баллик шкалада 3 та синфга ажратилди.

Агар ўғит 0–15 сония вақт давомида воронкадан ўтганда 10 балл, 20–30 дақиқа кетса, 8, 9 балл, 30 ва ундан ортиқ вақтдан ортса 8, 6 балл билан белгиланди.

Ўтказилган тажриба натижалари асосида сульфат ва нитрат кислоталарнинг тўлиқсиз 70–90 фоиз меъёрлари билан парчалаб олинган ўғит намуналарининг оқувчанлик шкаласи 10 баллни, сульфат ва нитрат кислоталарнинг тўлиқсиз 40–60 фоиз меъёрлари билан парчалаб олинган мураккаб ўғитларнинг оқувчанлик шкаласи 8 ва 6 баллни ташкил қилиши аниқланди.

Ўғитнинг сочилувчан бўлиши ва ўсимликларнинг зарур озик компонентлардан тўлиқ фойдаланишига эришиш учун маҳсулотларнинг донадор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Дондор ўғитни сақлаш, кадоқлаш кишлок хўжалигида фойдаланиш жараёнида унинг агро-кимёвий самарадорлиги ортади.

Фосфоритни қулай шароитда сульфат ва нитрат кислоталарнинг тўлиқсиз меъёрлари билан парчалаш ҳамда калий хлорид тузи билан қайта ишлов бериш асосида олинган мураккаб ўғитларнинг таркибидаги тузлар ва озукаларнинг миқдори кимёвий таҳлил натижалари асосида ҳисобланди.

Ҳисоб натижалари олинган фосфорли ўғит намуналарининг асосий қисмини моно- ва дикальцийфосфат, реакцияда тўлиқ иштирок этмаган, яъни парчаланмаган, лекин фаоллашган ҳолатга ўтган фосфорит минераллари ташкил этишини кўрсатди.

Дондорланган ўғит қуритилгандан кейин товар хоссалари қоникарли бўлиши маълум бўлди. Физик-механик хоссаларини дастлабки текшириш натижалари шуни кўрсатдики, ўғитни қоғоз халталарда эмас полиэтилен халталарга жойлаш кераклиги аниқланди.

Ўғит олишнинг қулай шароити белгиланди:

Фосфорит унини калий хлорид иштирокида сульфат ва нитрат кислота билан парчалаб азот-фосфор-калийли мураккаб ўғит олишда кислотанинг қулай меъёри 50–90 фоизга тенг бўлди.

– сульфат кислотанинг 30–60 фоиз меъёрларида, нитрат кислотанинг 20 фоиз меъёрида олинган гранула маҳсулот олиш;

– компонентларни ҳосил бўлиш (ёки хомашёни парчаланиш) вақти: 15–20 минут;

– қуритиш ҳарорати – 100–105⁰С.

93 фоизли Н₂SO₄ нинг 40–60 фоиз меъёрлари ва 57 фоизли ННО₃ нинг 20 фоиз меъёри билан қайта ишлаб азот-фосфорли донадор маҳсулот олишнинг қулай технологик йўллари ишлаб чиқилди, кислота ҳамда сарф харажатларнинг техникавий-иқтисодий тежалиш усуллари топилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Позин М.Е. и др. Переработка фосфоритов Каратау. Л.: Химия, 1975. – 272 с.
2. Таджиев С.М. Ресурсосберегающая технология получения сложных удобрений из КК-фосфоритов // Узб. Хим. Ж. 2004. – №1. – С. 26–30.
3. Таджиев С.М., Назирова Р.М., Ахмедова Д.Х., Махсудова З.И. Интенсивная технология получения NPK удобрения // «Актуальные проблемы развития химической науки, технологии и образования в Республике Каракалпакстан». – Нукус 2011. – С. 92–93.
4. Таджиев С.М., Акбаров М.Г., Ахмедова Д.Х., Махсудова З.И. Изучение процесса разложения низкосортных фосфоритов серной и азотной кислотами. “Ноанъанавий кимёвий технология-

лар ва экологик муаммолар” мавзусидаги ФПИ V Республика илмий-амалий анжуманининг материаллари. – Фарғона, 2009. – Б. 41–43б.

5. Таджиев С.М., Акбарова М.Г., Алланов А.Б. Қизилқум фосфоритларини нитрат ва сульфат кислоталари билан қайта ишлаш // ”Кимёнинг долзарб муаммолари” республика илмий-амалий конференцияси материаллари (II қисм). СамГУ, 6–7 ноябрь. – Самарқанд, 2009. –100 б. .

6. Пестов Н.Е. Физико-химические свойства зернистых и порошкообразных химических продуктов. – М.– Л.: Изд. АН СССР, 1947. – 239 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада юқори карбонатли Қизилқум фосфорит унини калий хлорид иштирокида сульфат ва нитрат кислоталарнинг тўлиқсиз меъёрлари билан қайта ишлаб мураккаб азот-фосфор-калийли ўғит олиш жараёни натижалари, азот-фосфор-калийли ўғитнинг кимёвий таркиби келтирилган.

Сувда эримайдиган фосфорит унидаги фосфор озикаси кислоталар билан қайта ишлаш орқали ўсимлик ўзлаштирадиган ва сувда эрийдиган ҳолатга ўтказилган. NPK ли ўғит олиш жараёнида тўлиқсиз меъёрдаги кислота сарфлаш ҳисобига кислота миқдори тежалган ва ҳосил бўладиган гипс миқдори камайтирилишига эришилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся результаты исследований по получению хлорида калия, содержащего сложные азотно-фосфорно-калийные удобрения, путем переработки из высококарбонатной кызылқумской фосфоритной муки неполной нормой серной и азотной кислоты в присутствии хлорида калия. Приведен химический состав азотно-фосфорно-калийных удобрений.

Нерастворимая фосфоритная мука, содержащая питательный фосфор, при обработке минеральными кислотами превращается в растворимые формы. При получении удобрения использование кислоты чуть меньше нормы позволяет сэкономить минеральные кислоты и снизить количество образуемого гипса.

SUMMARY

This article shows the results of research of reception potassium chloride containing complex nitrogen-phosphor-potassium fertilizer are resulted by processing from high-carbonate Kizilkum a phosphoritic flour of incomplete norm sulfuric and nitric acid at presence potassium chloride. In this article is given the chemical compound of nitrogen-phosphor-potassium fertilizer is resulted.

Phosphor feed in water nosuluable phosphoured flour is changed into plants development and being water soluble condition. Reaching decreasing amount of gypsum and acid, they being spending acid during synthlesising fertilizer containg N,P,K.

Наишга доц. Л.Камолов тавсия этган

СТРЕСС ВА ОШҚОЗОН-ИЧАК ТИЗИМИ

Қурбонов Ш.Қ. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *гиподинамия, биоритм, тироксин, формалин, гастроэнтрология, адренкортикотроп, дистресс, эустресс, стресс омили, стресс реакцияси.*

Стресс ҳақидаги таълимот нисбатан янги бўлса-да, (бу ҳақда илмий тушунча илк бор 1936-йилларда канадалик физиолог олим Ганс Селье томонидан яратилган), у тиббиёт ва биологияда жуда тез ва кенг тарқалди. Кўпчилик стресс бошга бирон мусибат тушиши билан инсондаги ҳаётий кўрсаткичларнинг (юрак уришининг тезлашиши, қон босимининг кўтарилиши, асабийлашиб ўзини қўярга жой тополмай безовта бўлиш ва бошқалар) меърий ҳолатдан четга чиқиш билан боғлиқ хасталиклар деб тушунади ва ундан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилишади. Бир сўз билан айтганда, стресс аксарият кишиларда зарарли ташқи ва ички муҳит омили сифатида тасаввур қилинади.

Стресс уйғотувчи омиллар стресс омиллари дейилиб, уларга кучли асабийлашиш, руҳий изтироблар ҳамда оғир ва давомли жисмоний фаолият, ҳаво ҳароратининг жуда иссиқ ёки совуқ бўлиши, кимёвий заҳарланиш, давомли очлик ёки уйқусизлик, узоқ муддатли ҳаракатсизлик (гиподинамия), вазнсизлик ва бошқа шунга ўхшаш фавқулудда (экстремал) ҳолатлар қиради. Айтилган омилларнинг қайси бири таъсир қилмасин, организмда кўпинча бир хил ўзгаришлар, яъни юракнинг тез уриши ва қон босимининг кўтарилиши, нафас олишнинг тезлашиши, моддалар ва энергия алмашинувининг жадаллашуви, кучли безовталаниш каби аломатлар пайдо бўлади. Организмда табиати ҳар хил бўлган бундай омилларга нисбатан бир хил жавоб реакцияси носпецифик реакция деб юритилади. Специфик реакциялар эса ҳар бир таъсиротдан ўзига хос ҳолда юзага келади (масалан, совуқ ҳарорат теридаги томирларни торайтирса, иссиқ ҳарорат кенгайтиради ва ҳоказо).

Г.Сельенинг буюк хизмати шундаки, у мана шундай ўзгаришларнинг келиб чиқишини ҳайвонлар устида олиб борилган узоқ тадқиқотлардан кейин хулоса чиқариб, бунга асосий сабаб қонда айрим гормонларнинг, хусусан, буйрак усти безларидан ажраладиган адреналин ва кортикостероидлар миқдорининг кўпайиши эканлигини аниқлади (3). Унинг таъкидлашича, ушбу ҳолат, ўз навбатида, асаб тизимидаги безовталиқ юракнинг тез уриши, қон босимининг кўтарилиши ва айниқса, ошқозон-ичакларда морфофункционал ўзгаришларни юзага келтирар экан. Шунинг учун ҳам юқоридаги стресс омиллар таъсири боис кўп ҳолларда ич кетиши ёки ич қотиши, кучли ич оғриши, кўнгил айнаши, иштаҳанинг йўқолиши, жиғилдон қайнаши ва шунга ўхшаш аломатлар юзага келади. Кўпчилик асабийлашиш, кундалиқ турмуш тарзидан давомли қоникмаслик, уйда ва ишда бўладиган кўнгилсизликларнинг ич қотиши ёки ич ўтиши каби носпецифик ўзгаришларга нима алоқаси бор деб тушунади. Бу ҳол эса айтилган хасталикларни бартараф қилишга тўғаноқ бўлади. Шунинг учун қуйида стресс омилларнинг айнан ошқозон-ичак тизимига таъсири ҳақида батафсилроқ фикр юритамиз.

Даставвал шуни қайд қилиш лозимки, ошқозон-ичак тизими организм ва ташқи муҳитни бир-бири билан бевосита ва билвосита чамбарчас боғлаб турувчи энг қадимги тизим ҳисобланади. Шуниси ҳам борки, танамиздаги бошқа ҳаётий тизимлар, масалан, нафас олиш, сийдик ажралаши, қон ишлаб чиқарилиши ва айланиши, бош миянинг ишлаши ва бошқалар ташқи муҳитдаги ҳар хил зарарли таъсиротлардан тегишли ҳолда ҳимояланиб фаолият кўрсатса (масалан, бош мия нафақат кучли зарбалардан бош қутиси туфайли ҳимоя қилинган, балки унга оқиб борадиган қон тегишли филтёр-барьерлардан (гематоэнцефалик барьер) тозаланиб ўтади ёки ўпка, юраклар доимо кўкрак қафаси ҳимоясида ишлайди), ошқозон-ичаклар эса билиб-билмасдан қийин ҳазм бўладиган, хом-хатала ёки бевосита зарар келтирадиган озиқ моддаларни истеъмол қилиш орқали умр давомида қанчадан-

қанча қийинчиликларга дуч келади. Инсон ҳаёти давомида нималарни емайди, ичмайди дейсиз. Бу тизимга тушган таомларнинг ошқозон-ичаклар томонидан уларнинг кераклигини ажратиб қонга ўтказиш (ҳазм қилиш), кераксизини чиқариб ташлаш билан боғлиқ фаолиятни ўта аниқлик билан амалга оширилиши осон жараён эмас. Шунинг учун ҳам гастроэнтрология (ошқозон-ичак тизими фаолиятини ўрганадиган фан тармоғи) тарихига бир назар ташласак, унда танада ҳазм тизимидек ноқулай, қийин ҳолларда ишлайдиган тизим йўқ деб алоҳида қайд қилинганлигини учратамиз. Ушбу тизим нафақат истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш кераклиларини ҳазм қилади, кераксизларини чиқариб юборади, балки организмга ташқаридан бериладиган ҳар қандай таъсиротларга (иссик, совуқ, серхаракатлилик, камхаракатлилик, юқори атмосфера босими, нурланиш, намлик, куруқлик, биоритмлар, шовқин-сурон ва бошқалар), руҳий ва ҳиссий кечинмаларга (асабийлашиш, турли-туман изтироблар чекиш, ўта хафа бўлиш ёки хурсандчилик, тушқунликка тушиш ва бошқалар) ҳам жуда зийрак тизим бўлиб ҳисобланади (1, 5, 7, 8). Айтилган омилларнинг айримлари масалан, муҳитнинг мўътадил ҳарорати, ёқимли куй ва қўшиқлар, енгил-елпи жисмоний фаолият (аста-секин очик ҳавода сайр қилиш), осойишталик унинг фаолиятига ижобий таъсир қилса, бошқалари асабийлашиш, тажовузкорлик, ҳар хил оғир жисмоний иш, давомли ҳаракатсизлик (кўрпа-тўшак режимида ётиш), хафагарчилик ва бошқалар салбий таъсир этади (ич дам бўлади, оғрийди, нажас суюқлашиб кетади ёки қотади, кўнгил айниб, қайт қилинади ва бошқалар) (4, 6).

Маълумки, турли таъсиротларни (оғриқ, иссик, совуқ ва ҳоказо) сезиш нерв толалари (нerv рецепторлари) ва нерв хужайраларининг иши бўлиб, уларни кесиб ёки бузиб ташлаш билан барча сезгилар йўқолади. Агар бақанинг оёғига борадиган нерв толаси (куймич нерви) узилса, шу оёқдаги панжалар ҳеч қандай оғриқни (куйдириш, игна санчиш ва бошқаларни) сезмайди, бир вақтнинг ўзида нерви бутун иккинчи оёқда эса ҳамма сезгилар сақланади. Инсонда ҳам бирон аъзога борадиган (масалан, чап ёки ўнг қўл) сезувчи нерв йўллариининг ёки улар марказининг шикастланиши туфайли шу қўлга игна санчилса-да, ҳеч қандай оғриқни сезмаслик мумкин.

Қатор морфологик ва гистологик текширишлар натижасида шу нарса аниқланганки, ошқозон-ичак тизимида нерв хужайралари ва улардан чиққан нерв толалари бошқа аъзоларга қараганда, анча кўп экан. Шунинг учун ҳам унинг турли-туман ташқи ва ички муҳит ўзгаришларига сезувчанлик даражаси талоқ, буйрақларга қараганда бир неча бор юқори бўлиши табиий. Ичаклардаги барча функционал жараёнлар, жумладан, безлардан ҳазм шираларининг ажралиши, силлик толали мускулларнинг қисқариши боис овқатнинг аралаштирилиши, юқоридан пастга сурилиши, тегишли тонусни ушлаб туриш ҳамда керакли озиқ моддаларнинг қон ва лимфага сўрилиши вегетатив нерв тизимида таллуқли энтерал (энтеро – ичак) соҳа билан бошқариб борилади.

Ошқозон-ичакларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, уларда гормонлар ишлаб чиқарадиган хужайралар ҳам жуда кўп. Академик А.М. Уголевнинг таъкидлашича, бундай хужайраларнинг умумий массаси барча ички секреция безларининг умумий массасидан зиёд бўлиб, улардан 20 дан ортиқ энтерал гормонлар (махсус ичак гормонлари) синтез қилинади (2). Гормонларнинг асосий функцияси эса организмдаги барча ҳаётий жараёнларни бошқариб боришдир. Айтилган энтерин гормонларининг қатор ҳаётий функцияларини идора қилинишида фаол қатнашиши кўпгина физиологик тадқиқотларда исботланган.

Г.Селье томонидан стресс таълимотининг яратилишида, ошқозон-ичак тизими муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Тажриба қўйилган ҳайвон гуруҳларига (бир-бирига геометрал қарама-қарши бўлган) фавқулудда кучли ташқи муҳит омиллари (масалан, бир гуруҳга жуда иссик, иккинчисига совуқ ташқи ҳарорат) таъсир эттирилганида ҳам уларнинг ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак ички деворларида майда тошма ярачалар пайдо бўлган. Худди шундай аҳвол ҳайвонлар организмга захарловчи кимёвий модда (формалин) юборилганида ҳам улар мажбуран югуртирилганида ҳам такрорланган. Бу ердан айтилган стресс омиллар табиатидан қатъи назар қонда кучли ўзгаришга олиб келадиган моддани кўпай-

тириб юборса керак, деган хулосага олиб келади. Кейинчалик, ёш олим ушбу тахминнинг тўғри эканлигини ўз тажрибаларида такрор-такрор текшириб бу модда буйрак усти безидан қонга чиқадиган адреналин гормони миқдорининг кўпайиши эканлигини узил-кесил ҳал қилди. Агар ҳайвон қонига вақти-вақти билан шу гормондан юборилиб турилса, ошқозон-ичакларда айтилган ярачалар пайдо бўлиб, юрак тез ура бошлайди, қон босими кўтарилади ва ҳоказо. Кейинчалик олиб борилган тадқиқотлар қайд қилинган ҳолатларда ўша бездан адреналиндан ташқари яна кортикостероидлар ва бошқа эндокрин безлардан тироксин (қалқонсимон без) адреноректоротроп (гипофиз бези) ва бошқа гормонлар ажралишида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлиши аниқланди. Турли хил стресс омиллар таъсирида айтилган гормонал ўзгаришларнинг юз бериши шунчаки ёки ўз-ўзидан эмаслиги маълум бўлди. Бу билан организм факулудда таъсир қилган омилларга қарши курашиш учун ўзини тайёрлайди. Г.Селье таъбири билан айтганда, организм стресс омилларга қарши курашиш учун оёққа туради, гормонлар миқдорини кўпайтиради. Бу ҳол эса ўз навбатида ошқозон-ичакларнинг меъерий ишлашига салбий таъсир қилади. Яна бир марта таъкидлаб ўтиш жоизки, қайд қилинган ҳолатлар рухий-ҳиссий стресс омиллар (аччиқланиш, асабийлашиш, рухий изтироблар) таъсирида ҳам шу зайлда боради.

Хулоса қилиб айтсак, у ёки бу стресс омилнинг таъсири туфайли олинган жавоб реакциялари (юрак фаолияти, ошқозон-ичак тизими ва бошқа аъзо ва тизимлардаги ўзгаришлар) гормонлар миқдорининг (биринчи навбатда адреналиннинг) ҳамда уларнинг қондаги спектри ўзгаришига боғлиқ. Қайд қилинган ўзгаришлар қанча чуқур бўлса, улар туфайли содир бўладиган стресс реакциялар ҳам шунча кучли бўлади. Бундай ҳолатни Ганс Селье дистресс ёки “ёмон” стресс деб атаган ва унинг организм соғлиги учун хатарли эканлигини эътироф этган. Дистрессни чакирувчи стресс омилларга кўп қон йўқотиш, оғир жароҳатлар, давомли оғир рухий кечинмаларни бошдан ўтказиш, узоқ давом этган очлик, ҳолдан тойдирадиган оғир жисмоний ишга ўхшаш ҳолатлар қиради. Енгил-елпи стресс омилларга (унча оғир бўлмаган жисмоний фаолият, мураккаб бўлмаган ақлий меҳнат, организмни чиниқтириш учун амалга ошириладиган спорт машқлари, кучли бўлмаган иссиқ ва совуқ ҳароратда товланиш ва бошқалар) жавобан бирмунча кўпайган адреналин, қисман ўзгарган гормонлар спектри вужудни тетик сақлайди, иммунитетни кучайтириб, юқумли касалликлардан ҳимоя қилади. Бундай стресс реакцияларини олим эустресс яъни “фойдали стресс” деб атади. Ҳар кимнинг ҳаёти давомида бундай кучли бўлмаган стресс омилларга учраши табиий. Шунинг учун ҳам Г. Селье стрессиз ҳаёт йўқ, фақат эустрессни дистрессга ўтиб кетишидан сақланиш керак деб таъкидлайди (3).

Инсон психологиясида шу нарса мавжудки, у ҳаётидаги барча яхши нарсалар, масалан, дурустгина соғлиғи, кайфияти, организмдаги барча функционал ҳолатлар (қон босими, нафас олиш, еган-ичганининг ҳазм бўлиши ва бошқа кўрсаткичлар) меъерида бўлса, бу нарсаларнинг қандай юз бериши билан қизиқмайди ва улар ўз-ўзидан бўладиган жараёнлар деб бефарқ бўлади. Аслида, бундай ҳолатларнинг асосида муҳит омиллари, масалан, доим тоза ҳаводан нафас олиш, еб-ичадиган нарсаларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан хавфсиз ва етарлилиги, зарарли одатларнинг бўлмаслиги, рухий хотиржамлик ва бошқалар ётади. Маълум сабабларга кўра уларнинг бирортасида ёки икки-учтасида меъеридан четга чиқиш кузатилса, масалан, ортиқча овқат ейилиб, камҳаракатлилиқ юзага келса, шунга яраша сихат-саломатликда салбий ўзгаришлар меъерий ҳазм жараёнининг бузилиши, семириш ва у туфайли қон босимнинг кўтарилиши, юракнинг тез уриши ва бошқалар кузатилганда, “нега бундай бўлди?” каби саволлар пайдо бўлиб, киши безовталана бошлайди. Ушбу саволларга тегишли жавоб топиш ва уларни тўғри ечиш юзага келган муаммоларни бартараф этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кучли асабийлашганда, қаттиқ рухий изтироб чекилганида (буларнинг барчаси кучли эмоционал стресс омил) ёки давомли кучли оғриқ бошдан ўтказилса, тўхтовсиз оғир жисмоний меҳнат қилинса, ошқозон-ичак силлиқ мускуллари кучли сиқилиб (қисқариб) қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши, ўз-ўзидан ич кетиши, баъзан эса бунинг аксича ич қотиши мумкин. Ушбу ҳолатларнинг асосий сабабчиси, айтиб ўтилганидек, стресс омил туфайли қонда адреналин миқдорининг ошиб кетиши ёки одатдаги гормонлар спек-

трининг бузилишидир. Бундай ўзгаришлар қоринни дамлатиб, кимдадир ич оғриқ чақиради, иккинчи бировда ични суюлтириб юборади, учинчи кишида эса ич қотиш юз беради.

Ушбу нохушликлардан қутулишда мутахассис маслаҳатини олиш билан бир қаторда, даставвал, таъсир этаётган стресс омиллар бартараф қилиниши керак. Масалан, беморни стресс ситуациядан, руҳий психологик йўл билан чиқариш, жисмоний зўриқишларнинг олдини олиш ва бошқалар.

Ошқозон-ичакларда юз берадиган бундай хасталиклар кўп ҳолларда тўғридан-тўғри (бевосита) юз бериши ҳам мумкин. Масалан, овқатдан заҳарланиш, овқатланиш тартибининг (режимининг) бузилиши, аралаш-қуралаш овқатланиш, кўнгилга ёқмайдиган таомларни истеъмол қилиш ва бошқалар. Бундай ҳолларда, албатта, дори-дармонлар билан даволашни биринчи ўринда туради. Стресс омиллар туфайли ошқозон-ичак тизимидан айтиб ўтилган нохушликлардан қутулишда яна қуйидагиларга эътибор қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

– кучли стресс омил таъсири тарқалмагунча, яхшиси, овқатланмаслик, фақат тоза сув ичиб, ўзликни ҳовурдан тушириш;

– иложи борича ҳар қандай ташқи муҳит шароитида ҳам, овқатланилгандан кейин ётиб олмасдан тегишли равишда кийинган ҳолда очик ҳавода ўртача 30 дақиқа сайр қилиш;

– ёғли, гўшти таомлар ўрнига ҳар хил салатлар, мева-чевалар, тарвуз, бодринг каби полиз ва сабзавот маҳсулотлари истеъмол қилиш.

Кўпинча бундай вақтларда иштаҳа соатлаб йўқолиши мумкин, шундай бўлганида кам-кам тоза сув ичиб туриш фойда беради.

Айрим пайтлари эса иштаҳа “карнай” бўлиб, тўғри келган таомни киши еяверади. Ушбу вазиятда ирода кучини ишга солиб, киши ўз-ўзига тасалли берса, ноқулай ҳолатдан чиқишга ёрдам беради.

Юқорида турли-туман стресс омиллар ва улар таъсирида ошқозон-ичак тизимида кузатиладиган морфо-функционал ўзгаришлар ҳақида фикр юритдик. Уларни эътибордан узоқлаштирмаслик ҳозирги пайтдаги тобора жадаллашиб ва мураккаблашиб бораётган ҳаёт йўлларида муваффақиятли ўтишда, сиҳат-саломатликни муҳофаза қилишда, серунум меҳнат қилишимизда ва узоқ мазмунли ҳаёт кечиримизда асқотади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Физиология пищеварения. Руководство по физиологии. – Ленинград: Наука, 1974. – 762 с.
2. Уголев А.М. Энтеринная (кишечная гормональная) система. – Л., 1978. – 316 с.
3. Селье Г. Стресс без дистресса. – Рига, 1992, – 109 с.
4. Курбанов Ш.К. Кишечное пищеварение при гипердинамии. Дисс. ... докт. биол. наук. – Москва, 1981. – 438 с.
5. Курбанов Ш.К. Овқатланиш маданияти. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 206 б.
6. Kuckarova L.S., Qurbonov Sh.Q. Ovqat hazm qilish va ovqatlanish fiziologiyasi. – Toshkent, 2013. – 384 b.
7. Qurbonov Sh., Qurbonov A. To'g'ri ovqatlanish qoidalari. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2014. – 214 b.
8. Курбанов Ш.К., Юлдашев Р., Курбанов А. Тўғри овқатланиш – саломатлик гарови. – Қарши, 2014. – 207 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳар хил стресс омилларга жавобан ич қотиши, ўтиши ҳамда оғриши каби стресс реакцияларнинг қисқача моҳияти баён қилинган. Яна рационал овқатланиш билан қайд қилинган айрим нохушликларни бартараф қилиш йўллари тавсия сифатида келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье дана краткая характеристика сущности стрессовых реакций, таких как запор, понос, боль и др. со стороны желудочно-кишечного тракта в ответ на различные стресс-факторы. Приведены некоторые рекомендации по устранению этих явлений путём рационализации питания.

SUMMARY

In the article the essence of stress reactions of gastrointestinal system in response to various stress factors such as constipation, diarrhoea, pain and others is shortly characterized. Some recommendations on prevention of these phenomena by rationalization of nutrition are given.

ДОРИВОР ВАЛЕРИАНАНИНГ (*VALERIANA OFFICINALIS L.*) ОНТОГЕНЕЗ ДАВРЛАРИ

Абдуназаров Э.Э. (ТерДУ)

Таянч сўзлар: гипокотиль, эпикотиль интродукция, доривор ўсимлик, онтогенез, латент даври, виргинил давр, генератив даври, сенил даври.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, 60 фоиз доривор воситаларнинг келиб чиқиши табиий доривор ўсимликлардан ҳисобланади. Демак, табиий доривор ўсимликларни асраш ва уларни кўпайтириш, янги тур доривор ўсимликларни интродукция қилиш, иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда мослаштириш ва бу доривор ўсимликларни плантацияларини ташкил этиш энг долзарб масалаларидан биридир [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда республика фармацевтика тармоғини янада ривожлантиришни, ички бозорни сифатли ва самарали маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлдиришни, импортнинг ўрнини босувчи дори препаратлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлаш деб кўрсатилган [1].

Юқорида келтирилган муаммоларни инобатга олган ҳолда, халқ табобати ва расмий тиббиётда кенг фойдаланиладиган ўсимликлардан бири бўлган *Valeriana officinalis L. s. l.*, ни объект сифатида танлаб олдик. Бу тур Россия, Украина, Белоруссия, Молдова ва Кавказнинг тоғли ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, унинг илдиз ёки илдизпоя хомашёсини табиий ҳолда тарқалган ҳудудлардан йиғиштириб Республикамизга олиб келиш қимматга тушади. Шу сабабли бу муаммони ҳал қилиш мақсадида Тошкент воҳаси шароитида *V. officinalis* ни онтогенез даврларини ўрганиш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб бордик.

Латент даври. Уруғларнинг унувчанлиги – ўсимликларнинг уруғдан кўпайиши ва тикланиши, турнинг тақдирини ҳал қилувчи ҳамда уруғ сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади [3].

V. officinalis меваси оч-кўнғир ёки жигар ранг, уруғи чўзиқ тухумсимон, узунлиги 2,5–5 мм. Уруғининг учки қисмидаги ингичка кокиллари 10 та узун қирқилган тукчалардан иборат. Улар оч сариқ рангда. Абсолют уруғнинг оғирлиги 0,4–0,6 г.

Адабиётларда *V. officinalis* уруғларининг унувчанлик хусусиятини бир неча йил давомида сақлаб қолиши тўғрисида маълумотлар мавжуд [3].

Виргинил даври. Биз дастлаб *V. officinalis* уруғларининг унувчанлик хусусиятларини лаборатория шароитида кузатдик. Кузатишлар бир, икки ва уч йил сақланган уруғларда олиб борилди. Термостатда ҳарорат 10–13°C да бир йил сақланган уруғларнинг 19 кун давомидаги унувчанлиги 25,2±2,2 фоизни ташкил этди. Ҳарорат 15–18°C да сақланган уруғларнинг 16 кун давомидаги унувчанлиги 52,3±2,5 фоизни ташкил этди. Ҳарорат 20–23°C га кўтарилганда,

1-жадв.

***Valeriana officinalis L.* уруғларининг лаборатория шароитида унувчанлиги (n=400)**

Сақланиш муддати, йиллар	Ҳарорат, °C	Унувчанлик,* фоиз	Униш даври, кун	Униш энергияси
1	10-13	25,2±2,2	19	1,3
	15-18	52,3±2,5	16	3,3
	20-23	90,5±1,5	14	6,5
2	10-13	19,5±2,0	22	0,9
	15-18	40,4±2,5	20	2,02
	20-23	65,0±2,4	18	3,6
3	10-13	12,2±1,6	23	0,5
	15-18	20,8±2,0	21	1,5
	20-23	48,0±2,5	20	2,4

14 кун давомидаги уруғларнинг унувчанлиги $90,5 \pm 1,5$ фоизгача кўтарилди. Бу кўрсаткичлар икки ва уч йил сақланган уруғларда эса тегишли ҳолда, $10-13^\circ\text{C}$ да $22-23$ кун, $19,5 \pm 2,0-12,2 \pm 1,6$ фоиз; $15-18^\circ\text{C}$ да $20-21$ кун, $40,4 \pm 2,5-20,8 \pm 2,0$ фоиз; $20-23^\circ\text{C}$ да $18-20$ кун, $65,0 \pm 2,4-48,0 \pm 2,5$ фоизни ташкил этди (1-жадвал).

Демак, *V. officinalis* уруғларини узок вақт сақлаш унинг униш қобилиятини пасайтиради.

Уруғларнинг унувчанлиги дала шароитида ўрганилганда дастлаб уруғ унувчанлигини кузатишда уларнинг соя ва қуёш экспозицияси, экиш муддати (бахор, ёз) ва уруғни тупроққа экиш чуқурликлари (тупроқ юзаси, 0,2 см 0,5 см) бўйича вариантлар танлаб олинди. Кузатишлар давомида ҳаво ва тупроқ ҳарорати ҳам аниқлаб борилди.

Эрта баҳорда (март) соя экспозицияда ҳаво ҳарорати $14,0^\circ\text{C}$ ва тупроқ ҳарорати $10,5^\circ\text{C}$ ни ташкил этганда, тупроқ юзасида экилган уруғларнинг унувчанлиги $18,7 \pm 2,3$ фоиз, 0,2 см тупроқ чуқурлигида $24,0 \pm 2,5$ фоиз ёки 0,5 см қатламда $20,6 \pm 2,3$ фоиз кузатилди. Апрель ойида эса ҳаво ҳарорати $15,6^\circ\text{C}$ ва тупроқ ҳарорати $11,8^\circ\text{C}$ ни ташкил этганда, тупроқ юзасига экилган уруғларнинг унувчанлиги $21,2 \pm 2,4$ фоиз, 0,2 см тупроқ чуқурлигида $27,3 \pm 2,6$ фоиз ва 0,5 см тупроқ чуқурлигида $23,0 \pm 2,4$ фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар май ойида (ҳаво ҳарорати $20,7^\circ\text{C}$ ва тупроқ ҳарорати $16,0^\circ\text{C}$) тегишли ҳолда $23,0 \pm 2,4$ фоиз, $30,8 \pm 2,7$ фоиз, $25,2 \pm 2,5$ фоиз қайд этилди. Уруғ унувчанлиги, ёз ойларида (июлда ҳаво ҳарорати $31,7^\circ\text{C}$ – тупроқ ҳарорати $25,7^\circ\text{C}$ ёки августда ҳаво ҳарорати $30,5^\circ\text{C}$ – тупроқ ҳарорати $24,1^\circ\text{C}$) тупроқ юзасида $34,0 \pm 2,7-30,4 \pm 2,6$ фоиз, 0,2 см тупроқ чуқурлигида $60,0 \pm 2,8-56,6 \pm 2,9$ фоиз, ва 0,5 см да $50,0 \pm 2,9-47,3 \pm 2,9$ фоиз қайд этилди. Кузда экилган (ноябрь) уруғлар келгуси йил февраль ойида униб чиқа бошлади (2-жадвал). Қуёшли экспозициясида экилган уруғлар униб чиқмади.

Тажрибалар натижасига кўра, ёзги муддатда (июль, август) соя экспозициясида 0,2 см тупроқ чуқурлигида экилган уруғларнинг унувчанлиги юкори бўлганлиги кузатилди. Ҳаво ва тупроқ ҳароратининг зарур меъёр ($30-25^\circ\text{C}$) га етиши уруғ унувчанлигига ижобий таъсир этади ва бу унувчанлик кўрсаткичининг ортишига сабаб бўлади, деган хулосага келдик.

2-жадв.

Valeriana officinalis L. уруғларининг униб чиқиш биологияси (n=300)

Экиш муддати	Ойлар	Ўртача ой ҳаво ҳарорати, °C	Ўртача ой тупроқ ҳарорати, °C	Уруғларни экиш чуқурлиги ва унувчанлик кўрсаткичлари, фоиз		
				тупроқ юзаси	0,2 см	0,5 см
Баҳор	март	14,0	10,5	$18,7 \pm 2,3$	$24,0 \pm 2,5$	$20,6 \pm 2,3$
	апрель	15,6	11,8	$21,2 \pm 2,4$	$27,3 \pm 2,6$	$23,0 \pm 2,4$
	май	20,7	16,0	$23,0 \pm 2,4$	$30,8 \pm 2,7$	$25,2 \pm 2,5$
Ёз	июль	31,7	25,7	$34,0 \pm 2,7$	$60,0 \pm 2,8$	$50,0 \pm 2,9$
	август	30,5	24,1	$30,4 \pm 2,6$	$56,6 \pm 2,9$	$47,3 \pm 2,9$
Куз	ноябрь*	12,0	9,8	$16,5 \pm 2,1$	$21,2 \pm 2,4$	$17,3 \pm 2,2$

* униб чиқиши келгуси йил февраль ойида кузатилди.

Майса босқичи. Майсалар фотосинтезни амалга ошириш қобилиятига эга бўлган яшил барглар ва ўз вазифасини бажара оладиган илдиз системасидан иборатдир [4]. Унинг асосий хусусияти уруғ палла барглари сақлашдир. Баъзи ўсимликларда (эфемерларда) уруғпалла барглари генератив давргача сақланиб қолади. Е. А. Кондратьева-Мельвильнинг [4] таъкидлашича, майса босқичи уруғ униб чиқишидан бошлаб, то уруғпалла барглари тўла ёзилишигача ва поянинг шаклланишигача бўлган онтогенезнинг бошланғич босқичидир. Ўсимликлар органларининг ўзаро боғлиқлиги онтогенезда жуда эрта кузатилади [4]. *V. officinalis* майсаларининг ўсиши лаборатория шароитида гипокотилнинг узайиши билан бошланади. Натижада муртақ илдиз уруғ пўстини ёриб чиқади. Бир-бирларига ёндашган иккита уруғпалла барглари хужайраларининг бўлиниши ва чўзилиши натижасида аста-секин ўса бошлайди. Уруғпалла барглари 2–3 кунлик майсаларда уруғ пўстидан ажрала бошлайди.

Шу вақтдан бошлаб, майсаларнинг барча органларининг ўсиши тезлашади. Икки кунлик майсаларда уруғпалла барглар икки томонга ажралади. Уларнинг узунлиги $2,0 \pm 0,2$ мм, эни $1,0 \pm 0,1$ мм га етди. Уруғпалла баргларнинг шакли эллипсимон, учки қисми тўмтоқ ёки бир оз ботиқ, асоси понасимон қирқилган.

Уруғпалла баргларнинг банди япроғига нисбатан тезроқ ўсади ва узаяди. Тўрт кунлик майсаларда уруғпалла баргларнинг узунлиги $2,3 \pm 0,3$ мм, эни $1,6 \pm 0,1$ мм, бандининг узунлиги ўртача $2,5-3,0$ мм га етади. Ўн кунлик майсаларда уруғпалла баргларининг узунлиги ўртача $2,5 \pm 0,2$ мм бўлиб, уруғпалла барглар япроғидан $3,0-3,5$ баравар узунроқ бўлади (3-жадвал).

V. officinalis ўсимлигининг гипокотили ингичка оқ рангда бўлиб, уруғ унган кундан бошлаб, ҳар куни ўртача $1-2$ мм ўсади. Гипокотилнинг секин ўсиши ва қисқа бўлиши, уруғларни тупроққа чуқур экиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Чунки *V. officinalis* нинг уруғини $0,5$ см дан чуқурроққа экилса, уна бошлаган уруғлар ерда чириб кетади. Ўн кунлик майсаларда унинг узунлиги $3,5 \pm 0,3$ мм бўлиб, кейинги кунлари ўсиш секинлашади ва майсалар ўн беш кунлик бўлганда ўсишдан тўхтайти (1-расм).

Майсаларнинг ўсишида барча аъзоларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро коррелятив боғлиқликда бўлиши аниқланди, яъни уруғпалла баргларининг ўсиши гипокотилнинг узайиши билан тўғри коррелятив боғланади. Уруғпалла баргларнинг ўсиши тўхташи билан гипокотил ўсишдан тўхтайти.

Майсаларнинг илдизи бошқа аъзоларга нисбатан тезроқ ўсади. Уч кунлик майсаларнинг илдизлари $7,2 \pm 0,2$ мм ўсиб, унинг шимувчи қисмида илдиз тукчалари пайдо бўлади. Илдиз ҳар куни ўртача $2-3$ мм ўсиб, ўн кунлик майсаларда $15 \pm 1,1$ мм, 20 кунлик майсаларда $30,0 \pm 1,9$ мм га етади. Илдизнинг узайиши унинг чўзилувчи қисми ҳисобига содир бўлади. Илдиз тукчаларининг узунлиги турлича бўлади. Илдиз бўғзига яқин жойда жойлашган илдиз тукчалари узунроқ ва зич бўлади (1-расм). Чунки бу ерда ҳар бир ризодерма хужайралари бараварига шимувчи тукчаларни ҳосил қилади. Шимувчи қисмининг пастки томонида пайдо бўлган тукчалар узунасига ўсмайди, илдизининг учки қисми илдиз қини билан ўралган.

Майсалар ўн беш кунлик бўлганда учки куртак ҳаракатга келиб, бошланғич баргларнинг бўртмалари пайдо бўла бошлайди. Бу вақтда уруғ палла барглар ва бандларининг ўсиши секинлашади.

Ювенил босқичи. Йигирма кунлик майсаларда уруғпалла барглар ўсишдан тўхтайтиди, учки куртақдан ассимиляция қилувчи биринчи барг пайдо бўлади, эпикотил яхши ривожланмайди. Чунки поянинг бошланғич бўғимлари жуда қисқа бўлиб, навбатдаги барглар бирин-кетин шаклланади (1-расм).

Ўттиз кунлик майсаларнинг учки куртақидан иккинчи барглар пайдо бўла бошлаганда, уруғпалла барглар тугунига яқин жойида ёки гипокотилнинг юқори қисмида $2-3$ та илдиз поялар пайдо бўлиб, ўсади. Улардан ўртача $1-3$ тагача ён шохчалар ўсиб чиқади. Асосий илдиз секин-аста ўсишдан тўхтайтиди. Илдизпояларнинг пайдо бўлиши билан учки куртақдан ҳосил бўлган янги баргларнинг ўсиши тезлашади. Майса босқичида аъзоларнинг ўзаро бундай боғланиши Е.А.Кондратьева-Мельвиль [5] нинг ишларида ҳам кузатилган. Қирқ кунлик майсаларда асосий илдиз ўсишдан тўхтайтиди. Уруғпалла барглар тугуни ва гипокотилнинг юқори қисми йўғонлашади. Унда пайдо бўлган $3-4$ илдиз поялар жадал ўсиб шохланади.

Ўттиз кунлик майсаларда иккита, қирқ кунлик майсаларда учта барг пайдо бўлиб, тўртинчи барг шакллана бошлайди. Ассимиляция қилувчи барглар шакли ва ўлчамлари жиҳатидан уруғпалла барглардан кескин фарқ қилади. Бу барглар кенг тухумсимон ёки доира шаклда, чеккалари тўлқин ёки сал қирқилган, асоси думалоқ, барг банди узун бўлади.

Уруғлар униб чиққан кундан шаклланган илдиз системаси тез суръатлар билан ўсади ва майсаларнинг тупроққа мустаҳкам ўрнашишига ва уларнинг намлик билан таъминлашига ёрдам беради.

Майса даврида *Valeriana officinalis* L. аъзоларининг ўсиш динамикаси (мм)

Кунлар	Уруғпалла барг		Гипокотил	Илдиз
	узунлиги	эни		
1	–	–	0,7±0,1	0,5±0,1
2	2,0±0,2	1,0±0,1	2,3±0,3	2,5±0,2
3	2,0±0,2	1,2±0,1	2,3±0,3	7,2±0,2
4	2,3±0,3	1,6±0,1	2,5±0,2	8,1±0,3
5	2,3±0,1	1,7±0,3	2,7±0,3	11,0±0,4
10	2,5±0,2	1,8±0,2	3,5±0,3	15,0±1,1
15	2,7±0,3	2,1±0,1	3,5±0,3	20,0±1,9
20	4,5±0,4	3,0±0,3	3,5±0,3	30,0±1,9
30	–	–	–	35,0±2,1
40	–	–	–	38,0±2,5

Шундай қилиб, *V. officinalis* уруғларининг униб чиқиши эпигеал типда бўлиб, новдаси қисқарган, барглارнинг пояда жойлашиши кетма-кет, барглари оддий доира шаклида, барг банди узун. *V. officinalis* нинг илдиз системаси илдиз поялардан ва кўшимча илдизлардан ташкил топган.

Имматур босқичи. 3–4 оддий баргдан сўнг 3–4 та мураккаб барглари пайдо бўлиб, уларда 13 тагача сегментлар ҳосил қилади. Бу босқичда илдизларнинг узунлиги 8,6±0,3 см га етди. Ер остки аъзоси илдизпоядан ва кўшимча илдизлардан ташкил топган (2-расм).

Вояга етган виргинил ўсимлик поясида 5 жуфт мураккаб барглари ва ҳар бирида ўртача 11–15 тагача сегментлар ҳосил бўлганлиги қайд этилди. Ўсимликнинг бўйи 75±1,2 см ва илдизларнинг узунлиги 23±1,0 см ни ташкил этди.

Генератив даври. *V. officinalis* табиий шароитда вегетациянинг иккинчи йилидан генератив даврга кириши [6].

Интродукция шароитида ўсимлик ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб генератив даврга кириши кузатилди. Биринчи вегетация йилида поянинг баландлиги 80±2,1 см, илдизнинг узунлиги 27±1,0 см га етди. Биринчи вегетация йилнинг охирида ер устки қисми қуриб қолади. Иккинчи вегетация йилида поянинг баландлиги 125,8±2,9 см, илдизнинг узунлиги 37,0±1,5 см бўлиб, бу кўрсаткичлар учинчи вегетация йилида 95,2±2,0 см ва 33±1,4 см га етди (2-расм). Илдиз системаси попуксимон типда. Генератив давр 60–70 кунни ташкил этди. *V. officinalis* интродукция шароитида учинчи йилдан кейин субсенил даври бошланади.

1-расм.

Valeriana officinalis L. нинг виргинил ва генератив даврлари




Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, *V. officinalis* нинг уруғлари лаборатория шароитида 5–8 кун ичида 90–95 фоиз униб чиқиб, унувчанлик учун қулай ҳарорат 20–23°C ҳисобланади. Дала шароитида эса уруғларнинг униши учун оптимал шароит ёз ойларида (июл, август) соя экспозициясида ва тупроқ чуқурлиги 0,2 см да экилганда уруғларнинг унувчанлиги 8–10 кун миқдори 56,6±0,85-60±2,58 фоиз ташкил этиб, қулай ҳарорат 30°C ҳисобланади. Уруғлари унувчанлик қобилятини 3 йилгача сақлаб қолади.

V. officinalis нинг жадал ўсиши виргинил даврининг бошланғич босқичларига тўғри келади. Виргинил даврининг давомийлиги 50–60 кун ва генератив даври 60–70 кунни ташкил этди. Кузги муддатда экилган ўсимликларда генератив аъзоларининг сони баҳорги муддатда экилган ўсимликларга нисбатан кўпроқ бўлади. Бунга сабаб уларнинг қиш даврида субстратга мослашганлиги, баҳорда эса бақувват ўсимликларнинг шаклланганлигидадир.

2-расм.

Valeriana officinalis L. нинг виргинил ва генератив даврлари



Фойдаланилган адабиётлар

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О программе модернизации технического и технологического перевооружения предприятий фармацевтической отрасли на период до 2021 года» ПП-2911 // Народное слово. – от 20 апреля 2017 года.
2. Адекенов С. М. Современное состояние и перспективы производства отечественных фитопрепаратов и биотехнологической продукции для медицины // Фармация Казахстана. – Алматы, 2003. – № 2. – С. 21–22.
3. Василевская В.К. Анатомическое строение зародыша и проростков некоторых травянистых растений // Вестн. ЛГУ. Сер. биол. 1959. – №3. – С. 5–19.
4. Илиева С.А. Лекарственные культуры. – София, 1971. – 200 с.
5. Кондратьева–Мельвиль Е.А. Закономерности развития структуры проростков травянистых двудольных // Труды Ленинградского общ-ва естест воиспытат. 1969. Т. 71. вып. 3. – 48 с.
6. Серебряков И.Г. Морфология вегетативных органов высших растений – М.: Наука. 1952. – С. 195–219.

РЕЗЮМЕ

Мақолада доривор валериан онтогенезининг турли фазаларида ўсиш ва ривожланиш биологиясини ўрганиш натижалари келтирилган. Доривор валериананинг вегетация даври март ойи бошидан ноябрь ойининг ўртасигача давом этиши аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся результаты изучения биологии роста и развития валерьяны лекарственной на разных фазах онтогенеза. Выявлено, что вегетационный период валерьяны лекарственной продолжается с начала марта до середины ноября.

SUMMARY

The article gives the results of studying the biology of growth and development of *Valeriana officinalis* in different phases of ontogenesis. It is shown that the vegetation period of *Valeriana officinalis* continues from early march to mid-november.

Наишга проф. Л.Ўзиев тавсия этган

ДИАГНОСТИКА ЦЕННОСТИ ДЛИТЕЛЬНО ЦВЕТУЩИХ ОДНОЛЕТНИХ РАСТЕНИЙ В АРИДНЫХ УСЛОВИЯХ КАРШИНСКОГО ОАЗИСА

Саматова Ш.А., Каттабоева Г.С. (КарГУ)

Ключевые слова: аридная зона, интродукция, однолетники, региональная шкала, жароустойчивость, засухоустойчивость

Крайне жесткие климатические условия Каршинского оазиса, отличающиеся аридностью, напряженностью ветрового режима (суховеи, пыльные бури) в летние месяцы, обуславливают низкий интродукционный отбор растений. Очень остро стоит проблема диагностики перспективности растений для интродукции. Разработанные по данному вопросу шкалы, в основном, предназначены для лесных и лесостепных природных зон [1, 2] и мало подходят для аридного климата. Большинство из них разработаны для деревьев и кустарников, а также очень высокий приоритет отдают показателю «зимостойкости», который в аридной среде обитания не может рассматриваться в качестве основного. В связи с этим, перед нами возникает проблема определения интродукционной ценности длительно цветущих однолетних растений для озеленения в солнечных условиях Каршинского оазиса.

Результаты анализа многолетних биоэкологических свойств коллекционных видов показали, что в список перспективных для условий Каршинского оазиса длительно цветущих однолетних растений можно включать только растения из субтропических и тропических стран. Для них в условиях Каршинского оазиса основным нерегулируемым лимитирующим фактором является очень высокая атмосферная засуха в весенне-летний период. Исходя из этого, с наряду первичной оценкой на декоративные и хозяйственно-биологические качества, следует отдельно оценить их на жаро- и засухоустойчивость. Для этой цели нами разработана шкала (табл. 1), при составлении которой принимались во внимание особенности природно-климатических условий Каршинского оазиса, опыт интродукционных исследований в регионе, результаты анализа среднеголетних биоэкологических свойств коллекционных видов и шкалы, разработанные в других ботанических центрах [3,4, 5].

Табл.1.

Региональная шкала оценки жаро- и засухоустойчивости длительно цветущих однолетних растений для аридных территорий Узбекистана

Группа	Степень жаро-и засухоустойчивости	Показатели
I	Очень низкая	Наблюдается преждевременное засыхание надземных вегетативных частей больше 50% растений на цветнике
II	Низкая	Растения затормаживаются в росте. Наблюдается засыхание листьев в зеленом состоянии, бутонов, цветков и завязей, их осыпание. Засыхание побегов первого и второго порядка. Растения с трудом восстанавливаются. Теряют декоративность.
III	Средняя	Частичное пожелтение листьев. Потеря тургора листьев. Осыпание весенних листьев. Слабое формирование репродуктивных органов (в конце июля - начале августа снижается обилие цветения в 2-2,5 раза), незревание семян в летние месяцы. Растения восстанавливаются.
IV	Высокая	Утрата тургора листьев в дневные часы. Снижение обилия цветения в конце июля – начале августа в 1-1,5 раза.
V	Очень высокая	Растения почти не реагируют на жару и засуху. Заметных повреждений не наблюдаются.

Ниже приводим список перспективных для условий Каршинского оазиса длительно цветущих однолетников, которые прошли первичную оценку на декоративные и хозяйственно-биологические качества (табл. 2). Все виды в списке считаются солнцелюбивыми.

Среди испытанных растений 5 видов (*Zinnia linearis*, *Gazania hybrida*, *Brassica oleracea*, *Verbena hybrida*, *Euphorbia marginata*) получили высокую оценку. При нормальном орошении, даже в самые жаркие дни растения этой группы почти не теряют декоративность. Их можно рекомендовать для открытых мест Каршинского оазиса.

Такие виды, как *Ageratum houstonianum*, *Z. marylandica*, *Tagetes patula*, *Jacobaea maritima*, *Celosia cristata*, *C. argentea f. plumosa*, *Gomphrena globosa*, *Cleome hassleriana*, *Catharanthus roseus*, *Salvia splendens*, получившие среднюю оценку, рекомендуется сажать в местах, где интенсивность освещения составляет примерно 0,65-0,75% от полного дневного света, куда солнечные лучи попадают в начале и в конце дня, когда они не такие палящие.

К группе низкой жаро-засухоустойчивых в аридных условиях растений относится *T. erecta*, которую рекомендуется сажать в таких местах, куда солнечные лучи попадают в первой половине дня.

Табл.2.

Список и оценка жаро-и засухоустойчивости перспективных длительно цветущих однолетников для условия Каршинского оазиса

№	Латинское название вида	Русское название вида	Происхождение	Оценка устойчивости к жаре и засухе
1.	<i>Ageratum houstonianum</i>	Агератум мексиканская (долгоцветка)	Центральная и Южная Америка	Средняя
2.	<i>Brassica oleracea f. laciniata hort.</i>	Капуста огородная кудрявая, декоративная	По берегам Средиземноморья	Высокая
3.	<i>Catharanthus roseus</i>	Катарантус розовый	Юго-Восток Мадагаскара	Средняя
4.	<i>Celosia cristata</i>	Целозия гребенчатая	Индия	Средняя
5.	<i>C. argentea f. plumosa</i>	Целозия серебристая перистая	Восточная Индия	Средняя
6.	<i>Cleome hassleriana</i>	Розовая королева	Аргентина, Парагвай, Уругвай, юго-восток Бразилии	Средняя
7.	<i>Euphorbia marginata</i>	Молочай окаймлённый	Степи и прерии Северной Америки	Высокая
8.	<i>Gazania hybrida</i>	Газания гибридная	Южная Африка, Мозамбик (Кап)	Высокая
9.	<i>Gomphrena globosa</i>	Гомфрена шаровидная	Гватемала, Панама	Средняя
10.	<i>Jacobaea maritima</i>	Крестовник пепельный	Средиземноморье	Средняя
11.	<i>Petunia ×hybrida hort.</i>	Петуния гибридная	Бразилия	Очень низкая
12.	<i>Salvia splendens</i>	Сальвия блестящая	Бразилия	Средняя
13.	<i>Tagetes erecta</i>	Бархатцы африканские	Сосново-дубовые леса Мексики	Низкая
14.	<i>T. patula</i>	Бархатцы французские	Горные районы Мексики	Средняя
15.	<i>Verbena hybrida</i>	Вербена гибридная	Север Южной Америки	Высокая
16.	<i>Zinnia marylandica</i>	Цинния мэрилэндская	Мексика	Средняя
17.	<i>Z. linearis</i>	Цинния линейная	Мексика	Высокая

Голландские сорта *Petunia ×hybrida* из группы Флорибунда, у которых в полутени снижаются декоративные качества, надо убрать из списка длительно цветущих растений для озеленения солнечных мест аридных территорий Узбекистана.

Среди изученных длительно цветущих однолетников нет видов с высокой устойчивостью к жаре и засухе.

Литература

1. Лапин П.И., Сиднева С.В. Оценка перспективности интродукции древесных растений по данным визуальных наблюдений // Опыт интродукции древесных растений. – М.: ГБС АН СССР, 1973. – С. 7–67.
2. Косаев М.Н. Оценка перспективности интродукции древесных растений // Методики интродукционных исследований в Казахстане. Алма-Ата, 1987. – С. 37-45.
3. Пятницкий С.С. Оценка селекционного материала по засухоустойчивости // Практикум по лесной селекции. М., 1961. – С. 78-102.
4. Таран С.С., Колганова И.С. Методологические аспекты оценки результатов интродукции древесных растений для целей озеленения // Фундаментальные исследования. – 2013. – № 11-9. – С. 1892-1896.
5. Флоря В.Н. Интродукция и акклиматизация растений в Молдавии (лекарственные, витаминноносные, медоносные). – Кишинев, 1987. 296 с.

РЕЗЮМЕ

В статье приводится региональная шкала оценки жаро-засухоустойчивости длительно цветущих однолетних растений, разработанная для аридных территорий Узбекистана, и результаты оценки устойчивости интродуцированных в условия Каршинского оазиса растений к жаре и засухе.

SUMMARY

The article presents the developed regional scale for assessing the heat-drought resistance of long-flowering annual plants for arid territories of Uzbekistan and the results of assessing the stability of plants introduced to the conditions of the Karshi oasis to heat and drought.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистоннинг қурғоқчил ҳудудларида давомли гуллайдиган бир йиллик ўсимликларнинг иссиққа ва қурғоқчиликка чидамлилигини аниқлаш учун ишлаб чиқилган минтақавий шкала ва Қарши воҳаси шароити учун истикболли турларнинг иссиққа ва атмосфера қурғоқчилигига нисбатан бардошини аниқлаш натижалари келтирилган.

Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым

О ВЫРАЩИВАНИИ ТОВАРНОГО КАРПА В САДКАХ РЫБОВОДНЫХ ПРУДОВ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

Юлдашов М. А. (Научно-исследовательский институт рыбоводства, Узбекский Научно-производственный центр)

Ключевые слова: *рыба, кормовая база, кормовой коэффициент, кормовая база, биомасса, корреляционный анализ.*

В Узбекистане производство рыбы увеличили с 6-9 тысяч т/год (1994-2009) до более 100 тысяч т/год в 2017. Для дальнейшего существенного увеличения производства рыбы необходимо освоить новые технологии, самым перспективным является производство рыбы в плавучих садках. Целью данной работы было изучение возможности выращивания карпа в садках в экстенсивных условиях в прудах с поликультурой карповых рыб (Сборник, 1986).

Исследования проводили 10–25 июля 2011 г. в Ташрыбопитомнике. Садки (1 м³) установили в пруду с внесением удобрений, согласно технологии для формирования богатой естественной кормовой базы. Среднесуточная температура воды была 27,9-29,1°C. В садки посадили двухлеток карпа (массой тела 150 – 346 г) с плотностью посадки 3, 8, 13 рыб/м³. Дополнительно в садки вносили гранулы из простой кормосмеси в составе: отруби пшеницы – 60 %, азолла – 15 %, зеленые части топинамбура – 15 %, фарш из сорной рыбы – 10 %. Азоллу, в изобилии растущую в прудах и каналах, собирали утром в каналах, отряхивали от воды и через 10-30 минут перемалывали в пасту. Зеленые части топинамбура срезали утром, перемалывали до пастообразного состояния. Отруби пшеницы дробили в крупку. В прудах ловили сорную рыбу и целиком перемалывали. Все ингредиенты смешивали в пропорции до однородной пасты и делали гранулы в мясорубке, отвешивали необходимое количество и вносили в садки. Рацион во всех садках был 10 % от биомассы рыб в сутки. Корм вносили утром в 9.00, один раз в сутки. Отхода рыб не было ни в одном из садков.

За 15 дней общая биомасса рыб выросла во всех садках (табл. 1). Однофакторный дисперсионный анализ показал достоверное влияние плотности посадки на прирост биомассы ($rDW-W1 = -0.33$) (рис.1). Средняя индивидуальная масса тела рыб выросла с 200–346 г до 208–352 г. В тех садках, где рост индивидуумов был быстрее, был больше рост биомассы рыб ($rDW-dw = 0,76$) (рис. 1), зависимость показателей достоверно описывает уравнение регрессии: $DW = 2,93*dw+33,97$ (где DW – прирост общей биомассы рыб, г; dw – прирост массы тела рыб, г).

Кормовой коэффициент варьировал в пределах 2-25 (табл. 2).

Рис.1.

Зависимость величины прироста биомассы карпов в садке (DW) от первоначальной биомассы рыбы (W1) и от прироста средней массы тела рыб (dw)




Табл. 1.

Зависимость прироста биомассы карпа в садках от плотности посадки карпа при экстенсивном выращивании

Первоначальная биомасса рыб, г	Конечная биомасса, г	Прирост биомассы, г
600	760	160
700	780	80
1200	1250	50
1500	1550	50
1700	1730	30
1800	2110	310
4100	4160	60
4500	4580	80

Табл. 2.

Величина кормового коэффициента используемого корма при экстенсивном выращивании карпа

Садок	Плотность посадки, экз./м ³	Кормовой коэффициент
1	3	2
2	3	4
3	8	25
4	8	4
5	8	25
6	8	15
7	13	13
8	13	11

Кормовой коэффициент был выше в садках с большей биомассой рыб, т.е. при экстенсивном содержании карп эффективнее использовал корм в садках с меньшим количеством рыб. Это объясняется определяющим влиянием естественной кормовой базы на рост карпов по сравнению с вносимым кормом. Для такой простой кормосмеси такие низкие значения кормового коэффициента как 2 и 4 невозможны, что показывает определяющее влияние

естественной кормовой базы на рост рыб по сравнению с вносимыми кормами. Корреляционный анализ показал положительную зависимость показателей ($r_{w1-k} = 0,65$).

Рыбоводные пруды в настоящее время имеют продуктивность 20-30 ц/га или 0,1-0,2 кг/м³. В прудах можно устанавливать садки и зарыблять карпом. Анализ показал, что при использовании простых кормов в садках с меньшей плотностью посадки рыбы выросли больше индивидуально и по общей биомассе, т.е. в густонаселенных садках большое количество рыб съедало естественную кормовую базу (и голодало) быстрее, чем в малонаселенных. Опыт показал, что садки, установленные в хорошо удобряемом пруду с богатой кормовой базой, выгодны. В нашем опыте плотность посадки составляла 1-4,5 кг/м³, т.е. в 5 – 25 раз выше продуктивности пруда. При этом в самом пруду была обычная поликультура толстолобиков, карпа и белого амура, т.е. садки дали добавочную продукцию. В экстенсивных условиях велико влияние естественной кормовой базы. В этом случае более редкая плотность посадки позволяет обеспечивать более быстрый рост рыб как индивидуальный, так и биомассы. При более плотной посадке рыбы быстро выедают попадающую в садок кормовую базу и голодают. Ориентировочно, более хорошие результаты показали плотности посадки до 1 кг/м³ при экстенсивном выращивании.

Литература

1. Сборник нормативно-технологической документации по товарному рыбоводству. Том 2. – Москва: Агропромиздат, 1986. – 317 с.
2. Камиллов Б.Г., Курбанов Р.Б., Салихов Т.В. Рыбоводство (разведение карповых рыб в Узбекистане). – Ташкент: Chinark INK, – 2017. – 88 с.
2. Камиллов Б.Г., Мирзаев У.Т., Мустафаева З.А. Садковая аквакультура – перспективная система разведения рыб в Узбекистане. – Ташкент: Навруз, 2017. – 63 с.

РЕЗЮМЕ

Садки (1 м³), установленные в рыбоводном пруду с поликультурой карповых рыб, зарыбили двухлетками карпа (150 – 346 г) плотностью 3, 8, 13 рыб/м³ и вносили гранулы из простой кормосмеси (отруби пшеницы – 60 %, азолла – 15 %, зеленые части топинамбура – 15 %, фарш из сорной рыбы – 10 %). За 15 дней в садках, где был быстрее рост индивидуумов, был больше рост биомассы рыб ($r_{DW-dw} = 0,76$). В садках с меньшей плотностью посадки рыбы выросли больше индивидуально и по общей биомассе ($r_{DW-w1} = -0,33$), т.е. в густонаселенных садках большое количество рыб съедало естественную кормовую базу (и голодало) быстрее, чем в малонаселенных. Плотность посадки карпа в садках была 1-4,5 кг/м³, т.е. в 5 – 25 раз выше продуктивности пруда. Более высокие результаты показали плотности посадки до 1 кг/м³ при экстенсивном выращивании.

РЕЗЮМЕ

Карп балиғи поликультура шароитида ўстирилайтган балиқ хўжалигида ўрнатилган қафас мосламаларига (1 м³) икки ёшлиқ (150 – 346 гр оғирликдаги) бир м³ жойга 3,8,13 та балиқ тиғизлигида ўтказдик ва оддий омукта ем гранулалари (60 фоиз - буғдой,15 – азолла (сув ўсимлиги), 15 фоиз - топинамбур ўсимлигининг яшил танаси, 10 фоиз - хашаки балиқлар қиймаси) билан боқилди. 15 кун давомида қафасдаги балиқлардан айрим тез ўсанларининг биомассаси ҳам юқори бўлди ($r_{DW-dw}=0,76$). Кичик тиғизликда ўсаётган балиқлар индивидуал жиҳатдан ва умумий биомассаси жиҳатдан юқори натижа кўрсатишди. ($r_{DW-w1} = -0,33$), яъни қафасда тиғиз жойлашган балиқлар сийрак жойлашганларга қараганда хавзанинг табиий озукасини тез еб қўйиб тез оч қолишди. Қафасларга балиқларни ўтказиш тиғизлиги 1 – 4,5 кг/м³ бўлиб ҳовузлар маҳсулдорлигидан 5 – 25 марта юқори. Экстенсив усулда етиштирганда 1 кг/м³ тиғизликда юқори натижаларни кўрсатишди

SUMMARY

Cages (1 m³), installed in a fishpond with a polyculture of carp fish, stocked two-years old carps (150-346 g) with a density of 3, 8, 13 fish / m³, and pellets were introduced from a simple feed mix (wheat bran – 60 %, azolla - 15 %, green parts of artichoke – 15 %, minced trash fish – 10 %). For 15 days in cages, where the growth of individuals was faster, there was more growth of fish biomass ($r_{DW-dw} = 0,76$). In cages with a lower density of planting, fish grew more individually and by total biomass ($r_{DW-w1} = -0,33$), i.e. densely populated cages, a large number of fishes quickly consumed a natural forage base (and starved) than in sparsely populated. The density of carp planting in the cages was 1-4.5 kg / m³, i.e. in 5 - 25 times higher than the productivity of the pond. Higher results showed a planting density of up to 1 kg / m³ for extensive cultivation.

Рекомендовано к печати доц. Б.Рузиевым

ЎЗБЕКЛАРДА ҚЎЙЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИК ҚАДИМИЙ ЭЪТИҚОД ИЗЛАРИ

(Қашқадарё воҳаси мисолида)

Бўриев О., Бердиев Ж. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: чорвачилик, қўйчилик, эътиқодлар, расм-русумлар, Қашқадарё, ўзбеклар, Чўпон ота, қўзи, қўй, қўчқор, чўлик, чўпон, қўйчивон, отар.

Ўзбек халқида чорвачилик анъанавий хўжалик машғулотларининг қадимий тармоқларидан ва тирикчиликнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Чорвадорларнинг турмуш тарзи ва ушбу машғулот билан боғлиқ урф-одатлари этнография маълумотлари асосида умумий даражада ўрганилган. Бироқ халқимизнинг чорвачилик билан боғлиқ қадимий диний тасаввурлари ва эътиқодий қарашлари ҳозиргача махсус тадқиқ этилмаган. Бу ҳақдаги баъзи маълумотлар К.Шониёзов¹, Х.Тошев², О.Бўриев³, А.Аширов⁴ каби элшуносларнинг асарларида учрайди.

Қадимги даврдан жониворларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш жараёни бошланганидан эътиборан чорвачилик билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда аҳолининг хайвонот оламига бўлган муносабати акс этган. Демак, чорвачилик жуда қадимий машғулоти тури бўлиб, инсоният тарихида илк даврлардан бошлаб чорва билан боғлиқ бўлган халқлар турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби – «Авесто» да чорва, айниқса, от, қорамол ҳамда майда моллар, туёқли уй хайвонлари билан боғлиқ эътиқодлар ёритилган. Қадимдан чорвадорлар имонли ва эътиқодли кишилар сифатида эъзозланган.

Жумладан, «Авесто» матнларида майда молларга ҳомийлик қилувчи илоҳ Фродот – Фшова номи билан зикр этилган. Зардушт Ахурамаздадан ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги тўртинчи жой қаерда, деб сўраганда Ахурамазда бу қўйлар суруви ва тевалар (туялар) уюри, энг кўп парвариш қилинадиган заминдир, деб жавоб берган. Шунингдек, «Авесто» нинг кейинги қисмларида чорвани отарларга қайтариш байрами ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд⁵.

Ўзбекистонда чорвачилик бир мунча ривожланган ва бевосита тадқиқотимиз объекти бўлган Қашқадарё воҳаси аҳолиси турмуш тарзида учрайдиган чорвачиликка, хусусан, қўйчиликка оид қадимий диний эътиқодлар ва улар билан боғлиқ урф-одатлар, маросимларни бир мунча кенгроқ таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Воҳа аҳолиси қадимдан деҳқончилик билан биргаликда чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келганлар. Воҳанинг тоғ, тоғолди ҳамда дашт худудларида чорвачилик, асосан, қўйчилик етакчи хўжалик тармоқларидан бири ҳисобланган. Чорва хайвонлари чорвадорлар билан биргаликда зироатчи аҳоли турмушида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Деҳқонлар улардан, асосан, ишчи кучи, улов, ёрдамчи куч ва кўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланганлар.

Чорвачиликка оид маросим ва урф-одатлар моҳияти ва улардан кўзланган асосий мақсад мавжуд эди. Яъни маросимлар чорвани кўпайтириш, уни турли офатлардан, ўғрилардан ҳимоя қилишга йўналтирилганди. Демак, чорвадорлар учун уй хайвонларининг соғлиги доимо муҳим аҳамият касб этган. Улар чорвани ҳар хил бало-қазолар, ёвуз кучлар, ёмон кўзлар, зиён-захматлар ҳамда йирткич хайвонлар хуружидан асраш мақсадида йилнинг маълум бир вақтида турли маросимларни ўтказганлар.

Таниқли фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг ёзишича, ўзбеклар ўз меҳнат фаолиятида икки хил йил таквимларидан фойдаланганлар. Бу таквимлар кишиларнинг чорвачилик ҳамда деҳқончилик фаолиятининг амалга кириши ва турланиши билан бошқарилган. Демак, ўзбекларда икки хил йил ҳисоби бўлиб, улар қуйидагича белгиланган: деҳқон йили 22 мартдан, чўпон йили эса 16 мартдан бошланган⁶.

Дарҳақиқат, 22 мартдан кейин Ўрта Осиё шароитида ер илиб, ўсимликларга амал қиладиган. Чўпон йилининг 16 мартдан бошланиши ҳам ерга амал қилиши ва ўт-ўланларнинг ўсиши бошланиши билан боғлиқ. Ана шу кундан бошлаб чорвадорлар ёзги яйловга кўчиши ишларини бошлаб юборишган⁷.

Қашқадарё чорвадорлари орасида ҳам айнан чўпон йили қилиши билан, чорва қишлоқ жойларидан ёзги яйловларга олиб чиқилган, қолаверса, ўзига хос фенологик кузатув ҳам чорвачиликда муҳим аҳамият касб этган бўлиб, воҳа чўпонлари эрта баҳорда Наврўз чумчуғи деб аталувчи қушнинг учиб қилиши вақтида ва унинг рангига эътибор берганлар. Агар у оқ рангли бўлса ёғингарчилик кам бўлади, сариқ тусли бўлса, ёмғир кўп ёғади, деб таъбир қилганлар.

Бундан ташқари, маҳаллий чўпонлар ёзги яйловга кўчишда ҳафта кунларига ҳам алоҳида эътибор берганлар. Чунончи, улар чорвани яйловга олиб чиқишда ҳафтанинг ҳосиятли кунлари деб эътироф этилган чоршанба ва шанба кунлари, айниқса, жума куни кўчиш ҳосиятсиз ҳисобланган. Чунки халқона қарашга кўра, ушбу кун барча мусулмонлар каби ҳамма жонзотлар учун дам олиш куни йўлга чиқадиган бўлишса, Аллоҳнинг иродасига қарши борилади ва бирор бир фалокатга йўлиқиши мумкин, деб ҳисобланган.

Ҳар йили чорвани яйловга олиб чиқиб кетишдан аввал чўпонлар пири – Чўпон ота ва қорамол пири – Занги отага бағишлаб қурбонлик қилиниб, ис чиқарилган. Академик К.Шо-ниёзовнинг ёзишича, қуйи Қашқадарё воҳаси қарлуқларида қўйлар яйловга ҳайдаб кетилаётганда маросимий қурбонлик қилинган ва қишлоқ муллеси томонидан чўпонлар пири – Чўпон отага бағишланган рисола ўқиб берилган. Лекин воҳада биз олиб борилган дала тадқиқотларимиз жараёнида ва чорвачилик тарихига оид илмий адабиётларда чўпонлар рисо-ласи ҳақида кенгроқ маълумотлар учрамайди⁸.

Чорвадорлар фикрича, ҳар бир ҳайвоннинг ўзига хос пирига бағишлаб йилда бир марта қурбонлик қилинган. Жумладан, қўй пири – Чўпонота, қорамол пири – Зангиота, отнинг пири – Қамбарота, эчки пири – Чигатота бўлган.

Воҳа қишлоқларида яшовчи қипчоқлар чорвани тоққа ҳайдаб кетишда ва тоғдан олиб тушишда ҳам қўй-қўзиларга оқ ва қора рангдаги латта куйдириб, асос-асос қилиб, исириқ солганлар. Асос қилишда аёллар "Янги юртда ялло қилсин, эски юртда бало қолсин", деган иборани айтиб турганлар⁹.

Чироқчи тумани Кўкдала воҳаси қишлоқларида яшовчи узларда эса чорва яйловга олиб кетилаётганда қишлоқ муллеси томонидан Қуръон китоби очиқ ҳолда ушлаб турилган ва унинг тагидан қўйлар ҳамда чўпонлар ўтказилган. Қўй-қўзиларни яйловга ҳайдаш ва қишлоқ жойига қайтиши пайтида чўпонлар жониворларни зиён-заҳмат ва ёмон кўзли кишилардан олов, исириқ ва Қуръон китоби ёрдамида поклаганлар.

Чўпонлар пири – Чўпонотага бағишлаб ис чиқариш ва чўпонлар рисо-ласини ўқиш амалларида ҳам исломий қарашларнинг қадимий эътиқодий қултлар билан синкретлашган кўринишлари мавжуд. Чўпонлар учун яйловда ҳам қўйларнинг соғлиғини сақлаш энг муҳим вазифа ҳисобланган. Агар яйловда қўйлар бирор-бир хасталикка чалиниб ёппасига қирилиб кета бошласа, чўпонлар жониворларни яйлов атрофида жойлашган муқаддас қадамжо ва азиз авлиёларнинг қабрлари томон ҳайдаб борганлар.

Қўйлар муқаддас жойларга ҳайдаб келинганидан сўнг ушбу зиёратгоҳ ёки қабр атрофидан чорва уч марта айлантирилган. Чўпонлар фикрича, айнан ушбу амалдан сўнг чорвага келган фалокат бартараф бўлар экан. Қасби туманида яшовчи чўпонлар қўйларини Майма-ноқ қирида боқишган. Агар сурувдаги қўйлар касалликка чалинса, улар сурувни шу қирда-ги Муродбахш ота зиёратгоҳи атрофида уч марта айлантиришган. Шундан кейин қўйлар тузалиб кетар ва касаллик бартараф бўлар экан.

Қамаши туманида Ўғлонжон ота зиёратгоҳи мавжуд бўлиб, қайси бир одамнинг чор-васидаги қўйи, моли ёки оти касал бўлиб қолса, шу мазор атрофидан уч марта айлантириб олиб кетар ва шундан кейин касал ҳайвон тузалар экан. Воҳада бундай зиёратгоҳ ва қадам-жоларни кўплаб учратиш мумкин¹⁰.

Кўйчилик халқимизнинг азалий тирикчилик манбаларидан биридир. Аждодларимиз хисори ва қорақўл зотли кўйларни кўпайтиришган. Кўйчиликнинг жаҳон аҳамиятига молик тармоғи қорақўлчилик ҳисобланган.

Одатда, ҳар бир отарда 600–1000 тадан кўй мавжуд бўлган. Жониворларни парваришlash чўпон чўлиқларидан фидокорлик, ишчанлик, фаҳм-фаросат талаб этган. Ҳар бир чўпон ва унинг чўлиғи отардаги барча кўйларни ўхшашлигидан қатъи назар, бир-биридан ажратиб ола билган. Чўпонлар, умуман аждодларимиз, кўй-кўзиларни ёшига қараб ҳам номлашган. Кўзи бўлса, анъанавий номлари билан, кўй бўлгандан кейин эса унинг тишига қараб ёши аниқланган. Масалан, туғилган кўй боласи – “барра кўзичок”, 2–3 ойлиги – “ширвоз кўзи”, 4–5 ойлиги – “сараёк кўзи” ундан каттароғи “габа кўзи” бир яшари – “тўхли”, икки яшари – “шишак”, уч яшари – “чори”, тўрт яшари – “панжи”, беш ёшлиси ва ундан каттаси – “манғи” деб номланган.

Ҳақиқий чўпон кўйларнинг ёшини тишидан билган. Кўй шишшак бўлгунча кўзи тишлари жойида турган. Шишшак бўлгандан кейин ўртадаги икки тиши тушиб, катта тишлар ўсиб чиққан, чорига етганда катта тишлари тўртта бўлган ва кўй панжи бўлганда олдидаги барча тишлари катта тишларга айланган. “Аждодларимизнинг кўй харид қилсанг, кўзи ол ёки чори чиққанини ол» деган гапларида ҳам ҳикмат бор. Чунки кўзининг гўшти мазалиги, оғирлиги, яъни тош босиши жиҳатидан чори ва панжи кўйлар гўшти билан тенг туради. Бироқ кўзи шишшак бўлганида унинг гўшти энгиллашиб тош босмаслиги синовдан ўтган. Шунинг учун ҳам “Шишшак сўйдинг, пишак сўйдинг», деган ибора кўп ишлатилган.

Туркий халқлар орасида кўй энг муқаддас жонивор ҳисобланган ва халқ унга нисбатан алоҳида муносабатда бўлган. Рус элшунос олимаси Е.М.Пешчерева маълумотларига кўра, Ўрта Осиё халқларида кўйга қадимдан инсонларни бало-қазолардан асровчи илоҳий жонивор сифатида муносабатда бўлишган¹¹.

Қадимшунослар Ю.Д.Баруздин, Г.А.Брикиналар Қирғизистон жануби-ғарбидаги археологик ёдгорликларни ўрганишда одам суяклари билан бирга кўй калласи дафн этилган қабрларга ҳам дуч келганлар¹².

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги Кўйқирилганқалъа ёнидан топилган оғабондаги одам хайкалчасининг бўйнида кўй шаклидаги тақинчоқ бўлган. Қабр ва оғабондаги кўй суяги ва кўй шаклидаги тақинчоқлар ҳам ўз-ўзидан маҳаллий халқларнинг кўй култига сиғинганликларини кўрсатади¹³.

Кўчқор қадимги зардуштийлик динида уй эгаларининг сихат-саломатликларини кўриқлаб турувчи илоҳий маъбуд сифатида талқин этган. Қадимги Эрон ва Турон халқлари уруш ва ғалаба худосини кўчқор тимсолида тасаввур қилганлар.

Баъзи тадқиқотчилар фикрича, муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолар билан боғлиқ маросимлар ва тасаввурларда тотемизмнинг айрим хусусиятлари сақланиб қолган. Машҳур рус шарқшунос олими С.П.Толстов фикрича, айнан мана шундай хусусиятлардан бири зиёратгоҳ, қадамжолар, тоғ этакларига кўйлар шохларни осиб кўйишдир.

Дарҳақиқат, кўй туркийлар орасида энг муқаддас жонзотлардан саналгани боис зиёратгоҳларга кўй ва тоғ эчкиси шохлари илиб кўйилган. Жумладан, Қашқадарё воҳасидаги кўплаб зиёратгоҳларда ҳам авлиё қабри устига кўчқорнинг узун шохлари кўйилган.

Табиийки, азиз авлиёлар қабри ва муқаддас қадамжоларга осиб кўйилган ҳайвон шохлари оддий безак вазифасинигина бажармаган, албатта. Зиёратга келган бефарзанд аёллар ўғил-қиз кўриш мақсадида қабрга ёки зиёратгоҳга осиб кўйилган ҳайвон шохига ип, латта ва бошқа нарсаларни боғлаганлар ёки шохни аста-секин чертиб кўрганлар. Агар шохдан чумолилар тушса, демак, ўша аёл фарзандлик бўлади, деган қараш мавжуд эди. Юқоридаги далиллар исботлайдики, бошқа туркий халқлар қаторида ўзбеклар орасида ҳам кўй энг муқаддас жонивор тарзида қадрланган ва унга тотем даражаси эътиқод қилинган.

Адабиётларда туркийлар орасида кўй тотеми билан боғлиқ кўзича, кўзи-кўчқор, куён, куёнчи каби уруғлар ҳам зикр этилган. Жумладан, академик К.Ш.Шониёзовнинг ёзишича, туркий халқларнинг энг йирик субэтносларидан кипчоқ уруғининг бир бўғини кўчқорчи деб аталган¹⁴.

Қашқадарё воҳаси манғитлари оқманғит бўлимининг бир уруғи ҳам кўзи-кўчкор дейилади¹⁵.

Кўнғиротларнинг қанжиғали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири кўйин деб номланган, қорақалпоқлар ва бошқирдларда ҳам кўйин уруғи учрайди. Шунингдек, қирғиз уруғлари орасида ҳам кўчкор мундус аймоғи мавжуд бўлган. Юқорида номлари қайд этилган барча этнонимларнинг қадимий шаклига кўй тотеми асос бўлган дейиш мумкин.

Кўйларни муқаддаслаштириб, улар шаклини хунармандчилик буюмларида тасвириллаш анъанаси ҳозиргача сақланиб қолган. Рус элшунос олимаси О.А.Сухарева кашталардаги кўчкор шохига ўхшаш нақшлар хусусида шундай фикрларни билдирган: «Нақшларда, асосан кўчкорларнинг битта белгиси унинг шохи ифодаланган бундай нақшлар Ўрта Осиёнинг маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи халқларида – "кўчқорак", Фарғона водийсида, Нурота ўзбек туркманларида – "муйис", туркманларда – "чоч бўйиз" деб аталган. Бу нақш икки спиралнинг қайрилган кўринишдан иборат бўлиб, нақш композициясининг марказий қисмига туширилган. Кўй шохи нақши ҳам кўй култидан келиб чиққан ҳолда ишланганлигини кўриш мумкин»¹⁶.

Демак, ёш келин-куёвлар яшайдиган хонага кўчкор шохи нақши туширилган сўзаналар бежиз илинмаган. Никоҳ маросимида илиб кўйишдан мақсад келин-куёв уйини безатиш эмас, балки ёшларни турли инс-жинслардан асраш бўлган.

Чорвачилик билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатлар моҳиятига назар ташлар эканмиз, уларнинг аксариятида афсунгарлик, магия, тотемизм билан боғлиқ қарашлар устувор эканлигига гувоҳ бўламиз. Воҳа кўйчивонлари турфа хил афсунгарлик урф-одатлари орқали сурувни турли бало-қазолардан, касалликлардан асрашга ҳамда улар серпуштлигини давом эттиришга ҳаракат қилганлар.

Шунингдек, кўйларни қочириш (табiiй равишда ирсiiй кўпайтириш) вақтида чўпонлар: “Илоҳим, бу йил кўйларимиз худди тарвуз уруғидай кўпайиб, баракали бўлсин”, деган ниятда улар устидан тарвузни ёриб уруғи билан сочганлар. Шаҳрисабз воҳасида кўй-кўзилар яйловлардан қайтган куз пайтида қўраларга кўчкор кўшилган (кўчқорлар яйловларга олиб чиқилмаган), баракали бўлсин, деб устига оқ жўхори сепилган.

Қашқадарё воҳаси кўйчивонлари орасида чўпон таёғи билан боғлиқ бир қанча ирим-сиримлар ва расм-русумлар мавжуд бўлган. Чўпонларнинг одатда ҳар бирида биттадан чўпон таёғи бўлиб, уни олиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермаган. Чўпон ўз таёғини ўз ўғлига ёки энг ишонган шогирди (чўлиғи)га топширган. Бу маросим Қашқадарё воҳасида “Чўпон тўйи” дейилиб, унда яқин қариндошлар ва кекса чўпонлар иштирок этишган. Кекса чўпонга бош-оёқ сарпо қилинган, кўй сўйилиб таом тортилган, Мулла Чўпон ота ҳақиқа дуолар ўқилган ва йигит кўпчилик олдида таёқни қабул қилиб олган.

Сўнгра ёш чўпонга катта масъулият юкланган. Чўпон таёғи тол, гужум, тут, заранг ва ирғай каби қаттиқ новдалардан қилинган. Чўпон таёғи тузунлиги 18 бўғимдан иборат бўлиб, ундан калта ҳам, узун ҳам бўлмаган. Чўпон таёғи ҳар қандай жойга ташланмаган, устидан ҳатлаб ўтилмаган. Агар ҳатлаб ўтилса, яна изига қайтарган. Халқимизда “Чўпоннинг таёғидан, келиннинг оёғидан» деган ибора ҳам мавжуд. Таёқ чекка жойда кўпинча ўтовнинг белдовига қистириб кўйилган. Кекса чўпонларнинг сўзларига қараганда, чўпон таёғи теккан бўри ҳам кўп ўтмай жон берган.

Хуллас, ўзбекларнинг кўйчиликка оид турфа қадимий эътиқод ва расм-русумлари мавжуд бўлганки, буларнинг аксарияти унутилган, баъзилари эса кексалар хотирасида сақланиб қолган, холос. Чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлган кўйчиликни янада ривожлантириш ва аждодларимиз асрлар давомида эъзозлаб келган ноёб анъаналарни теран ўрганиш ва халқимизга етказиш ниҳоятда долзарбдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Т.: Фан, 1964.
2. Ташев Х. Культура и быт животноводов Зарафшанской долины. АРҚД. – Т., 1968.
3. Бўриев О. Кўйчилик удумлари. -Ўзбек халқи боқий кадриятлари. – Қарши: Насаф, 2005. – Б. 40–50.

4. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т., А.Навоий номидаги Миллий кутубхона. 2007.
5. Авесто. Адабий тарихий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.113, 343; Аширов А. “Авесто” дан мерос маросимлар. – Т.: Фан, 2001. – Б. 10.
6. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – Б. 40–41.
7. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т., 2008. – Б. 45.
8. Аширов А. Кўрсатилган асар. – Б.149.
9. Аширов А. Кўрсатилган асар. – Б.149.
10. Дала ёзувлари. Қамаш тумани, 2015.
11. Пешерова Е.М. Гончарное производства Средней Азии. – М.: Наука, 1959. – С. 100.
12. Баруздин Ю.Л., Брикина Г.А. Археологические памятники Баткена и Лякяна (юго-западной Киргизии). – Фрунзе: Наука.1962. – С. 62.
13. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: Наука, 1962. – С. 132.
14. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. – Т.: Фан, 1974. – С. 132.
15. Дала ёзувлари. Косон тумани, 2014.
16. Сухарева О.А. Орнамент декоративных вышивок Самарканда и его связь с народными представлениями и верованиями (вторая половина XIX – начало XX вв.). – Сов. этногр., 1983, – № 6. – С. 78.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қашқадарё воҳаси ўзбекларида қўйчилик билан боғлиқ қадимий эътиқодлар излари янги тарих-этнология маълумотлари асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье на основе историко-этнографических материалов освещены древние верования узбеков Кашкадарьинского оазиса, связанные с овцеводством.

SUMMARY

In this article, traces of ancient beliefs related to sheep in Uzbek of Kashkadarya region have been reflected on the basis of new history and ethnology data.

САМАРҚАНД – СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИ ТАХТИНИНГ БОШ ҚАРОРГОҲИ

Ҳасанов А.М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: Самарқанд, Самар, Шамар, Семизкент, қанд, Мароқанд, Феруза, Шарқ Рими, Шарқ дурдонаси.

Самарқанд нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Шарқнинг йирик шаҳарлари қаторида бўлиб, Ўрта Осиёнинг Амударё ва Сирдарё оралиғидаги маданий масканнинг марказида – Зарафшон бўйларида ва Евросиёнинг энг муҳим савдо тармоқлари туташган ерида жойлашган.

Самарқанд “Қанд шаҳар”, “Ер юзининг роҳатбахш жойи”, “Қуёш шаҳри”, “Ер юзининг сайқали”, “Шарқ Рими”, “Римнинг тенгдоши”, “Жаннат ад-дунё” (“Дунёнинг жаннати”), “Шарқнинг жаннати”, “Суғднинг машҳур бозори”, “Мусулмон оламининг қимматбаҳо гавҳари”, “Ер юзининг порлоқ нуктаси”, “Тарих маржонидаги дур”, “Учрашув жойи”, “Савдогарлар йиғиладиган жой”, “Семиз, бой шаҳар”, “Мусулмон амирларининг боғи”, “Мовароуннахрнинг қуруқликдаги бандаргоҳи”, “Шарқ дурдонаси” номлари билан қадимдан маълум ва машҳур бўлиб келган.

Амир Темур даврида эса Самарқанд ёзма манбаларда “Салтанат тахтининг қароргоҳи”, “Доруссалтана”, “Салтанат тахтининг қароргоҳи ва халифалик байроқларининг маркази”, “Салтанат”, “Подшоҳлик уйи”, “Салтанат макони”, “Шухратда шаҳарлар ичра қимматли тож” каби номлар билан шарафланган шаҳар сифатида қайд этилган.

Мустақиллик йилларида эса “Фан ва маориф, маданият ва маънавият бешиги” номи билан улуғланмоқда.

Самарқанд тарихига оид “Китоб фи-қанд ат тарихи Самарқанд” – “Самарқанд тарихининг қанд китоби” шаҳар тарихига бағишланган бўлиб, қисқартирилган нусхаси – “Кичик қандия” бизгача етиб келган. Унда Самарқанднинг афсонавий ҳукмдори Шамар ибн Хорис

хақида ривоят берилади, у бу ерда ўз исми билан аталган “Шамаркат” деган шаҳар барпо этади. Кейинчалик бу ном Самарқанд бўлиб ўзгариб кетади.

Абу Тоҳирхожа “Самария” асарида Самарқанднинг қалъа деворлари қурилиши тўғрисидаги бир неча тахминлар орасида Феридуннинг ўғли Самар ҳақидаги афсонани келтириб, у бу ерни мерос сифатида олган ва ўзининг номидаги қишлоқ (кент)ни барпо этганлигини келтириб ўтади.

Милоддан аввал қадимги юнон муаллифлари асарларида бу шаҳар Марақанда номи билан тилга олинган ва Суғдиёна давлатининг пойтахти, деб қайд этилган. Бу ҳақда “Александр Македонский тарихи” солномасини ёзган Квинт Курций Руф маълумот беради. У узунлиги 70 стадий (1 стадий – 185-195 м) ташқи деворлар билан ва алоҳида ички девор билан ўралган қалъа-қўрғон (арка)ли Мароканда шаҳри ҳақида маълумот қолдирган.¹

Ат-Табарий “Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи” асарида шаҳарга шох Самар асос солганлиги, “қанд” эса бу жойларда яшаган турк аймағи эканлигини ёзиб қолдирган.

Маҳмуд Қошғарий эса “Девону луғатит-турк” асарида шаҳар туркий “Семизкент”, яъни “Семиз, бой шаҳар” маъносини англатишини келтириб ўтади.

Суян Цзян (VII аср) ўз кундалигида “Самарқанд ерлари бепоён, семиз ва унумдор бўлиб, жуда баракали ҳосил беради, гуллар ва мева-чевалар ҳаддан ташқари сероб. Аҳоли зироатларни кўплаб етиштиради. Одамлари санъат ва хунармандчиликда донг таратган деб таърифлаган бўлса, X аср араб географи Истахрий “Оллоҳ яратган энг суюкли юртлардан бири” сифатида таърифлайди, ат-Табарий эса “Мусулмон амирларининг боғи” сифатида улуғлайди. Абдурашид ал Бакувий (XV аср) эса Самарқандни “Ер юзида бу шаҳардан яхшироқ, ёқимлироқ ўзга бир маскан йўқ”, деб ёзган эди.

Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданок асрлар давомида аждоқларимиз яратган, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклашга катта аҳамият берилди. Ўзбекистон халқи ўз тарихини тиклаш, ҳақсиз унутилган номларни, жаҳон ривожланишида муҳим роль ўйнаган тарихий шахсларни, жумладан, Соҳибқирон Амир Темурни ёруғликка чиқариш имкониятига эга бўлди.

1360 йиллардан бошлаб Амир Темур Мовароуннаҳрда Мўғулистон ҳукмдори Тўғлуқ Темурхон, унинг ўғли Илёсхўжага қарши қурашлардан сўнг Амир Ҳусайн устидан ғалаба қозонгач, 1370 йил апрелда Мовароуннаҳр тахтининг ҳақиқий соҳиби бўлди ва Самарқандни ҳокимият пойтахти этиб белгилади.

Темурбек тахтга ўтиргач, Чиғатой улусининг барча ерларига ўзини ворис деб билди ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги ерлар, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси ва Хуросонни ўз ичига олган ҳудудда марказлашган давлат вужудга келди. Соҳибқирон сўнгги йилларда Эрон, Ироқ, Кавказорти мамлакатлари ҳамда Ҳиндистон, Олтин Ўрда ва Румни эгаллаб салтанат ҳудудини анча кенгайтди.

Амир Темур даврида Самарқанд маърифат, хунармандчилик ва савдо марказига айланган. Буюк ҳукмдор шаҳарнинг Оҳанин дарвозасидан Чорсу дарвозасигача Регистон майдони орқали ўтадиган савдо расталари кўринишида кўча очишни буюрган. Ушбу кўчанинг шаҳарсозликда тутган ўрни ҳақида 1404 йил кузида Самарқандга Темурбек ҳузурига ташриф буюрган Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо шундай деб ёзади: “Самарқанд шаҳрига ҳар йили кўплаб турли-туман моллар олиб келинади. Унда ана шу молларни тартиб билан сотиш учун катта бир жой бўлмаганлиги сабабли подшоҳ шаҳар бўйлаб икки тарафида мол сотиладиган дўконлар ҳамда ҳужралар ўрнашган кўча ўтказишни буюради. Шаҳарнинг бир чеккасидан бошланадиган бу кўча уни кесиб ўтиб, нариги чеккасига бориб етиши керак эди. Бировлар иморат бузишса, бошқалари ер текислайди, яна бировлари қурадилар. Йигирма кун ўтганча шунча иш амалга оширилдики, киши хайратга тушади”².

¹ Алимова Д.А., Буряков Ю.Ф., Раҳматуллаев Ш.М. Самарқанд тарихи (қадимги даврлардан бугунги кунгача). – Т.: Art flex, 2009. – Б.11–12.

² Амир Темур Европа элчилари нигоҳида: Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403–

Муаррих Ибн Арабшоҳ маълумотларига кўра, Темур Самарқандда кўпдан кўп бўстонлар, баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёд этган, бўстонлар асосини мустаҳкам қилиб фаҳоматли мевали кўчатлар билан безатган, улардан бирини “Эрам боғи”, иккинчисини “Дунё зийнати”, яна бошқасини “Фирдавс жаннати”, унисини “Шимол боғи”, бунисини “Олий жаннат” деб атаган¹.

Шунингдек, Бадахшондан балхаш, Нишопурдан феруза, Ҳинддан ёқут, Синддан олмос, Ҳурмуздан марварид, Хитойдан духоба, бахмал, мушк ва бошқа ашёлар келтиришини ҳам келтириб ўтган.

Айни пайтда, Темурбек буйруғи билан шаҳар дарвозаларидан Регистон майдонига олиб чиқувчи обод кўчалар қурилиб, ушбу кўчалар бўйлаб кейинчалик янги маҳаллалар, масжиду мадрасалар, ҳаммом ва гузарлар шакллана бошлаган.

Марказий Осиё шаҳарларининг ривожланишида савдо, айниқса, халқаро савдо-сотиқ, катта аҳамият касб этган. Кўпгина шаҳарлар Буюк Ипак йўли ва унинг тармоқлари устида жойлашган эди. Темурий ҳукмдорларнинг бошқа давлатлар билан олиб борган элчилик муносабатларида, ёзишмаларида мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш масаласини алоҳида таъкидлаб ўтишлари замирида ҳам шаҳарларнинг ривожланиш истиқболи ётарди.

Темурийлар даврида ҳам Самарқанд шаҳри Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри, сиёсий-маъмурий, иқтисодий-маданий маркази эди.

Шаҳарнинг ўрта асрлардаги тарихи ҳақида эса араб, форс ва туркий манбаларда муҳим маълумотлар мавжуд. Араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим: «Биз Самарқандга яқинлашганимизда, унинг гўзаллигини киёсламоқчи бўлдик, бироқ бу жуда мушкул эди. Унинг ранги зангори осмонга, қўшиқлари юлдузларга, оқар сувлари Сомон йўлига ўхшаб кетарди», - деб таърифлаган. «Масолик ва-л-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар») номли асарнинг муаллифи Ал-Истаҳрий (X аср) эса: «Шарқ томондан кўрғонга чиқиб Самарқандга назар ташласанг, бозорлардан бошқа ҳеч нарса кўра олмайсан, улар орасида оддий уйлар ҳам, кўшқлар ҳам кўринмайди; оқар сувсиз, боғсиз бирорта ҳам ҳовли йук; Самарқанд шаҳрида тол дарахти кўп, улар орасида битта ҳам қуригани учрамайди», - деб маълумот берган.²

Самарқанд мўғуллар истилоси арафасида ҳам обод шаҳар саналарди. Араб муаррихи Муҳаммад ас-Самъоний шаҳарда XII асрнинг иккинчи ярмида ўн саккизта маҳалла, саккизта катта кўча, иккита жоме масжид, учта мадраса ва кўрғонида учта дарвоза борлигини қайд этиб уларнинг номларини ҳам келтириб ўтган.

Самарқанд мўғуллар даврида пойтахт бўлмаса-да, халқаро савдо йўлидаги муҳим шаҳар мавқеида эди.

XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб Самарқанд шаҳрига нисбатан эътиборнинг янги-дан ортиши, унинг равнақи ва халқининг кайфиятига ижобий таъсир қилиб борди. «Лой жанги»дан сўнг шаҳарликлар сарбадорлар бошчилигида қаттиқ мудофаада туриб Самарқандга ёвни киритмайдилар. Жата лашкари шаҳарга етиб келади. Ўша кезларда шаҳарнинг кўрғони бўлмаганлиги сабабли, Мавлонзода Самарқандий, мавлоно Хурдак Бухорий ва Абубакр Калавий наддоф шаҳар аҳлини оёққа турғизиб, шаҳарни кўчабанд ва муҳофаза қилишга киришадилар. Маълум муддат ҳам ҳеч бир подшоҳнинг шон-шукуҳисиз бош-оёқ қуролланган ёв билан адолат ва ҳақиқат учун мардларча курашади.

Соҳибқирон Амир Темур 1370 йили апрелида Амир Ҳусайн устидан узил-кесил ғалаба қозониб, Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгандан кейин Балхдан қайтади ва дастлаб Кеш шаҳрига келади ва Самарқанд шаҳрига ўтади.

Муаррих Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да: «Шу вақт ичида, саодат ва иқбол ила шон-шавкат ва улуғворлик, салтанат ва истиқлол юзини бахтли фолга эга, фирдавс мисол Самарқанд вилоятига қаратди. Даштининг фозиллиги, боғларининг таровати, имо-

1406). – Т., Ғ.Ғулом нашриёти, 2017. – Б. 150.

¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Т.: Меҳнат, 1992. Т.2. – Б. 82.

² Омонулло Бўриев. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тарихий-географик лавҳалар. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 54 б.

ратларининг яхшилиги ва сувларининг равонлиги шухратидан бошқа диёрларни хижил қиладиган ва турли шаҳар ва ўлкаларнинг рашкини келтирадиган **ул муборак шаҳарни давлат байроғининг марказига айлантириб, пойтахт қилди**”, – **деб таъриф берган**¹.

XIV асрнинг 30-йилларида Волга бўйлари орқали Олтин Ўрданинг пойтахтидан Хоразм томонга йўл олган ҳамда Урганчдан, Кат ва Вобкент орқали Бухорога ўтиб, кейин Самарқанд шаҳрига саёҳат қилган араб сайёҳи Ибн Баттута йўл-йўлакай шаҳарлар хусусияти, меъморий ёдгорликлари ҳақида қисқа, лекин ғоят муҳим тарихий маълумот ёзиб қолдирган. “Самарқанд дунёнинг энг катта ва энг гўзал шаҳарлардан биридир. У водийи Қассарин анҳори бўйида жойлашган. Қирғоқларидаги чиғириқлар сувни боғларга чиқариб беради. Бу анҳор бўйида пешиндан кейин шаҳар аҳолиси йиғилиб сайру томоша қилади. Ўша жойда дам олиш учун суфалар, мева-чева ва таом дўконлари бор” деб таъриф беради.

Элчи Клавихо Самарқанд шаҳри ҳақида: “Текисликда жойлашган Самарқанд шаҳри катталиги бўйича Севилия шаҳридан бир оз каттароқ бўлиб, ташқарисида кўпгина уйлар қад кўтаргани, атрофи бир ярим, икки чақиримча келадиган боғ ва узумзорлар билан ўралган ва шаҳар шу боғларнинг марказида турибди”, деб маълумот берган.

“... Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғи қаҳр ва ғалаба билан мунга даст топмағон учун балдаи махфуза дерлар ... Қўрғонини фасилнинг устидан буюрдикда қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқди”.

Феруза дарвозасидан Шайхзода дарвозасигача фасил устидан от бирла юруса бўлур эди. Ўзга ерларда яёқ юрилур эди. Оҳонин, Феруза, Шайхзода, Гозуристон, Сўзангарон, Чорраҳа дарвозалари “Самарқанд шаҳри ажаб шаҳардур, бу шаҳарда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳарда андоқ бўлғай,” деб таърифлайди.²

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Амир Темур ҳокимият тепасига келиши билан Мовароуннаҳр шаҳарсозлигида ўша пайтгача учрамаган янгича услуб пайдо бўлди. Яъни шаҳарда нафақат мудофаа девори ва истехкомлари, балки йирик саройлар, боғлар, мадрасалар, хунармандчилик марказлари бунёд этилган. Бу иншоотлар шунчаки қурилмаган, ҳар томонлама мукамал ишланган, тарҳ асосида аниқ режа, мақсад билан маҳоратли меъморлар томонидан барпо этилган. XIV–XV асрларда Самарқанд йирик халқаро савдо маркази, обод ва ривожланган шаҳар бўлган. Самарқанд билан савдо ҳамда бошқа иқтисодий алоқаларни ўрнатишдан манфаатдор бўлган хорижликлар бу шаҳарга қизиққанлар ва у ерга интиланлар. Натижада шаҳарнинг довуғи кенг ёйилиб, аҳолининг сони ортиб борган. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмушининг фаровонлашувига ва маданияти юксалишига олиб келган.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қадимий Самарқанднинг келиб чиқиши, шаҳар сифатидаги аҳамияти ва темурийлар даврида хунармандчилик ва савдо марказига айланиши масалалари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается возникновение древнейшего город Самарканда, его развитие как города ремесленников и превращение в центр торговли в эпоху Тимуридов.

SUMMARY

In this article has described the appearance ancient of Samarkand city, its significance as a city, and during temurids epoch how developed handy-craftsman and became a trade centre.

Наишга доц. О. Бўриев тавсия этган

ШАРҚОНА ЭЛЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ТАРИХИДАН

Бўриев О., Раҳмонов Ф. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *миллий давлатчилик, элчи, элчилик алоқалари, элчихона, ваколатхона, дипломатия, дипломатик алоқалар, дипломатик вакил, мухтор вакил, миссия, дипломатик имтиёз, дипломатик иммунитет, ташқи сиёсат.*

¹ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т., 1992. – Б. 117.

² Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 104.

Мозий саҳифаларининг шаҳодат беришича, ўзбек миллий давлатчилиги кўп минг йиллик қадимий ва бой тарихга эга. Туронзаминдаги элчилик, давлатлараро ташқи алоқалари ҳам кўп асрларга бориб тақалади. Ўзбекистон ҳудудларида асрлар давомида кўплаб давлатлар пайдо бўлган ва ўзаро ҳамкорлик қилган. Табиийки, мазкур давлатларда элчилар фаолият кўрсатишган. Бинобарин, элчилик муносабатлари ҳам тарихимизнинг энг олис даврларга бориб етади. Бу тарихий ҳақиқат нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон олимлари томонидан ҳам кенг эътироф этилган. Аждодларимиз орасидан машҳур ва моҳир дипломатлар – элчилар этишиб чиққанлиги ҳақида кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд. Дунёдаги элчиликка доир энг сара китоблар ҳам амалда Шарқда, жумладан, бизнинг заминимизда яратилган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қайд этилганидек: элчи – ҳар бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлатдаги дипломатик вакилларининг энг катта мартабали унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс (Фавқуллода ва мухтор элчи); урушаётган томонларнинг ўзаро музокара олиб бориш учун юборган вакили (“Элчига ўлим йўқ”); элчилик – элчилик иши, вазифа, лавозим; элчихона – элчи ёки бошқа биринчи даражали дипломатик вакиллар бажарадиган дипломатик вакиллик; шу вакиллик жойлашган бино [1:34–35]. Демакки, элчи раҳбарлигидаги ваколатхона элчихона деб юритилади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ёзилишича, элчи – бир давлатнинг бошқа бир давлатнинг элчихонасига раҳбарлик қилувчи дипломатик вакили [2:208]. Олис тарих саҳифаларига кўра элчи мил. авв. 172 йилда Буюк Ўғузхон ва Хитой императори ўртасида “Тинч ва қариндошлик тўғрисида”ги имзоланган битимда тилга олинган бўлиб, “эл” сўзи билан ўзакдош, элчи ҳам шу даврда пайдо бўлган [3:75]. Демакки, “элчи” сўзи элнинг, халқнинг вакили, мамлакатларни бир-бирига боғлайдиган инсон деган маънони билдиради.

“Элчи” атамаси Уюқ дарёси водийсидан топилган Энасой руник битигида қайд этилган бўлса, “ялавоч” сози биринчи марта Олтинқўл яқинидан топилган Энасой ёдномасида кўзга ташланади. Ушбу қадимий битикда 711 йилнинг август–сентябрь ойларида Тибетга Турк хоқонлигидан борган дипломатик вакилнинг ташрифи баён этилган.

Тарихий манбаларда элчи бир неча давлат ҳукумати томонидан иккинчи давлат ҳукуматида дипломатик вазифа билан юбориладиган доимий ёки муваққат вакилдир. Турли даврларда элчи “яловоч”, “ядафар”, “ресул” атамалари билан ҳам номланган. Шунингдек, мирохўр олий бош қўмондоннинг топшириғига кўра урушлар даврида қўшинга бошчилик қилган ҳамда элчилик ва бошқа вазифаларни ҳам бажарган [4:553].

Халқимизда “Элчига ўлим йўқ”, “Эллаштирмоқ элчидан, ёвлаштирмоқ ёвчидан”, “Донодан элчи қил, чорвадан йўлчи қил”, “Элчининг кечикканидан суюн” каби нақллар мавжуд [5:375].

Ўзбек халқида қадимдан “Элчига ўлим йўқ” деган ибора, табиийки, элчининг хавфсизлик даражасини билдирган. Бундай мисоллардан дипломатия хизматининг ўзига хос кўринишларидан бўлган элчилик ўзбек давлатчилиги сингари чуқур илдизга эга эканлигини кўрсатади [6:13].

Мухтор вакил ҳисобланган элчи зиммасига дипломатик алоқалар ўрнатиш, давлатлар ёки душман томонлар ўртасида тинчлик ўрнатиш, ҳамкорликдаги ҳаракатларга оид битимлар тузиш, давлат бошлиғи ёки ҳукмдор сулола аъзоларининг вафоти муносабати билан таъзиялар билдириш, бирон бир тантана муносабати билан табриклаш каби масъулиятли вазифалар юклатилган. Масалан, Олтин Ўрда хонлигида элчининг бош вазифаси сирасига ҳукумат хазинасига қарам ўлкалардан тўпланган ўлпонни ўз муддатида юбориш ҳам кирган.

Дипломатик вакиллик – давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқарадиган элчихона ёки миссия. Элчи бошқарадиган дипломатик вакиллик – элчихона, вакил ёки доимий ишлар вакили бошқарадиган дипломатик вакиллик – миссия деб аталади. Дипломатик вакиллик XVI–XVIII асрларда Европада вужудга келган. Бу элчи айирбошлаган давлатда ўз давлати номидан музокаралар олиб боради, вакиллик жойлашган давлатнинг ҳаёти тўғрисида, бундаги ваколат тўғрисида (элчихона-миссия) лар ҳақидаги қонунлар йўл қўйган доирада маълумотлар тўплайди, ҳар иккала давлат сиёсий-иқтисодий, маданий, техникавий

алоқаларининг ривожланишига ёрдам беради, ўз давлати ҳамда ўз давлати фуқароларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини кўриқлайди. Дипломатик вакил фаолиятига раҳбарлик қиладиган элчи дипломатик имтиёз ва иммунитетга эга [7:310].

Элчилик алоқалари тарихи қатлари жуда олис замонларга бориб тақалишини Қадимги Шарқ тарихига назар ташласак, яққол кўриш мумкин. Мил. авв. III минг йилликларда Миср подшолари кўшни мамлакатлар билан алоқа қилишга интилиб, VI сулола подшолари (мил. авв. XXV аср) Пунт мамлакатлари (Қизил денгизнинг жанубий қирғоқлари)га элчилик экспедицияси юборишган.

Қадимги Ҳиндистондаги Маурья давлати ва Эллинистик давлатлар подшолари миллодгача III асрда ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатишган. Чандрагупта набираси подшо Ашока даври элчилари Салавкийлар, хаттоки Македонияга боришган. Милодий I-II асрларда Кушон подшолигидаги ҳинд ҳукмдорлари элчилари Рим империясида бўлишган. Ҳинд элчиларини император Август хузурига боришгани ҳақида географ Страбон маълумот берган. Император Троян даврида (мил. I аср) ҳам ҳинд элчилари Рим империясида бўлишгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Қадимги Хитой давлати тарихида император У-ди (мил. авв. 140–87) фаол ташқи сиёсат юргизганлигини кўриш мумкин. У мил. авв. 138 йилда ҳарбий кўмондон Чжанг Цян раҳбарлигида “Ғарбий ўлкалар”га элчиларини жўнатган. Элчи саёҳати даврида Ўрта Осиё, Эрон давлатлари ҳақидаги барча маълумотларни тўплаган. Чжанг Цян мил. авв. 126 йилда ўз ватанига қайтган. Хитой элчилари жанубий давлатларни ўз давлатига бўйсундиришга яқиндан ёрдам беришган.

Мил. авв. I асрда Парфия ва Хитой элчилари Буюк ипак йўли орқали элчилик муносабатлари ўрнатишган. Хитой ҳарбий кўмондони ва дипломати Бан Чао миллодий I аср охирида фаол ташқи халқаро сиёсат юритишда катта роль ўйнаб, хуннларга зарба берган. Милодий 90-йилларда Ўрта Осиёнинг баъзи ҳудудларини Хитой императорига бўйсундириб, Марв шаҳригача борган ва Ғарбий Рим империяси билан дипломатик алоқалар ўрнатишга интилган. Парфияликлар тўсқинлиги туфайли бу режа амалга ошмай қолган [8:146–158].

Ватанимиз тарихи ўтмиш саҳифаларига мурожаат қиладиган бўлсак, юқорида таъкидланганидек, бизнинг миллий давлатчилигимиз кўп йиллик олис тарихга эга бўлиб, дипломатик муносабатлар ҳам ниҳоятда олис мозийга бориб тақалади. Буни хаттоки жаҳон олимлари ҳам кенг эътироф этишган. Аждодларимиз орасидан машхур ва моҳир дипломатлар, элчилар етишиб чиққанлиги тўғрисида кўплаб маълумотлар учрайди.

Дипломатияга оид энг салмоқли китоблар ҳам Шарқда, қолаверса, Туронзаминда яратилган. Туронзамин гавҳари бўлган Самарқанд ҳеч бир даврда ҳам ўз нуфузини асло йўқотмаган.

Афросиёбдаги маҳобатли ранг-тасвирнинг ноёб намуналари 1913 йилда рус археологи В.Л.Вяткин томонидан очилган. Сўнгра 1965–1968 йилларда ўзбек археологлари ушбу манзилгоҳда 30 га яқин сарой хоналарини очишга эришдилар. Археолог В.А.Шишкин бошлиқ қадимшунослар Афросиёбдан 1500 йиллик тарихдан хабар берувчи деворий суратларни топишган эди. Ашёлар орасида VII асрда Суғдиёнада ҳукмронлик қилган Вархуман расми ҳам аҳамиятлидир. Маълумки VII–VIII асрларда Жанубий Суғдда – ихшидлар, Ғарбий Суғдда – бухорхудотлар ҳокимлик қилишган. Улар бош ҳукмдор – ихшидга бўйсунушган.

Жанубий Суғдда 11 та вилоят мавжуд бўлиб, суратлар орасида 11 та байроқни тасвири ҳам бор. Хона деворларига ишланган расмларда тўй маросими, Суғд ҳукмдори (ихшид)нинг хорижий давлатлар элчиларини қабул қилиши, бу элчиларнинг йўлдаги саргузаштлари, йиртқич ҳайвонлар билан олишув, ов манзаралари, афсонавий махлуклар тасвирланган. Марказда Суғд ҳукмдори Вархуман турибди, уни рассом бошқаларга нисбатан йирик кўришида тасвирланган.

VII асрда Самарқандда бўлган Хитой элчиси Эй Цзе ва Сюан Цзянларнинг ёзишича, Самарқанд илк ўрта асрларда гуллаб яшнаган. Бу ёзма маълумотларни Афросиёбдан топилган турли археологик ашёлар ҳам тўла тасдиқлайди. Мазкур даврга оид Афросиёб деворий

расмларида Самарқанд ҳукмдори Вархуманнинг Хитой, Корея, Ҳинд, Чағониён каби давлатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирланганлиги бунинг яққол далилдир [9:137–145].

Вархуманнинг жанубий Суғдиёнадаги вассалларини ҳамда элчиларни қабул қилиш жараёни тасвирлангани ниҳоятда қизиқарлидир. Қабул маросимларидаги элчилардан бирининг этагида 16 қатор суғдча хат мавжуд: ”Мен Чағониён элчиси Бур Затак бўламан. Унинг амри билан Самарқандга келдим ва ҳозир Самарқанд ҳукмдори хузурида турибман. Самарқанд ҳукмдори менинг ҳақимда шубҳаланмасин, чунки мен Самарқанд маъбудларини яхши биламан. Самарқанд ёзувидан хабардорман. Ҳукмдорга самимият ва ҳурмат изҳор этман. Вархуман бахт бахтиёр бўлсин. Энди Чоч элчиси сўзга оғиз очди....”. Нома шу ерда тугайди. Чоч элчисининг номаси эса ўчиб кетган.

Кўриниб турибдики, Суғдиёна ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларда элчиларнинг хизмати катта бўлган. Бу даврда Суғд маданиятининг Хитойга таъсири кучли бўлиб, Суғдиёна тасвирий санъати Хитой учун мактаб ролини ўтаган. Хитой элчилари Суғддан миллий чолғу асбобларни совға сифатида олиб кетишган. Ва маълум вақт ўтгач Хитойда ҳам худди шундай чолғу асбоблари пайдо бўлган. Шунингдек, Суғд элчилари билан Хитойга раққосу раққосалар ҳам боришиб, Хитойларни қойил қолдиришган. Ўзбек элчилиги, умуман тарихимиз гувоҳи сифатида халқимиз маданиятига доир ушбу ноёб деворий суратлар ҳозирги вақтда Самарқанд шаҳридаги Афросиёб музейида сақланмоқда.

Бундан бир неча минг йил аввал яратилган ушбу ноёб сурат қадим замонлардаёқ юртимиз заминида дипломатик анъаналар шаклланиб, тараққий этганлигида ҳамда ажодларимиз узоқ-яқин мамлакатлар билан ҳамкор бўлиб яшашга интилиб келганлигидан далолат беради.

Буюк аллома Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтгувчи билим”) асарининг (XI аср) “Ўгдулмуш элчиликка қандай киши кераклиги ҳақида”ги махсус бобида элчи этиб тайинланадиган шахснинг бир қатор талабларга жавоб бериши таъкидланган. Чунончи, ундан билимдон, босиқ, заковатли, оқил, укувли, идрокда мукамал, садоқатли, ишончли, кўзи тўқ, хушёр, пок, уят-андишали, кенг қамровли зеҳнли, илмли, доно, зийрак, закий, хунарманд, ичимлик ичмайдиган, қўрқмас, мард, ширин суханли бўлиш каби фазилатлар ундан талаб қилинган [10:222–228].

Машҳур сиймо Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк (1018–1092) ўзининг 1091 йилда ёзган “Сиёсатнома” (“Сиярул-мулк”) асари билан Шарқ тарихи ва маданиятида ўчмас из қолдирган. Мазкур асарнинг 21-фасли “Элчилар ва уларнинг иш тартиби” деб номланиб, элчининг вазифалари мухтасар баён этилган.

Аллома Қуръони каримдан шундай иборани келтирган: “Элчининг фақат бир вазифаси бор – сўзларни тўғри етказиб бериш”. Шунингдек, моҳир сиёсатчи ёзадики, “Элчи ҳам подшолар хизматида бўлган сўзлашда жасур, жаҳон кўрган, донишманд, ўткир хотирали, андишали ва чиройли бўлсин. Агар элчи ёши улуғ ва олим бўлса, яхшидир, юборилган надим шу йўсинда бўлса, ишонч уйғотади. Агарда жасур ва қўрқмас кишини элчи қилиб юборсалар ва у одобли, қурол ишлатиш, чавондозликни билса, мубориз бўлса, яхшироқдир”.

Унда бизнинг ҳақимизда ҳам бошқаларда худди шундай таассурот қолади. Элчи улуғвор киши бўлса ҳам яхши, чунки ҳурмати ошган бўлиб, унга ёмонликни раво кўрмайдилар. Шароб ичмайдиган, масхарбозлик қилмайдиган, қимор ўйнамайдиган, камгап, доно элчи яхшироқдир. Элчининг сийрати ва фикри-зикри подшонинг ақл-заковатидан далилдир” [11:95,97].

Чингизийлар даврида элчилар даражасига қараб олтин, кумуш, чўян, жез ва ёғоч найза билан таъминланган. Элчи ўз ватанига қайтишидан олдин дипломатик ваколати тугаётган давлат бошлиғидан махсус ёрлик – ижозат қоғози олиши лозим бўлган. Элчининг ўлдирилиши ёки ҳибсга олиниши аксарият дипломатик муносабатларнинг кескинлашувига, баъзан батамом узилишига ҳам олиб келган. Масалан, Ўтрорда мўғул элчиларининг Хоразмшоҳ томонидан қатл этилиши Мовароуннаҳрнинг Чингизхон бошлиқ мўғул истилочилари томонидан босиб олинишини тезлаштирган эди.

Улуғ ватандошимиз Ҳожа Самандар Термизий (XVII аср) “Дастур ул-мулк” (“Подшоҳларга қўлланма”) (1695) китобининг 6-фасли “Элчилик сифати ҳақида” деб номланиб,

унда элчилик санъати ҳақида шундай ёзган эди: “... элчи ўткир ялтироқ шамширға монанд тилдан чаққонлик ва моҳирлик билан фойдаланиши лозим. Аммо унинг очиқ юзлиги, гўзал муомалага, бирон-бир мурасага келиш ёки сулҳ тузиш пайтида мулойим, ёқимли нутқидан таралиб турган сўз жавҳарларидан билиниб турсин. Агар у ўз нутқининг аввалида, кўрс, кескин сўзлар борлигини сезса, бундай сўзларни юмшоқлик қайчиси билан кесиб ташлаши зарур” [12:80].

Аллома яна шундай таъкидлаган эдики: “... элчи икки масалада ниҳоятда хушёр бўлиши зарур. У ўз подшоҳига содиқлигини ифодалаш учун мамлакатнинг номуси, шон-шухратини, салтанатининг улуғворлигини эҳтиёт этиши, шунинг билан бирга, душман билан бўлган муносабатида унинг макр-ҳийласидан ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлиб туриши лозим. Чунки элчи подшоҳнинг тилидир” [12:81].

Тарихимизнинг салмоқли бобларидан ҳисобланган Амир Темур ва темурийлар давридаги элчилик муносабатлари, дипломатия соҳаси салтанат ҳаётидаги энг муҳим жабҳалардан бири бўлганлиги учун ҳам Соҳибқирон ўз бошқарувининг дасталабки давриданок унга катта эътибор берган эди. Зеро, мавжуд муаммоларни тинч-тотувликда ҳал қилиниши турли давр ва замонларда ўзини тўла оқлаб келган. Ўз даврининг улкан салтанат соҳибби буюк ҳукмдор моҳир дипломат сифатида ҳам танилганлиги муаррихлар томонидан эътироф этилган. Бобокалонимиз қайси мамлакатга лашкар тортмасин, аввало, у ерга дастлаб ўзининг элчиларини юбориб, ўз мақсадини улар орқали етказишга ҳаракат қилган.

Соҳибқирон ва ворислари даврида Шарқ ва Ғарб орасида элчилик алоқалари юкори поғонага кўтарилган эди ва Англия, Франция, Испания (Кастилия), Миср, Усмонли турклар империяси, Хитой, Тибет, Ҳиндистон каби йирик давлатлар ҳукмдорлари билан элчилик алоқалари олиб борилган ва савдо-сотикни ривожлантирилган.

Ўз вақтида Амир Темур ва темурийлар салтанати номидан Европа ва Осиё мамлакатларига вакил бўлиб борган Шаҳрисабзлик Мавлоно Жалолиддин Кеший, Муҳаммад Кеший, Мавлоно Абдуллоҳ Кеший [13], шунингдек, Ғиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий каби элчиларнинг номи тарих саҳифаларига муҳрланган.

Темурбек саройига жаҳоннинг турли мамлакатларидан, жумладан, Европа давлатларидан ўнлаб элчилар келишган. Масалан, 1404 йил кузида Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандда Амир Темур қабулида бўлган [14]. Манбаларда 1389–1398 йилларда Соҳибқирон номидан Хитойга 9 марта элчилар юборилганлиги қайд этилган. Амир Темур ва темурийлар даври элчилик тарихи анча кенг камровлидир. Шу боисдан ҳам салтанатнинг Шарқ (Хитой, Тибет, Ҳиндистон) Ғарб (Испания (Кастилия), Франция Англия), Ўрта ва Яқин Шарқ (Усмонли турклар, Миср) мамлакатлари билан элчилик алоқалари алоҳида чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади, албатта.

Хуллас, ўзбек элчилик алоқалари тарихи ниҳоятда қадимги даврларга бориб тақалиб, айниқса, ривожланган ўрта асрларда, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даврида жаҳон миқёсида равнақ топган эди. Элчилик соҳаси бўйича ноёб тарихий тажрибалар дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаган Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги янги босқичидаги ташқи сиёсатида ниҳоятда асқотмоқда [15].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Ж. V. - Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2008. – 592 б.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-ж. – Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2005. – 656 б.
3. Хидоятлов Г.А. Дипломатические отношения и дипломатический протокол Центральной Азии в эпоху Тимуридов. Халқаро муносабатлар, ЖИДУ, 2001, №2. – С.75.
4. Аҳмедов Б. Амир Темур. Тарихий роман. – Т.: Халқ мероси, 1995. – 640 б.
5. Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2001. – 447 б.
6. Раҳимбоева Д. Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944–2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида) Номз. дисс... автофер. – Т., 2007. – 26.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. ж. III. Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2002. – 704 б.
8. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2007. – 280 б.
9. Самарқанд тарихи. 1-том. – Т.: Фан, 1971. – 484 б.
10. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. 2-нашр. – Т.: Akademnashr, 2006. – 540 б.

11. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сиярул-мулк). Нашрга тайёрловчи Воҳид Ш, Эркинов А. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 239 б.

12. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулк (Подшоҳларга қўлланма). Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи. Ж. Эсонов. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. Ғофур Ғулом номидаги НМИУ. – 128 б.

13. Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2006. – 128; Бўриев О. Амир Темур. – Турон султони. – Т.: Тафаккур, 2015. – 408 б.

14. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406). – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 264 б.

15. Сайфуллаев Д.Б. Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Тарих фани бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс...автореф. – Т., 2017. – 28 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қадимги ва ўрта асрларда Шарқона, хусусан, ўзбек элчилиги анъаналари тарихий манбалар ва адабиётлар асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье на основе исторических источников и литературы освещаются посольские традиции народов Востока, в том числе узбеков, в древности и в средние века.

SUMMARE

There are Uzbek embassy relations in the old and Mild Ages in this article. They are given on the basis of historical sources and literature.

ЎРТА ОСИЁ ДЕҲҚОНЧИЛИГИ МАДАНИЯТИ ТАРИХИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Юнусова Х.Э., Усаров У.А. (ЎЗМУ)

Таянч сўз ва иборалар: *қишлоқ хўжалиги, суғориладиган ерлар, лойқа, лалми деҳқончилик, лалмикор ерлар, бўз ерлар, суғориши каналлари, ирригация, сув иншооти, гидротехника, Амударё дельтаси. Хоразм воҳаси, Фарғона водийси, дарё оқими, деҳқончилик маданияти, дамба, йирик ариқлар, сув оқими, шудгорлаш, анъанавий деҳқончилик, суғориши тизими, ўғитлаш, тўғон, йирик сув манбалари.*

Узоқ тарихий тараққиёт давомида деҳқончилик маданияти ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларини такомиллаштириб, ўзига хос мактаб яратган Ўрта Осиё аҳолиси ўлкада мавжуд бўлган оби (суғорма) ҳамда лалмикор ерлардан унумли фойдаланган ва буғдой, арпа, шоли, жўхори, пахта, дуккакли ва сабзавот каби экинлар экиб, йилда тўрт мартагача ҳосил олиш имконига эга бўлганлар. Бу экинлар орасида майдони кўплиги жиҳатидан ғалла биринчи ўринда турган. Ҳосилдорлик бўйича жўхоридан юқори ҳосил олинган.

Ўрта Осиё аҳолиси қишлоқ хўжалигида, хусусан, экинни алмашлаб экишда катта тажрибага эга бўлган. Экин майдонларида бир неча хил ўсимлик экилиб, маълум муддатдан кейин алмаштириб турилган. Бу усул ерларнинг табиий унумдорлигини қайта тиклаш ва тупроқ таркибини яхшилашда ҳамда ўсимлик касалликларига қарши курашда муҳим роль ўйнаган. Масалан, пахта бир ерда 3–4 йил давомида экилиб, кейинги йилга ўрнига жўхори, буғдой ёки беда экилган экин турини алмаштириш учун тупроқнинг ҳолати, унумдорлиги, шўрланганлик даражаси ҳисобга олинган ва қайси экинни экиш миришкорлар томонидан белгиланган.

Экин экиладиган ерлар асосан бўз ерлардан, оддий тупроқ, баъзи жойларда эса туз аралашган ерлардан иборат эди. Шу боис Ўрта Осиёдаги мавжуд ерлар кўп ўғитланган. Қадимдан маҳаллий аҳоли ерларни дарёлардаги сувлар билан суғорганда, лойқа сув билан унинг таркибида ўсимликлар учун фойдали турли моддалар ҳам оқиб келган. Бу ернинг қувватига қувват қўшган, тупроқ қатлами ҳам лойқа ҳисобига ўсиб борган. Умуман, Ўрта Осиё ирригацияси узоқ тарихий тараққиётга эга бўлиб, бу ўрта аср алломаларининг асарларида ҳам ўз аксини топган. Бу асарларда ирригация, гидротехника ривожига математика, хандаса илмларидаги ютуқлар катта роль ўйнаганлиги бўйича муҳим маълумотлар келтирилади. Масалан, ўрта аср буюк олими Абу Райҳон Берунийнинг “Асорул боқия ан-ал ку-

рунал холия” (Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар) номли асарида сув манбаларининг жойлашуви, сунъий фавворалар, шунингдек, суғориш каналларини қиялик бўйлаб ўтказиш ва нишабликлар тўғрисида ёзади [1]. Бундай асарларда ирригация иншоотлари ҳақидаги берилган маълумотлардан Ўрта Осиёда ирригация ва деҳқончилик маданияти ўта юқори бўлганлигини билиш мумкин. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг қадимги ва ўрта аср ирригаторлари учун сув олиш иншооти қуриш ва катта каналлар бошланиши учун муносиб жой кидириш энг қийин вазифалардан бири бўлган. Маҳаллий аҳоли, ирригация малакаларига эга бўлганлиги сабабли Ўзбекистоннинг турли минтақаларида маҳаллий гидрогеографик шароитларга боғлиқ равишда турлича сув олиш иншоотлари бунёд этилган.

Асосий суғориш тармоқларидан бири ҳисобланган Амударё дельтасининг ўнг ва чап қирғоқларини эгаллаган Хоразм воҳасида деҳқончилик анъаналари ўзига хос бўлган. Хоразм кишлоқ хўжалик тарихида сунъий суғориш тизими орқали деҳқончиликни ривожлантириш асосий ўрин тутган. Хоразм деҳқонлари ўзлари яшаган ҳудудларини яхши билганликлари сабабли ҳар бир туманда экиладиган экинлар турлари аҳамият берганлар. Хоразмни асосий сув билан таъминловчи Амударё воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Ҳиндукуш тоғларидан бошланиб, Хоразмнинг Чоржуй тумани ҳудудларида анча хотиржам оққан Амударёдан кўплаб каналлар чиқарилган. Каналлар қуриш учун дарё соҳилининг тошқин вақтида сув бўйлаб оқадиган жойида янги деҳқончилик ерлари очилган. Бу каналлардан суғорилган ерларда, асосан, бошоқли экинлар, хусусан, бугдой, жўхори кабилар экилган. Ерларнинг бешдан бир қисмига эса пахта, қолган қисмига арпа, шоли, тарик, мош, зиғир, кунжут, қовун, тарвуз ва бошқа экинлар экилган. Шу сабабли хоразмликлар Амударёни бепоён саҳролар билан ўраб олинган воҳа учун қандай аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунганлар, дарё тошқинларини сабрсизлик билан кутганлар, Амударёни қадрлаганлар. Амударёда ёғингарчиликлар вақтида кўп тошқинлар бўлиб, бу вақтларда дарё ўзанининг кенлиги 3 дан 5 м.гача, баландлиги 0,6–1,6 м.гача кўтарилган ва дарёнинг икки қирғоғида баланд дамбалар қурилган. Бу дамбалар воҳани сув босишдан сақлаган. Бу даҳшатли оқимларга қадимда “дегиш”, “йиққин” деган номлар берилган. Дегиш дарёнинг янги тармоқларининг ҳосил бўлишига, унга янги ўзанлар очишга ёрдам берган [2].

Хоразм ирригаторлари учун энг қийин вазифа тошқин вақтида каналлар бошини қуриш учун қулай жойлар танлаш ҳисобланган. Канал боши қуриладиган жойдаги тупроқнинг мустаҳкамлиги (дарё қирғоқлари, асосан, унинг ўз лойқаларидан иборат бўлиб, улар мустаҳкам бўлмаган) эътиборга олинар, чунки кўплаб тошқинлар вақтида ёки сел кучайган пайтда каналларнинг бошини сув ювиб кетган. Натижада сув дамбани бутунлай ювиб, оқизиб кетган. Канал боши эса сувни йуналтирувчи таянчдан ажралгани учун ариққа сув оқмай қўйган. Тошқин даврининг ўз режими бўлиб, аксари тошқинлар пайтида асосий оқимнинг жойи ўзгариб турганлиги боис қадимги ирригаторлар сув доимий ва мўтадил оқадиган жойлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бу ерларда кўпинча тошқинлар бўлиб турганлиги учун сувлар каналларни тўлдириб оққан. Агарда ёғингарчилик кам бўлиб, тошқинлар бўлмаса, каналлардан сув чиқариш йўллари излаганлар. Шу сабабли қадимги ирригаторлар сув доимий ва мўтадил оқадиган жойлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар [3].

Абу Райҳон Берунийниинг ёзишича, Ўрта Осиё ерларида тошқинларнинг ўзига хос календари бўлган. Унда дарё режимидаги у ёки бу ўзгаришларнинг бошланишини кўрсатувчи аломатлар ёрдамида кузатилган. Календарь бўйича биринчи тошқин “кўк қамиш тошуви”, иккинчиси “оқ балиқ”, учинчиси “юлдуз тошуви”, тўртинчиси “қирқ чилғов тошуви” деб аталган [4]. Бу тошқинларнинг “қирқ чилғов тошуви” ҳозирги июн ойининг 25-саналарига тўғри келган ва энг кучлиси саналган. Мабодо тошқин кечадиган бўлса, кишлоқ жамоалари, руҳонийлар етакчилигида анъанавий ибодат маросимлари ўтказилган. Жараён Хоразмнинг барча ҳудудларида бир вақтда бошланган. Дин пешволари, уруғ зодагонлари, қабила бошликлари, катта ёшдаги сувчилар бир жойга тўпланиб дарёга турли совға-саломлар оқизганлар. Қўй ва хўкизлар сўйиб қурбонликлар қилганлар [5]. Агарда тошқин бўлмай қолса, каналларга сув чиқариш йулларини матонат билан излаганлар. Бунинг учун улар

дарё оқимидан юқори бўлган каналларга сув чиқаришда, ҳатто жуда ҳам пастдаги сув эркин чиқа олиши учун ўзанини борган сари нишоблаштириб иншоотлар қуришган [6].

Хоразм воҳаси тупроқлари тузилишига қараб, асосан, икки қисмга “асл қизил чакқа тупроқ” (юқори ҳосилли шўрланмаган ёки кам шўрланган ерлар)га ва “шўр чага тупроқ” (асосан Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган шўрланган ерлар)га ажратилган. Шўр босган ерларда экиладиган, шўрдан кўркмайдиган ўсимликларни ҳам деҳқонлар мунтазам экиб борганлар. Бу ўсимликлар тупроқ шароити ёмонлашган ерларда экилиб, улардан ҳам ҳосил олинган, ҳам ернинг ҳолати яхшиланган. Ана шундай ўсимликлар қаторига оқ жўхори, беда, етмак шўра, кўймия ва бошқалар экилган [7]. Маълум шароитда бу ҳам фойда бермаса, деҳқонлар мелиоратив иншоотлар қурганлар. Умумий номи “зовур” деб аталган иншоотлар ана шундай иншоотлардан бўлиб, бу иншоотлар Ўрта Осиё ерларининг барча суғориладиган ерларига тарқалган. Умуман, Ўрта Осиё ерларида деҳқончиликнинг ўзига хос мураккаб томонларини Хоразмда кўриш мумкин.

Ўрта Осиёнинг қадимдан деҳқончилик маданияти ривож топган Фарғона водийсида ҳам деҳқончилик маданияти ўта юқори, аҳоли тупроқнинг таркибига қараб туриб, ундан фойдалана олган ва етарли даражада ҳосил олиш имконига эга бўлган. Фарғона водийсидаги мавжуд ер майдонлари суғориладиган “сувли ер” ва суғорилмайдиган “баҳорикор ер”, “қайроқи ер” ёки “лалми” деб аталувчи майдонларига бўлинган. Фарғона водийси аҳолиси суғориш каналлари ҳамда ариқлар орқали сув чиқаришда ўзига хос “анъанавий” усулларини қўллаганлар. А.Ф.Миддендорфни ёзишича, бир киши мўлжалланган канал йўналиши бўйлаб бошини сув оқадиган томонга қилиб чалқанчасига ётган, кейин кўзи илғаган жойгача ерни белгилаб олиб, ўша нуқтага аввал кичик ҳажмда ариқ чиқарилган, шу равишда секин-аста бўлғуси канал йўналиши белгилаб олинган [8]. Канал йўналиши аниқлангандан сўнг, ушбу ишга ариқ сувидан манфаатдор бўлган ҳудудлар жалб қилинган. Дарё ёки сохиллардан ажралиб чиққан сув тармоғи “эна ариқ” деб номланиб, ундан сув “шоҳ ариққа” олинган ва ушбу ариқдан сув даҳаларига берилган. Улардан эса ерга ўтиб “ўқариқлар” орқали “жўяк”ларга тарқалган. Шу тариқа сувлар кишлок жамоаларига бўлиб берилган. Бу ташкилий усул водийда “тақсим” усули деб юритилган [9]. Тақсимланаётган сувларнинг катта ўлчов бирлиги “тегирмон” ҳамда “тош” деб юритилиб, у секундига 200 литр миқдорида оқиб ўтган сув ҳажмига тенг бўлган [10]. Бир тегирмон сув 5 кулоққа, баъзида 4 кулоққа бўлиниб, бир кулоқ сув бир кеча-кундузда 10–15 танобгача ерни суғориш мумкин бўлган [11].

Фарғона водийсининг шарқий туманларида сув танқис бўлган йилларда “лабгардон” усули қўлланилган. Бу усулга кўра сувни тенг тақсимлаш учун ариқ боши тахта ёки қаватлаб терилган ходалар билан тўсилган. Ариқ оғзига қўйилган ходаларнинг тепа қисми эса номаълум ходаларнинг тепа қисми эса маълум миқдорда сув ўтадиган қилиб кертилиб, сув ана шу жойдан оқиб тушган. Мазкур усул икки уч ариқнинг сув олиш боши бир жойда бўлганда, тақсимланаётган сув бир хилда оқиб ўтиши учун ва сув ўлчашни осонлаштириш мақсадида қўлланилган [12]. Умуман, Фарғона водийсида сув тартиб-қоидага қатъий амал қилиб тақсимланган. Сув танқис бўлган йиллари бунга янада қаттиқ риоя қилинган.

Фарғона водийсидаги ерлардан икки хил йўл билан фойдаланилган. Биринчисидан, асосан, ҳосилдан бўшаган экин майдонларига дам берилган, иккинчисидан эса экин майдони шудгор қилинган. Ҳар икки усул водийнинг турли жойларида турли номлар билан юритилган. Масалан, Фарғона водийсининг Сўх туманидаги ерга дам бериш усули “Дам додан”, ерларни шудгорлаш усули эса “қора шудгор” деб аталган. Шудгорлаш ишлари қуёш тақвими бўйича “ҳамал” ойининг кириб келиши билан бошланган бўлиб, ҳозирги ой календари бўйича 21 мартдан 21 апрелгача тўғри келган. 1880–1881 йиллари Фарғона водийсини текширган Россия Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси, академик А.Ф.Миддендорф ўзининг “Фарғона водийси очерклари” (Очерки Ферганской долины) китобида водий деҳқонларининг тупроқ шўрига қарши олиб борган ишлари хусусида фикр билдириб, инсон тупроқдаги ортиқча туздан сира кўркмаслиги ва чекинмаслиги, тузнинг ўзи тупроқдан жуда осон қочиши ва бу хусусда Фарғона водийси деҳқонларини тажрибасини ўрганиш

лозимлигини алоҳида таъкидлайди [13].

Водий сув манбаларининг тоғ олди ва текисликка чиқиш ҳудудларида асосан шоликорлик билан шуғулланилган. Шоликорлик учун Фарғона водийсидаги энг қулай ҳудуд Қуршоб ва Қорадарё водийлари бўлган. Шунинг учун ҳам бу дарёларга яқин Жалолобод ва Ўзган ҳудудларида экин майдонларини 48 фоизига шоли экилган [14]. Бу ҳудудда яшовчи аҳоли шоликорликда жуда катта тажрибага эга бўлганлар. Исфара дарё водийси Конибодом, қисман Бешариқ, Яйпан, Қўкон шахрини, Қумушқўрғон водийси эса Ашт, Пангал, Ашобин, Майгир ва Жумашуй Андижон, Наманган шаҳарлари ва унинг атрофидаги қишлоқларни, Ўш ва Аравон Андижон ва Асакани гуруч билан таъминлаган [15]. Ўзган, Сузоқ гуручлари нафақат Фарғона водийсида, балки бутун Ўрта Осиё ерларида машҳур бўлган. Шунингдек, боғдорчилик, узумчилик учун водийнинг ғарбий томони жуда қулай бўлган [16]. Фарғона водийсида ерлар қадимги суғдиқлар томонидан ўзлаштирилган ва мевали дарахтлар, узум келтириб экилган.

Қўкон шаҳри атрофидаги истиқомат қилган аҳоли ҳам ерни агротехник ҳолатларини яхшилаш борасида анча миришкор бўлганлар. Маҳаллий деҳқонларнинг бу борадаги тажрибалари билан танишган А.Миддендорф “Фарғоналик деҳқонлар ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашда, маҳаллий ўғит тайёрлашда Ғарбий Европада анча илгарилаб кетишган”, деб ёзади [17].

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш усуллари бўлиб, бундай усуллардан бири экин майдонига лойдан кўтарилган эски уйларнинг пахса деворларининг тупроқларини солиб ўғитлаш бўлиб, бундай ўғитлаш усулига ўз даврида ижобий таърифлар берилган [18]. Ерларни ўғитлашнинг бошқа бир усули бу – ерларга гўнг солиб ўғитлаш бўлган. XIX аср охири – XX аср бошларида гўнг водий деҳқонлари учун асосий ўғит ҳисобланиб [19], бу даврда бир арава гўнгнинг нархи рус пулига 25 копейка тенг бўлган. А.И.Шахназаровнинг маълумотларга кўра, Фарғона водийсидаги кўчманчи аҳоли сотиш учун ҳатто бозорларга гўнг олиб келганлар ва уни 10–15 копейка сотганлар [20].

Ўғитлашнинг яна бир усули “фекал” деб номланиб, у ипак қурти ва турли қушлар ахлатидан фойдаланишдан иборат бўлган [21]. Шунингдек, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун бошқа бир усулдан инсон соч толалари, эски тери, жун ва бошқа маҳсулотларни компас қилиш – ерга кўмиб ўғитлаш усули ҳам қўлланилган.

Бухоро амирлигида ҳам суғориш тизимини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Амирлик ҳудудидаги ерларда буғдой, шоли ва сули экилган. Мол учун пояси озуқа ҳисобланган ва дони камбағал аҳоли учун асосий озуқа ҳисобланган жўхори, ёғи олишга мўлжалланган кунжут ҳам кўп экилган. Ўлка хунармандчилигининг асосий хомашёси бўлган пахтага эҳтиёж катта бўлганлиги учун хўжалиқлар имкониятларига қараб уни кўпроқ етиштиришга ҳаракат қилганлар. Бухоро, Шаҳрисабз, Каттақўрғонда пахта бошқа бекликларга нисбатан кўпроқ етиштирилган. Амирлик аҳолиси ичида боғдорчилик, узум, мева, полиз экинлари, тамаки етиштириш ҳам кенг тарқалган. Бухоро мевалари, узумлари, қуруқ мевалари ўша вақтларда ҳам маълум ва машҳур бўлган.

Ерларни суғориш учун ғоят қийин ва мураккаб иншоотлар қуриш талаб қилинганлиги, Ўрта Осиё ерларида маҳаллий деҳқонлар табиий географик имокониятлардан келиб чиқиб, маҳаллий шароитга мос деҳқончилик анъанасини шакллантира олганликларини ўлкадаги энг йирик сув тармоғи бўлган Зарафшон дарёси мисолида ҳам кўриш мумкин. Зарафшон дарёси ўзидан қазилган каналлар орқали қарийиб 400 минг десятина ер суғорилган, шундан 268 минг десятинали Бухоро амирлиги ихтиёрида бўлган. Маҳаллий аҳоли ўз ишининг устаси бўлганлиги боис кўпроқ лойқа ҳолда оқиб келган сувлардан фойдаланганлар. Бу сувларда тупроқ унумдорлиги учун зарур бўлган минерал моддалардан иборат оқинди жинслар кўп миқдорда бўлган. Биргина Бухоро воҳасининг суғорма деҳқончилиги учун яроқли бўлган ерларида оқиб келган лойқа билан суғорилган ерлардан 32 хил қишлоқ хўжалиқ экинлари етиштирилган [22].

Умуман, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги ерларда қадимда энг йирик сув тармоғлари

бўлган ва бу каналлар, ариқларнинг узунлиги бир неча минг километрга чўзилган. Ўрта Осиё аҳолиси асрлар давомида тажриба ва усуллар, табиат ҳодисаларини кузатиш натижаси билан XIX аср охири XX аср бошларига келганда деҳқончиликнинг ўзига хос маданиятини яратиб, муайян кўникмаларга эга бўлганлар. Айниқса, қадимги ирригаторлар магистрал каналлар бошлари қурилиши учун жой танлаш чоғида суғориш тизимлари бош қисмларининг ювилиб кетиши ва балчиқликни олдини олишга ҳаракат қилганлар. Бинобарин, Ўрта Осиё ерларинг ўзига хослиги маҳаллий аҳолини иқлим, муҳитга мослашиб ерларга ишлов бериш, экинларни парвариш қилиш ва юқори ҳосилдорликка эришиш каби тажрибага эга бўлиш имконини берди ва деҳқончиликни тараққий эттира олдилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Райҳон Беруний. Асорул бокия ан-ал қурунал холия. ЎзРФА сида сақланаётган таржима қўлёзмаси. Т/Н. 1171. –Б. 432–440.
2. Қаранг: Ғуломов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. –Тошкент, 1959. – Б. 19, 20, 30, 126.
3. Ғуломов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. – Б. 249–251.
4. Абу Райҳон Беруний. Асорул бокия ан-ал қурунал холия. ЎзРФА сида сақланаётган таржима қўлёзмаси. Т/Н. 1171. – Б. 432–440.
5. Эшчанов Ж. Хоразм жамоатчилиқ анъаналарининг тарихий илдизлари (сув хўжалиги ва жамоатчилиги мисолида) // ЎзМу хабарлари. Махсус сон, 2011. – Б. 36.
6. Ғуломов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. – Б. 251–253.
7. Ўша китоб. –Б. 71–72.
8. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – СПб. 1882. – С. 181.
9. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. –Тошкент, 1977. – Б. 52–53.
10. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – СПб. 1882. – С. 23.
11. Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. –Ташкент, 1974. –С. 181.
12. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. –Тошкент, 1977. – Б. 56–57.
13. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – СПб. 1882. – С. 18.
14. Современный кишлак Средней Азии. Вып. VI. –Ташкент, 1927. – С. 130.
15. Батраков В.С. Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства. – Ташкент: САГУ. Нов. Серия. Вып 62 км.8. История. 1955. – С. 134.
16. Раззоков А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 34.
17. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб. 1872. – С.148, 159, 160.
18. Вирский М.В. Хлопководство и хлопковая промышленность Самаркандской области. – Самарканд, 1896. – С. 89.
19. Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – Спб. 1876. – С. 247.
20. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб, 1908, – С. 157.
21. Isoqov Z. Farg'ona vodiysi an'anaviy dehqonchilik madaniyati. – Toshkent.: Yangi nashr, 2011. – В. 28.
22. Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). –Тошкент: Фан, 1972. – Б. 203.

РЕЗЮМЕ

Ўрта Осиёда яшовчи халқлар қадимдан деҳқончилик ишлари билан шуғулланиб келишган. Деҳқончиликка оид бой тажриба Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари яқинида яшовчи халқларлар орасида кенг тарқалган. Мақолада Ўрта Осиёда сув ва суғоришга, сув тақсимлаш тажрибаларига ҳамда деҳқончиликка оид тарихий далиллар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

Средняя Азия является одним из центров древней цивилизации. Основной деятельностью народов, живших на этих территориях, было орошаемое земледелие. Культура земледелия развивалась своеобразно, население имело богатый опыт использования и распределения вод таких рек, как Амударья, Сырдарья, Зерафшан и других крупных водных источников. В статье проанализированы такие вопросы, как методы использования водных ресурсов Средней Азии в развитии земледельческой культуры, распределение воды, существующие виды землевладения, техника обработки земли, виды выращиваемых культур, общественно-экономическая жизнь населения и место водных источников народном хозяйстве.

SUMMARY

Central Asia is one of the centre of ancient civilizations and primary activity of the people in these territories was irrigated agriculture. Agriculture developed the figuratively, the population Sirdaryya, Zeraf-

shan and other large water sources had a wide experience use and distribution of waters of such rivers as Amu Darya. In article proanalysis such questions as methods using water resources of Central Asia in development of agricultural culture, the water distribution, existing kinds landed property, technics of processing of the earth, kinds growth cultures, socio-economic life the population and a place of water sources a national economy.

Наширға доц. О.Бўриев тавсия этган

ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ БОШҚАРУВИДА БОЛШЕВИКЛАР МИЛЛИЙ СИЁСАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Рашидов О.Р. (ЎЗМУ)

Таянч сўз ва иборалар: *миллий сиёсат, миллий республикалар, инқилоб, коммунистлик партия, РСФСР, СССР, ХХСР, ТАССР, БХСР.*

Совет миллий сиёсатининг биринчи босқичи 1917–1924 йилларни ўз ичига олиб, бунда Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, миллий-демократлар томонидан тузилган Туркистон мухториятининг тор-мор этилиши, унинг ўрнига совет намунасидаги Туркистон АССР тузилиши ҳамда Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг Қизил армия томонидан тугатилиши, уларнинг ўрнида Хоразм ҳамда Бухоро Совет республикалари ташкил этилганлиги билан изоҳланади.

1919 йил 22 декабрда Туркистон комиссияси директивасига биноан Турккомиссия ва Туркфронт вакили Скалов ва Амударё кўшинининг қўмондони Шчербаков Хива хонлиги ҳудудига “унинг кўзғолон кўтарган халқига ёрдам кўрсатиш учун” бостириб кириш тўғрисида буйруқ бердилар. Бу тўғрида Тошкентда нашр этилган “Иштирокиюн” (“Коммунист”) газетасининг 1919 йил 12 ноябрь сонисидаги хабарга кўра Хивада ўзбек ва туркманларнинг куйи бўлимида “инқилоб” бошланганлиги айтилган [1].

Қизил армия кўшинлари шу йилнинг 23 декабрь куни Хива хонлиги ҳудудига бостириб кириши бошланди. Жунаидхонга қарши Совет кўшинлари билан туркман ва ўзбек аҳолисида ташкил топган отрядлар иттифоқда бирлашиб кураш олиб бордилар. Ушбу иттифоқчилар 1920 йил 1 февраль куни ғалаба қозониб, пойтахтга кириб келдилар. 2 февралда қизил аскарлар қисмлари ва Ёш хиваликлар тазйиқи остида Саид Абдуллахон тахтдан воз кечгани ҳақидаги манифестни имзолади [2].

1920 йил 27–30 апрелда Хива шаҳрида бўлиб ўтган Бутунхоразм халқ вакилларининг I курултойи Хива хонлигининг тугатилганини ва мамлакатни Хоразм Халқ Совет Республикаси деб эълон қилди. Курултойда ХХСРнинг вақтинчалик Конституцияси қабул қилинди. Ушбу Конституция кириш, 13 боб, 37 моддадан иборат бўлган [3]. Шунингдек, ушбу курултойда ХХСРнинг биринчи ҳукумати таркиби тасдиқланди. Янги ҳукуматнинг миллий таркиби ҳам миллатларнинг ўлкадаги сиёсий жараёндаги ўрнини билдиради. 15 нафар ҳукумат аъзосидан 9 нафари ўзбеклардан, 5 нафари туркманлардан, биттаси эса татар миллатига мансуб эди [4]. Шу йилнинг май ойида эса Хоразм Коммунистик партиясининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Бу пайтда ХКП 600 нафар аъзо ва 22 ячейкадан иборат бўлди [5].

1920 йилнинг 13 сентябрда РСФСР билан ХХСР ўртасида 3 та муҳим шартнома: Иттифоқ шартномаси [6], ҳарбий-сиёсий [7] ва иқтисодий битимлар [8] тузилди. Ушбу шартномалар ХХСР номидан Бобо Охун Салимов, Мулла Ўроз Хўжамуҳаммедов ва Мулла Нормуҳаммад Бобоевлар ҳамда РСФСР номидан Георгий Василевич Чичерин ва Лев Михайлович Караханлар томонидан Москва шаҳрида имзоланди. Сўнгра мазкур шартномалар ХХСР Нозирлар Шўросининг 1920 йил 26 октябрдаги 48-рақамли қарори (Хива шаҳри) билан тасдиқланди [9].

1920 йилда ташкил қилинган 16 та совет мактабининг 2 таси қозоқ ва қорақалпоқ ва 3 таси туркман мактаблари эди. Мактабларда машғулотлар ҳар бир халқнинг ўз она тилида

олиб борилди [10]. Шу пайтдан бошлаб Хивадаги сиёсий бошқармалар, коммунистик партия ва Қизил армия ҳамда Совет ҳокимиятининг барча тизимида махсус топшириқлар рус тили билан биргаликда ўзбек ва туркман тилларида ҳам олиб борилди [11].

ХХСРнинг миллий таркибининг катта қисми туркий миллатлардан иборат эди. Жумладан, биринчи ўринда ўзбеклар – 79,5 фоиз, иккинчи ўринда туркманлар – 14,5 фоиз, кейинги ўринда қозоқлар (қирғиз-қозоқ) – 4,3 фоиз ва қолганлари қорақалпоқлар ва татарлар, эронийлар ва бошқалар – 1419 нафар бўлиб, Хоразм аҳолисининг 0,3 фоизни ташкил этади [12].

ХХСРнинг 1924 йил 1 январь ҳолатидаги миллий таркиби: [13]

Миллий таркиби	вилоятлар				
	Қозоқ-қорақалпоқ	Янги Урганч	Тошовуз	Хива райони	Жами
Ўзбеклар	16236	188476	62278	97414	364404
Қозоқлар	17357	1933	247	101	19638
Қорақалпоқлар	4116	100	-	46	4262
Туркманлар	11724	1496	52715	1501	67431
Форслар	-	163	-	1341	1504
Татарлар	45	345	-	394	1190
Руслар	-	381	-	449	830
Араблар	-	1248	-	-	1248
Бошқа халқлар	-	76	-	322	398
Жами:	49884	194218	115235	101568	460905

1921 йил 15 майдан 23 майгача бўлиб ўтган Бутунхоразм халқ вакилларининг II курултойида қатнашган жами 329 делегатнинг 152 нафари ўзбеклар, 56 нафари туркманлар, 12 нафари қозоқлар, 6 нафари қорақалпоқлар, 12 нафари татарлар, 4 нафари руслар, 1 нафари тожик эди. Ҳатто бир нафар татар аёли – Хайрулбанот Сайдашева ҳам қурултой делегати қилиб сайланган эди [14]. Айни шу пайтда Хоразм Марказий Ижроия Кометети ва Нозирлар Шўроси таркибида ерли миллат вакиллари кўпчиликни ташкил этар эди. Жумладан, 44 ўзбек, 16 туркман, 3 қозоқ, 2 қорақалпоқ, 3 татар вакилларидан иборат бўлган [15].

Мазкур курултойда ХХСР МИК қошида етти кишидан иборат махсус туркман бўлими ташкил этилди. Унга Мулла Ўроз Хўжамухаммедов раҳбар бўлди. Ушбу бўлимнинг асосий вазифаси туркманлар яшайдиган ерлардаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, миллий, маданий масалаларни, уруғлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва уни яхшилаш, меҳнаткаш халқ фаоллигини ошириш, улар яшайдиган ҳудудларда деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш, хунармандчиликни тараққий эттириш ҳамда уларнинг маданиятини ошириш белгиланди [16].

Большевиклар ХХСРнинг мустақиллигини чеклаш ва Марказ таъсирида тутиб туриш мақсадида маҳаллий бошқарувда кадрлар алмашинувини амалга ошириб, бошқа совет республикаларидан “тажрибали” мутахассислар юбориб турдилар. ХХСР маҳаллий раҳбар кадрлардан, айниқса, Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Бобо Охун Салимов, Назир Шоликоров, Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов, Менглихўжа Ибнияминов, Мулла Бекжон Раҳмонов, Муҳаммаджон Абдалов, К.Нуруллаевлар миллий манфаатларни ҳимоя қилиб, республиканинг мустақил сиёсат юритиши учун курашдилар. Жумладан, ХХСР дохилия (ички ишлар) ноziри Назир Шоликоров мамлакатда демократик тадбирларни амалга ошириш ишларига раҳбарлик қилди. У ўзбек тилида нашр қилинган дарсликларнинг муаллифи ҳисобланади. Аммо 1921 йилнинг 6 мартида ва 27 ноябрида большевиклар томонидан амалга оширилган давлат тўнтарилиши оқибатида бадном қилиниб, “отиб ўлдирилишга” ҳукм қилинган. Бироқ халқ ўртасида катта обрўга эгалиги, фирқа ва давлат ишларида кадрлар етишмаслиги инобатга олиниб, авф этилган [17].

1921 йилнинг октябрь ойининг охирида РСФСР МИК ва ХКС томонидан ХХСРда “Ленинча миллий сиёсат”нинг амалга оширилишини назорат қилиш мақсадида А.А.Иоффе бошчилигида фавкулотда комиссия юборилди. Ушбу комиссия Хоразмда амалга оширилаётган ишларни бекор қилишга ҳаракат қилди. Бунга жавобан Хоразм МИКнинг раиси Ота-

махзумохун Муҳаммадраҳимов миллий манфатларни ҳимоя қилиб, РСФСР вакиллари олдига ультиматум қўйди. Бунда комиссия республика ички ишларига аралашадиган бўлса, “24 соат ичида Хоразмни ташлаб чиқиб кетиши шарт” эди [18]. Кейинчалик совет тарихий адабиётларида Отамахзумохун Муҳаммадраҳимов ва унинг ҳамфиқрлари пантуркизм ва панисломизмда, совет ҳокимиятига қарши бўлган Анвар Пошо, Мунавварқори ва Заки Валидий раҳбарлигидаги “Муслмонларни миллий бирлашуви” ташкилоти аъзоси сифатида танқид қилинди [19].

1923 йил апрель ойида бўлиб ўтган РКП (б)нинг XII съездида Бухоро ва Хоразм республикаларида туркман ва қирғизларга қарши йўналтирилган ўзбек шовинизми ҳақида гапирилган [20]. Большевиклар миллий сиёсатининг бош мақсади туркий халқларнинг бир бутунлигига зарба бериш ва улар ўртасида адоват уйғотиш эди. Бу жараён миллий-худудий чегараланиш арафасида янада авж олдирилди.

1923 йил 18–20 октябрда Бутунхоразм халқ вакилларининг IV қурултойида республиканинг янги Конституцияси тасдиқланди. Ушбу Конституция 5 та бўлим, 12 та боб ва 46 та модадан ташкил топган [21]. Янги Конституция мамлакатда амалга оширилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси ўзининг янги, социалистик ривожланиш даврига кирди, деб баҳолади ва давлат номини шу кундан бошлаб Хоразм Совет Социалистик Республикаси деб белгилади.

ХХСРда миллий муносабатларни тартибга солиш мақсадида Хоразм МИҚ ҳузурида миллий ишлар бўйича бўлим тузилган эди. Ушбу бўлимнинг фаолияти 1923 йили янги қабул қилинган ХХСР Конституциянинг 2-бўлим, 5-боб, 16-20 моддаларида ўзининг қонуний тасдиғини топган [22]. Жумладан, ушбу Конституциянинг 16-моддасида шундай дейилган: “Хоразм Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги миллий ишлар бўйича бўлим республикадаги камсонли миллатлардан иборат меҳнаткашларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу бўлим: туркман бўлими 9 нафар кишидан, қирғиз-қозоқ бўлими 5 нафар кишидан, қорақалпоқ бўлими 3 нафар кишидан ташкил топади” [23].

Ушбу Конституцияда миллатлараро муносабатларни яхшилаш ва уларнинг миллий талабларини қондириш мақсадида Хоразм МИҚ ҳузуридаги, аввал, туркман шуъбаси, кейинроқ, қозоқ ва қорақалпоқ шуъбалари ташкил қилинган. Туркман бўлимининг раиси қилиб Байрамов ва қозоқ бўлимининг раиси қилиб Таган Абдуллаевлар [24] тайинланди.

1923 йилдан Хоразм Халқ Совет Республикасида ҳам маҳаллийлаштириш масаласига замоннинг муҳим вазифаси сифатида қаралган ҳамда бу борада Туркменистон АССР ва БХСРда олиб борилаётган ишлар ўрганилган [25]. Туркменистон АССР МИҚ ва ХКС томонидан чиқарилган 130- ва 124-қарорлари ХХСРда ҳам амалда бўлди.

Хуллас, большевиклар томонидан “беғараз ёрдам” никоби остида Бухоро ва Хоразмда совет ҳокимияти ўрнатилди. Ушбу республикалар тузилганидан сўнг, РСФСР ўртасида бир қатор сиёсий-иқтисодий шартномалар имзоланди. Ушбу шартномаларда мазкур республикаларнинг ички ва ташқи сиёсатда мустақиллиги эътироф этилган бўлса-да, бунга амал қилинмади. Бундан кўзланган бош мақсад республикаларни совет ҳокимияти таъсирида тутиб туриш эди. Мустақил бошқарувга интилган республикалардаги раҳбар кадрлар лавозимидан озод қилинди ҳамда қаттиқ жазоланди. Ҳато айрим раҳбар кадрлар совет тузумга қарши муҳолиф бўлган курашувчилар томонига ўтиб кетди. Баъзилари эса ватанни тарк этиб, муҳожирликка жўнаб кетди. БХСР ва ХХСР ҳукуматлари коммунистик партия таъсирида бўлса-да республикада миллатлараро муносабатлар, миллий тил, бошқарувни маҳаллийлаштириш масаласида бир қатор ижобий натижаларга эришди. Бундан ташқари, истиқболда давлатни мустақиллигини таъминлашга қаратилган яширин ташкилотларнинг фаолияти ҳам ҳукумат таркибидаги баъзи маҳаллий коммунистлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мухамедбердиев К.Б. История Хорезмской Революции. – Т.: Фан, 1986. – С. 78.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 120.

3. История Хорезмской Народной Советской Республики. (1920-1924 гг.) Сборник документов. – Т.: Фан, 1976. – С. 41-46.
4. Кўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми XX аср биринчи чораги). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2007. – Б. 322.
5. История Хорезмской Народной Советской Республики. (1920-1924 гг.) Сборник документов. – Т.: Фан, 1976. – С. 7.
6. ЎзР МДА Р-72 фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 1-3-варақнинг орқаси.
7. ЎзР МДА Р-72 фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 1-варақ.
8. ЎзР МДА Р-72 фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 4-5-варақлар.
9. ЎзР МДА Р-72 фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 4-10-варақлар; ЎзР МДА Р-72 фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 2-3-варақлар; ЎзР МДА Р-72 фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 7-9-варақлар.
10. Маткаримов М. Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч., 1993. – Б. 21.
11. История Бухарской и Хоразмской Народных Советских Республик. – Москва: Наука, 1971. – С. 101.
12. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть II. Хорезм. Изд Комиссии по районированию Средней Азии. – Ташкент: 1962. – С. 90-91.
13. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть II. Хорезм. Изд Комиссии по районированию Средней Азии. – Ташкент: 1962. – С. 89.
14. Полвонов Т. Хоразм халқ Совет Республикасидаги миллатлараро муносабатлар тарихидан. “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳоизирги замон” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 2003. – Б. 148.
15. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – Б. 33.
16. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т., 2012. – Б. 485.
17. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – Б. 28-29.
18. Каландаров Н. Образование и деятельность Хорезмской Коммунистической партии (1920-1924). – Т.: Узбекистан, 1975. – С. 154.
19. Каландаров Н. Образование и деятельность Хорезмской Коммунистической партии (1920-1924). – Т.: Узбекистан, 1975. – С. 155.
20. Коммунистические партии Туркестана, Бухары и Хорезма в период национально-государственного размежевания в Средней Азии. – Т., 1959. – С. 28.
21. ЎзР МДА Р-71 фонд, 1-рўйхат, 64-иш, 25-29-варақнинг орқаси.
22. ЎзР МДА Р-71 фонд, 1-рўйхат, 64-иш, 25-29-варақнинг орқаси.
23. ЎзР МДА Р-71 фонд, 1-рўйхат, 64-иш, 27-варақ.
24. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч., 1993. – Б. 46.
25. Ғози Юнус. Ҳукумат бошқармаларини ерлилаштириш // Туркистон, 1923 йил 22 сентябрь.

РЕЗЮМЕ

Мақола ХХСРда совет ҳокимиятининг миллий сиёсати масалаларига бағишланган бўлиб, большевиклар партияси томонидан олиб борилган миллий сиёсатнинг мақсади ва моҳиятининг айрим жиҳатлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена вопросам национальной политики советской власти в ХНСР. Рассмотрены некоторые аспекты цели и сущности национальной политики партии большевиков.

RESUME

This article deals with the issues of Soviet power the KPSR. Some aspects of the objectives and essences of the National Bolsheviks Party policy.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ЭРКИНЛИК МАЪНАВИЯТ КАТЕГОРИЯСИ СИФАТИДА

Эркаев А. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: маънавият, эркинлик, ташиқи ва ички эркинлик, онтологик, прак-сеологик, онтологик ёндашувлар, эркинлик чегаралари.

Маълумки, жамият тараққиётининг асосий кўрсаткичларидан, тарозиларидан бири – бу инсон эркинлигининг ҳар жиҳатдан ўсишидир. Ибтидоий жамиятда инсон моддий жиҳатдан бевосита табиатга, маънавий жиҳатдан уруғ-жамоа асотирларига, эътиқоди ва урф-одатларига қарам бўлган. Аграр жамиятда табиатга бевосита қарамлик, фетишизм, анимизм, тотем ва табу билан боғлиқ хурофотлар бироз камайган. Буларнинг асосида инсон онги, билимлари, яратувчилик тажрибаси, меҳнат ва ишлаб чиқариш кўникмаси ривожланиши ётибди. Онг турли шаклларга шартли равишда бўлинса-да, яхлит бус-бутунлиқдир. Амалий ва назарий билимларнинг ўсиши, турмуш фаровонлиги юксалиши инсоннинг нафақат индивидуал дунёқарашига, эътиқодига, ахлоқий, эстетик қарашларига, кадриятлар тизимида, шунингдек, умуман маънавий эркинлик ўсишига таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди.

Алоҳида ижтимоий онг шаклига айланган дин, айниқса, жаҳон динлари инсонни табиатнинг гултожи, Худонинг суюкли бандаси, деб эълон қилди. Шахс манфаатлари, кишилар ҳаётининг баъзи бир соҳалари мухторийлиги тан олинди. Бу, албатта, биринчи галда юқори табақа вакиллари ҳаётига тегишли. Исломот тарқалган ўрта шарқ феодал мамлакатларида оилавий ҳаётнинг, инсон баъзи бир ҳуқуқларининг дахлсизлиги анча мустаҳкамланди. Эркинлик бир неча поғона кўтарилди. Ғарбда ҳам инсон эркинликлари муттасил ўсди. Англияда, масалан, ўрта асрлардаёқ “Хабеас корпус” институти шакллана бошлади. Юқори табақа вакиллари катта ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлди. Аммо эркинликнинг даражаси Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ўрта асрларда барибир ўз даври тузуми имкониятлари билан ўлчанар ва анча чекланган эди.

Индустриал жамият инсоннинг табиатдан бевосита қарамлигини янада камайтирди. Саноат инкилоби, давлат тузилмаси, амалдорлар сонининг, шаҳар аҳолисининг кескин ўсиши шароитида давлат ва иқтисодиёт бошқаруви, ижтимоий муносабатлар мураккаблашди. ОАВ тармоғи вужудга келди. Малакали мутахассисларга эҳтиёж ошиб кетди. Жамиятда янги қатлам – инженер-техник, иқтисодиёт, бошқарув, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ходимларидан, давлат хизматчиларидан иборат зиёлилар қатлами шаклланди. Секуляризация жараёни бошланди, тафаккур ва ижод эркинлиги ўсди, маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожланди. Постиндустриал жамиятда бу тенденция янада кучайди. Жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмаси тубдан ўзгарди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари етакчи ижтимоий кадриятга айланиб, давлат ҳуқуқидан устун қўйила бошлади. Жамият тараққиётининг қайси даври, қайси босқичини олманг, унда эркинлик аввалги давр ва босқичга нисбатан юксалганига гувоҳ бўласиз. Фақат большевизм, фашизм, ҳарбий хунталар ҳукмронлик қилган тоталитар давлатларда биз бунинг аксини кўрамиз. Лекин бундай режимлар ўрнатилиши жамият тараққиётининг объектив заруратидан келиб чиқмайди ва тарихан узоқ яшай олмайди. Улар глобал жамият юксалишининг бир чизиқли эмаслигини, зиддиятлардан, тасодифлардан холи бўлолмаслигини, мураккаб тизимлар эволюциясида юксалиш қаторида емирилиш, барқарорлик қаторида беқарорлик мавжудлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, жамият ривожланиши жараёнида унинг оқибати ўлароқ инсон эркинлиги ҳам ўсади – ва аксинча. Эркинлик инсон онги, хулқ-атвори ва фаолиятининг ҳамда жамият ҳаётининг барча йўналишлари ва шаклларида дахлдор тушунча. Аммо уларнинг ҳар бирида ҳар хил кўринишда ва ҳажмда намоён бўлади. У ижтимоий кадрият ва меъёр сифатида маънавият категориясидир. Онгда у ички эркинлик ўла-

роқ тафаккур ва ирода (масъулиятли муносабат, юксак мақсадларни кўзлаш) эркинлиги кўринишида юзага чиқади. Хулқ-атвор ва фаолиятда ташқи эркинлик – мавжуд имкониятлардан бирини танлашда ва реал мақсадга амалий интилишда воқе бўлади. Демак, эркинликнинг ташқи ва ички кўринишлари бор. Эркинликнинг бу икки шакли бир бирини тўлдиради. Уларни ўзаро қарама-қарши қўйиш ярамайди, гарчи ўзаро баъзан кескин фарқ қилсада. Исаё Берлин уларни “позитив эркинлик” ва “негатив эркинлик” деб атайди. Хўш, эркинликнинг ўзи нима? Ички ва ташқи эркинлик бир биридан нимаси билан фарқ қилади?

Эркинлик тушунчасига турли илмий-фалсафий қарашлардан ёндашиш мумкин. Онтологик нуқтаи назардан эркинлик заруратнинг инсон онгида ва ҳаракатида намоён бўлишидир. Буюк немис философи Ҳегел “Эркинлик – бу англаб олинган заруратдир” деган эди. Мутафаккир ички эркинликни назарда тутган. Унинг учун эркинлик биринчи навбатда руҳ ва тафаккур эркинлигидир. Яъни руҳ ва тафаккурнинг заруратни тасодифдан ажрата олиши, Мутлақ Руҳ иродасини, Мутлақ ғоя моҳияти ва ривожланиш қонунини тўғри англашидир. Инсон фаолияти эркинлиги (ташқи эркинлик) унинг руҳидан, тафаккуридан келиб чиқади ва уларга тобе. Ҳегел фикри масалага теран иделистик ёндашувдир. У ниқобланган мистикадан холи эмас.

Ф. Энгельс Ҳегел қарашини материалистик шаклга келтиришга уришиб, “Эркинлик – англаб олинган зарурат бўйича ҳаракат қилиш (фаолият юритиш)” дея таърифлади. Энгельс таърифида инсон фаоллиги, яратувчилиги биринчи ўринга чиқади. Заруратни англашнинг ўзи инсонга амалда эркинлик келтирмайди. У заруратни қондириш имкониятларини қўлга киритсагина, эркинликка эришади. Материалистик ёндашув эркинликни амалиёт билан боғлайди. Бу унинг устун томонидир. Аммо материалистик ёндашув вульгарлашиб кетмаслиги, ҳамма нарсани фақат амалий ва моддий натижага, ижтимоий шарт-шароитга бориб тақамаслиги, инсоннинг ички, маънавий эркинлигини, руҳий интилишларини, нафси ва ҳирси қутқуларини эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Зеро, нафси ва ҳирсининг қулига айланган киши эркин эмас. Хулоса қилиш жоизки, эркинликнинг биринчи шarti – билим, заруратни англаш, иккинчи шarti – унга ўз хатти-ҳаракатини, ташаббусларини мослаштиришдир, бошқача айтганда, масъулиятли фаолликдир.

Афсуски, ҳар доим ҳам ички ва ташқи эркинлик нисбатлари масаласи илм-фанда тўғри ҳал этилмаган. Совет фани эркинликни ниҳоятда тор талқин қилиб, уни ижтимоий-иқтисодий формация берадиган расмий-юридик имкониятлар билан ўлчар эди. Бунда СССРда инсоннинг инсон томонидан эксплуатация қилинмаслиги, бутун бойлик халқ мулки деб, барча кишилар ижтимоий келиб чиқиши, миллати, жинси, динидан қатъи назар тенг ҳуқуқли деб эълон қилингани гўёки совет халқини дунёдаги энг эркин ва бахтиёр халққа айлантирган эди. Ички эркинлик, индивидуал эркинлик, эътиқодий, сиёсий, умуман маънавий эркинлик ҳақида кам гапирилар, ҳар бир фуқарога ҳаётда истаган мартабага эришиш учун йўл очиклиги тарғиб этилар эди. Индивидуализм тан олинмасдан, устуворлик коллективизмга берилгани сабабли эркинликнинг индивидуал жиҳатлари ва умуман илмий томонлари таҳлил этилмас, балки мафкуравий, тарғибот-ташвиқот жиҳатига урғу берилар эди. Аслида эса совет кишилари, совет жамияти иқтисодиётдан тортиб то сиёсат, эътиқод, ижодкорликкача фақат коммунистик мафкура руҳсат берадиган доирадагина қисман эркин эдилар. Эркинлик кўлами жуда тор, чегараси қаттиқ эди.

Ички эркинликка эга бўлмаган, билими, савияси паст киши унга жамият ва ўзининг субмуҳити берган имкониятлардан етарлича фойдалана олмайди, чунки унга мустақил фикр ва масъулият етишмайди. У бировларнинг кўрсатмасига, маслаҳатига муҳтож. Натижада у фикрий ва амалий боқимандаликдан тўла қутила олмайди. Унга етакчи, ортидан эргаштирувчи, кўрсатма ва буйруқ берувчи керак. Ижтимоий кўрқув, ички ҳадик ҳар қандай эркинликни, ташаббусни бўғади. Бу ижодга ҳам, тадбиркорликка ҳам жиддий хавф туғдиради. Инсонни маънавий фалаж қилиб қўяди. Онгдаги кўрқув, ҳадик йўқолмагунча бу давом этаверади. Мисол тариқасида бугун маънавийтимиз ривожланишини ортга тортаётган бир ҳолатни эсланг. Давлат цензураси бекор қилинди, бироқ адабиёт, ОАВ яхши ривожланма-

япти. Чунки ички цензор, ички ҳадик йўл бермаяпти. Ташқи эркинлик ҳам давлат яратган расмий ҳуқуқий ва моддий-иқтисодий имкониятлар эмас, балки реал имкониятлар бўлиши лозим. Айтайлик, қонун бўйича ёш йигит-қизлар ўзларига ёқадиган, қобилиятига, қизиқишига мос мутахассисликни эгаллаш учун истаган олий ўқув юртида ўқиш ҳуқуқига эга. Бу масалада улар расмий жиҳатдан тенгҳуқуқлидир. Икки нафар шундай ёш шифокор бўлишни орзу қилади. Бири иқтисодий тўк, иккинчиси иқтисодий ночор оиладан. Тиббиёт институти улар яшайдиган вилоятда йўк. Узоққа, бошқа шаҳарга бориб ўқишга тўғри келади. Иккинчисининг бунга реал имконияти йўл бермайди, қизиққан касбини эгаллаш ҳуқуқи формал бўлиб қолади. Ўқишни эмас, даволанишни олсак, бу янада яққолроқ кўринади. Қандайдир жарроҳлик операцияси учун чет элга бориш керак. Бир оила харажатларга маблағ топа олади, иккинчиси эса йўк. Ночор оиланинг даволаниш ҳуқуқи ушбу касаллик бўйича юзага чиқмай қолади. Иккинчи касалга ё давлат, ё жамият (ҳомийлар) ёрдам берадигани, у ўз даволаниш ва соғлом яшаш ҳуқуқини амалга ошира олади. Формал ҳуқуқ реал ҳуқуққа айланади.

Ички ва ташқи эркинлик ўзаро чамбарчас боғлиқ. Ички эркинликсиз ташқи эркинлик тўлиқ бўлолмайди, ташқи эркинликсиз ички эркинлик хаёлот ва туйғу даражасида қолиб кетади. Шу сабабдан уларни бир биридан ажратмасдан, бир бирига қарама-қарши қўймасдан, диалектик муштаракликда ўрганиш лозим. Бу эса аввало эркинликни ирода ва шарт-шароит бирлиги сифатида тадқиқ этишни назарда тутати. И. Берлин ички “позитив” эркинликка кўпроқ эътибор берилса, ташқи “негатив” эркинлик камайиб кетиши мумкин деб ҳисоблайди. Бу жуда ўринли ва теран фикрдир. Ҳақиқатан, тасаввуфнинг фақат ичка эркинликка интилиб, ташқи эркинликни инкор қилиши оқибатда жамиятни қоқоқликка, маънавий ва иқтисодий ночорликка мубтало этган эди. Бундай ҳолатни барча жамиятларда бошқа мисолларда ҳам кузатиш мумкин.

Объектив шарт-шароитлар яратилиши ички эркинликни предметлаштиради, реалликка айлантиради. Бундан ташқари, у миллий иродани юзага чиқаради. Давлат бутун халқнинг иродасини ҳисобга олиб қонунлар қабул қилса, шарт-шароитлар яратса, ташқи эркинликни ривожлантиради. Тафаккур эркинлиги ҳам оқибатда амалий жиҳатдан ироданинг намоён бўлишидир. Тафаккурнинг мазмуни тўғри ёки хатолигидан қатъи назар эркинлиги, унинг мустақиллиги ва масъулияти билан белгиланади. Эрих Фромм айнан шунга урғу беради.

Йирик олимлар, ижодкорлар, атоқли арбоблар, шахслар мустақил фикр юритганлар, масъулиятдан чўчимаганлар. Лекин ҳар доим ҳам уларнинг қарорлари, хулосалари, билдирган фикрлари тўғри бўлавермаган. Аммо хатолиги, зиддиятлигидан қатъи назар улар тафаккури эркин бўлган. Бу уларни фаол шахсларга айлантирган. Аксинча, аҳволни, воқеалар ривожини тўғри англаб, тўғри таҳлил қиладиган киши ўз бошлиғи ёки бошқа бир обрўли шахснинг хато фикрига қарши чиқолмаса, кўр-кўрона бўйсунса, унинг тафаккури эркин эмас, қарам ҳисобланади. Чунки унга мустақиллик ва масъулият етишмайди, гарчи тафаккурининг инъикос ва таҳлил қуввати етарлича бўлса-да. У бошлиғининг кўрсатмасига жон-жон деб бўйсунди, зеро, бу унинг учун хавфсиз. Аксинча, агар ўз фикрини айтиб, бошлиғига эътироз билдирса, воқеалар эрта-индин бошқача тус олишидан кўрқади. Унга журъат, ирода етишмайди. У нофаол, ташаббускорлиги етарлича шаклланмай қолган кишидир. У ўзининг потенциал имкониятларини юзага чиқаролмайди.

Маълумки, ирода – эркин танлаш, ўз олдига онгли мақсад қўйиб, унга эришиш учун бутун куч-қувватини, ақл-заковатини сафарбар этиш, қийинчиликлардан, масъулиятдан кўрқмасликдир. Шу сабабдан тафаккур эркинлиги онтологик жиҳатдан ирода эркинлигига, рух эркинлигига бориб тақалади. Мустақил фикрлайдиган, фаол ва масъулиятни ўз зиммасига оладиган кишилар, одатда, бошқаларнинг етакчисига, раҳбарига айланади. Масъулияти каттароқ ва кўпроқ бўлган шахснинг қарор қабул қилишда, одамларни бошқаришда амалда ҳақ-ҳуқуқи ҳам кўпроқ, эркинлик даражаси юқорироқ бўлади. Демак, тафаккур эр-

кинлиги, Э.Фромм таъкидлаганидек, тўғри ёки хатолигидан қатъи назар унинг мустақиллиги ва фаоллигидир.

Эркинлик, праксеологик мазмунига кўра, танлаш имкониятлари сони ва сифатидир. Айтилик, сиз яшаётган шаҳарда фақат биргина олий ўқув юрти бор. Қўшни вилоят марказида улар сони бешта, пойтахтда ўттизга яқин. Сиз яшаётган шаҳар абитуриентларининг четга чиқиб ўқиш шароити йўқлари олдида фақат бир олий ўқув юрти танлаш имкони мавжуд. Қўшни вилоят абитуриентларида бу имконият беш, пойтахт абитуриентларида ўттиз баробар ортиқ. Улар ўқийдиган муассасани ва мутахассисликни танлашда сизнинг шаҳар абитуриентларига нисбатан анча эркиндир. 5-10 вариантдан ўз хоҳишига кўра бирини танлай оладиган киши, мавжуд бир вариантга хоҳласа-хоҳламаса мурожаат этадиган кишига нисбатан эркинроқдир. Эркинлик масаласида Дэвид Миллер вариантлар кўплигига урғу беради.

Албатта, Миллер вариантлар сифатига ҳам эътибор қаратади. Баъзан сифатли бир вариант инсонга сифатсиз ўнта ўзаро деярли фарқ қилмайдиган вариантдан кўпроқ эркинлик беради. Масалан, ҳовли супурувчи, чиқиндилар ташувчи, офис фарроши, туалет тозаловчи, омбор қаровули, хат ташувчи курьер ва ҳ.к. иш ўринларидан қайсисини олманг, у киши касбий-профессионал ўсишига, маънавий юксалишига олиб келмайди. Лекин офис менежери, ёки илмий лаборатория тадқиқотчиси каби вариантлардан бири маънавий ва профессионал юксалишда, ижодий қобилиятни юзага чиқаришда кўпроқ имкон беради. Чунки ақлий ва ижодий меҳнат механик тарзда бажариладиган оддий жисмоний меҳнатдан сифат жиҳатдан кескин фарқ қилади, профессионал билимларни, малакани талаб қилади, ўз эгаларига жамиятда иззат-эътибор келтириб, кўпроқ “маънавий ҳуқуқ” – эркинлик беради. Шу сабаб “имкониятлар сони” тушунчаси ўрнига Д.Миллер “имкониятлар ҳажми” деган тушунчани қўллаш тўғрироқ, деб ҳисоблайди. Негаки “имкониятлар ҳажми” имкониятлар сонини ва сифатини ўзида мужассам этади.

Эркинликнинг праксеологик жиҳати танлаш имкониятидан ташқари “танлаш қобилияти”ни англатади. Киши ўзига маъқул ва ёқадиган вариантни мустақил, эркин танлай оладими, “ҳуқуқи” етадими ёки бунинг учун ота-онасидан, бошлиғидан, бошқа бир масъул шахсдан рұхсат олиши керакми? Рұхсат олиш мустақил қарор қабул қилиш, эркин танлаш имкониятини чеклайди. Ҳатто киши хоҳишига зид уларнинг кўрсатмасини бажаришга мажбур бўлиши мумкин. Бундай ҳолда эркинлик ҳақида сўз юритиш ортиқча.

Танлаш қобилияти, бир томондан, шахс тафаккурига, ички эркинлигига, иккинчи томондан – ташқи эркинликка, шахс мавқеига, мустақиллиги, субмуҳити ва умуман ижтимоий муҳит яратган шарт-шароитга боғлиқ. Танлаш қобилияти, аввало, шахснинг вариантларни танқидий ва тўғри баҳолайдиган ақл-заковатидир. Бироқ қобилият юзага чиқиши учун қулай муҳит керак. Бундан ташқари, шахс баҳо беришда, танлашда ўз муҳити ва жамият талаблари билан ҳисоблашмоғи лозим. Эркинликнинг праксеологик томонига, маълум бўлмоқдаки, икки омил таъсир кўрсатади. Биринчиси – жамият томонидан яратилган шарт-шароитлар – танлаш вариантларининг сони ва сифати. Вариантлар сони қанча кўп, сифати қанча юқори бўлса, эркинлик даражаси, салоҳияти шунча баланд бўлади. Ва аксинча. Иккинчиси - шахснинг ақл-заковати, ижтимоий мавқеи, профессионал мустақиллиги. Бу унинг оилада, меҳнат жамоаси ва бутун жамиятда тутган ўрнига боғлиқ. Оилада боқиманда ёки ҳаётда бировга қарам киши тўлиқ эркин бўлолмайди. Меҳнат жамоасида малакасиз ёки энди шогирдликка тушган ёш ишчининг мавқеи, эркинлиги бошқаларникидан паст туради.

Давлат хизматининг ҳарбий, хавфсизлик ёки шуларга ўхшаш махсус соҳаларида банд кишиларнинг амалий эркинлиги хизмат бурчи, қасамёди билан маълум даражада чекланади, аммо улар ўз соҳаларига тааллуқли масалаларда бошқаларга нисбатан анча кенг эркинликка эга. Масалан, бошқалар билмайдиган махфий ахборот ва давлат сирларини ўз соҳасига оидларини билишлари мумкин.

Эркинлик категорияси имконият ҳажми, заруратни англаш, танлаш, қобилияти, масъулият, ижтимоий шарт-шароит каби тушунчалардан ташқари бурч, садоқат каби тушунчаларни ўз ичига олади. Ўз бурчига хиёнат қилган киши эркинлигининг катта қисмини йўқотади. Агар у бошқаларга, давлатга зарар келтирса, маъмурий ва жиноий жавобгарлик-ка тортилади. Агар ахлоқий бурчини бузса, одамларнинг ҳурматини йўқотади, обрў-эътибори пасайиб кетади, ёхуд биров билмаганда ҳам виждони қийналади. Шундай қилиб, эркинлик истаганимни, хаёлимга келганини қиламан дегани эмас. У масъулият ва бурчини, жамиятнинг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа талабларини тўғри тушуниб, ўз бурчига содиқликни билдиради. Ҳалоллик, ахлоқий ва инсоний бурчига содиқлик кишига нафақат эркин бўлиш учун имконият яратади, шунингдек яхши ном келтиради, одамларнинг юксак баҳо беришига, уни кадрлашига, ҳурмат қилишига олиб келади. Шу тариқа эркинлик аксиологик аҳамият ва мазмун касб этади.

Эркинликнинг онтологик ва праксеологик мазмунидан унинг аксиологик моҳияти, яъни кадр-қиммати, баҳоси, инсон ва жамият ҳаёти юксалишидаги маънавий-амалий ўрни, аҳамияти, вазифалари келиб чиқади. Эркинлик алоҳида инсон учун ҳам, халқ учун ҳам барча нарсадан азиз қадриятдир. “Тиз чўкиб яшагандан, тик туриб ўлган яхши”, “Бировнинг миннатли ёғли ошидан, ярим коса ўз ёвгонинг афзал”, “Яхшидан от қолади, ёмондан дод” ва кўплаб шу каби халқ нақллари эркинлик, қадрият сифатида ҳаёт-мамонтдан, фаровон турмушдан устун эканини тасдиқлайди. Шу сабабдан, қарам, банди киши, мустамлака халқ ўз озодлиги учун курашади, қийинчиликларни, озодлик йўлидаги тўсиқларни енгишга интилади, ҳатто жонини фидо қилишдан тоймайди. “Сотқин” деган ном олмаслик учун асир тушган аскарнинг маънавий жасурлари ҳарбий сирни очмасдан, ўлимни афзал кўрган. Бу ҳаракатда асирнинг ички маънавий эркинлиги намоён бўлади, чунки у жонидан, ҳаётдан яхши номни устун қўймоқда. Ҳеч ким ёмон отлиқ бўлишни, жамоатчилик ундан юз ўгиришини истамайди. Чунки бу уни тириклигида ҳуқуқий ва маънавий эркинликдан маълум даражада маҳрум этади. Ҳаётдан ўтгандан кейин фарзандларига нисбатан одамларнинг муносабатида шубҳаланишни юзага келтиради, уларнинг эл ўртасида маънавий эркинлигини чеклайди.

Бир томондан, одамларнинг юксак баҳоси, ишончи, яхши муносабати эркинликни юзага чиқарувчи омилдир. Иккинчи томондан, эркинлик – масъулиятлилик, бурчига содиқлик, ҳалоллик кишини одамлар томонидан ижобий баҳолаш, кадрлаш омилидир. Одамлар сизга ишонса, бамаъни, ҳалол киши дея ҳурмат қилса, Бенжамен Франклин айтганидек, улар ҳамёни сизга қарз олиш учун доимо очик. Сиз эркин кредит ололасиз. Ҳамма бамаъни кишининг фикрини тинглайди, маҳаллий давлат идоралари ҳам у билан ҳисоблашади. Бинобарин, эркинлик аксиологик нуқтаи назардан инсоннинг жамиятда топган эътибори, иззат-ҳурмати, кадр-қиммати дур. Буни социумнинг юқорида бўғинларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин: оилага, меҳнат жамоасига, ижтимоий гуруҳга, қатламга, табақага, синфга, турли этник гуруҳларга, бутун халққа нисбатан ва ҳ.к. Халқ ҳақиқатан давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаига айланганми, ё ҳокимиятни шакллантиришга ва назорат қилишга ҳеч қандай реал имконияти йўқми, халқ манфаатлари давлат манфаатига бўйсундирилганми, ё аксинчами? Мазкур саволларга жавобдан халқнинг амалдаги эркинлиги ва кадр-қиммати келиб чиқади. Фуқаролик институтлари ва давлат институтлари, алоҳида фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар ҳам аксиологик нуқтаи назардан баҳоланиши мумкин.

Эркинлик амалиёти ва аксиологик баҳолар фақат ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий ва бошқа соф маънавий томондан ташқари, амалий сиёсий-юридик мазмунига эга. У давлат ва эркинлик муносабатларини, зиддиятларини туғдиради. Биринчидан, давлат ҳокимияти бор жамиятда, яъни ибтидоий жамиятдан ташқариларида, эркинликнинг сиёсат ва қонунлар белгилайдиган чегаралари мавжуд. Давлат ижтимоий муносабатларни қонунлар орқали тартибга солади, фаолият юритишнинг ҳуқуқий маконини, доирасини белгилайди. Бу макондан, доирадан четга чиқиш мумкин эмас. Эркинлик ўша доирадагина воқе бўлолади. Иккинчидан, давлат эркинликни чеклаш қаторида уни юзага чиқариш омилидир. Қонунлар

бош-бошдоқликнинг, анархиянинг, зўравонликнинг олдини олади. Давлат таълим, ахборот, соғлиқни сақлаш, юридик хизмат ва ш.к. соҳаларда фуқаролар ҳуқуқлари юзага чиқишига шароит яратади, баъзан тўғридан-тўғри ёрдам беради. Давлат қонунлар бажарилишини турлича таъминлайди. Нодемократик, айниқса, тоталитар давлатларда маънавий ҳаётда расмий мафкура ва цензура ўрнатилади. Бу вазифалар черковга, диний ташкилотга топширилиши мумкин, агар черков давлатдан ажратилмаган бўлса ёки собиқ СССРдагидек давлатнинг мафкура билан шуғулланадиган кенг тармоқли тузилмалари бўлади. Ҳатто давлат хавфсизлик хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда махсус мафкуравий бўлимлар фаолият юритади. Демократик, ҳуқуқий давлатларда расмий мафкура ва цензура бекор қилинади, кўппартиявийлик, мафкуравий плюрализм ўрнатилади. Бундай шароитда рақобат қилувчи сиёсий партиялар, ОАВ, фуқаролик институтлари тегишли мутасадди давлат идоралари билан биргаликда эркинликни амалга оширувчи қонунлар таъминланишини назорат қилади.

Эркинликнинг ҳуқуқий асослари қафолатланган демократик либерал жамиятда инсоннинг ўз бурчини, мажбуриятларини англаши, уларнинг ички ижтимоий интилишга, эътиқодга айланиши осон кечади. Масалан, ватанпарварлик, фидойилик туйғуси тоталитар жамиятда кучли намоён бўлиши мумкин, аммо у эркин эмас, қисман мафкуравий мутаассибликка, бошқача фикрлайдиганлардан нафратланишга ёки салбий муносабатга, қисман репрессив сиёсий режимдан кўрқишга, қисман Ватанини ҳақиқатдан севишга, эътиқодга асосланган. Унда мафкуравий мутаассиблик, ижтимоий-сиёсий кўрқув ва ҳақиқий эътиқодий туйғу зиддиятли равишда қоришиб кетган. Демократик жамиятда ватанпарварлик ташқи тазйиқ, мафкуравий ва сиёсий босим остида эмас, балки эркин ишонч, қалб амри ўлароқ шаклланади. Шу боис у кўпчиликда бўртиб турмайди, ташқи дабдабозлик ва мафкурабозликни ёқтирмайди. Унда ҳам ватанпарварлик туйғусига мутаассиблик, бошқа халқларга нисбатан беписандлик, ҳатто нафрат аралашиб қолиши мумкин. Лекин бу жамиятнинг моҳиятидан келиб чиқмайди ва шахс маънавиятидаги, тарбиясидаги камчиликларга бориб тақалади.

Демократик жамиятда ватанпарварлик сиёсий режимдан, унинг репрессиялари, жазоларидан кўрқиш оқибатида эмас, эътиқод асосида шаклланиши жуда муҳимдир. Бу амалда эркинликнинг дунёқарашда, эътиқодда намоён бўлишидир. Демократик жамиятлардаги ватанпарварлик, фидойилик мутаассибликдан холилиги туфайли, тоталитар жамиятдагидан кўра бўшроқ, заифроқ туюлиши мумкин. Аслида бундай эмас. Эркинликнинг бир шакли сифатида у теранроқ, мустаҳкамроқ эътиқодий асосга эга. Эркинлик мужассам ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида эса демократик жамиятда ранг-барангроқ, адолатли сиёсий, ҳуқуқий асосларга, қафолатларга эга. Бошқа мисолларда бу янада ёрқинроқ намоён бўлади. Масалан, ижодий, ташкилий, иқтисодий ташаббускорликда. Нодемократик жамиятда инсон ташаббус кўрсатишдан кўрқади. Чунки ташаббус ўзбошимчалик, давлат сиёсатида нисбатан муҳолифлик деб баҳоланади.

Эркинликнинг ҳуқуқий асослари ва қафолатлари ҳақида гапирганда, икки муҳим масалага эътибор қаратиш лозим. Биринчиси – “фуқаро–давлат–жамият” занжирида сиёсий мақсадга мувофиқлик ва эркинлик нисбати. Инсон (фуқаро) қай даражада ўз эркинлигининг бир қисмини ихтиёрий равишда давлатга ёки жамиятга: маҳаллага, диний жамоага, ўзи мансуб ноформал гуруҳга ва ш.к. ўтказиши мумкин. Бундай ҳолда у жамоаси ёки давлат идораси талабига бўйсунуш мажбуриятини зиммасига олади, талабнинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар. Лекин, иккинчи томондан, уни ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ. У ҳамма қатори умумий талабга ихтиёрий риоя этиш тўғрисида ўзи учун мустақил қарор қабул қилган. Масала оддий эмас. Давлат сиёсий мақсадга мувофиқликдан, келиб чиқиб, айтайлик, тинчлик-осойишталикни, миллий жипсликни таъминлаш, маҳаллийчилик, гуруҳбозликни, сепаратизмни бартараф этиш учун муҳолиф кайфиятдаги шахсларни, гуруҳлар ва партияларни қай даражада чеклаши мумкин? Эркинлик ва адолатдан, тенглик ва барқарорликдан қай бирини танлаш мақсадга мувофиқ? Албатта, бу конкрет ижтимоий-сиёсий

вазиятга боғлиқ. Фавкулдда вазият эълон қилинганда ёки мамлакат ташқи хавф остида қолганда, айрим эркинликлар чекланиши заруратга айланиши мумкин.

Иккинчиси – эркинлик чегаралари масаласи. Эркинлик чегараларини мамлакат миқёсида давлат белгилайди. Шахснинг индивидуал ҳуқуқларини акс эттирувчи қонунлар, меъёрлар бошқа шахснинг ҳуқуқларига зиён келтирмаслиги лозим. Худди шундай инсон манфаатларини ифодаловчи қонунлар, меъёрлар давлат манфаатларига, унинг хавфсизлиги, сиёсий барқарорлигига салбий таъсир қилмаслиги лозим. Жамиятнинг маънавий-маданий ҳаёти: эътиқоди, диний ва дунёвий қарашлари, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, адолат, нафосат меъёрлари, шахслараро, ижтимоий гуруҳлараро, табақалараро, элатлар, миллатлараро муносабатлар ҳам зарар кўрмаслиги зарур. Буни давлат нафақат қонунлар орқали, шунингдек, жамиятнинг ўзи ижтимоий фикр, одамларнинг муайян шахс хатти-ҳаракатларига, фаолиятига ва умуман жамиятдаги мавжуд муносабатларга баҳо бериш орқали ҳам тартибга солади. Қабул қилинган меъёрлар, уларни амалга ошириш тартибидан четга чиқмаслик шахс эркинликлари чегарасидир. Чегара ичида шахс эркин, чегарадан ташқарида эркин эмас. Эркинликни йўқотиш ҳажми чегарадан қанчалик узоқлашганига ҳамда қайси масалада ундан чиққанлигига, бошқа шахсга, давлатга ва жамиятга келтирган зиёни салмоғига боғлиқ.

Эркинлик маънавий категорияси сифатида унинг барча таркибий қисмларининг ривожланиш даражасини, мазмуни бойлиги ёки қашшоқлигини, шакли ранг-баранглиги ва мураккаблигини акс эттиради. Маънавий ривожланиши тарихий босқичларини, унинг гуруҳираб гуллаб-яшнагани ёки таназзулга учраб қашшоқлашиб қолганининг мазмун-моҳиятини, оқибатларини, бугунги аҳволини, истикболини эркинлик категорияси ёрдамида, унинг мезонларини қўллаб, чуқурроқ англаш, тушуниш мумкин. Уларнинг сабабларини ижтимоий омиллар белгилайди, албатта. Аммо мазмуни ва оқибатларини эркинлик категорияси очиқ беради.

Социумнинг барча бирликлари – алоҳида инсондан миллатгача – маънавий онги, эътиқоди ва дунёқарашини, қадриятлар тизимини ва ижтимоий мўлжаллари эркинлик категорияси ёрдамида таҳлил қилинади, баҳоланади, кучли ёки заиф жиҳатлари аниқланади. Эркинликнинг қай даража ижтимоий мўлжалга, идеалга айлангани, қай даражада одамлар ўртасидаги муносабатларда, ҳулқ-атворда, фаолиятда, ижодда юзага чиққани маънавий онгни ҳам, маънавий маданиятни ҳам, шахс, миллат иродасини ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ҳар томонлама тавсифлайди. Ўз навбатида маънавий категорияси сифатида эркинлик мазмуни ижтимоий онг барча шакллариининг категориялари ва тушунчалари ёрдамида англаб олинади ва жамият яратган имкониятлар орқали юзага чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гегель. Наука логики. Т. I. – М., 1975.
2. Маркс К., Энгельс Ф. Сочинения. Т. 20.
3. Фромм Э. Психологический анализ и этика. – М., 1993.
4. Миллер Д. Политические учения. Краткое введение. АКТ. – М., 2007.
5. Берлин И. Философия свободы Европа. Liberal.ru // НЛЮ. 1996.

РЕЗЮМЕ

Мақолада эркинлик маънавий категорияси сифатида тадқиқ этилади. Унинг моҳияти, амалий аҳамияти ва праксеологик мазмуни очилади. Эркинликнинг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий асослари, чегаралари, унинг ирода ва маъсулият билан муштараклиги хақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется свобода как категория духовности. Раскрываются ее сущность, практическое значение и аксиологическое содержание. Высказываются суждения о нравственных, политических, правовых основах, границах свободы, ее единстве с понятиями “воля” и “ответственность”.

SUMMARY

In article freedom as category of spirituality is researched. Its entity, practical value and axiological contents reveal. Opinions express moral, political, legal bases, freedom boundaries, its unity with the concepts "will" and "responsibility".

ШАХС ХАВФСИЗЛИГИ – МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ТРИАДАСИНИНГ МУҲИМ ОБЪЕКТИ

Раҳматова Д. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *хавфсизлик, миллий хавфсизлик, миллий хавфсизлик триадаси, шахс хавфсизлиги.*

Кишилиқ жамияти яралганидан буён инсон ва социум турли хавф-хатарлардан холи бўлмаган. Шу боисдан уни хавфдан холи қилиш, хавфсизлигини таъминлаш масаласи барча замонларда ҳам ўз даври мутафаккирлари диққатини тортди келган. Умуман олганда, хавфсизлик деганда хавф-хатар ва таҳдидларнинг мутлақо йўқлиги назарда тутилади. Бироқ шахс, давлат ва жамият учун бундай вазиятнинг нореаллигини инобатга олган ҳолда мавзу хусусида илк мулоҳаза юритган мутафаккирлар хавфсизликни хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати билан боғлайдилар. Бошқача айтганда, хавфсизлик – объектга хавф ва таҳдид солувчи омилларни баргараф қилиш имкониятининг мавжудлиги, бу таҳдидларга қарши турувчи механизмнинг мавжудлиги демакдир. Бунда объект вазифасини шахс, давлат, жамият ўтайди. Айнан шу учликни илмий манбаларда миллий хавфсизлик объектлари триадаси деб юритилади. Миллий хавфсизликнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри талқин қилиш, уни таъминлаш механизмини муфассал тасаввур этишда ушбу мулоҳазалар назарий-методологик асос вазифасини ўтайди.

Миллий хавфсизлик деганда шахс, давлат ва жамиятнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлиги даражаси, бу таҳдидларга қарши турувчи механизмнинг мавжудлиги тушунилади. Мазкур тушунчани илмий муомалага илк мартаба 1904 йилда АҚШнинг собиқ Президенти Т. Рузвельт киритган.¹ Кейинчалик тушунча мазмуни доираси ижтимоий муносабатлар, глобаллашув ва интеграция жараёнлари, шунингдек хилма-хил кўринишдаги таҳдид ва таҳликаларни изоҳлаш билан узвий боғлиқ равишда кенгайиб борди.

Шахс хавфсизлиги – миллий хавфсизлик таркибидан жой олган биринчи подсистемадир. У шахснинг ҳаёти ва фаолияти, жисми ва соғлиғи, манфаат ва эҳтиёжлари, маънавий киё-асига таҳдид соладиган омиллардан ҳимояланганлик ҳолатини англатади.

Таъкидлаш жоизки, “шахс хавфсизлиги” тушунчаси илмий манбаларда ХХ аср охиригача келиб пайдо бўлди. Бунинг қатор сабаблари бор, албатта. Гап шундаки, биз таъкидлаб ўтганимиздек, ХХ асрга қадар “хавфсизлик” тушунчаси давлат билан боғланарди, холос. Йигирманчи асрга келибгина хавфсизлик нафақат давлатни, балки жамиятни ва шахсни ҳам турли хавф-хатарлардан ҳимоялашни тақозо қилиши англаб етилди. Шу даврдан бошлаб шахс хавфсизлигининг мазмун-моҳияти, асосий жиҳатлари таҳлилига бағишланган кўплаб илмий ишлар нашр этилди. Бу ўринда шахс хавфсизлигининг мазмуни ва уни таъминлаш муаммоларига бағишланган О. Вознесенская, В. Карпов, Д. Павлов, Н. Крючек, М. Кузнецов, Е. Лукашева, Ф. Люшев, С.Махов, Д. Самойлов ва бошқаларнинг аҳамиятли илмий ишларини тилга олиб ўтиш мақсадга мувофиқ.² Мамлакатимизда ҳам кейинги ўн йил ичида шахс хавфсизлигининг ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий, ахборот-психологик аспектларига бағишланган кўплаб эътиборга лойиқ илмий ишлар нашр этилди.³

¹ Общая теория национальной безопасности // Под общ. ред. А.А. Прохожева. – М.: Изд.РАГС, 2005. – С. 344.

² Қаранг: Вознесенская О. Безопасность личности в чрезвычайных ситуациях: философско-политологический анализ. Дисс. ... канд. филос. наук. – М., 2000; Карпов В., Павлов Д. Основы теории обеспечения безопасности личности, общества и государства. – М.: Юридик. инс-т., 2010; Крючек Н., Кузнецов М. Личная безопасность в чрезвычайных ситуациях. – М. НЦ ЭНАС, 2010; Лукашева Е.А. Право. Мораль. Личность. – М.: Наука, 1986; Люшев Ф. Конституционная защита прав и свобод личности. – М.: Прогресс, 1993; Махов С. Безопасность личности: основы, принципы, методы. – Орёл, 2013; Самойлов Д. Основы личной безопасности. – М.: Элита-Стиль, 2012.

³ Қаранг: Аюпова З. Права человека и гарантии их защиты // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2008, – №1; Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008; Тўраев Б. Шахснинг ахборот-психологик хавфсизлиги социал муаммо сифатида // ЎзМУ хабарлари, 2013, – №3; Юнусов М., Икромов Э.

Жамиятда шахс хавфсизлигини таъминлаш учун энг аввало мазкур жараённинг объекти ва субъектини муфассал тасаввур этмоқ лозим. Зотан, шахс хавфсизлигининг объектини, табиийки, шахс, унинг субъектини эса давлат, сиёсий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари, меҳнат жамоалари, ижтимоий синфлар, гуруҳлар ва шу кабилар ташкил қилади. Шунинг учун тутиш керакки, инсоннинг ўзи ҳам ўз хавфсизлигини таъминлаш субъекти ҳисобланади.¹ Ўз ҳаёти ва фаолияти, жисми ва соғлиғи, маънавий қиёфаси учун шахсий масъулият қарор топмас экан, шахс хавфсизлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шахснинг хавфсизлиги унинг жисмоний ва маънавий хавфсизлигининг таъминлангани ҳолатидан таркиб топади. Жисмоний хавфсизлик шахс ҳаёти ва фаолияти, жисми ва соғлиғининг ҳимояланганлиги, унда зарурий жисмоний тайёргарликнинг қарор топтирилгани, фавқулодда ҳолатларга тайёрлик даражаси билан боғлиқ. Жамиятда шахс ҳаётини кадрлаш, соғлиғини асраш, жисмоний имкониятларини ошириб бориш, ҳаётининг фаолият хавфсизлигини таъминлаш механизмнинг мавжудлиги унинг ижтимоийлашуви жараёнини жадаллаштиради, ижтимоий фаоллигини юксалтиради.

Маънавий хавфсизлик эса шахс маънавий қиёфасининг турли таҳдидлардан ҳимояланганлиги ҳолатини намоён этади. Ҳар қандай жамиятда шахс онги ва дунёқараши жамият эҳтиёж ва манфаатларига мутаносиб равишда шакллантирилмоғи, турли таҳдидлардан ҳимояланмоғи шарт. Чунки шахс маънавий хавфсизлиги инсон мавжудлигининг асосий манбаларидан биридир. Шахс маънавий қиёфасига таҳдид аста-секинлик билан жамият ва давлатнинг инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис шахс маънавий хавфсизлиги масалалари мутафаккирларнинг жиддий эътиборига сабаб бўлган.²

Барча замонларда ҳам шахс хавфсизлигига таҳдид соладиган омиллар бўлади. Давр хусусиятларига монанд равишда уларнинг айримлари долзарб характер касб этади, бошқалари эса вақтинча хавотир уйғотмайди. Мазкур омиллар турли-туманлиги билан характерланса-да, уларни маълум тарзда таснифлашнинг иложи бор. Бизнинг фикримизча, шахс хавфсизлигига таҳдид солаётган омилларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) шахс хавфсизлигига таҳдид соладиган ижтимоий омиллар: мазкур омиллар шахс ҳаёти ва фаолиятини издан чиқаришга, унинг одатий турмушини бузишга, ўз интеллектуал салоҳияти ва қобилиятларини рўёбга чиқариш имкониятларидан маҳрум қилишга, шаъни ва дахлсизлигини таъминлашдан мосуво қилишга, оиласига таҳдид солишга ва шу кабиларга дахлдор бўлиши мумкин;

б) шахс хавфсизлигига таҳдид соладиган иқтисодий омиллар: мазкур омиллар шахснинг иш жойига эга бўлиш ва меҳнат қилишга бўлган интилишларини чеклаш, меҳнат турини мустақил танлашига ҳалал бериш, моддий эҳтиёж ва манфаатларини қондириш манбаларидан маҳрум этиш, унинг мол-мулкига дахл қилиш, молиявий имкониятларини чеклаш ва шу кабилардан иборат бўлади;

в) шахс хавфсизлигига таҳдид соладиган сиёсий омиллар: шахс конституцион ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши, лавозимларга эга бўлиш имкониятларидан маҳрум қилиниши, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг поймол этилиши, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига доир ишончли ахборотларга эга бўлиш имкониятларининг камайтирилиши, ижти-

Фуқаролик муҳофазаси. – Т.: Академ, 2002; Хайрутдинов Я. Глобализация и ее влияние на уровень жизни населения // Общественные науки в Узбекистане, 2004. – №2–3; Чориев С. Оламга негатив муносабат: хавфсизликка таҳдид // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Респ. илмий-наз. конф. мат. – Қарши: Насаф, 2007.

¹ Қаранг: Безопасность личности. Охрана труда (Информационный ресурс) // ohrana-bgd.ru/bgdobsh.

² Қаранг: Платон. Диалоги. – Харьков: Фолио, 1999. – С. 157; Аристотель. Политика // Соч. в четырёх томах. Т. 4. – М.: Мысль, 1984. – С. 588; Беседы и суждения Конфуция. – СПб.: Кристалл, 1999. – С. 1120; Маккиавелли Н. Государь // Избр. соч. – М.: Мысль, 1982. – С. 375; Гоббс Т. Сочинения. Том 2. – М.: Мысль, 1991. – С. 63; Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре // Трактаты. – М.: Канон-пресс. – 2000. – С. 59; Достоевский Ф. М. Полн. собр. соч. Т. 28. Ч. 1. – С. 63; Бердяев Н. Судьба России. Опыт по психологии войны и национальности. – М., 1918. – С. 1–29; Евлампиев И.И. История русской философии. – М.: Высш. шк., 2002. – С. 422.

мой-сиёсий фаоллик кўрсатиш шакллариининг чекланиши ва шу кабилар ана шундай омиллар туркумига киради;

г) шахс хавфсизлигига таҳдид соладиган маънавий омиллар: бу омиллар шахс фазилатлари ва хислатлари, эътиқоди, ҳаётий позицияси, амал қиладиган принциплариининг шаклланиши жараёнига қарши қаратилган бўлиши мумкин.

Биз шахс хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларнинг асосий тоифаларини аниқлаш билан чекландик. Бу тоифалардаги таҳдидларнинг барча кўринишларини ифодалаб беришга уринмадик. Бироқ таҳдидларнинг келтирилган шаклдаги таснифи ҳам ҳар қандай жамиятда шахс хавфсизлигига раҳна соладиган омиллар системаси ниҳоятда мураккаб характерга эгаллигини англаб олишга етарли бўлади, деб ўйлаймиз.

Шахс хавфсизлиги қатор объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсири остида таъминлана боради. Бунда объектив шарт-шароит вазифасини энг аввало шахснинг турмуш дражаси ўтайди. Маълумки, турмуш даражаси кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлариининг қондирилиши меъёрини англатади. Мазкур эҳтиёжларнинг тўлақонли қондирилиши шахснинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий шаклланишига салмоқли таъсир ўтказди. Бинобарин, шахс турмуш даражаси баланд бўлса, у ўзининг жисмоний ва маънавий хавфсизлигини таъминлай олади. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, турмуш даражаси шахс жисмоний ва маънавий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган потенциал имконият, холос. Шахс эса ушбу имкониятлардан ўз хавфсизлигини таъминлаш йўлида фойдаланиши ҳам, бу имкониятларни бесамар созуриши ҳам мумкин. Иккинчи ҳолатда, юқори турмуш даражаси том маънода хавфсизлик омили вазифасини ўтай олмаслиги ҳам мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, шахс хавфсизлиги миллий хавфсизлик триадасининг муҳим объектидир. Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, шу мақсадга қаратилган стратегик ҳужжатларни ишлаб чиқишда нафақат давлат ва жамият, балки шахс хавфсизлигининг ўзига хос жиҳатлари, уни таъминлашга хизмат қиладиган омиллар ва воситалар ҳам инобатга олинмоғи даркор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Платон. Диалоги. – Харьков: Фолио, 1999. – С. 157.
2. Аристотель. Политика // Соч. в четырёх томах. Т. 4. – М.: Мысль, 1984. – С. 588.
3. Беседы и суждения Конфуция. – СПб.: Кристалл, 1999. – С. 1120.
4. Макиавелли Н. Государь // Избр. соч. – М.: Мысль, 1982. – С. 375.
5. Гоббс Т. Сочинения. Том 2. – М.: Мысль, 1991. – С. 63.
6. Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре // Трактаты. – М.: Канон-пресс. – 2000. – С. 59.
7. Достоевский Ф. М. Полн. собр. соч. Т. 28. Ч. 1. – С. 63.
8. Бердяев Н. Судьба России. Опыт по психологии войны и национальности. – М., 1918. – С. 1–29.
9. Евлампиев И.И. История русской философии. – М.: Высш. шк., 2002. – С. 422.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахс хавфсизлиги миллий хавфсизлик триадасининг муҳим объекти бўлиб, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш унга қаратилган стратегик ҳужжатларни ишлаб чиқиш уни таъминлашга хизмат қиладиган омиллар ва воситаларга боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается безопасность личности как важный объект триады национальной безопасности, а также вопросы, связанные с факторами, средствами и разработкой стратегических документов, ее обеспечивающих.

SUMMARY

This article deals with human security as an important object triad of national security, as well as issues related to factors, tools and the development of strategic documents, providing it.

Наширға фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

ХОЗИРГИ ЗАМОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТГА ТАЪСИРИ

Қурбонов Т. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *цивилизация, менталитет, миллий менталитет, миллат турмуш тарзи, жамият, жамият трансформацияси, “маънавият - миллий менталитет”, миллий онг, маданий мерос, инсонпарварлик, миллат, жамоа.*

XXI аср бўсағасига келиб жаҳон муҳим таркибий ва функционал ўзгаришлар босқичига қадам қўйди. Ушбу ўзгаришлар кишилиқ жамиятининг барча – иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий соҳаларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Жаҳонда содир бўлаётган фундаментал ўзгаришлар барча мамлакатларни, шу жумладан, Ўзбекистонни ҳам қамраб олмақда. Хусусан, умумсайёравий тараққиёт тенденциялари таъсирида жаҳон ҳамжамиятига шиддат билан қўшилиб бораётган Ўзбекистон жамиятининг барча соҳалари янги характер касб этаётир. Айни пайтда миллат вакилларининг тафаккур тарзи, кадриятлари системаси, онг ва фаолият нормалари ўзгармоқда. Асрлар давомида шаклланган миллий менталитет янги элементлар, хусусиятлар билан бойимоқда.

Умуман олганда, миллий менталитет билан боғлиқ масалалар алоҳида диққатга сазовор. Чунки, бир томондан, у жаҳонда, мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий жараёнлар таъсирида ўзгариб борса, иккинчи томондан, ушбу ижтимоий жараёнларнинг ўзига акс таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов мустақилликнинг илк йилларидаёқ Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли миллий хусусиятларга мос бўлиши шартлигини уқдириб ўтганди.¹

Бироқ Ўзбекистонда жамият трансформацияси шароитида миллий менталитетнинг ўзгариши билан боғлиқ масалаларни таҳлил этиш ва ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, иқтисодий ўзгаришлар нафақат миллат турмуш тарзини, балки менталитетини ҳам ўзгартирувчи омил саналади. Лекин илмий адабиётларимизда мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг миллий менталитетга таъсири ҳанузга қадар жиддий ўрганилмаган.

Иккинчидан, ҳар қандай жамиятдаги ижтимоий таркибнинг ўзгариши миллий менталитетда ўз аксини топади. Хўш, мустақиллик йилларида жамиятимиз ижтимоий таркибининг янгилалиши миллий менталитетга қай даражада таъсир кўрсатди? Бу савол ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Учинчидан, мустақиллик йилларида миллатимиз мисли кўрилмаган маънавий тиклашни жараёнларни бошидан кечирди. Маънавиятдаги янги тенденциялар миллат тафаккур тарзининг мутлақо янги характер касб этишига олиб келмоқда. Бинобарин, “маънавият – миллий менталитет” контекстидаги масалаларни ҳам тадқиқ этиш зарурияти мавжуд.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётгани миллат менталитетига таъсир ўтказадиган янги омил ва воситаларни юзага келтирди. Мазкур омил ва воситаларни аниқлаш, улар таъсирида миллий менталитетдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш жараёнлари миллий менталитетимизга хос бўлган иллатларни ижтимоий илм позициясидан қатъий констатация қилиш, уларни бартараф этиш йўлларини излаб топишни тақозо қилмоқда.

Мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда жамият трансформацияси шароитида миллий менталитетнинг ўзгариши билан боғлиқ муаммо фундаментал ва долзарб характерга эга.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.

Мустақилликка эришгандан кейинги йиллар – миллий онг ва маънавиятда юз бериши муқаррар бўлган ўзгаришлар, ижтимоий жараёнлар ҳамда муносабатлардаги ислохотларнинг чуқур илдиз ота бориши билан изоҳланади. Умумаҳамиятга эга бўлган ижтимоий идеаллар ва мўлжалларнинг реал заминига таяниши, истиқбол режаларининг аниқлиги янги жамиятнинг миллий асосланган жараёнлари ўзагида тараққий эттириш имкониятларини кенгайтиради.

Мустақиллигимиз ҳаммамизга мамлакатни ялпи соғломлаштириш, миллий бир бутунликни таъминлаш, маънавий яхлитликни юзага келтириш масаласини кун тартибига қўяди. Бугунги кун мантиғи халқимиз феъл-атвори, менталитети ўзгаришларига жиддий эътибор қаратишга ундайди.

Табиийки, ҳар бир миллатнинг ақлий ва руҳий қиёфаси ўзига хос тарихий этник ва табиий - иклимий шарт-шароитлар доирасида шаклланганлиги боис, унинг реал ҳаёт воқеаларига, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга бўлган муносабати ҳам турлича бўлиши шубҳасиздир. Зеро, миллий ўзига хосликлар, халқнинг характерли белгилари узоқ асрлар мобайнида муайян ижтимоий-иқтисодий, табиий-жуғрофий, шарт-шароитлар, сиёсий вазиятлар, диний мансубликлар, бошқа миллатлар билан ҳамкорликлар, жангу жадаллар ва осудалик ҳолатлари негизида таркиб топади. Менталитетни баъзи олимлар боғлиқ ҳодиса сифатида талқин этиб, аҳолини сиёсий бошқаришнинг қулай омили деб қарайдилар, айрим олимлар (А.Панарин, И.Пантин) эса менталитет халқнинг руҳий-ақлий ҳолатини якуний маҳсулидан ўзга нарса эмас, деб тушунадилар. Шунингдек, мазкур тушунчага миллатнинг муайян урф-одатлари, маърака-маросимлари йиғиндиси деб қараш ҳам мавжуддир.

Менталитет юқорида қайд этилган хусусиятлардан ташқари миллатнинг ақлий-интеллектуал имкониятлари ва руҳий-психологик ўзига хосликларни ҳам ўз мазмуни доирасида қамраб олади. Характердаги ўзига хосликларнинг негизини эса шу халқнинг тарихий тажрибалари, урф-одатлари, маросим ва маъракаларининг яхлит тизими ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, улар менталитетнинг ҳаракатлантирувчи кучлари вазифасини ўтайди.

Бугунги ўзбек менталитети бозор муносабатлари ҳамда ҳозирги замон ахборот технологияларининг устуворлиги даврида яна қандай муҳим хусусиятларга эга бўлиши зарур. Ўзгараётган замон ва янгиланаётган макон дунё халқлари феъл-атвори тизимида, сабъ-ҳаракатларда тезкорлик, топқирлик ва айни чоғда ҳар бир ишда режалилик, пухта тайёргарлик, фаҳм-фаросат, муаммоларни ҳамкорлик асосида ҳал этиш хусусиятларининг ривож топишини тақозо этмоқда. Шунингдек, шахс ва жамият, шахс ва давлат муносабатлари тизимида алоҳида субъектлар – инсонлар ролининг бениҳоя ошиб бориши кузатилмоқда.

Цивилизациялашув жараёнларининг кенгайиши инсоннинг ҳаёт ва жамиятдаги ўрни масаласига ўзгача ёндашув заруратини кун тартибига қўймоқда. Шахснинг жамиятдаги ўрни тобора қатъийлашиб, унинг бевосита ўз имкониятлари орқали ёки муайян жамоа, гуруҳ воситасида ижтимоий ҳаётга кўрсатувчи таъсири ортиб бормоқда. Маълумки, айни даврдаги демократик тартиботлари Ғарб дунёсида туғилган ҳодисадир. Ҳозирги пайтда дунё халқлари ҳаётига сингдирилаётган демократия тамойиллари Ғарбий Европа халқларига мос бўлган турмуш тарзининг ифодасидир.

Бутун дунёда юз бераётган глобаллашув, яъни цивилизациялашув жараёнларининг муштарак қисми сифатида намоён бўлаётган ғарбона демократлашув шарқ халқлари ҳаётида муайян қийинчиликлар орқали томир отмоқда. Бу йўлда ҳар бир давлат ўзига хос мураккабликлар даврининг ўтишига, баъзан эса кутилган натижаларнинг мутлақо тескари ҳолатларига рўпара бўлиб қолишига ҳам тўғри келмоқда.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда халқимиз маънавий яхлитлигини сақлаб қолиш, ўзликдан чекинмаслик, соф инсоний фазилатларга таяниб иш тутиш асосида истиқболга интилиш сиёсати изчил олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 16 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3217-сонли қарори асосида, 2018–2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича туризм соҳасини шакллантиришда, энг аввало, Ўзбекистон Республикасидаги му-

кадас кадамжоларга зиёрат, туризм йўналишидаги сайёҳларни жалб қилиш, бунинг учун эса чора-тадбирлар ижроси бўйича ишларни фаоллаштириш, бу борада керакли реклама тадбирларини ўтказиш, логистика, жумладан, чартер рейсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилган. Шунингдек, 2018–2022 йилларда туризм худудлари ва тоғ кластерларини ташкил этишнинг ташкилий-техник масалаларини кўзда тутадиган ҳукумат қарорини қабул қилиш, фуқароларда, айниқса, мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилигини ташкил этган ёшларда миллий маданий меросга бўлган муносабатни шакллантириш муҳим аҳамиятга моликдир.

Миллий маданий меросга бўлган муносабат марказида миллий менталитет, у босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини холисона ўрганиш ва баҳолаш, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини аниқлаш ётмоғи даркор. Модомики шундай экан, менталитет деганда нимани тушунмоқ керак? Профессор Қўчқор Хоназаров ёзганидек, "менталитет" тушунчаси лотинчадан олинган бўлиб «жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида олинган шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларни ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қувватидир»². Менталитетнинг бу таърифидан унинг нақадар мураккаб эканлиги, миллат ҳамда жамият ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кўриниб турибди.

Миллий менталитет деганда миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг фикрлаш, ишлаш ва турмуш тарзи (масалан, ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларидан бири ўтроқлик, бирон шаҳарда ёки қишлоқда муқим ҳолда яшаши билан боғлиқ)нинг услублари, услублари, миллатнинг жаҳон цивилизациясига, умуминсоний маданият, умуминсоний кадриятлар хазинасига қўшган ҳиссаси тушунилади. Маълумки, табиий-ижтимоий шарт-шароитлар асосида ҳар бир миллатнинг жисмоний, руҳий-маънавий камолоти, профессионал маҳорати, умуминсоний маданият хазинасига қўшган ҳиссаси, кундалик турмуш қувончлари ва ташвишларини таҳлил қилиш қобилиятлари турли даражада, турли ҳолатда бўлади. Миллий менталитет фақат аجدодлар томонидан қолдирилган маданий мерос хазинаси билан белгиланмайди. Балки шу миллатга мансуб кишиларнинг инсоний фазилатларининг шаклланганлик даражаси, индивидуал хислатлари, профессионал қобилиятлари, кундалик ҳаётдаги хулқ-атвори, хатти-ҳаракати намоён бўлади.

Миллий менталитет ҳар бир миллатда ҳар хил бўлади. Айнан бир ҳодиса ёки воқеага турли миллат вакиллари турлича ёндашадилар. Чунончи, атроф-муҳитда содир бўлган табиий-ижтимоий ўзгаришларга бир миллат қизиққонлик, жўшқинлик, кескинлик, муросазлик билан муносабат билдирса, бошқа миллат вакиллари, худди ўша воқеа ёки ҳодисага сабр-тоқат, чидамлик, вазминлик, андишалилик, муросаю-мадорага келиш қоидаларига асосан муносабатда бўладилар. Юқорида санаб ўтилган миллий ўзига хосликнинг биринчи хусусиятлари Ғарб ва Жануб халқларига, иккинчи гуруҳдаги хусусиятлар Шарқ ва Шимол халқларига мансуб эканлигини илм аҳли аллақачонлар эътироф этганлар³.

Ўзбекнинг ўзига хос миллий хусусиятларидан бири азалдан жамоа бўлиб яшашга мойилликдир. Шунингдек, катталарни ҳурмат қилиш, фарзандларга ғамхўрлик қилиш, очиқ қўнгиллик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш туйғуси кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир.

Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий кадрият, инсон қалбининг гавҳаридир. Ўзбек халқи адолат, яхши кўшничлик ва инсонпарварликнинг нозик кўринишларини асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда. Инсонпарварлик

² Хоназаров Қ. Миллий менталитет – тараққиёт омили // –Т.: Мулоқот. – 2000. – №3. – Б. 3.

³ Ўша аср. – Б. 3.

бу – ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Ўзбеклар ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини, қувонч-ташвишларини, муаммоларини ҳамиша осойишталик, сабр-тоқат билан бартараф этадилар. Мулоҳазалилик, минг ўйлаб-бир кесиш халқимизга хос хусусиятдир⁴.

Ўзбекнинг миллий ўзига хос хусусияти Осиё маданий ҳаёти ва маънавий ишлаб чиқариш усулининг ўзига хос тажрибасидир. Буларнинг барчаси аجدодларимиз тажрибасидан устакорлик билан фойдаланишни, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Аждодларимиз яратган маданий меросдан фойдаланганда эскини барбод қилмасдан, уни аввал амалда синаб кўришни, синовдан ўтганларини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Истиқлол йўлидан собитқадам бораётган юртимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маърифий тизимларни жиддий ислоҳ қилишга киришилди. Ислохотлар самардорлиги эса инсон онги ва тафаккуридаги ўзгаришларга ҳамоҳанг ва бевосита боғлиқдир. Шу боисдан ҳам янгиланаётган давр талаблари асосида инсон омили ва миллий менталитетни фаоллаштириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, фуқароларни маҳаллий ҳокимият органлари орқали ўзини ўзи бошқаришга ўргатиш, ижтимоий фаолликни кенг рағбатлантириш ва шу йўл билан фуқаролик жамиятини барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзгаришлар руҳи одамларнинг ҳаётга бўлган қарашлари, ёндашувлари, мақсад ва режалари, саъй-ҳаракатлари мазмуни, ижтимоий мўлжалларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу нарса миллатимиз вакилларининг ижтимоий ҳаракатчанлиги ошганлигида ҳам кўрилади. Агар илгари хорижда бўлиб келиш одамлар учун фавқулудда бир ҳол саналган бўлса, бугунги кунда чет элда ишлаш, ўқиш, яшаш одатий бир воқеага айлангани барчага аён. Бу эса мамлакатимизда демократик тартиботларни чуқур илдиз отаётганлиги, эркин ва очиқ жамиятга айланиб бораётганлигимизнинг эркин ифодасидир.

Хуллас, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улғу бунёдкорлик ишлари натижасида халқимиз тафаккур тарзи ўзгариб, унинг менталитетида ўз ифодасини топиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48б.

4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент. Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь. (2017 йил 22 декабрь).

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 102 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –176 б.

8. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 302 б.

9. Хоназаров Қ. Миллий менталитет – тараққиёт омили // –Т.: Мулоқот. 2000, – №3. – Б. 3.

10. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Тошкент, 2001. – 95 б.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол иқтисод, сиёсат, мафкура. Том 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 77 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳозирги замон цивилизациясининг миллий менталитетга таъсири, унинг бугунги инсон тафаккурида шаклланиши жиҳатлари таҳлил этилган. Миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган халқимизнинг урф-одатлари, тили, дини, руҳиятига, қисқача айтганда, дунёқараши ва тафаккури илмий асосда очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируется влияние современной цивилизации на менталитет нации, на формирование сознания современного человека.

Научно обоснованно описываются обычаи, традиции, язык, религия, психология, говоря вкратце, мировоззрение и мышление нации, служащие национальному развитию.

SUMMARY

In this article it is analyzed the effect of current age civilization to the national mentality, the features of its formation in the current day's human meditation. It is scientifically enlightened our people's customs and traditions, language and religion, spirit, outlook and meditation that serve for our national progress.

Наширға фалс. ф.д. С.Чориев тавсия этган

ТАРҒИБОТ: МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Рустамов Р. (ҚарМИИ)

Таянч сўз ва ибораалар: *тарғибот, тарғибот системаси, тарғибот таркиби, тарғибот субъекти, тарғибот мазмуни, тарғибот шакллари, тарғибот услублари, тарғибот усуллари, тарғибот омиллари, тарғибот воситалари.*

Янги асрда турли сиёсий куч, ғоя ва мафкуралар ўртасидаги кураш мисли кўрилмаган миқёсга етди. Ўз мақсад-муддаоларига ўзгаларни бўйсундиришга интилиш, ўз манфаатларини муҳофаза қилиш ва кези келганда уни умумэтироф этилган манфаатлар сифатида талқин қилиш одатий тус олди. Мамлакатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида жаҳондаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, айниқса, маънавий-мафкуравий жараёнлар мураккаблашганини таъкидлаб ўтди.¹ Эътиборлиси, бу илмларнинг барчаси жамиятда мавжуд бўлган тарғибот системаси ёрдамида рўёбга чиқарилаётир. Бинобарин, ўзга мақсад-муддаолар ва манфаатларни ёқловчи тарғибот системаси мавжуд экан, унга қарши туришни уддалайдиган, миллий манфаатлар ҳимоясида турадиган тарғибот системаси ҳам бўлмоғи, боз устига, у ҳаминқадар эмас, ниҳоятда самарали фаолият кўрсатмоғи шарт. Ғоявий-мафкуравий кураш авж олган бир шароитда миллийлик ва миллий манфаатни ҳимоя қилишга қодир тарғибот системасини шакллантириш учун эса, энг аввало, тарғибот ҳақидаги назарий билимларни умумлаштириш, хусусан, унинг мазмуни, характери ва технологиялари тўғрисидаги илмий тасаввурлардан воқиф бўлиш тақозо қилинади.

Тарғибот деганда муайян сиёсий, фалсафий, илмий, бадиий ва бошқа фикр ва ғояларни жамоатчилик онгига сингдириш, шу йўсинда кишиларни ўз мақсади йўлида фаоллаштириш ёхуд уларни бирор муддаога интилишдан қайтариш жараёни назарда тутилади. “Тарғибот” тушунчасининг мазмунини муфассалроқ тасаввур этиш учун унинг лотин тилидаги муқобили – “pro-ganda” сўзига мурожаат қилган маъқул: ушбу сўз “тарқатилиши зарур бўлган [фикр]” маъносини англатади. Бинобарин, тарғибот жамоатчиликка етказилиши зарур бўлган ғоя, уни тарқатишга хизмат қиладиган механизмни ўзида мужассам қилади.

Тарғиботнинг ўз мақсад ва вазифалари мавжуд. Жумладан, *тарғибот мақсади* муайян ғояни аҳоли онгига сингдириш орқали унинг маълум манфаат йўлидаги фаоллигини ошириш билан боғлиқ. *Тарғиботнинг вазифалари* эса “халқаро ва мамлакат ичида юз бераётган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги илғор тенденция ва воқеаларни мунтазам

¹ Қаранг: Мирзиёев Ш. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ // Халқ сўзи, 2017, 28 сентябрь.


равишда таҳлил этиш, жамият тараққиётидаги долзарб муаммолар ечимини топиш, тараққиёт кафолатларини белгиловчи таклифларни тарқатишдан иборат”¹.

Маълумки, аҳолига етказилиши зарур бўлган у ёки бу ғоя, унинг жамоатчиликка етказилишидан манфаатдор бўлган гуруҳ, аҳоли сафарбар этилиши лозим бўлган манфаат ёки муддао ҳамиша бўлган. Бинобарин, мантиқан фикрлаганда, ижтимоий ҳодиса сифатида тарғибот азал-азалдан мавжуд бўлиб, муттасил мазмунан ва шаклан бойиб борган. Тарғиботнинг илк намуналарини Ҳаммурапи қонунлари мажмуидан топишимиз мумкин.² Унда айтилишича, мазкур қонунлар гўёки мамлакатда адолатни қарор топтириш, мухтожларни муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқилган эмиш. Бироқ аслида барча қонунларнинг мазмуни ҳукмрон доиралар ва мулк эгаларининг манфаатларига монанд равишда талқин қилиб чиқилган.

Ўрта асрларда тарғибот диний ақида ва ғояларни жамоатчилик онгига сингдириш системаси сифатида мавжуд бўлди. Буни Рим Папаси Григорий XV томонидан яратилган “Congregatio de Propaganda Fide” (“Дин ақидаларини тарқатиш конгрегацияси”) номли католик ташкилотнинг номиданоқ англаш мумкин. Бироқ бу тарғибот ҳали том маънода оммавий характерга эга бўлмаган, ҳали бутун бошли халқни ёхуд лоақал миллионлардан таркиб топган оммани маълум манфаат сари етаклаб кетадиган қудратга айланмаган эди.

Тарғиботнинг ана шундай қудратли система сифатида шаклланиши Биринчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Чунки айнан шу даврга келиб, Европадаги давлатлар ва турли сиёсий кучлар индивидуализм ботқоғига ботган Ғарб жамияти аъзоларини ўз манфаатларини қондириш сари сафарбар қилишга қийнала бошладилар. Шу қўйи ҳукмрон доиралар, сиёсий етакчилар билан аҳоли ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга зарурат туғилди, шу мақсадларга хизмат қиладиган кишилар, воситалар пайдо бўлди. Оммавий ахборот воситалари, театр, музей, адабиёт ва санъат ўз фаолиятини тарғибот билан функциялар билан бойитди.

Бизнинг давримизга келиб, тарғибот системаси мураккаб таркибга эга бўлган қудратли кучга айланди. Албатта, ушбу система тарғиботни амалга ошираётган субъектнинг асл манфаатлари, тарғибот мақсад-муддаоларига мутаносиб равишда турли мамлакатда турлича бўлиши, айрича характер ва суръатда кечиши мумкин. Лекин ҳарқалай, ҳар қандай тарғибот системасига хос бўлган умумий элементлар туркумини белгилаб олиш мумкин. Бизнинг фикримизча, бундай таркиб қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Тарғибот системасининг таркибини аниқлаш масаласи шунчаки назарий-гносеологик аҳамиятга молик масала эмас. У ёки бу ғояни жамоатчиликка етказишни ёхуд кишилар онгини бирор бир ғайриинсоний мафкурадан ҳимоялашни мақсад қилиб қўяр эканмиз, тарғибот системаси самарасини ошириш вазифасини кун тартибига қўйишга мажбур бўламиз.

¹ Пропаганда // Фалсафа. Қомусий луғат / Назаров Қ, таҳрири остида. – Т.: Ўзб. файл. миллий жам. нашр., 2004. – 339 б.

² Қаранг: Законы Хаммурапи. – М.: ЛитРес, 2015.

Ушбу вазифанинг бажарилиши эса тарғибот системаси таркибини аниқлашдан бошланади. Бундай методологик ёндашув тарғибот системасининг турли элементлари хусусиятини ифодалаш, уларга тааллуқли муаммоларни илғаб олишда қўл келади.

Тарғибот субъект тарғибот системасида марказий ўринни эгаллайди. Чунки ҳар қандай тарғибот уни амалга ошираётган ва самарасидан манфаатдор бўлган гуруҳ, партия, давлат, этник бирлик ва шу кабиларнинг мақсад-муддаоларига монанд равишда йўлга қўйилади. Зотан, ҳар қандай тарғибот жараёнининг характери, вазифалари, йўналганлигини аниқлаш учун субъект манфаатларини аниқлашнинг ўзи кифоя. Тарғиботнинг ўзга элементлари – шакли, услуби, усули, омили ва воситаси ҳам айнан субъект манфаатларига қараб танланади.

Тарғибот субъекти ўзига мақбул фикр ёхуд ғояни жамоатчиликка тарғиботчи орқали етказиши. Шу боисдан тарғиботчи шахси тарғибот системасининг муҳим таркибий элементларидан бири саналади. Тарғиботчининг эътиқоди нақадар мустаҳкам, дунёқарashi кенг, касбий маҳорати юксак, обрў-нуфузи баланд бўлса, тарғибот самараси ҳам шу қадар салмоқли бўлади.

Тарғибот мазмуни унинг мақсади билан бевосита боғлиқ. “Тарғибот” тушунчасига келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, у уч хил мақсадга эришишга сафарбар қилинган бўлиши мумкин: а) муайян фикр ва ғояни жамоатчилик онгига сингдириш; б) кишиларни субъект манфаатига мос бўлган мақсад йўлида фаоллаштириш; в) кишиларни субъект манфаатига мос тушмайдиган муддаога интилишдан қайтариш. Тарғибот қайси мақсадга бўйсундирилганига қараб унинг мазмуни, элементлари характери ҳам турлича бўлиши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мақсади аниқланмаган ёхуд бир мақсадга бўйсундирилмаган тарғибот мазмунсиз, мазмуни саёз тарғибот эса бесамар бўлади.

Тарғибот шакли ҳам турли-туманлиги билан ажралиб туради. У одатда, визуал, медиа ва виртуал шаклларда амалга оширилиши мумкин. Тарғибот шакли унинг мазмуни, етказилиши зарур бўлган ғоя, таъсир объектининг характерига мутаносиб равишда танланади. Айтайлик, у ёки бу ғояни оммавий таъсир кўрсатиш йўли билан тарқатиш кифоя қилган ҳолатда визуал тарғиботдан фойдаланиш мумкин. Ғоянинг турли жиҳатларини таҳлил қилиб бериш, тушунтириш зарурияти устувор бўлган вазиятда медиатарғибот шакли аҳамиятлироқ бўлади. Ниҳоят, аҳоли тарқоқ ҳолда истиқомат қиладиган ҳудудларда виртуал тарғибот орқали таъсир ўтказиш мумкин. Албатта, тарғиботнинг бошқа шакллари ҳам мавжуд, бироқ улар биз тилга олган шаклларнинг турли кўринишларидан иборат, холос.

Тарғибот услуби деганда маънавий тарғибот давомида қўлланиладиган усуллар ва принциплар йиғиндиси тушунилади. Мазкур усуллар тарғибот ишларининг йўналишини белгилаб берса, принциплар тарғибот мобайнида амал қилиниши зарур бўлган талаблар мажмуини ўзида мужассам қилади. Тарғибот ишларида, айниқса, тушунтириш, ишонтириш ва мажбурлаш услубларидан кенг фойдаланилади. Шунингдек, тарғибот услубларининг тарғибот самарасини таъминлашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидламоқ даркор. Тарғибот мавзусига, таъсир объектининг ўзига хос хусусиятларига мос равишда танланган услуб бу борадаги фаолият натижасининг салмоғини оширади.

Тарғибот усуллари ҳам эътиборга лойиқ жиҳат. Замонавий маънавий тарғибот индивидуал таъсир, жамоавий таъсир, оммавий таъсир каби усулларни тасарруф этади. Бироқ постмодерн жамиятнинг шаклланиши давомида индивидуал таъсир усулининг қўлланилиши доираси ниҳоятда торайиб бораётганини ҳам эътироф этиш керак.

Кўриниб турибдики, тарғибот мураккаб таркибга, ўзига хос элементларга эга жараёндир. Ушбу элементларнинг муфассал ўзлаштирилиши тарғибот самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ // Халқ сўзи, 2017йил 28 сентябрь сони.
2. Пропаганда // Фалсафа. Комусий луғат / Қ. Назаров таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – 339 б.
3. Законы Хаммурапи. – М.: ЛитРес, 2015.

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллиф “тарғибот” тушунчасининг дефинициясини келтиради. Тарғиботнинг системаси, тарғибот таркиби, тарғибот субъекти, тарғибот мазмуни, тарғибот шакллари, тарғибот услублари, тарғибот усуллари, тарғибот омиллари ва воситаларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье автор приводит дефиницию понятия “пропаганда”. Автор размышляет об особенностях системы пропаганды, ее структуре, субъектах, содержании, формах, методах и приёмах, а также факторах и средствах пропаганды.

SUMMARY

In this article author gives the definition of the word “propaganda”. Author discusses about speciality of propaganda system, structures of propaganda, subject of propaganda, considerations of propaganda, form of propaganda, methods of propaganda, rules of propaganda, aspects and ways of propaganda.

Наширға фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

МАНТИҚИЙ ТАФАККУРНИНГ УМУМИЙ ҚОНУНЛАРИ

Отажонов Ғ. (ҚДПИ), Бойматов Р. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *мантиқ қонунлари, айният, нозидлик, учинчиси истисно, етарли асос, объектив воқелик, нисбий барқарорлик, қонунийлик, изчиллик.*

Мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунлари – айният, зиддият (нозидлик), учинчиси истисно ва етарли асос қонунлари мантиқий фикрлаш учун зарур бўлган талабларни илгари суради. Бу талабларга амал қилинганда муҳокама юритишнинг тўғри, тушунарли, аниқ, зиддиятлардан холи ва асосли бўлишлиги таъминланади.

Бироқ, бизнинг назаримизда, ушбу қонунлар мантиқан тўғри фикрлаш жараёнини тўла қамрай олмайди. **Биринчидан**, айният қонуни аниқликни талаб этади, аммо аниқликнинг айрим жиҳатлари унинг доирасида эмас. **Иккинчидан**, мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунларидан ҳеч бири мантиқий изчилликни тўлақонли акс эттирмайди. **Учинчидан**, мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунлари – айният, нозидлик, учинчиси истисно ва етарли асос қонунлари матн ичидаги ўзига тегишли жиҳатларни тартибга солиди, лекин улардан ҳеч бири матнни бир бутун ҳолда таҳлил этмайди. **Тўртинчидан**, “айрим муаллифлар талаб қилганидек, айният қонунига сўзсиз амал қилинадиган бўлса, тафаккур ўзининг ижодийлигини йўқотади”¹. **Бешинчидан**, бирон-бир тезисга нисбатан маълум бир қонун талаблари бузилгани кўрсатилса, ўз-ўзидан тезис ҳам инкор қилинади. Борди-ю, қайсидир қонун талаблари бузилгани эътироф этилса, бироқ тезис рад этилмаса, унда бу ўринда бошқа қонунга амал қилинган ҳисобланади. Масалан, бир-бирини истисно этувчи мулоҳазалар ё нозидлик ёки учинчиси истисно қонуни орқали таҳлил этилади. Шунга ўхшаш ҳолатни айният қонуни мисолида ҳам кўриш мумкин. Айрим тезисларга нисбатан айният қонуни бузилгани эътироф этилади ва тезис инкор қилинади, баъзиларига нисбатан эса айният қонуни бузилгани кўрсатилади, бироқ тезис рад этилмайди. Савол туғилади: бу ўринда қандай қонунга амал қилинган?

Ушбу муаммолар таҳлилига ўтар эканмиз, аввало, мантиқий тафаккурнинг энг зарурий талабларидан бири аниқлик масаласига тўхталамиз. Аниқлик тушунчаси турли соҳаларда ўзига хос маъноларда ишлатилади. Мантиқ фанида аниқлик воқеликнинг муайянлигини тафаккурда акс этиши, ана шу акс этган воқеликни тилда аниқ ифодаланиши ва унинг талқинида асл ҳолатдан оғишмасликни ифодалайди. Демак, А воқелик тафаккурда акс этишида ҳам, унинг тилдаги ифодасида ҳам, талқинида ҳам ҳудди шундай А сифатида бўлиши керак. Бунда воқеликни тафаккурда акс этириш ва унинг тилдаги ифодаси 1-шахсга тегишли, талқини эса 1-шахсга ҳам, 2-шахсга ҳам таллуқли. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки,

¹ Светлов В.А. Современная логика. – С.-П.: Питер, 2006, – С. 19.

кўпгина муаллифлар аниқликни талаб этувчи айният қонунини талқинидаги айнанлик жиҳатини кўрсатиб ўтишади ва тахминан шундай таъриф беришади: маълум муҳокамада тушунча, фикр бир маънода ишлатилиши зарур.

Биз айният қонунининг бу жиҳатини инкор этмаймиз, лекин шу билан бирга, у воқеликни тафаккурда тўғри акс эттиришни талаб этувчи қонун ҳамдир. “Айният қонунининг фикри ўз-ўзига айнандир, деб кўрсатадиган таърифи нима ҳақда? Шубҳасиз, фикрнинг аниқлиги ҳақида. Тўғри, муҳокама жараёнида ҳар бир тушунча фикрий тарзда акс эттираётган предмети билангина боғланади”¹. “Инсон билиш учун фикрлар экан, ҳар доим қандайдир нарсани фикрлайди, шунинг учун тафаккур ва унинг қонунлари манба билан, предмет билан, илмий билишнинг мазмуни билан узлуксиз боғлангандир... Воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг муайянлиги шу сабабли ҳам воқеликни акс эттирувчи фикрларнинг аниқлигига хизмат қилади”². “Айният қонуни – воқеликни акс эттирувчи қонун. У ўзининг объектив манбаига эга ва объектив нарсаларнинг нисбий барқарорлиги, доимийлигини акс эттиради”³. “Агар айният принципини яқиндан кўриб чиксак, унда қуйидагиларни аниқлашимиз мумкин: А бу А дир формуласи предмет, объектив воқелик сифатидаги А билан тафаккурнинг қисми, элементи, образи сифатидаги А ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини кўрсатади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мантиқ фани айният принципига ҳам воқелик, ҳам тафаккурга таалуқли маъно беради”⁴.

Демак, айният қонуни аниқликнинг икки жиҳатини ўзида ифодалайди: биринчиси – воқеликни тафаккурда акс эттиришдаги аниқлик, иккинчиси – талқиндаги аниқлик. Бундан аён бўляптики, тилдаги аниқлик айният қонуни доирасида эмас. Ҳолбуки, аниқлик “буюм ва ходисаларнинг инсон тафаккурида аниқ акс этишини, **ҳар бир фикр, мулоҳазанинг аниқ, равшан ифодаланишини таъминлайди. Фикрнинг ноаниқлиги фикрдаги мантиқнинг саёзлашувига, мантиқсизликка олиб келади**(таъкид бизники)”⁵.

Умуман олганда, тилнинг аниқлиги масаласи тилшунослик фанларининг баҳс мавзуси. Лекин бу ўринда тилнинг ўзига эмас, тафаккур ва тилнинг узвий боғлигига энг умумий жиҳатдан, мантикийлик, тўғри фикрлаш нуктаи-назаридан қаралади. Зеро, “тафаккурнинг муҳим хусусияти унинг тил билан узвий боғланганлигидир”⁶. Қолаверса, “тафаккурнинг воситаси бўлган тил тафаккурнинг ўзига ҳам таъсир этади. Тафаккурдаги хатоликлар тилдаги хатоликлар сифатида намоён бўлиши, ўз навбатида, тилдаги нотўқисликлар тафаккурдаги хатоликларга олиб келиши мумкин. Шунга кўра, бу ўзаро алоқадорликни ўрганишга қаратилган изланишлар мантикий тафаккурни ўрганишда жуда ҳам зарурдир”⁷.

Демак, тафаккур ва тилнинг узвий боғлиқлиги, улар орасидаги мантикийлик, тил ифодасидаги аниқликни мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунларидан ҳеч бири акс эттирмайди.

Энди изчиллик масаласига тўхталсак. Изчиллик мантикий тафаккурнинг асосий хусусиятларидан бири. “Тафаккурнинг мантикий жараёндаги умумий қонунийлиги фикрларнинг изчиллиги, уларнинг аниқ ва асосли бўлиши ҳисобланади. Шунга ҳисобга олиш керакки, фикрларнинг аниқ ва асосли бўлиши унинг изчиллигини зарурий томонларини ташкил этади”⁸. Бундан кўриниб турибдики, мантикий изчилликка алоҳида урғу ҳам берилади. Хўш, мантикий қонунлардан қайси бири мантикий изчилликни акс эттиради?

Мантикий қонунларнинг мазмун-моҳияти ёритилган адабиётларда тахминан шундай фикрларга дуч келамиз: “нозидлик ва учинчиси истисно қонунлари тафаккурнинг изчиллигини, нозидлигини акс эттиради ва фикрий зиддиятга йўл қўймайди”, “етарли асос қону-

¹ Чкнаверянц А.А. Закон тождества. – М.: Высшая школа, 1961, – С. 59.

² Чкнаверянц А.А. Закон тождества. – М.: Высшая школа, 1961, – С. 58–59.

³ Чкнаверянц А.А. Закон тождества. – М.: Высшая школа, 1961. – С. 63.

⁴ Фогараши Б. Логика. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1959. – 65.

⁵ Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантик. – Т.: Ғ.Ғулом, 2004. – Б. 56.

⁶ Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантик. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 14–15.

⁷ Хаваш К. Так – логично. – М.: Прогресс, 1985. – С. 28.

⁸ Савинов А.В. Логические законы мышления. – Л. 1958. – С. 24–25.

нида мантикий тафаккурнинг энг муҳим хислатларидан бири изчиллик, фикрларнинг бирин-кетин боғланиб келиш хусусияти ўз ифодасини топган”.

Бизни шу масалага оид 2 та савол қизиқтиради: чиндан ҳам нозидлик, учинчиси истисно ва етарли асос қонунлари мантикий изчилликни тўлақонли акс эттира оладими? Агарда бу қонунларга амал қилсак, мантикий тафаккурнинг асосий хусусиятларидан бири – изчиллик таъминланадими?

Бу саволларга жавоб бериш учун, аввало, мантикий изчиллик нима эканини аниқлаб олишимиз зарур. “Изчиллик – мантиқан тўғри фикрлашнинг шундай хусусиятики, унга кўра, бир масала юзасидан, бир вақтда, бир муносабатдаги муҳокама ички зиддиятлардан холидир... Мантикий изчиллик яна қуйидагини англатади: муҳокама (хулоса чиқариш, назария)даги фикрлар бир-бири билан шундай узвий равишда боғланганки, ҳар бир янги фикрнинг мазмуни ўзидан аввалги фикрдан келиб чиқади. Бу ҳолат қуйидаги иборада яхши ифодаланган: “А деганда Б дейиш керак”. Бу қоидадан чекиниш мантикий ноизчилликни англатади”¹.

Демак, мантикий изчилликнинг икки жиҳати мавжуд: биринчиси – бир вақт ва муносабатда бир масала юзасидан бўлаётган муҳокамада зиддиятга йўл қўймаслик; иккинчиси – ҳар қандай тафаккур жараёнида фикрларнинг узвий равишда бир-бири билан боғланган бўлиши, яъни ўзига хос “фикрлар занжирини” ҳосил қилиши.

Энди таққослаш учун юқорида номлари зикр этилган мантикий қонунларнинг таърифларини ёдга олсак: нозидлик қонунига кўра, бир предмет ҳақида айтилган икки қарама-қарши фикр бир вақтнинг ўзида, айни бир муносабат ва нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмас. Учунчиси истисно қонунига кўра, бир-бирига зид бўлган ҳукмлардан бири чин бўлса, иккинчиси, албатта, хатодир, учинчисининг бўлиши мумкин эмас. Етарли асос қонунига кўра, фикрнинг чинлиги аввал чинлиги исботланган фикр билан асосланиши зарур.

Демак, нозидлик ва учинчиси истисно қонунлари мантикий изчилликнинг бир жиҳатини акс эттиради, етарли асос қонуни эса бошқа жиҳатини қисман акс эттиради. Сабаби фикрларнинг узвий равишда боғланиб келиши, фақат “асос-натижа” кўринишида бўлмайди, масалан, санок тартибида келган фикрларнинг боғланиши, маълумот, шарҳ кўринишидаги фикрлар. Қолаверса, фикр асосланишга зарурат туғдиргандагина асосланилади.

Булардан шу нарса аён бўляптики, мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунларидан ҳеч бири ўз ҳолича мантиқан тўғри фикрлаш жараёнининг асосий хусусиятларидан бири мантикий изчилликни тўлақонли акс эттира олмайди.

Нозидлик, учинчиси истисно ва етарли асос қонунларини мантикий изчилликнинг баъзи жиҳатларини акс эттириши масаласига келсак. Маълумки, фандаги ҳар қандай қонуннинг ўз ядроси, яъни фақат ўзига тегишли жиҳати бўлади. Шунинг билан бирга, ана шу ядронинг атрофида унинг маълум қирралари бўладими, бу қирралар фаннинг бошқа қонунлари билан кесишади. Ана шу кесишган нуқталар шу қонунни фаннинг бошқа қонунларига мослигини кўрсатади, яъни “фанда шаклланган қонун, назария ва бошқаларга зид бўлмаслиги”ни англатади². Бу эса шу қонуннинг реаллигини кўрсатувчи омиллардан бири, қайтарамиз, реаллигини кўрсатувчи омиллардан бири, қонуннинг ўзи эмас. Бу ўринда ҳам ана шу кесишган нуқталарга асосланиб, бу қонунлар мантикий изчилликни тўлақонли акс эттиради, дея олмаймиз.

Эҳтимол, кимдадир изчиллик мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунларида акс этиши шартми, мантиқнинг асосий тушунчаларидан бири бўлишининг ўзи етарли эмасми деган савол туғилган бўлиши мумкин. Ҳа, шарт, чунки изчиллик мантикий тафаккурнинг қонун даражасидаги талаби ва у ўз ўрнида бўлиши керак.

Биз хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма шаклдаги фикрларимизни маълум бир тартиб, кетма-кетликда, бир сўз билан айтганда, мантикий изчилликда баён этамиз. Йўқса, уларни ҳеч ким

¹ Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник, 2-е издание. – М.: Наука, 1975. – С. 462.

² Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантик. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 21.

тўлиқ тушуна олмаган ва биз ўз фикрларимизни тушунтира олмаган бўлар эдик. Ҳа, мантикий изчиллик мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунларида акс этмаган бўлса-да, бизнинг тафаккуримизда мантикий тафаккурнинг муҳим қонунларидан бири сифатида мавжуддир.

Мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунлари мантикий изчилликни акс эттирмаслигини бошқа усул орқали ҳам кўрсак бўлади. Келинг, мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунлари – айният, нозидлик, учинчиси истисно ва етарли асос қонунларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда матн тузамиз. Агарда бу қонунлар мантикий изчилликни тўлақонли ифода қиладиган бўлса, бу ҳолат ўз-ўзидан матнда ҳам ўз аксини топади.

Қонун ва қонунбузарлик

Қонунлар жамиятдаги тартибни сақлаш, давлатнинг сиёсатини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини бошқариб туриш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурч ва вазифаларини аниқлаб бериш учун қабул қилинади. Жиноят жойида жиноятчидан из қолмаганлиги ҳам из қолганлигини билдиради. Гумондор ё жиноятчи ёки жиноятчи эмас. Мазкур қонун кучга эга, чунки у амалдаги Конституцияга мувофиқ ҳамда аввалгисининг ўрнига яқинда янги таҳрирда қабул қилинган.

Агарда айният қонунининг талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, матндаги тушунча ва фикрлар ўз маъносиди ва бир маънода ишлатилган. Масалан, қонун тушунчаси бир ўринда юридик, бошқа ўринда илмий маънода ишлатилмаган. “Жиноят жойида жиноятчидан из қолмаганлиги ҳам из қолганлигини билдиради” ҳукми нозидлик қонунининг талабларига мос келади “Жиноятчидан қолган из” тушунчасини учта предметга нисбатан ишлатиш мумкин: 1. Содир қилинган жиноятнинг ўзига нисбатан. 2. Жиноятчидан қолган фактик далиллар – бармоқ излари, жиноят қуроли ва бошқаларга нисбатан. 3. Жиноятчининг ҳаракатларига асосланиб, тафаккурда вужудга келадиган мантикий далиллар, масалан, ҳеч қандай из қолдирмаслиги, тажрибали экани ва ҳоқозоларга нисбатан. Бу ўринда жиноятчидан қолган из тушунчаси икки предмет – фактик ҳамда мантикий далилларга нисбатан ишлатилган. “Гумондор ё жиноятчи, ёки жиноятчи эмас” мулоҳазаси учинчиси истисно қонуни талабидан келиб чиқади ва бунда “ё униси, ё буниси” формуласи амал қилади. Бунда муқобил ҳукмлар берилган, бири чин бўлса, иккинчиси хато, учинчисининг бўлиши мумкин эмас. Матннинг сўнгида келтирилган мулоҳазада етарли асос қонунига амал қилинган ва бунда муайян қонуннинг амалда эканини кўрсатиш учун етарли даражада асос келтирилган.

Демак, матнда мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунлари – айният, нозидлик, учинчиси истисно ва етарли асос қонунларининг талаблари тўлиқ бажарилган ва матнда берилган ҳар бир мулоҳаза чин. Шунга қарамасдан, матндаги фикрлар узвий равишда бири-бири билан боғланмаган, ҳар бир янги фикрнинг мазмуни ўзидан аввалги фикрдан келиб чиқмаган. Шу сабабли ҳам матнда умумий, яхлит мазмун йўқ. Бу эса матнда мантикий изчиллик ўз аксини топмаганлигини кўрсатади. Ҳолбуки, бу қонунлар мантикий изчилликни ўзларида намоён этган бўлганида, у ўз-ўзидан матнда ҳам акс этган бўлар эди.

Кўриниб турибдики, матн тузишнинг мантикий технологияси учун асосий талабларидан бири мантикий изчиллик, мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунларидан ҳеч бири мантикий изчилликни тўлақонли акс эттирмайди.

Тафаккурнинг кўчма маъно, образли ифодага таянадиган кўринишлари айният қонуни доирасида эмас. Айният қонуни мутлоқлаштириладиган бўлса, уларга таянадиган “юморнинг иложи бўлмайди”¹. Шу сабабли “аския санъатида айният қонуни атайлаб бузилишини, тушунчаларнинг ўз маъносиди эмас, балки кўчма маънода қўлланишларини кузатиш мумкин”².

Шунингдек, софистика ҳам, асосан, айният қонуни бузилишига таянади, лекин “софистик тафаккур усули илмий билишда, ҳақиқатни аниқлашда салбий роль ўйнаса ҳам, бироқ у санъатда, ҳар хил комик вазиятни яратишда, бадий тасвирда ижобий роль ўйнайди”³.

¹ Светлов В.А. Современная логика. – С.-П.: Питер, 2006. – С. 19.

² Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантик. – Т.: Ғ.Ғулом, 2004. – Б. 58.

³ Фалспафа. Э.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 195.

Булардан шу нарса аён бўляптики, тафаккуримиздаги айният қонуни воқеликни бево-сита акс эттиришга қаратилган қонун ва бизнинг тафаккуримизда воқеликни билвосита акс эттиришга хизмат қиладиган қонун ҳам мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Светлов В.А. Современная логика. – С.-П.: Питер, 2006. – С. 19.
2. Чкнаверянц А.А. Закон тождества. – М.: Высшая школа, 1961. – 59.
3. Чкнаверянц А.А. Закон тождества. – М.: Высшая школа, 1961. – С. 58–59.
4. Чкнаверянц А.А. Закон тождества. – М.: Высшая школа, 1961. – С. 63.
5. Фогарши Б. Логика. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1959. – С. 65.
6. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Т.: Ғ.Ғулом, 2004. – Б. 56.
7. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993, – Б. 14–15.
8. Хаваш К. Так – логично. – М.: Прогресс, 1985. – С. 28.
9. Савинов А.В. Логические законы мышления. – Л., 1958, – С. 24–25.
10. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник, 2-е издание. – М.: Наука, 1975. – С. 462.
11. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 21.
12. Требилов О. Формально-логические законы как принципы теоретического конструирования. Логика и теория познания. Межвузовский сборник. – Л., 1990. – С.117.
13. Светлов В.А. Современная логика. – С.-П.: Питер, 2006. – С. 19.
14. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Т.: Ғ.Ғулом, 2004, – Б. 58.
15. Фалспафа. Э.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 195.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мантикий тафаккурнинг асосий қонунлари тўғрисида мулоҳаза юритилиб, ушбу қонунларнинг фикр, мулоҳазаларни аниқ ифодалашдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

РЕЗЮМЕ

В статье автор размышляет об особенностях основных законов логического мышления и обращает внимание на их значение в правильном выражении размышлений.

SUMMARY

In this article we focus on the main laws of logical thought and their importance in correct expressing these laws properties.

Нашрга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ РОЛИ

Рўзимуродов С.М. (СамДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *оила, фарзанд, тарбия, маънавият, қадриятлар, ота-она. маҳалла, анъана, глобаллашув.*

Ҳозирги даврда глобаллашув деганда умумбашарий, умумсайёравий тараққиётнинг шаклланиш тенденцияси тушунилади. Ушбу тенденциянинг асосини ҳозирги замон кишилик жамиятини бирлаштириб турган иқтисодий, сиёсий, маданий ва коммуникацион алоқалар ташкил этади. Глобаллашув жараёни жаҳон мафқуравий манзарасини тубдан ўзгартирди, геосиёсатнинг янги мақсад ва йўналишларини юзага келтирди. Бунинг натижасида, бир томондан, турли ғояларни кишилар онгига сингдириш услублари ва усуллари мукамаллашиб кетди, иккинчи томондан, ғайриинсоний ғоялар таъсиридан фуқароларни ҳимоялаш имкониятлари камайди. Глобаллашув жараёнининг асосий хусусияти, кишилик жамиятининг барча соҳаларини қамраб олганлиги билан белгиланиб, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маданий жараёнларни қамраб олган. Глобаллашув жараёнлари эндиликда оилавий муҳитга, фуқароларнинг шахсий ҳаётларига, турмуш тарзига ҳам таъсир ўтказмоқда. Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари шахснинг камолотига, маънавий тараққиётига таъсир кўрсатиб, унинг истиқболига хизмат қилса, унинг салбий жиҳатлари шахсда деструктив жиҳатларнинг намоён бўлишига олиб келиб, бу салбий жиҳатлар маънавий таҳдидларнинг турли кўринишлари, эгоцентризм, тажовузкорлик, ваҳшийлик, мутаассиблик, ақидапарастлик, диний экстремизм ва терроризм кўринишларида намоён бўлади.

Глобаллашув шароитида фуқароларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг энг муҳим омили бу оиладир. Чунки ёшларни маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда оиладаги тарбиявий муҳит ва оилавий кадриятларнинг тутган ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Ҳар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари мавжуд бўлиб, булар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихорига айланган унинг миллий кадриятларидир. Бу борада Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: “Миллий кадриятларнинг тикланиши туфайли бугун жонажон Ватанимизнинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этапти ва бундан фахрланияпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак асло янглишмаган бўламыз”,¹ – деб таъкидлаган эди.

Миллатнинг бой тарихий мероси, санъати ва адабиёти, урф-одати ва маросимлари ҳам унинг миллий кадриятларида намоён бўлади. Миллий кадриятларда миллат, муайян бир халқнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабати, ички табиати ва турмуш тарзи ўз ифодасини топади. Булар миллатнинг маънавий-руҳий олами, тафаккур тарзи, орзу-умидлари ва идеаллари, виждони ва ор-номусида акс этади. “Миллий кадриятлар тор маънода муайян бир миллатнинг, элатнинг қизиқишлари ва манфаатларини ифодаловчи муносабатлар йиғиндисини, мазмунини ташкил этса, кенг маънода муайян бир давлатда яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатлари ва қизиқишларини ифодаловчи муносабатлар йиғиндисини акс эттиради”². Миллий кадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу кадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русумларга баҳо берилади. Ёш авлоднинг ҳаётий мўлжаллари, “замона қаҳрамони” ҳақидаги тасаввурлари ҳам маънавий кадриятлардан келиб чиқиб шаклланади. Глобаллашув ва ахборотлашув шароитида умуминсоний ва миллий кадриятлар қанчалик бир-бирига яқинлашиб таъсир кўрсатмасин, ҳар бир миллат учун маънавий камолотнинг асосий йўли ва мезони миллий кадриятлар бўлиб қолади. Маънавий тарбия ҳар қандай жамият ва мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда, шу жумладан, барқарор оилани шакллантириш масалалари давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири деб қаралмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ш. Мирзиёев 2016 йил якунларига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқида “биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарурлигига”³ эътибор қаратди.

Баркамол авлодни тарбиялаш оиладан бошланади. Инсон оила муҳитида жамият аъзоси сифатида тарбия топади. Оилада соғлом муҳит ва соғлом муносабат қарор топса, оилада ҳам, миллат ва жамиятда ҳам соғлом муҳит мавжуд бўлади. Инсон маънавиятининг пойдевори оила муҳитида шаклланиб, жамият ҳаётида ҳар бир оилани мустаҳкамлаш учун, энг аввало, ёшларга ўзбек оилаларининг урф-одатлари, удум ва анъаналарини, миллий кадриятлар, ахлоқий маданиятини ёшлиқдан ўргатиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Оила – кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият ҳамда ўзаро ёрдамга асосланган кичик гуруҳидир. “Оила – жамиятнинг энг кичик ячейкаси бўлиб, жамият ана шу ячейкалардан ташкил топган. Оила мураккаб тузилмага эга бўлиб, табиий-биологик (жинсий муносабатлар, насл қолдириш), иқтисодий (мулкий муносабатлар, уй-рўзгорни бошқариш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғуси ва б.) муносабатларга асосланади”⁴. Оила ёшлар учун энг асосий

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон келажги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 4.

² Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний кадриятлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 8.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Тошкент, 2017 йил 15 январь. <http://www.service.uz/uz/lists/vitw/>

⁴ Фалсафа қисқача изоҳли луғат. М.Н.Абдуллаева ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 241.

тарбия муҳити бўлиб, бу муҳитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, ирода, характер ва дунёқараш шаклланади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, фуқароларда миллий ўзликни англаш туйғусининг қарор топганлиги, ўтмиш кадриятларини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортганлиги оиланинг шахс камолотида тутган ўрни ва ролини ҳолисона баҳолаш имконини берди. Оилада демократик негизларга асос солинади, оилада одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва кадриятлари шаклланади. Оила тарбияси ота-оналар ва шахс камолоти учун масъул шахслар томонидан ташкил этилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараёндир. Оила тарбиясининг мазмуни ёшларга ижтимоий тарбиянинг турли йўналишлари, жисмоний, ахлоқий, ақлий, эстетик, меҳнат, экологик, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ғоявий таълим-тарбия бериш, уларда фаолият кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

Оиладаги ахлоқий тарбия ота-она ҳамда оиланинг бошқа аъзолари, шунингдек, атрофдагиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, камтарлик, тўғрисўзлик, меҳнатсеварлик, саховат, инсонпарварлик, адолат, виждон, ор-номус, ғурур, интизом, ижтимоий бурчни англаш каби ахлоқий сифатларни шакллантиришдан иборат. Фарзандларнинг ота-онага ҳурмати Шарқда ҳамма вақт жуда юқори бўлган. Фарзандлар ёшлигиданоқ отасига суяниб, онасининг алласини тинглаб, уларнинг меҳрига қониб вояга етганлар.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида: “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласи алоҳида таъкидланади”¹. Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик давлатнинг равнақи оила фаровонлигига боғлиқ бўлиб, оила – бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий кадриятлардан биридир.

Ўзбекистонда оиланинг ўзига хос томонларидан бири уни ташкил этадиган аъзоларининг кўп сонли эканлигидир. Уларда турли авлод вакиллари бирга яшайди. Бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний маънавий кадриятлар, анъаналардан баҳраманд қилиш, билим даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратади. Худди шундай оилаларда болалар ёшлиқданоқ меҳнатсеварликни, катталарга ҳурматни, билим ва ҳунар эгаллашни ўрганади. Шу боисдан ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўпроқ ўз эътиборларини фарзанд тарбияси, унинг порлоқ истикболига қаратиб келмоқдалар.

“Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзуси ва мақсадлари, ҳаётий манфатлари, авваламбор, унинг фарзандлари тимсолида намаён бўлади, рўёбга чиқади,”²– дейди Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Мустақиллик бой тарихий мерос, маънавий кадриятларни, оилавий урф-одат ва маросимларни тиклаш билан бирга мулкка эгалик ҳуқуқи ва ҳиссиётини тиклаб, оила аъзолари ва фарзандлари оила мулкни кўпайтиришдан, оиланинг бой ва фаровон бўлишидан манфаатдор бўлиб қолди. Ҳозирги ёшлар шаҳар жойларида тадбиркорлик билан шуғулланиб ўз иқтисодий билимларини оширишдан манфаатдор бўлсалар, қишлоқ ёшлари мулкнинг турли шакллари тасарруф қилиш, фермерлик, ишбилармонлик йўллари изламоқдалар. Мустақилликдан кейин миллий урф-одатлар, маросимлар, миллий ҳунармандчилик, меъ-

¹ 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Тошкент: Маънавият, 2017. – 203 б.

² Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Самарқанд” газетаси, 2016 йил 10 декабрь сони, 3-бет.

морчилик анъаналари қайта тикланди. Кўпгина касб-хунарлар ота-оналардан фарзандларига мерос тарзида ўтиб, анъанавий тарзда ривожланиб келмоқда. Оилада қизларнинг тарбиясига катта эътибор қаратилиб, пенсия, нафақа, ижтимоий ёрдам, тиббий шароитнинг яхшиланиши, оналар ҳақидаги ғамхўрлик, уларнинг бўш вақтининг кўпайиши, иқтисодий аҳволнинг яхшиланиши фарзандлар тарбиясига кўпроқ эътибор беришга имконият яратмоқда. Ота-оналарнинг фарзанд олдидаги бурчи ҳақида шарқона тарбиянинг ёзилмаган қонунлари ишлаб чиқилган бўлиб, бунга кўра ота-она чақалоқ туғилган вақтидан бошлаб унинг тарбияси билан шуғулланиши, унга чиройли исм қўйиши, вояга етгач унга бирор касб-хунар ўргатиши, балоғатга етгач уни тўй қилиб уйлантириши ёки турмушга бериши зарурдир. Фарзандларнинг бурчи эса ота-она қаригач, уларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам қилишдан иборат бўлиб, ота-онанинг тарбия масаласида гапининг бир жойдан чиқиши, оиладаги соғлом муҳит, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ота-онанинг ҳаёт тажрибаси, билими, иймон-эътиқоди, маънавияти глобаллашув ва ахборотлашув шароитида фарзандлар, ёшлар ахлоқий тарбияси ҳамда мафкуравий имунитетини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ота-она ўз фарзандлари олдида масъул бўлиб, ота-онанинг шахсий намунаси, меҳнатсеварлиги, ахлоқий фазилатлари аста-секин уларнинг фарзандларига ўтиб, уларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, оиладаги эр-хотин инноклиги, фарзандларга ғамхўрлиги, соғлом муҳит бахт-саодатни яратишнинг муҳим шарти бўлиб, шу билан биргаликда, оиладаги соғлом муҳит бутун жамиятнинг маънавий баркамоллигини таъминлайдиган асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Светлов В.А. Современная логика. – С.-П.: Питер, 2006. – С. 19.
2. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Т.: Ф.Фулум, 2004. – Б. 58.
3. Фалсафа. Э.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 195.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 4.
5. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 8.
6. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. М.Н.Абдуллаева ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 241.

РЕЗЮМЕ

Ҳозирги глобаллашув шароитида ёшлар онги ва қалбига таъсир кўрсатаётган турли таҳдидлар ўзбек оиласи мисолида тадқиқ этилган. Оилада ёшлар дунёқарашининг ўзгаришига олиб келаётган салбий жиҳатларнинг олдини олиш борасида фикр юритилади. Жумладан оилада миллий қадриятларнинг емирилиб бориши жараёни замонавий турмуш тарзи негизида вужудга келаётган ахлоқий муаммолар фалсафий тарзда ўрганилган ва таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье на примере узбекской семьи изучается влияние различных угроз на сознание и душу молодежи в условиях глобализации. Высказывается мысль о предупреждении негативного влияния, приводящего к изменению мировоззрения молодежи. В частности, с философской точки зрения проанализированы нравственные проблемы, возникающие вследствие уничтожения национальных ценностей в семье.

SUMMARY

In the condition of globalization, the influence of various threats on the consciousness and soul of young people has been studied using the example of the Uzbek family. Said an idea is voiced about preventing the negative impact of youth leading to a change in the worldview in the family. In particular, philosophically studied and analyzed the moral problems arising in the modern way of life arising due to the destruction of national values in the family.

Наширға фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

**ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ОБСЕ
В ДЕЛЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ И СТАБИЛЬНОСТИ
В ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОМ РЕГИОНЕ**

Азизов И. (Сенат Олий Мажлиса РУз)

Ключевые слова: *наркотрафик, организованная преступность, сотрудничество, глобализация, проект, программа, профилактика, информация, терроризм, экстремизм.*

Вступление мира в новую эру – эру глобализации, диктует необходимость формирования современной системы международных отношений, при котором проблемы возникающие, как на глобальном, так и на региональном уровне должны решаться сообща. Причем, со сменой двухполярного мира на многополярный, соответственно возникают и новые вызовы времени, присущие условиям глобализации.

Центральная Азия, включающая пять независимых республик, имеет особую геополитическую и геостратегическую значимость в современном, быстро меняющемся мире. Находясь в центре Евразийского пространства и обладая богатейшими запасами природно-сырьевых ресурсов, регион занимает особое место в современном мировом сообществе.

Республика Узбекистан как одно из пяти центральноазиатских государств, в силу своего геополитического положения, с первых лет независимости рассматривает вопросы политического и социально-экономического развития страны вкуче с интересами всего региона. При этом осознаётся та истина, что для достижения намеченных целей недостаточно одних желаний. Для этого, прежде всего, необходимо стабильное развитие как страны, так и всего региона, обеспечение региональной и глобальной безопасности. Узбекистан на сегодняшний день является участником строительства нового мироустройства, основанного на принципах доверия и взаимного уважения. Оставаясь верным своим внешнеполитическим принципам, Узбекистан также занимает твёрдую позицию, направленную на укрепление межгосударственного доверия в Центральной Азии, в превращение этого региона в устойчивую зону безопасности и повышение ее роли в мировом сообществе.

Однако, в современных условиях мирового развития большую тревогу вызывает и тот факт, что терроризм, обретя ярко выраженный международный характер, под флагом насилия и устрашения стал все более интернационализироваться. Означает это то, что, имея ни национальности, ни религии, ни государственности, он перерос в глобальную угрозу безопасности. Более того, обретя транснациональный характер, терроризм сформировал широкую сеть инфраструктуры своей деятельности. Он всецело использует колоссальные возможности современных средств связи и транспорта, обладает глобальными источниками финансирования, хорошо снабжен современным вооружением и подрывными средствами¹. На этом фоне Центральная Азия напрямую сталкивается с современными вызовами времени, и, прежде всего, с проблемами безопасности. Связанно это с тем, что различные религиозно-экстремистские группы и наркодельцы, пользуясь относительной молодостью независимых республик, не сбрасывают со счетов попытку устранить существующий в них конституционный строй, создать хаос и образовать свободное пространство для передвижения наркотиков и осуществления других корыстных целей. Этого они пытаются достичь методом террора, разжиганием межэтнических конфликтов и разгула организованной преступности. При этом реальная угроза для безопасности и стабильности в Центральной Азии исходит из Афганистана, превратившегося в 90-е годы в базу для нелегального транзита наркотиков, контрабанды оружия, транснациональной преступности.

¹ См.: Нуриддинов Э.З. Некоторые вопросы безопасности во внешнеполитической деятельности страны. // Фалсафа ва ҳуқуқ. – №1 (32)/2011. – С. 95.

Становится очевидным, что основная угроза терроризма, религиозного экстремизма и сепаратизма, со всеми его негативными последствиями для республик Центральной Азии, напрямую исходит из соседнего государства на юге региона - Афганистана. Реально оценивая сложившуюся ситуацию, Узбекистан с первых дней независимости стал проявлять высокую озабоченность обеспечением безопасности и стабильности в Центральной Азии. При этом руководство Узбекистана видит необходимость установления тесного взаимодействия с универсальными международными организациями. Одной из таких организаций по праву является Организация по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ). Данная международная структура фактически является ровесником новых независимых государств. В декабре 1994 года она официально была преобразована из Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе (СБСЕ) в постоянно действующую Организацию по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ). Основными документами данной организации являются Хельсинкский Заключительный акт СБСЕ от 1975 года¹ и Парижская хартия для новой Европы, подписанная в 1990 году². Первый из этих документов имеет историческую значимость. Разработанные в нем «10 заповедей» в условиях разгара политики «холодной войны» охватили жизненно важные интересы народов и государств мирового сообщества. Они не утратили свою актуальность и по сей день.

Идентичность взглядов и подходов по ключевым вопросам современного мироустройства, базирующихся на создании условий всеобъемлющей безопасности, стали основой превращения Республики Узбекистан с 30 января 1992 года в полноправного члена ОБСЕ. Принимая активное участие в широкомасштабной деятельности данной организации, Узбекистан стал уделять большое внимание ключевой проблеме региона, связанной с вопросами безопасности и стабильности. В целях объединения общих усилий в борьбе против существующих угроз, по инициативе Узбекистана в Ташкенте под эгидой ООН и ОБСЕ регулярно проводятся международные встречи. Так, например, 15-16 сентября 1995 г. в Ташкенте состоялось совещание-семинар по вопросам безопасности и сотрудничества в Центральной Азии, организованное при непосредственном взаимодействии с ООН и ОБСЕ³. На данном международном форуме, в котором принимали участие представители ряда международных организаций и эксперты из 16 стран, был затронут широкий круг вопросов, связанных непосредственно с безопасностью и стабильностью в регионе. В частности, Дессо Хорват, представитель действующего председателя ОБСЕ, в своем выступлении отметил, что: «ОБСЕ – это форум, где рассматриваются проблемы стран-участниц, вопросы безопасности. В новой эре безопасности и сотрудничества страны-участницы ОБСЕ начали обсуждение новой модели всеобщей безопасности XXI века, основанной на общих принципах ОБСЕ.

ОБСЕ высоко оценивает тот факт, что страны Центральной Азии обсуждают идею регионального сотрудничества и безопасности, являющихся неотъемлемой частью развития международной безопасности и стабильности в целом»⁴.

Узбекистан, полностью придерживаясь основных положений ОБСЕ по вопросам безопасности, стал инициатором по проведению и многих других международных встреч и совещаний. К ним, безусловно, можно отнести такие крупные международные конференции и семинары, состоявшиеся в столице Узбекистана, как «Укрепление безопасности и стабильности в Центральной Азии: интеграционный подход в борьбе против наркотиков, организованной преступности и терроризма» (октябрь 2000 г.); «Ташкентская резолюция против религиозно-политического терроризма и экстремизма: три года спустя» (декабрь 2002 г.); «Международный терроризм – угроза безопасности и стабильности в Центральной Азии» (декабрь 2003 г.); «Опыт и проблемы на пути обеспечения региональной безопасности в Центральной Азии» (февраль 2004 г.); «Обеспечение безопасности и стабильности в

¹ www.osce.org – Хельсинкский заключительный акт, 1975.

² www.osce.org – Парижская хартия для новой Европы, 1990.

³ Центральная Азия: на пути безопасности и сотрудничества. – Т.: Узбекистан, 1995. – 88 с.

⁴ Там же. – С. 31.

Центральной Азии в контексте политической и экономической модернизации» (май 2008 г.)¹ и многие другие. В ходе этих встреч участники широко обсудили вопросы обеспечения стабильного политического и экономического развития и безопасности региона, общественно-политической и экономической модернизации в Узбекистане и странах региона, а также инициативы по урегулированию ситуации в Афганистане, выдвинутые руководством Республики Узбекистан.

В рамках формирования пояса безопасности и стабильности в Центральной Азии как неотъемлемый его компонент выступает проблема, связанная с борьбой против распространения наркотических веществ. Противодействие незаконному обороту наркотиков — одна из наиболее сложных и актуальных мировых задач. Оно тесно взаимосвязано с борьбой с организованной преступностью, торговлей оружием, терроризмом, которые представляют угрозу стабильности и социально-экономическому развитию как отдельно взятой страны, так и региона в целом. В современных условиях Центральная Азия ежедневно сталкивается с вызовами наркоагрессии. По этой причине проблема незаконного оборота наркотиков постоянно находится в поле зрения правительств стран данного региона. Сегодня как никогда требуются многосторонние и согласованные ответные меры, способствующие как преодолению последствий наркоагрессии, так и выработке своевременных превентивных мер.

Руководство Узбекистана, оценивая пагубные последствия наркоагрессии, с первых лет независимости предприняло соответствующие шаги для борьбы с незаконным оборотом наркотических средств. В этих целях, в 1994 году специальным постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан была создана Государственная комиссия Республики Узбекистан по контролю за наркотиками². Она является межведомственным органом по вопросам координации борьбы с незаконным оборотом наркотических средств, разработки и реализации эффективных мер по пресечению распространения наркотиков как на национальном, так и на региональных уровнях, выполнения международных обязательств по контролю за наркотиками. В последующем, в целях усиления борьбы с незаконным оборотом наркотиков, при Кабинете Министров Республики Узбекистан был образован Национальный информационно-аналитический центр контроля за наркотиками³. Эти подразделения, созданные в Узбекистане для борьбы с существующим злом, стали полностью координировать свои действия в соответствии с международными обязательствами в данной сфере.

Для оказания содействия в борьбе с наркоагрессией ОБСЕ ежегодно реализует в республиках Центральной Азии проект под названием «Содействие в организации контроля за наркотиками, борьба с их незаконным оборотом и распространением». В рамках данного проекта проводится большая совместная работа по анализу ситуации в каждом регионе, по выявлению модели и тенденции злоупотребления наркотиками, по противодействию незаконному обороту наркотиков, по изучению состояния наркопреступности, по профилактике наркомании и другим аспектам данной сферы деятельности.

На основе реализации в Узбекистане данного проекта, ежегодно складывается конкретная картина наркоситуации в стране. Что касается состояния наркопреступности, то в 2010 году правоохранительными органами Республики Узбекистан было выявлено 8854 преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных

¹ Нуридинов Э.З. Инициативы Узбекистана по обеспечению безопасности и стабильности Центральноазиатского региона // Россия – Узбекистан: история и современность. (ч. III). Тема номера: Современные тенденции международных отношений в Центральной Азии. Журнал «ЕвроАзия». Ноябрь 2008. – № 6. – Москва. – С. 34–35.

² Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30.04.1994. № 229 «О создании Государственной комиссии Республики Узбекистан по контролю за наркотиками».

³ Национальный информационно-аналитический центр по контролю за наркотиками при Кабинете Министров Республики Узбекистан (НИАЦКН) образован 7 ноября 1996 года Постановлением Кабинета Министров №382, в целях усиления борьбы с незаконным оборотом наркотиков, а также выполнения Узбекистаном международных обязательств в данной сфере.

веществ. В результате оперативных действий из незаконного оборота было изъято 4 тонны 716 кг 661 гр. наркотиков, в том числе героина – 1 тонна 4 кг. 345 гр., опия – 519 кг. 10 гр., марихуаны - 1 тонна 732 кг., гашиша – 565 кг., кукнара (маковой соломы) – 896 кг. При этом главным источником пополнения подпольного наркорынка Узбекистана и наркотранзита по-прежнему оставался поток афганского героина и опия¹.

В связи со складывающейся ситуацией, как в стране, так и в регионе в целом, со стороны руководства Узбекистана предпринимаются всеческие меры для борьбы с незаконным оборотом наркотических средств. В частности, в Республике Узбекистан проводится большая работа в сфере сокращения спроса и предложения на наркотики в соответствии с антинаркотической стратегией, определенной Программой комплексных мер по противодействию злоупотреблению наркотиками и их незаконному обороту на 2016-2020 гг.

Как видим, ситуация, связанная с наркоторговлей в Республике Узбекистан, остается одной из главных проблем сегодняшнего дня, создавая серьезную угрозу на пути обеспечения безопасности и стабильности в стране. В решение существующей проблемы существенный вклад вносит ОБСЕ. Так, например, в 2016 году при координации Национального информационно-аналитического центра контроля за наркотиками проведена работа в рамках договорно-правовой базы двустороннего и многостороннего сотрудничества в сфере контроля за наркотиками. В соответствии с этим, при содействии Посольства Италии в Узбекистане и Регионального представительства УНП ООН в Центральной Азии 11-15 апреля 2016 г. в г. Ташкенте был организован учебный курс «Борьба с наркотиками в Интернет-пространстве» для представителей МВД ГТК Узбекистана². А в соответствии с Соглашением о сотрудничестве между Национальным информационно-аналитическим центром контроля за наркотиками и Представительством Фонда им. К. Аденауэра в Узбекистане в августе-сентябре 2016 г. были проведены учебные мероприятия в Италии и Германии на тему «Германо-Центральноазиатский диалог по вопросам политики безопасности и борьбы с организованной преступностью»³. Кроме того, Фонд им. К. Аденауэра совместно с Министерством народного образования Республики Узбекистан издал и распространил в общеобразовательных школах буклеты предупредительно-профилактической направленности в целях повышения информированности учащихся о рисках и негативных последствиях наркомании⁴.

Также, при тесном взаимодействии с ОБСЕ в рамках ее проекта «Содействие в организации контроля за наркотиками, борьбы с их незаконным оборотом и распространением. Этап 5», 14-15 декабря 2017 года в г. Ташкенте был проведен семинар-тренинг для секретарей региональных комиссий по контролю за наркотиками Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятов областей и г. Ташкента. На мероприятии с докладами выступили специалисты Национального центра по контролю за наркотиками, представители министерств внутренних дел, здравоохранения, народного образования, Государственного таможенного комитета. Значимость данного мероприятия определяется тем, что участники смогли ознакомиться с деятельностью компетентных органов по реализации антинаркотической стратегии, её основными направлениями, тенденциями развития наркоситуации в стране, регионе и мире, действующим законодательством и мерами по его совершенствованию.

Таким образом, мы становимся свидетелями того, что в условиях быстро меняющегося мира одной из острых проблем по-прежнему остаются вопросы, связанные с обеспечением безопасности и стабильности как в Узбекистане, так и во всем Центральноазиат-

¹ Информационный бюллетень о наркоситуации. Центральноазиатский регион. 2011. – Ташкент: SMI-ASIA, 2011. – С. 45–46.

² Информационный бюллетень о наркоситуации. Центральноазиатский регион. 2016. – Ташкент: Baktria press, 2017. – С. 58.

³ Там же. – С. 58–59.

⁴ Там же. – С. 59.

ском регионе. И в этом, безусловно, важное место занимает тесное взаимодействие Республики Узбекистан и Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе.

Литература

1. Нуриддинов Э.З. Некоторые вопросы безопасности во внешнеполитической деятельности страны // Фалсафа ва ҳуқуқ. №1 (32)/2011. – С. 95.
2. Центральная Азия: на пути безопасности и сотрудничества. – Т.: Узбекистан, 1995. – 88 с.
3. Информационный бюллетень о наркоситуации. Центральноазиатский регион. 2011. – Ташкент: SMI-ASIA, 2011. – С. 43–44.
4. Информационный бюллетень о наркоситуации. Центральноазиатский регион. 2016. – Ташкент: Baktria press, 2017. – С. 58.

РЕЗЮМЕ

В статье освещены основные этапы становления сотрудничества между Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) и Республикой Узбекистан в деле противодействия международному терроризму и экстремизму, распространению наркоторговли, формы и методы взаимодействия, а также некоторые результаты и планы работ на будущее.

РЕЗЮМЕ

Мақолада халқаро терроризм ва экстремизм, гиёҳванд моддалар контрабандаси, ўзаро таъсирлар шакллари ва усуллари, шунингдек, айрим натижалар ва келажакка оид режалар билан курашда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий босқичлари келтирилган.

SUMMARY

Article highlights the main stages in the development of cooperation between the Organization for Security and Cooperation in Europe (OSCE) and the Republic of Uzbekistan in the fight against international terrorism and extremism, the spread of drug trafficking, forms and methods of interaction, as well as some results and plans for the future.

Рекомендовано к печати доц. А.П.Эркаевым

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Шайманова А. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: *сиёсий партиялар, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий ҳаёт, сайлов, демократия, сўл қанот (сўллар), марказий партиялар (марказчилар), ўнг партиялар (ўнлар).*

Бугунги дунёдаги сиёсий воқеалар жуда тез ўзгармоқда. Бу эса сиёсий партиялардан замон билан ҳамнафасликни, кишиларнинг орзу-истакларини тез илғаб олиш ва уларни рўёбга чиқариш чора-тадбирларини белгилашни талаб қилади.

Сиёсий партия – муқаммал ташкилот бўлиб, демократик бошқарув жараёнида муҳим бўлган бир қатор ўзаро боғланган функцияларни амалга оширади. Шулардан энг асосийси давлат муассасалари ва органлари устидан маълум бир даражадаги назоратни қўлга кириштириш мақсадида сайловларда қатнашиш ва ғалаба қозониш ҳисобланади.

Маълумки, одамлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳокимиятга эришиш учун ҳамма даврларда бирлашганлар. Шу маънода, сиёсий партиялар жуда қадимдан мавжуд бўлган. Замоनावий партиялар эса Англияда XVII асрда вужудга келган, аммо 1832 йил сайлов ислохотидан кейингина ҳозирги кўринишини олган. АҚШда партиялар 1830-йилларда, президент Жексон даврида ташкил топа бошлаган. Франция ва Европанинг бошқа мамлакатларида парламент гуруҳлари ва сиёсий клубларнинг оммавий ташкилотларга айланиши 1848 йил инқилоби билан боғлиқдир. Фарб институтларини биринчилардан бўлиб импорт қилган, Шарқ мамлакатларидан бири бўлмиш Японияда партиялар биринчи жаҳон урушигача бўлмаган.

Сиёсат назариясида сиёсий партиялар тарихини босқичларга бўлишда М.Вебер томонидан таклиф этилган қуйидаги даврлаштириш қабул қилинган: аристократик котериялар

(тўгарак); сиёсий клублар; оммавий партиялар. Амалда юқорида санаб ўтилган даврларни фақат икки инглиз партияси – либерал партия (виглар) ва консерватив партия (торилар) ўтган. Тори ва вигларнинг котериялари XVIII асрнинг иккинчи ярмида шаклланган. Биринчи оммавий сиёсий партия (либерал партия) яна Англияда 1861 йилда ташкил топган. 1863 йилда Олмонияда Лассал бошчилигидаги умумий герман иттифоқи тузилади. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Ғарбий Европанинг деярли барча мамлакатларида оммавий партиялар мавжуд эди.¹ Оммавий партияларнинг ташкил топишига бу мамлакатларда жорий қилинаётган умумий сайлов ҳуқуқи ва кенгайиб бораётган ишчилар ҳаракати сабаб бўлди.

Сиёсий партияларнинг классификациясига кўра: сўл қанот (сўллар), марказ партиялар (марказчилар), ўнг партиялар (ўнгллар) га бўлинган.

Сўл қанот (сўллар) булар социал-демократлар бўлиб, ижтимоий мақсадга йўналтирилган иқтисод тарафдори, тўлиқ бандлик сиёсати, аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги тенг ҳуқуқлигини ҳимоя қиладилар.

Марказ партиялар (марказчилар), булар либерал партиялар бўлиб, тузилмавий ислохотлар ва технологик ўзгаришлар, давлат томонидан имкон қадар аралашуви чекланган эркин иқтисод, либерализм ва индивидуализм тарафдорларидир.

Ўнг партиялар (ўнгллар) ўз фаолиятида демократик муносабатларни тан олмайдиган, экстремистик позицияларни эгаллашни истаган партиялар, бундай партиялар миллатчилик ва фашистик руҳда ўз дастур мақсадларини амалга оширадилар.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда партиялар шаклланиши ҳам ўзига хос бўлган. Уларнинг пайдо бўлиши асосан жадидлар билан боғлиқ. XX аср бошларига келиб шаклланган «Иттиҳод ва тараққий», «Эрк», «Бирлик», «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар» ҳақидаги матбуотдаги мунозаралардан шундай хулосага келиш мумкинки, асосчилари уларни партия сифатида қараган тақдирда ҳам, улар клуб босқичидаги партиялар эди.

Маълумки, сиёсий партиялар жамиятда муайян функцияларни бажаради. Сиёсий партияларнинг бош функцияси – фуқаролар ижтимоий қатламлар, манфаат гуруҳларининг кўплаб хусусий манфаатларини ягона сиёсий манфаатга келтиришдан иборат. Жамият сиёсий тизимида партиялар турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини ифодалабгина қолмай, бу манфаатларни шакллантиришда ҳам фаол қатнашадилар. Партиялар ваколат вазифаси билан бир қаторда воситачилик вазифаларини ҳам бажарадилар. Улар давлат даражасида қарор қабул қилиш жараёнини мувофиқлаштирувчи ва назорат этувчи институт сифатида шаклланган. Партиялар фуқаролик жамиятини давлат билан боғлайди, улар ўртасидаги табиий зиддиятларни юмшатади. Партиялар ваколат тизими орқали парламент ва ҳукумат фаолиятида иштирок этади. Таъкидлаш лозимки, кучли партиялар жамият ва давлат алоқаларини мустаҳкамлаш, давлат устидан назоратни кучайтириш орқали давлатни кучайтиради, заиф партиялар – давлатни ҳам заифлаштириши мумкин. Дарҳақиқат, кўп давлатларда партияларнинг мақоми ва фаолияти махсус қонунлар ёки конституцион меъёрлар билан тартибга солинади. Дунё Конституцияларида сиёсий партияларнинг роли масаласига беш хил ёндошув мавжуд:

1) биринчи ёндашувда партияларга "фуқаролар клуби" тарзида қараш устунлик қилади. Канада, АҚШ, Австралия, Швейцария, Буюк Британия ва бошқа давлатларнинг Конституцияларида партиялар тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар кўзга ташланмайди. Уларда сиёсий партиялар фаолияти ва тузилишини тартибга солувчи махсус қонунлар ҳам йўқ. Жумладан, Ҳиндистонда биринчи марта сиёсий партия тушунчаси Конституцияга 52-тузатишда, яъни 1985 йилда ишлатилган. У ҳам бўлса, парламент ички тартибига оид бўлган тузатишдир. Шу билан бирга, кейинги йилларда, Буюк Британия, Канада ва АҚШда партияларнинг сайлов кампаниясида иштироқи, уларнинг молиявий таъминотида доир айрим қонунлар қабул қилинди.

¹Одилқориев Х.Т, Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: 2008. – Б. 153.

2) иккинчи ёндашувда Конституцияларда сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли тўғрисида батафсил тўхтаб ўтилди. ГФР (1949), Франция (1958), Португалия (1976), Испания (1978), Болгария (1991), Руминия (1991), Белоруссия (1996), Ўзбекистон (1992) йилги Конституциялари шу ёндашувга хос. Уларда, шунингдек, партияларни ташкил этиш ва фаолиятига доир айрим тамойиллар акс этган. Масалан, "партиялар миллий суверенитет ва демократия тамойилларини ҳурмат қилиши лозим" (Франция Конституцияси); "давлатнинг худудий яхлитлиги ва ҳуқуқий тартибини ҳурмат қилишлари лозим" (Руминия Конституцияси); "этник, диний, ирқий асосда ёки ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаш мақсадида партиялар ташкил этилиши мумкин, эмас" (Болгария Конституцияси). Бу ҳолатлар партиялар тўғрисидаги махсус қонунларда кенгайтирилган.

3) тоталитар ёндашув асосида бир партиявийлик ётади. Одатда, бу давлат Конституцияларида бошқа партияларни ташкил этиш тақиқланмайди. Аммо амалда уларнинг тузилиши ва фаолият кўрсатиш механизмлари мавжуд бўлмайди. (Собиқ СССР Конституцияси).

4-ёндашув айрим ислом давлатларида (Қатар, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон, Саудия Арабистони сингари) ҳар қандай сиёсий партиялар тақиқланган. Ислом қонунчилигига кўра, партияларга бирлашиш – умма (жамоа) бирлигига зиён етказиши, деб ҳисобланади.

Партиянинг расмий тан олинисини кўрсатувчи, унга давлат ҳимоясини берувчи муҳим адолат – бу рўйхатдан ўтказишдир. Партия рўйхатдан ўтгандагина унга сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи ва молиявий имтиёзлар берилади. Партияларни рўйхатдан ўтказиш шартлари давлатларда турлича бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида партиялар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади ва бунинг учун маълум муддатгача 8 та вилоятда яшовчи партия аъзоларнинг 20000 дан кам бўлмаган имзоси тўпланиши зарур.¹ Испания, Италия, Франция каби давлатларда партиялар, ички ишлар вазирлигида, Бельгия ва Нидерландияда – Адлия вазирлигида, Португалияда – Олий судда, Бразилияда – Олий сайлов судида рўйхатдан ўтадилар.

Хулоса қилиб айтилганда, бугунги кунда сиёсий партиялар жамият аъзоларининг ўз фуқаролик позицияларини шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, жамият, давлат ва шахс муносабатларининг такомиллашувига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак. Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. "Халқ сўзи" газетасининг 2017 йил 13 июлдаги 137-сони.

2. Ғофуров С.М., Ҳайдаров А.А., Тўлаганова Н.Ў. Сиёсатшунослик асослари. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 232 б.

3. Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: Фан, 2008. – 332 б.

4. Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2009. – 382 б.

5. Раупов С.С. Фуқаролик жамияти: кеча ва бугун. – Бухоро: Дурдона, 2016. – Б. 58.

РЕЗЮМЕ

Мақолада сиёсий партияларнинг моҳияти, классификацияси ҳамда уларнинг шаклланиши ва ривожланишининг хорижий ва миллий тажрибалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы сущности политических партий, их классификации, а также зарубежного и национального опыта их формирования и развития.

SUMMARY

This article deals with the nature of political parties, their classification, as well as foreign and national experience of their formation and development.

Нашрга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

¹Раупов. С.С. Фуқаролик жамияти: кеча ва бугун. – Бухоро: Дурдона, 2016. – Б. 54.

ВАРИАНТДОШЛИКНИНГ АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИДА
ТУТГАН ЎРНИ

Базарова Д. Б. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *вариантдошлик, сўз, ибора, мақол, поэтик жерангдорлик, бадиий шакл, индивидуаллик, морфологик хусусият, мавзувий-семантик гуруҳ, индивидуаллаштириши, архаиклаштириши.*

Тилшуносликнинг тараққиёти ва ривожланиши, даврнинг шиддат билан ўзгариб бориши ҳар бир вариантдош сўзга ўз талабларини қўяди. Улардан айримлари эскирган қатламга мансублиги, сўзлашувга хослиги, адабий талаффуз меъёрига мувофиқ эмаслиги, маданий қатлам талабига жавоб бермаслиги каби омиллар остида истеъмолдан чиқарилади. Доминанта бирлик эса адабий тилнинг меъёрларига ҳар жиҳатдан мос эканлиги билан характерланади ва меъёр уни танлаб, қонунийлаштиради. Албатта, сиқиб чиқарилаётган вариантдош бирлик ўзининг коннотатив бўёғи “ўткир”лиги туфайли нутқнинг чекка ҳудудларида маълум бир эмоционал-экспрессив вазифа бажариш имкониятига эга бўлиб, бу уларнинг маълум даражада, гарчи пассив қўлланишга эга бўлса-да, “жон сақлаб қолиш”и учун шароит яратади. Аммо бу уларнинг мутлақ қонунийлик белгисига эгалигини кўрсатмайди. Умуман олганда, тилда бирор унсур – у сўз, ибора, мақол ёки бошқа восита бўлишдан қатъи назар изсиз йўқолиб кетиши мумкин эмас.

Адабий норма доирасидаги тил воситаларининг вариантли бўлиши адабий нормага бирдан ортиқ лаҳжа ёки шева элементларининг кириб қолиши ёки услуб талабларига кўра тилда бирдан ортиқ ифода воситаларининг сақланиб туриши натижасида юз беради.

Давр руҳини акс эттириш, шевавий ёки лаҳжавий колоритни бериш талаби, шунингдек, бадиий асарларда қаҳрамон нутқини индивидуаллаштиришдан иборат бадиият талаблари бундай вариантларнинг ўрни билан онда-сонда ишлатилишига йўл қўяди. Бадиий адабиётда сўзларнинг турли хил вариантларини учратамиз. Буни шоир Абдулла Орипов ижодида кўришимиз мумкин. Айрим морфологик шакллар ҳам бу борадаги фикримизни тасдиқлайди:

менинг – маним:

Ерда қолган о таним маним

Ўзбекистон – ватаним маним.

(А.Орипов. “Ўзбекистон”).

кўрар – кўражак, айтади – айтажак, топар-топажак:

Мен кўрмаган бахтни кимдир кўражак,

Мен айтмаган сўзни айтажак кимдир.

(А.Орипов. “Ўзимни мозийнинг ...”)

Баракалла,

Қанот боғлаб учса фил агар,

Иккаламиз топажакмиз бунга ҳам чора.

(А.Орипов. “Соҳибқирон”)

Сўз вариантларига асосий масалалардан бири улардан бир ёки иккитасини адабий тил нормаси сифатида танлашдир. Айрим тадқиқотчилар бир сўзнинг иккидан ортиқ (баъзан ўнлаб) вариантлари мавжудлиги нормал бир ҳол бўлгани учун улардан бирини танлаш лозимлигини айтадилар, лекин бунда, кўпинча, ўз дидларига асосланадилар. Кўп вариантлардан бирини танлаб олишда муайян қонун қоидаларга, тилда бор фактларга, масалан, қайси вариантларнинг кўп қўлланишига, шу тилда ўхшаш сўзларнинг бор-йўқлигига амал қилиш зарур [1]. Бадиият морфологик вариантдош бирликларни қўллашда ўзига хос қонуниятларини адабий тил меъёрлари билан мувофиқлаштиради. Юқорида саналган айрим морфологик шакллар вариантлари бадиий нутқда эстетик вазифаси устуворлиги билан ажралиб туради.

Хусусан, Абдулла Орипов шеърида қаратқич келишигининг шевавий шакли, бошқа шеърий асарларда морфологик шаклларнинг белгисиз, қисқарган вариантлари қўлланиши ўзига хос бўлиб, баъзиларида адабий меъёр талаблари чегараларида чиқиш кўпроқ кузатилса-да, бироқ уларда инсоннинг ментал руҳиятини, кайфиятини яққолроқ акс эттиришга эришилганлигини кўришимиз мумкин.

Қаратқич келишигининг қисқарган варианты асосан бадий мазмун ва шакл талаби билан намоён бўлади. Бу вариант шаклни иккиланмасдан бадий вариант сифатида баҳолаш мумкин.

Оламда фожиа кўп эрур, бироқ,

Бунисин алами ҳаддан зиёда.

Оҳ, нечоғ даҳшатдир, тирик турган чоғ

Умринг оёқости бўлса дунёда. (А.Орипов. “Фожиа”)

Бу олмоши белгисиз қаратқич келишигида қўлланиши меъёрий ҳол эмас. Аммо унинг қисқарган шаклини қўллаш бадий шакл талаби билан вазн мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек, шунингдек, унга мос кўтаринкинлик, поэтик жарангдорлик воситаси сифатида нуққа чиқарилган. Сўзни **буниси** тарзида қўллаш ҳам баъзан бадиият талаби билан амалга ошади. Аммо грамматик меъёр унинг бу тарзда қўлланишига йўл қўймаслиги қонунияти бадий қонуният билан уйғунлашган. Шунингдек, қисқарган шаклдаги оҳанг тўртинчи мисрадаги *умринг* сўзи билан маълум даражада, нисбий оҳангдош (**бунисин-умринг**). Умуман, олмошларга қўйилган “белгисиз қаратқич келишигида қўлланмаслик” қонунияти куйидаги байтларда ҳам асосан бадий шакл талаби билан мувофиқлашган:

Неча минг мусулмон туну кун бедор,

Каъба атрофини тинмай айланар,

Барчасин муроди илоҳий дийдор,

Саждага ҳар бири ҳар зум шайланар.

(А.Орипов. “Аллоҳ даргоҳи”)

Кўринадики, қаратқич келишигининг қисқарган шакли кўпинча унли билан тугаган сўзларда ёки эгалик шаклини олган сўзлардан кейин **-н**, ундош билан тугаган сўзлардан сўнг **-ин** шаклида қўлланади. Бу вариант шаклнинг қўлланиши адибларнинг ижод услуби ўзига хослиги билан белгиланади. Бу шаклларнинг қўлланиши бадий пафосни таъминлаш, шеърий кўтаринкиликка эришиш, поэтик тантанаворликни ошириш мақсадига бўйсундирилганлиги, бадий шакл – мисраларда вазний мутаносибликни таъминлашга қаратилганлиги билан характерланади.

Ўзбек тилшунослигида ижодкор индивидуал бадий нутқининг фонетик хусусиятларига бағишланган ишнинг ёрқин намунаси А.Рустамовнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган. [2] Бунда олим Алишер Навоий асарлари фонетикасини, хусусан, унли фонемаларни тадқиқ қилиш орқали эски ўзбек адабий тилининг фонетик хусусиятлари, унлилар системаси ҳақида илмий хулосалар беради. Демак, индивидуал нутқ фонетикасини текшириш ижодкор индивидуал нутқи хусусиятларини очиш эмас, балки давр тили фонетикаси ҳақида хулоса чиқариш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Индивидуал поэтик нутқининг морфологик хусусиятлари бўйича бажарилган тадқиқотлар сирасида яна шу муаллиф ва бошқа қатор ишларни санаш мумкин [3]. Бу ишлардан дастлабкиларида, юқорида айтилгани каби давр тилининг морфологик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган, муайян ижодкорлар бадий нутқида у ёки бу морфологик шаклнинг ишлатилишидаги “*муштараклик* – туркий қавмларнинг ёнма-ён яшаганликлари сабабли ўғуз ва қарлуқ-уйғур лисоний ҳодисаларининг аралаш қўлланиши; *вазн ва қофия талаби* – назмий нутқда метрик талаблар асосида ўғуз кўринишларининг қўлланишлари; *тақлидчилик* – XVIII–XIX асрларда Фузулий, XX аср бошларида ганч турклар (туркия ва озарбайжон турклари) асарларига эргашиб, турк ва озарбайжон тилларига хос сўз ва қўшимчаларнинг қўлланилиши; *бадшийлик* – бадий асарларда (ўзига хос бадийлик яратиш, асар қаҳрамони нутқини индивидуаллаштириш мақсадларида) ўғуз унсур ва кўринишлари” каби

объектив ва субъектив омиллар баён этилади. Демак, шоир ҳассос шоиримиз Абдулла Орипов лисоний вариантдошликдан бадийлик-кўтаринкилик ва ифодавийликни таъминлаш, янги мазмун ва мантикни муайян сатрларга юклаш мақсадида қўллаганлиги аниқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шукуров Р. Сўз вариантлари ҳақида. – Т.: Ўзбекистон, 1987. – Б. 19.
2. Рустамов А. Алишер Навоий асарларининг грамматик хусусиятлари. –Т.: Фан, 1984. – 204 б.
3. Иванов С. Родословное древо тюрк Абул-Гази-Хана. Грамматический очерк. (Имя и глагол. Грамматические категории). –Т.: Фан, 1969.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Абдулла Орипов асарларида қўлланган лингвистик вариантдошлик ва унинг услубий қўлланиши масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы лингвистической вариативности и ее стилистического использования в произведениях Абдуллы Арипова.

SUMMARY

The article discusses linguistic variability and its stylistic usage in the works of Abdulla Aripov.

Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган

ЎЗБЕК ТИЛИДА САҚЛАНГАН МОРФОЛОГИК ТАРИХИЙ УНСУРЛАР

Хамроев А. (БухДУ), Жумаев Т. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *грамматик шакл, вазифадошлик, морфологик сатҳ, лексема, сўзлашув тили, қолип, фонетик ҳодиса, ҳаракат номи, ҳаракат белгиси, тарихий тараққиёт, ўтган замон келаси, замон.*

Ўзбек тилининг морфологик қурилиши асрлар давомида ривожланиб, такомиллашиб келди; тилнинг кўп асрлик тараққиёти давомида унинг морфологик қурилишида ҳам маълум ўзгаришлар юз берди – янги-янги грамматик шакллар вужудга келди, натижада қадимдан фаол истеъмолда бўлган шаклларнинг бир гуруҳи ўзининг мавқеини йўқота борди, айримлари эса маълум даврларга келиб истеъмолдан чиқиб кетди; тенг қўлланиб келётган вазифадош грамматик шакллар вазифа жиҳатидан дифференциялашди, тартибга туша борди; айрим грамматик шакллар шаклан ўзгарди, такомиллашди.

Манбаларнинг кўрсатишича, ўзбек тилининг морфологик қурилиши тараққиётини учта катта босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқични XIV асрнинг охирларигача бўлган давр ташкил қилади. Бу давр эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш арафаси бўлиб, параллел қўлланивчи вазифадош шаклларнинг кўплиги, қадимги шаклларнинг фаол қўлланиб келиши, диалектал ва бошқа туркий тилларга мансуб бўлган шаклларнинг кўплаб истеъмолда бўлиши каби ҳолатлар билан характерланади.


2. Иккинчи босқич XIV аср охирларидан XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда эски ўзбек адабий тили вужудга келган бўлиб, унинг грамматик қурилиши, хусусан, орфологик структураси маълум даражада нормага тушганлиги кўринади.

3. Ўзбек тилининг морфологик қурилиши тараққиётидаги учинчи босқич XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Бу даврда адабиётда янги оқим пайдо бўлди, матбуот вужудга келди ва ўзбек тилида газета, журнал, китоблар нашр этила бошлади. Бу эса ўз навбатида адабий тил билан халқ сўзлашув тилининг янада яқинлаша боришига ва адабий тилнинг, хусусан, унинг морфологик қурилишининг халқ сўзлашув тили ҳисобига янада бойиб боришига замин яратди. Демак, юқорида саналган омиллар ҳозирги ўзбек адабий тилининг тўлиқ шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бироқ юқорида келтирилган уч босқич бевосита X асргача бўлган қадимги туркий тил (ҚТТ) билан бевосита боғлиқ. Чунки ҳозирги ўзбек адабий тилининг морфологик сатҳига диққат қилинса, ўша даврнинг излари сақланганлигини илғаб олиш қийин эмас.

Ҳозирги ўзбек тилининг морфологик қатламида шаклдош бўлган шакллар кўп, лекин уларнинг вазифавий хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, *-гу* шаклининг хусусиятлари ҳозирги ўзбек тилида от ясовчилик вазифасини ўзида мужассам этган. Бу қўшимчанинг фонетик вариантлари бошқа сўз туркумларининг ясалиши учун ҳам хизмат қилади. Яъни,


От ясовчи қўшимча сифатида:



Этарга улча айлабтур ирода,

Замони киргуси мумтад арода (Навоий. Фарҳод ва Ширин).


Ҳаракат номи сифатида:



Этарга улча айлабтур ирода,

Замони киргуси мумтад арода (Навоий. Фарҳод ва Ширин).


Феълнинг келаси замон шакли ҳосил қилувчи сифатида:



Этарга улча айлабтур ирода,

Замони киргуси мумтад арода (Навоий. Фарҳод ва Ширин).

Ҳаракат номи сифатида:



Қадимги туркий тилда ҳам *-гу* қўшимчаси истеъмолда бўлган, лекин унинг истеъмол даражаси тор бўлиб, фақат мавҳум от ясовчи қўшимча сифатида мавжуд бўлган: *бич* (*кес-*) – *бичгу* (*кесадиган асбоб қана-* (*қон чик-*) – *қанагу* (*қон оладиган асбоб*). Бу қўшимча содир бўлиб турган ёки содир бўлиши лозим бўлган ҳаракатни сифатлаштириш учун ишлатилган.

бар- (*бор*) – *баргу* (*бориш керак бўлган, бориладиган*);

кир (*кир-*) – *киргу* (*кириш керак бўлган, кириладиган*).

Ҳозирги *боргим йўқ*, *қўргуси келмади* сингари синтактик бирликлар шу қўшимчанинг фонетик вариантдир. Демак, *-гу* қўшимчасининг истеъмол даражаси ҚТТда чегараланган эди.

Эски туркий тилга келиб *-гу* қўшимчасининг фаолияти кенгайди, яъни бу қўшимча ёрдамида ҳосил бўлган сўзлар ихтисослашишга ўтди. Ихтисослашган лексемалар ясамалигини йўқотмаган, ўзида қолипнинг шаклий томони изларини сақлаган, бироқ маъновий томондан қолипдан узилган, маъносини қолипнинг мазмуний томонидан келтириб чиқариш имкони бўлмаган торайган маъноли лексемалардир.

Эски туркий тилда бундай ҳодиса кенг тарқалган. Биз қуйида *-гу* қўшимчаси ёрдамида юзага келган ясама сўзларнинг ихтисослашувини кўриб ўтамиз:

1. *-зу* қўшимчаси билан нарса жисмнинг ёки ҳаракатнинг белгисини ифодаловчи от ясалган: *сорғу* – сўроқ, талаб; *бергү* – қайтариб бериладиган нарса. *Кундин-күйга с э в г и с и зийада болур эрди* (Рабғ., 52).

2. *-зу* қўшимчали ҳаракат номи шаклига *-чи* қўшимчаси қўшилиб, ўзақдан англашилган ҳаракатни билдирувчи шахс оти ясаган. Масалан: *Хушнавис катиб ... сөзләгүчигә ва көзләгүчиләргә асәйиши екуррүр* (Навоий, МК, 30).

Ҳозирги ўзбек тилида эса *-(г)г>в* фонетик ҳодисасига кўра *икәгү>икави> иккови* шаклига келган.

4. *-зу* қўшимчаси билан ясалган шакл Урхун-Энасой ёдгорликларида қўлланмаган. Лекин қадимги уйғур тили ёдгорликлари тилида фаол истеъмолда бўлган. XI аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда ҳам бу шакл кенг қўлланган.

Тарихан бу шаклнинг грамматик маъносида ва вазифаларида маълум ўзгаришлар юз берган. Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, бу шакл XI аср тилида кўп маъноли бўлган. Кейинги даврларда *-зу* қўшимчали феъл шаклининг маъно ва вазифалари чегаралана борди.

ЭЎТда *-зу* қўшимчали феъл шаклининг грамматик маънолари ва вазифалари тараққиёти даврини икки босқичга бўлиш мумкин: биринчи босқичга XV асргача бўлган давр, иккинчи босқичга XV аср ва ундан кейинги даврлар киради.

1) ўзбек тилининг XV асрдан олдинги даврларида *-зу/-зү///-қу/-ку* қўшимчали феъл шаклининг грамматик маънолари ва вазифалари кенг бўлиб, унда ҳаракат номи белгилари ҳам, сифатдош белгилари ҳам мавжуд бўлган. Бу даврдаги унинг маъно ва вазифаларидан асосийлари қўйидагилар:

а) нарса-жисмнинг ҳаракат белгисини кўрсатиб, гапда аниқловчи вазифасида келади. Мас.: *Ҳеч урушғу ярағлар қалмады* (Рабғ., 66).

б) келишик, эгалик қўшимчалари билан қўлланиб, гапнинг турли бўлаклари вазифасида келган: *Егүга аш азүқ алиб келәди теб...*

с) *керак* сўзи билан қўлланиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиши зарурлиги каби маъноларни ифодалайди: *Эмди қурт-қайал бермағу к э р э к* (Рабғ. 53).

Демак, келтирилган далилларга таяниб, қўйидаги хулосаларни чиқаришга ҳақлимиз:

1. Ҳозирги ўзбек тилининг морфологик қатлами бошқа сатҳлар сингари узок тарихга эга, бироқ ўша узок тарихнинг излари ҳозир ҳам сақланиб қолган.

2. Ҳозирги ўзбек тилининг мезонлари билан ўлчаб бўлмайдиган айрим морфологик шаклларнинг моҳиятини очишда унинг тарихий тараққиётига таяниш зарур (масалан, *боргим йўқ, ичгим келмаяпти*).

3. Қадимги туркий тилдан ҳозирги ўзбек тилига мерос бўлиб ўтган энг сермахсул қўшимча *-зу* бўлиб, унинг тажаллилари бир неча сўз туркуми доирасида тармоқланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умаров Э. а товушининг XV асрдаги сифат хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1982. 1-сон. – Б. 22–24.

2. Неъматов Ҳ. Ҳ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. Тошкент, 1992. – 92 б.

3. Муаллифлар жамоаси. Ўзбек тили тарихи. Тошкент: Фан, 2007. – 602 б.

4. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили (дарслик). –Т.: Университет, 2006. – 64 б. – Б. 151-153.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳозирги ўзбек тилида қўлланадиган морфологик шаклларнинг қадимги туркий тилда мавжуд бўлган сингармонистик белгиларни сақлаган ҳолда истеъмолда эканлигини исботловчи илмий фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводится научное обоснование наличия остатков сингармонизма, свойственного древнетюркскому языку, в современном узбекском языке.

SUMMARY

This article contains a scientific substantiation of singarmonizma residues of drevnetjurkoskomu language in contemporary Uzbek language.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Назирова У. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: ўқувчи, тарбия, ватанпарварлик, халқ оғзаки ижоди, мақол, матал, достон, эртақ.

Буюк аждодларимизнинг бекиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни ўрганиш, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, умуман олганда, миллий маънавиятимизга дахлдор барча бойликларимизни қайтадан тиклаш давр талабига айланди. Мамлакатимизда яшовчи барча фуқароларда ўзликни англаш, миллий ғурур, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни бунёд этишга қаратилган улуғвор мақсадларни амалга ошириш каби туйғулар камол топиб, уларнинг бугунги ва эртанги кунга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий мероси, анъаналари, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига суяниш, уни амалга оширишда самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш зарурлиги ҳақидаги муҳим вазифалар белгилаб қўйилди. Мана шу маънавий меросимизни таркибий қисми халқ оғзаки ижодиётидир. Халқ оғзаки ижодининг барча жанрларида халқимизнинг бой ахлоқий ўғитлари ўз аксини топган. Авлоду аждодларимизнинг қадим ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари, маданияти, тили, тарихи бадиий фалсафий жиҳатдан ўзига хос тарзда акс этириладиган халқ педагогикаси ниҳоятда бой ва хилма-хилдир. Халқ педагогикаси халқ оғзаки ижоди билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг манбаи топишмоқ, матал, кўшиқ, эртақ, ривоят кабилар ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг қадимий воситаларидир. Ўзбек халқ оғзаки ижоди бой ҳазинага эга бўлиб, унда бола тарбияси масалалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам халқ оғзаки ижоди намуналари муҳим педагогик восита сифатида хизмат қилади. Бошланғич синф ўқувчиларида ижобий сифатлар ва ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш учун ўқитувчилар, биринчи навбатда, халқ оғзаки ижоди намуналарига таянишлари кераклиги кўп бора илмий тадқиқотларда исботланмоқда. Шунинг учун ҳам ўқитувчиларни мазкур воситаларни излаб топиш, танлаш, ватанпарварлик тарбиясида тутган ўрнини педагогик жиҳатдан изоҳлашга ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга.

Бизга маълумки, ватанпарварлик кишиларнинг она юрти, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодаладиган тушунча ҳисобланади. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳистуйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозирги билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда яққол намоён бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уларни халқимизнинг миллий анъаналари ва урф-одатлари билан таништириш, шу орқали аждодларимиз жасоратига ҳурмат руҳини таркиб топтириш алоҳида муҳим ўрин тутди. Халқ оғзаки ижоди намуналари ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда энг таъсирчан восита ҳисобланади ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараённинг самарадорлигини оширади. Чунки мазкур асарларда ўзбек халқининг дониш-

мандлиги, меҳнатсеварлиги, ўзига хос турмуш тарзи, ўз ери, ватанига бўлган муҳаббати алоҳида тараннум этилади. Халқ оғзаки ижоди намуналарида ватан ва муайян халқнинг этник хусусиятлари, руҳияти ва дунёқарашлари ифодаланиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Халқ оғзаки ижоди намуналарида ўзбек халқининг маънавий, ахлоқий эътиқодлари, онг даражалари, дунёни тушунишлари намоён бўлганлиги учун ҳам улар жуда катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга.

Шарқда Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Рудакий, Саъдий, Маҳмуд Кошғарий ва бошқа мутафаккирлар ҳам халқ оғзаки ижодининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Форобий “юмшоқ” ва “қаттиқ” (мажбурлаш) методларидан фойдаланиш билан маънавий тарбияни биринчи ўринга қўйган. “Бахт йўли”, “Бахтга эришиш тўғрисида”, “Фуқаролик сиёсати”, “Эзгулик шаҳар аҳолиси қарашлари” асарларида халқ оғзаки ижодининг тарбиявий имкониятларига алоҳида эътибор қаратган.

Форобийнинг фикрича, тўғри ташкил этилган таълим-тарбия натижасида ўқувчиларда олижаноблик сифатлари тарбияланади. Бу эса атроф-муҳит, тарбияланувчининг иродаси ҳамда истагига кўп жиҳатдан боғлиқлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Форобий халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланиб, онгли ҳамда мунтазам уқтириш (тарбиялаш) орқали ўқувчиларда яхши феъл-атворни шакллантириш тарафдори бўлган.

Абу Али ибн Сино эса бола қалбини уйғотувчи алла қўшиқларининг тарбиявий имкониятларига алоҳида эътибор қаратган. Рудакий тарбиявий мақсадларда мақоллар ва маталардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатган.

Шундай қилиб, ўрта асрдаёқ халқ оғзаки ижодининг тарбиявий имкониятлари тан олинган ва ёшларда ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишда улардан кенг фойдаланганлар. Ўша даврлардаёқ халқ оғзаки ижоди намуналари ватанпарварлик тарбияси учун муҳим восита ҳисобланган. Чунки уларда ватаннинг буюк саждагоҳ эканлиги, ватанпарварликка оид кўплаб маънавий қоидалар, меъёрлар, ғоялар, эзгулик ва ёвузлик, ватан ҳимояси йўлида фидоийлик кўрсатиш, жондан кечиш қабила устувор ўрин эгаллаган.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди дostonчилар, эртақчилар, сўз усталари томонидан барпо этилган ёрқин образли бадий асарлардир. Улар асрлар давомида сайқалланиб мукаммаллашган. Мазкур ижод намуналарида халқ ҳаёти ва унинг дунёқарашини ўз ифодасини топган. Ушбу асарлар ижтимоий тарихий ҳодисалар, жангу жадаллар, ватан равнақи йўлида олиб борилган курашларни ўрганишнинг асосий воситасидир. Чунки у халқ онгининг маҳсулидир. Унда маълум тарихий даврнинг энг асосий ҳодисалари акс этган. Дostonлар, афсоналар, эртақларда халқнинг орзу-умидлари, уларнинг маънавий-ахлоқий тасаввурлари ифода этилади. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида ёшларни ватаннинг ёрқин келажоғи учун курашга ундаш руҳи устувордир. Бу ғоя мардлик, ватанпарварлик ҳаракатларини талаб этувчи турли вазиятларга тушадиган қаҳрамонлар образлари орқали очиб берилади.

Дostonларимизда халқнинг ватанпарварлик, юртсеварлик руҳи ва характери ўз ифодасини топган. Уларда эзгулик ва ёвузлик кураши ва, албатта, яхшилиқнинг ғалабаси куйланади. Уларда халқнинг маънавияти ва ватанпарварлик ҳаракатлари акс эттирилади. Масалан, “Алпомиш” дostonида ўзбек халқининг руҳияти, ватанпарварлиги, эзгуликнинг ёвузлик билан кураши ва ғалабаси куйланади. Асар қаҳрамони Алпомиш юксак ватанпарварлик сифатлари билан ўз жонажон диёри, ватани, ўз халқининг ҳақиқий фидокори, ҳимоячисидир. Дoston бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни ота-боболаримизнинг муқаддас қадамжоларимизни ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Ўзбек халқ эртақлари ҳам кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини уйғотувчи асосий воситадир. Биламизки, эртаққа қизиқмайдиган, унинг сеҳрли оламига мафтун бўлмаган бола топилмаса керак. Эртақ болаларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, сахийлик, ростгўйлик руҳида тарбиялаши билан муҳимдир. Эртақ-

лардаги чуқур ғоя, юксак инсоний фазилятлар, шу даражада болалар руҳига мос тарзда, мантқиқий изчилликда, жонли воқеаларда, кизиқарли тарзда ҳикоя қилинадик, бола бутун вужуди билан уни эшитади, чин дилдан ишонади. Улардаги ижобий қаҳрамонлар ўз Ватанини севувчи ватанпарвар тимсоли намоён бўлади. Эртақларда халқнинг энг яхши хислатлари акс эттирилган. Одатда эртақ қаҳрамонлари ўз ишларига баҳо берадилар, бу эса бошланғич синф ўқувчилари учун жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ана шу жиҳатдан олганда, юксак маънавият ва ватанпарварлик намунаси бўлган ўзбек халқ эртақлари халқ оғзаки ижодининг жуда катта педагогик таъсирга эга бўлган тури ҳисобланади. Масалан, “Қаҳрамон” эртагида бош қаҳрамон халққа зулм ўтказиб келган ёвуз душманни мағлуб қилади. Халқни ёвуз кучлардан ҳимоя этади.

Умуман олганда, ўзбек халқ дostonлари ва эртақларида ватанпарварлик тарбияси устувор ўрин эгаллайди. Ўзбек халқ дostonлари ва эртақлари ўзининг образлилиги ва бадиий ёрқинлиги билан ажралиб туради. Ўзбек халқ эртақларининг тили кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун ниҳоятда тушунарли ва кизиқарлидир. Улар ўқувчиларни сеҳрли қаҳрамонлар билан мулоқотга ундайди, ҳаяжонлантиради ва ўйлашга мажбур қилади. Уларда қаҳрамонларнинг саргузаштлари ёрқин ва жонли ифода этилади. Қаҳрамонларнинг асосий хусусиятлари уларнинг хатти-ҳаракатлари ёрдамида очиқ берилади. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида инсоннинг энг асосий туйғуси сифатида ватанпарварлик улуғланади.

Мақоллар тафаккур дурдонаси ҳисобланиб, халқ тилидан олинган, асрлар оша ихчамлашган, мўъжазгина маънолар хазинаси бўлиб, болаларга тарбия беришда ўз қудратига эга. Бола ўз нутқида қанчалик кўп мақол ишлатса, унга нисбатан тенгдошларининг эътибори, ҳурмати ошади. Халқ мақолларида доно халқимизнинг турмуш тарзи, ўй-хаёллари, орзу-умидлари мужассам. Дунёда қайси бир халқ, миллатни олиб қарамайлик, тарбия жараёнида халқ оғзаки ижодининг намунаси ҳисобланган мақолларга мурожаат этишади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзбек халқ оғзаки ижоди катта педагогик, эстетик ва маънавий қимматга эга. Унда Ватанга муҳаббат, садоқат, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, ўз жонажон ўлкаси учун кураш, жанг мавзуси ва халқнинг тинчлиги ҳамда бахтига халақит қилаётган ёвузлик устидан ғалаба руҳи муҳим ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонов А. Ахлоқий тарбия ва миллий кадрларимиз // Шарқ юлдузи. 1990. – №12, – Б. 164–173.
2. Махмудов У. Одоб-ахлоқ сабоқлари. – Т.: Фан, 1994. – Б. 133.
3. Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 187 б.
4. Имомов К. ва бошқ. Ўзбек халқ мақоллари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – 510 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается место и роль устного народного творчества в воспитании учащихся начальных классов в духе патриотизма.

SUMMARY


This article contains a scientific substantiation of singarmonizma residues of drevnetjurkoskomu language in contemporary Uzbek language.

Наишга пед.ф.д. Р.Шодиев тасия этган

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАТБИҚИ

Каримов Б. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: таълим, технология, инновация, дарс, спорт, тарбия, ўқувчи, машқ, амалиёт, жараён.



Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ёш авлодни тарбиялашнинг асосий концептуал йўналишлари белгилаб берилди. Жамиятимиз ривожда бундай оламшумул ўзгаришларнинг содир бўлиши, таълим-тарбия жараёнида замонавий технологияларни қўллашни талаб қилмоқда.

Таълим жараёнини замонавий усуллардан фойдаланиб ташкил этиш учун, аввало, дарснинг режаси ва лойиҳаси аниқ ишлаб чиқилиши зарур. Дарс лойиҳасини тузишда ўқитувчи ўзининг иш шакллари ва ўқувчиларнинг кўникмани эгаллаш жараёнидаги ишлари доирасини аниқ белгилаб олиши лозим. Шунингдек, у қандай

ўқитиш усулларидан фойдаланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълим методларини танлашда кўпроқ интерфаол усулларга эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Интерфаол усуллар – бу ўзаро ҳаракат, яъни ҳамкорлик асосида ўқитиш демакдир.

Барча таълим турлари каби жисмоний тарбия дарсларида ҳам педагогик технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки жисмоний тарбия дарслари ўқувчиларнинг нафақат жисмоний, балки ақлий ривожланишини таъминлайди, ўқувчиларни фаоллаштириш, мустақил ишлашга ўргатиш, таълимнинг ке-йинги босқичларида ўқувчиларнинг таълим жараёнининг фаол субъектларига айланишларида муҳим аҳамият касб этади. Педагогик технологияларни қўллашда жисмоний тарбия таълимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Шу мақсадда таълим жараёнига инновацион технологиялар ва интерфаол усулларни қўллашга қизиқиш тобора кенг тус олмақда. Бундай усулларни қўллаш таълим самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширади, ўқувчиларда дарс мазмунини теран англаш кўникмасини шакллантиради. Адабиёт манбаларида педагогик жараёнда, аynикса, жисмоний тарбия дарсларида замонавий таълим технологияларини қўллаш масалаларига кам эътибор берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ўз тадқиқотларимизда бошланғич синфларда ўтиладиган жисмоний тарбия дарсларида ўқитишнинг 4 поғонали усулини қўллашни мақсад қилдик. Бу усул АҚШ да пайдо бўлган. Дастлаб бу усулдан касбий-техникавий соҳаларда кўп марта бажариш орқали ҳосил қилинадиган кўникмаларни шакллантириш учун ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда бу усулни ўқув жараёнида қўллаш мумкин, деб ҳисобланмоқда. Бу эса ўқувчи ёшларда жисмоний машқларни бажариш кўникмаларини тез ва мукамал равишда ўзлаштириш имконини бериши мумкин.


Бу усулда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш». Яъни амалиёт ўқитувчиси талабаларга, аввал, кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин, нима қилиш кераклигини амалда бажариб кўрсатади. Сўнг ўқувчилар шу иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Ўқувчилар машқларни такрорлаш пайтида амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади). Ундан кейин эса шу иш босқичи машқ тарзида ўқувчи уни мукамал ўзлаштирунича кўп мартаба қайтарилади. Ҳаракат

кўникмаларини ўргатишда эса бу усул ўзини жуда ҳам яхши оқлади. Шунинг учун бу усул дастлаб касбий-техникавий соҳаларда, энг аввало, иш ўрнида керакли кўникмаларни ўргатишда келажакда ҳам муҳим роль ўйнайди.

4 поғонали усул психологияда асосланган бўлиб, бихевиоризм (яъни инсон ўзини тутишига оид) назариялардан олинган. Дастлаб, ҳайвонлар устида ўтказилган экспериментлар йўлида олинган натижалар кейинчалик инсонга нисбатан қўлланила бошланган. Бу ерда кўзғовчи ва реакция каби элементлар ҳамда конкрет ўлчаниши мумкин бўлган кўрсаткичлар муҳим роль ўйнаган. Чунки олимлар фикри бўйича режа асосида ишлатилган ташқи кўзғовчилар ва назорат қилиниши мумкин бўлган реакцияларгина етарли даражада текширилиши ва унинг натижасида умумий илмий хулосалар чиқариш мумкин, деб ҳисобланган.

Бу усул таълим жараёнига татбиқ этила бошлангач, дидактиканинг баъзи элементлари қўшилиб мукамаллаштирилди. Натижада босқичлар бироз мураккаблаштирилди. Яъни шундай машқлар ҳам киритилиши мумкинки, улар доирасида ўқувчи бирданига бир неча кўникмалар ва операцияларни амалда бажариши керак. Масалан, Спорт ўйинларидан “Баскетбол ўйинида ҳаракатланиш техникасини ўргатиш” мавзусини ўтишда 4 поғонали усулни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мавзунини ўтишда «Тушунтириш» ва «Нима қилишни кўрсатиб бериш» поғоналари эса босқичма-босқич амалга оширилади.



1-поғона: Ўқитувчи нима қилиш кераклигини тушунтиради. У ўқувчиларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўникмани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Ўқувчилар эса ўқитувчиларини оғзаки тушунтиришларини тинглашади.

2-поғона: Ўқитувчи тушунтирилган машқ ҳаракатлари қандай бажарилиши кераклигини кўрсатади, ўқувчилар эса уни ўзлаштирадilar. Одатда ўқитувчи нима қилаётгани ҳақида ўқувчиларга изоҳлар бериб боради, яъни бу ерда намойиш этиш тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

3-поғона: Ўқувчилар ўқитувчи кўрсатиб берган машқ ҳаракатларини кўрсатилган тарзда қайтардилар. Ўқитувчи улар бажараётган машқлар юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради.

4-поғона: Ҳар бир ўқувчи ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатилган тарзда қайтариб бажарадилар. Улар бажарган машқларни тўғри бажарганликлари бўйича амалиёт ўқитувчисининг изоҳларини тушунганларидан кейин машқлар ўқувчилар томонидан кўп маротаба машқ қилинади ва талаб этилган натижага эришилмагунича такрорланаверилади.

Жисмоний тарбия дарсларида 4 поғонали усулдан фойдаланиш бўйича айрим йўл-йўриқларни таъкидлаб ўтиш лозим:

1-поғона: Тушунтириш-қизиқтириш (мотивация). Маълумот бериш. Амалиёт ўқитувчиси биринчи навбатда дарс машғулоти бўйича машқ ҳаракатлари учун лозим бўл-

ган тақдимот материалларини, спорт жиҳозларини ўқув хонасида ёки спорт майдончасида ҳозирлайди.

Дарс мавзуси эълон қилинган, дарс мақсадига мос топшириқларни бажаришда фойдаланиладиган машқ жиҳозларига ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотишдан бошланади, чунки уларнинг қизиқиш ва эътибори ўрганилаётган машқ ва ҳаракатларга кўникмани ҳосил қилишга қаратилиши керак.

Сўнг ўқитувчи ўқувчиларга амалий топшириқни бажариш учун керакли барча маълумотларни беради ва бажариладиган машқларнинг моҳияти ва тартибини тушунтиради. Шу пайтда у ўзи амалий тажрибасидан таниган барча ўқув-дидактик материаллардан кўргазмалли материаллар сифатида фойдаланиши мумкин. Ўқувчилар дарс машғулотининг бу даврида нисбатан пассив бўлишади, улар тинглашади ва кузатишади.

2-поғона: Нима қилишни кўрсатиб бериш – намойиш. Бу поғонада амалиёт ўқитувчиси тушунтирган спорт ўйинлари ёки ҳаракатли машқларни ўзи бажариб кўрсатади. Бунинг учун у аввал керакли жиҳозланган спорт майдончасини пухталиқ билан тайёрлаб қўйган бўлади ва ўша спорт жиҳозларида ҳаракатлар намойишини ўтказиши.

Ҳаракатли машқларни намойиш қилаётган пайтда ўқитувчи ўқувчиларни диққат билан қараб туришларини таъминлайди.

Бирор кўникмани 3 марта намойиш қилиниши тавсия этилади:

1-намойиш: оддий тезликда ўтказилади; талабаларда тўла ва ҳақиқий тасаввур пайдо бўлиши учун.

2-намойиш: атайин секин тезликда ўтказилади; ҳар бир босқични алоҳида ва хусусиятларни яхшироқ кўрсатиш ҳамда ҳаракатлар хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш учун.

3-намойиш: оддий тезликда ўтказилади; кўникмани яна бир марта тўла равишда кўрсатиш ва ўқувчиларда «ички суръат» (яъни аниқ тасаввур) пайдо бўлиши учун.

Намойиш қилаётган пайтда ўқитувчи ҳар бир қадамни изоҳлаб боради.

3-поғона: Кўрсатилган тарзда қайтариш - тақлид (имитация). Бунда эса ўқувчиларнинг ҳар бири ўқитувчи ҳаракатларини у кўрсатган тарзда қайтаришлари керак. Ўқувчилар ишлаётган пайтда ўқитувчи ўз фикрини билдиради, яхши ишни мақтаб, ёмон ишни танқид қилади ва нима қилишни яна бир марта кўрсатади.

Ўқувчилар ҳаракат жараёнини тушунганлигини кўрганидан кейин ўқитувчи машқ қилишни бошлашга белги беради.

4- поғона: Машқ қилиш. Ўқувчилар доимий такрорлаш орқали спорт ҳаракатларини бажариш жараёнларини осон ўзлаштирадилар.

Ҳар бир ўқувчи ўзи ишлайди ва бутун гуруҳ билан ҳам қайта-қайта шу машқларни такрорлайди. Агар иш натижаларининг сифати мақбул натижа стандартига (олдиндан белгиланган сифат мезонларига – аниқ мақсадларга) жавоб берса, иш тугатилиши мумкин. Ўқитувчи бу ерда назоратчи вазифасини бажаради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, таълимни бу усулда ташкил этиш талабаларда мавзуга қизиқишини кучайтиради ва ўзлаштириш самарасини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авлиёкулов Н.Х. Педагогик технологиялар. – Т., 2009. – 243 б.
2. Абдуллаева Х.А. Машғулотларда фаол таълим усулларида фойдаланиш. – Фарғона, 2008. – 102 б.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008 – 180 б.
5. Саломов Р.С., Керимов Ф.А. Жисмоний тарбияда педагогик технологиялар. – Тошкент, 2018. – 316 б.
6. Хўжаев Ф., Шахриддинова Л. Фанни ўқитишдаги инновацион ва илғор хорижий тажрибалар // <http://oliysportxtv.uz/archive/>.
7. Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Неъматов И. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами. Методик қўлланма / Ўрта махсус, касб-хунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2013. – 137 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада жисмоний тарбия дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг самарали натижалари ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье идёт речь об эффективности результатов использования современных педагогических технологий на занятиях по физическому воспитанию.

SUMMARY

It is analyzed the useful results if using modern pedagogical technologies in physical training classes.

Наширға пед.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган

ОБУЧЕНИЕ ТВОРЧЕСКОМУ МОНОЛОГИЧЕСКОМУ ВЫСКАЗЫВАНИЮ В ХОДЕ ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ НА НЕЯЗЫКОВЫХ ФАКУЛЬТЕТАХ

Каримов Б.П. (КарГУ)

Ключевые слова: *творческий характер текста, актуальная тема, лингвистические средства, адаптивование, навыки, коммуникативное единство, коммуникативная интенция.*

Вопросы формирования иноязычной коммуникативной компетенции с использованием метода проектов в последние годы исследуются в различных направлениях. Уточняется понятие «метод проектов», принципы и требования к реализации данного метода, типология проектов, последовательность проектной деятельности учащихся, изучается воспитательный потенциал метода, его возможности для развития умений и навыков устной речи и прочее. Существенный вклад в развитие теоретических положений метода в процессе обучения иностранному языку внесли такие отечественные и зарубежные ученые и исследователи как: Е.С. Полат, Н.Ф. Коряковцева, Н.А. Мыльцева, Л.И. Палаева, А.И. Кузнецова, Т.П. Резник, Т.Ю. Тамбовкина, Т. Хатчинсон (Т. Hutchinson), Д.Л. Фрид-Бут (D.L. Fried-Booth), С. Хейнс (S. Haines) и другие. Вместе с тем, обучающий и стимулирующий потенциал метода проектов не исследован до конца, и в частности, тот аспект, который связан с обучением тем или иным видам речевой деятельности, тем или иным формам общения.

Поскольку метод проектов, с одной стороны, предполагает нацеленность деятельности учащихся на создание некоторого продукта, а, с другой стороны, включает в себя этап защиты проектов, следовательно, можно утверждать, что необходимы умения публично представлять их учащимся в групповую работу. Данные аспекты изучаются той областью науки о языке, которая именуется риторикой. В этой связи, компетенцию, о которой идет речь, мы будем называть риторической.

Анализ научной литературы показал, что данная проблема не рассматривалась как таковая в методике обучения иностранным языкам в средней школе. Исследователи (Н.В. Гераскевич, 2000; Н.О. Деньгина, 2000; Б.М. Джандар, 2002; С.В. Калинина, 1969; В.Л. Скалкин, 1983 и другие) преимущественно останавливаются на вопросах обучения порождению текстов разных жанров и видов, как с опорой на исходный текст, так и без наличия какой-бы то ни было опоры, но при этом безотносительно адресованности сообщения аудитории, слушателям, без учета экстралингвистических и вневелингвистических факторов, влияющих на процесс передачи информации говорящим. Вместе с тем, анализ современных учебников по иностранному языку выявил отсутствие планомерной и целенаправленной работы над умениями, связанными с презентацией сообщения аудитории, умениями взаимодействовать с ней, поддерживать интерес на протяжении всего выступления, хотя проектные задания, предполагающие умения публичного выступления, в учебных пособиях предусматриваются. Более того, собственное наблюдение за процессом обучения говорению подтвердило, что монологическая речь учащихся несовершенна: учащиеся не умеют логично излагать свои мысли, аргументировать, не умеют пользоваться средствами связности.

Исходя из этого, естественно предположить, что метод проектов создает предпосылки для формирования у школьников риторической компетенции, которая является целью обучения творческому монологическому высказыванию.

Несмотря на то, что проектный метод может являться базой для стимулирования интеллектуальной, эмоциональной, коммуникативной активности учащихся, которая обусловит потребность в риторической компетентности у студентов, необходима система упражнений для формирования умений творческого монологического высказывания и адекватный способ их организации, т.е. способ, который позволит при этом сохранить основные черты проектного метода и органично сочетать приемы организации занятий и проектную деятельность студентов.

Такие возможности, как указывают ученые (А. Маслоу, 2003; Д.Н. Кавтарадзе, 1998; Г.А. Китайгородская, 1992; М. Ван Ментс, 1999 и другие) предоставляют занятия, характерными чертами которых является коллективная организация работы с применением игровой деятельности, т.е. в современном понимании тренинговые формы работы.

Данный способ организации обучения реализует обучение в сотрудничестве, что является одним из важнейших признаков метода проектов. Следовательно, можно сделать вывод о том, что в разрабатываемой методике обучения творческому монологическому высказыванию тренинг может стать ключевым звеном, соединяющим систему риторических упражнений и проектную деятельность школьников для формирования умений и навыков творческого монологического высказывания.

Обучение творческому монологическому высказыванию на неродном языке предполагает большие трудности. В основном, это определение темы сообщения, подбор фактического материала выступления и его анализ, продумывание и написание плана выступления, отбор оптимальных языковых средств и стилистических приемов для реализации намеченного содержания. Именно монолог в большей степени присущи текстовые характеристики, которые представлены следующей совокупностью основных признаков: связность, цельнооформленность, завершенность, информативность, целенаправленность, адресованность, ситуативность, интенциональность и акцептабельность. Первые четыре признака относятся к разряду объективных, т.е. универсальных для текстов любой видовой принадлежности, следующие пять характеристик следует рассматривать как субъективные, т.е. зависящие от коммуникативной интенции автора текста, от условий коммуникации. Именно вторая группа свойств текста определяет тип текста и высказывания, создаваемого говорящим, который либо имеет, либо не имеет времени на подготовку.

Исходя из понимания монологической речи и ее продукта – текста, можно заключить, что такого рода сообщение реализует не только информативную функцию, но и эмоционально-побудительную функцию, и ориентировано на собеседника или собеседников, т.е. преимущественно носит публичный характер.

В процессе опытного обучения на биологическом факультете, мы систему работ и упражнений ориентировали на то, что обучение монологу носит творческий характер, что с этой позиции позволяет определить типы монолога и этапы его формирования следующим образом:

- дотворческое монологическое высказывание, т.е. высказывание, которое, как правило, представляет собой перифраз, либо воспроизведение заученного наизусть текста;
- полутворческое монологическое высказывание, т.е. высказывание, объединяющее в себе элементы репродукции и продукции, отличающееся оригинальностью либо в плане формы, либо в плане содержания;
- творческое монологическое высказывание, т.е. высказывание, являющееся самостоятельным построением, наиболее полно соответствующее перечисленным выше характеристикам, и отражающее продуктивный уровень высказывания.

Содержание обучения творческому монологическому высказыванию включает в себя следующие компоненты :

- лингвистический компонент, сочетающий языковые и экстралингвистические средства, необходимые и достаточные для решения основной коммуникативной задачи;
- психологический компонент, предполагающий общие и специфические умения и навыки, необходимые для реализации замысла говорящего, а именно:

I группа – умения, связанные с подготовкой монологического высказывания:

- 1) умение подобрать актуальную тему для выступления, т.е. тему, которая мотивирует и докладчика и аудиторию;
- 2) умение отобрать яркий, репрезентативный материал для выступления;
- 3) умение планировать такие типы творческого монологического высказывания как: выступление, сообщение, доклад и управлять ими с целью оказания воздействия на адресата;
- 4) умение строить такие тексты как описание, повествование, аргументация, определение;
- 5) умения, обеспечивающие основные текстовые характеристики высказывания: логичность, связность, завершенность, экспрессивность, оригинальность:
 - а) владение синтаксическими, лексическими, грамматическими и фонетическими стилистическими средствами и приемами, б) владение средствами связности текста, в) умение последовательно развивать и раскрывать тему сообщения;
 - б) умение адаптировать текст выступления для конкретной аудитории (с точки зрения используемых языковых средств).

Творческое монологическое высказывание есть подготовленное авторское высказывание индивидуального построения, представляющее собой смысловое и коммуникативное единство, оригинальное и выразительное по своему содержанию, форме и способу его предъявления. Поэтому мы построили свою систему с учетом круга интересов и будущей профессии студентов, старались как можно больше учитывать знания, умения и опыт учащихся. Много внимания уделяли разным пересказам, заучиваниям, составлению конспектов, рефератов, докладов, ориентировали на публичное выступление.

Литература

1. Зимняя И.Н. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. – М.: Просвещение, 1985. – 159 с.
2. Леонтьев А.А. Основы теории речевой деятельности. – М.: Наука, 1974. – 368 с.

РЕЗЮМЕ

Обучение творческому монологическому высказыванию является одной из центральных проблем в методике преподавания русского языка. Монологическое высказывание представляет большие сложности для учащихся высшей школы. В этой статье мы рассматриваем систему заданий по реализации плана содержания и плана выражения монологической речи.

РЕЗЮМЕ

Ўзбек ўқувчисининг ижодий монолог тарзида чиқиш қилиши мураккаб масала. Монологик нутққа ўргатиш учун мазмун ва моҳиятини тушуниб, режа тузиб ва режа асосида чиқиш масалалари мазкур мақолада баён этилган.

SUMMARY

Uzbek student's presentation as a creative monologue style is a complicated problem. The problems of understanding content meaning, making the plan and doing presentation on the base of the plan were researched in the article.

Рекомендовано к печати д.пед.н. Р.Шадиевым

5-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА УНДАЛМАНИ ЎРГАТИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

Мўминова Н. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: фонетика, морфология, синтаксис, лексикология, грамматика, пунктуация, гап, сўз бирикмаси, дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап, истак гап, ҳис-ҳаяжон гап, кесим, эга, ҳол, тўлдирувчи, аниқловчи, таълим стандартлари, ундалма, нуқта, вергул.

Она тили таълими болаларга фақат ўзбек тилига оид билимларни ўргатиш билан бирга ўқувчининг тафаккур қилиш фаолиятини кенгайтириш, ўз фикрини равон, эркин, таъсирчан ва тўғри баён қила олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш учун хизмат қилади. Демак, она тили таълимига фақат ўқув фани сифатида эмас, инсоннинг ўз мулоқоти билан ўзининг ақлий қобилиятини, билимини, зукколигини намоён қилувчи восита сифатида қараш ўринли бўлади.

Мактабда 5-синф ўқувчилари она тилининг деярли барча: синтаксис ва пунктуация, морфология, фонетика, графика ва лексикология сатҳларини ўрганадилар; 4-синфда ўтилган фонетика, лексикология ҳамда синтаксисга доир билимлар такрорлаб бўлингач, бу кўникмалар бир қадар мураккаблик касб этган ҳолда 5-синфда ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинади.

Дастлаб синтаксис билан пунктуация бўлимларининг ўрганиш мазмуни ҳақида тушунча берилади; синтаксис сўз бирикмаси ва гап ҳақидаги тушунчаларни – гапда сўзларнинг боғланиш имкониятларини, пунктуация эса тиниш белгиларининг қўлланиши, бу белгилар нутқнинг тўғри ифода этилиши, тингловчига кўзланган мақсадни аниқ ва равон етиб бериши учун хизмат қилиши тушунтирилади. Ундан кейин эса гапларнинг ифода мақсадига кўра турлари, уларда тиниш белгиларининг қўлланилиши, гапларнинг айтилишига кўра фарқланиши: буйруқ, истак, ҳис-ҳаяжон каби турлари ҳақида маълумотлар берилади. Дарак гаплар бош ҳарф билан бошланиб, охирига нуқта қўйилиши, сўроқ гаплар ифодаланиш усулига кўра дарак гаплардан фарқланиб, тингловчидан жавоб талаб қилганлиги учун унинг охирида сўроқ белгиси қўйиш зарурлиги уқтирилади. Сўроқ гапларнинг юзага келишида оҳанг, сўроқ олмошлари ва сўроқ юқламалари иштирок этиши мумкинлиги бир неча соат дарс давомида тушунтириб борилади. Буйруқ, истак, ҳис-ҳаяжон гаплар айтилиш усулига кўра дарак ва сўроқ гаплардан фарқ қилиб, уларнинг охирида нуқта қўйилиши ўқувчиларга етказилади. Ундан кейин гап бўлаклари, кесим, унинг турлари – от кесим ва феъл кесим, эга, гапларнинг йиғиқлигига ва ёйиқлигига кўра турлари, шунингдек, гап бўлаклари: хол, тўлдирувчи, аниқловчи; аниқловчининг турлари: сифатловчи аниқловчи ва қаратқич аниқловчи ҳақида маълумот берилади.

Кейинги мавзу “Ундалмали гаплар”, “Ундалмали гапларда тиниш белгилари” бўлиб, бу мавзулар бевосита уюшиқ бўлақлар билан боғлиқ. Уюшиқ бўлақлар гапда синтактик вазифа бажаради, ундалмалар эса бу вазифани бажариш имкониятига эга эмас. Бундай фарқни англаш учун ҳам юқоридаги мавзулар кетма-кетликда – олдинги босқичнинг бевосита давоми сифатида дастурга келтирилган.

Она тили илми ўқувчиларга биринчи синфдаёқ ўргатилиб борилади. Илк синфда уларга нутқдан гапни ажратиб олишга, гап бош ҳарф билан бошланиб, охирига нуқта қўйиш лозимлиги ўргатилади.

Иккинчи синфда эса ўқувчилар гапнинг охирида нуқтадан ташқари сўроқ, ундов белгилари ишлатилиши билан таништирилади; гап бўлаклари ҳақидаги дастлабки тушунчалар шу синфдан бошлаб сингдирила бошланади. Ўқувчиларга гап ким? (кимлар?) ёки нима? (нималар?) ҳақида айтилишини билдирган сўзларни бошқа типдаги сўзлардан фарқлай олиш кўникмалари ҳосил қилина бошланади.

Учинчи синфда гапнинг ифода мақсадига кўра турлари (дарак, сўроқ, буйруқ гап) ҳақидаги дастлабки тушунчалар ўргатилади. Шунингдек, бу синфда гап бўлаклари: кесим, эга ва иккинчи даражали бўлақларга оид айрим тушунчалар ҳақида маълумот берилади: сўзларнинг бирикма тарзида инсон нутқида қўллана олиши билан таништирилади.

Тўртинчи синфда тенг боғловчилар: ва, аммо, лекин ёрдамида қўлланиши мумкин бўлган ҳамда боғловчиларсиз ҳам қўллана оладиган уюшиқ бўлақли гаплар ўргатилади. Бу синф ўқувчилари уюшиқ бўлақли гапларни санаш оҳанги ёрдамида, яъни ва, аммо, лекин, боғловчиларини қўлламаган ҳолда ҳам, фақат оҳанг ёрдамида уюшиқ бўлақли гап ҳосил қилиш имконияти борлиги ҳақидаги тушунчаларга эга бўладилар.

5-синфда ундалмага оид мавзулар бевосита синтаксис сатҳининг таркибий қисми сифатида берилади. Энди бу синф ўқувчилари илмий грамматиканинг илк намуналари ҳақи-

даги тасаввурга эга бўлишлари талаб этилганлиги сабабли ундалма бошланғич синфдагига нисбатан кенгрок, унинг синтактик имкониятлари оид билимларига таянилган ҳолда тушунтирилади: ундалманинг сўзловчининг фикри қаратилган шахс ёки нарсаларни билдириши; у бир сўз ёки сўзлар бирикмаси тарзида қўллан олиши; ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахс бўлиши; ундалманинг бош келишидаги от ёки олмош билан ифодаланиши; гапда бошқа бўлақлар билан грамматик жиҳатдан боғланмаслиги; ўзига хос ундаш, чақириш оҳанги билан айтилиши; гапнинг бошида, охирида, ўртасида кела олиши; ундалма катнашган гапларда ундаш ёки чақириш оҳангининг кучли ёки кучсизлигига қараб, ундалмадан сўнг вергул ёки ундов белгисининг қўйилишини ўзлаштирадilar. Ўрганилган имло қоидаларини амалиётга татбиқ этиш учун дарсликда келтирилган машқлар изчиллик билан бажартирилиб, ундалмага оид билимларни мустаҳкамланади. Олинган билимларнинг самарадорлигин янада ошириш учун таркатма материаллардан фойдаланиш мумкин: дарак гаплар ёзилган карточкалар ўқувчиларга тарқатилиб, улардаги эгаларни ундалмаларга айлантириш топширилади. Ўқувчи шу топшириқни доскада бажарса, унинг ундалмага оид билимларни эгаллага-эгаламаганлиги билан бирга хусни хати, имлони қай даражада билиши аниқланади.

5-синфда синтаксис ва пунктуацияга ва нутқ ўстириш 170 соат ажратилган бўлиб, ундан ундалма учун 6 соат берилади. 6 соат мобайнида ўқитувчи гап таркибида баъзан шундай сўзлар ва сўз бирикмалари хатто гаплар қўлланадики, улар гапнинг бирор бўлаги билан грамматик жиҳатдан алоқага киришмаслиги, шу туфайли бундай сўз ёки сўз бирикмалари гап бўлақлари ҳисобланмаслиги, ундалма ана шундай хусусиятга эга эканлиги ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилинади.

“Ундалма” мавзусини 5-синф ўқувчиларига ўтишда қуйидаги лисоний хусусиятларни ҳисобга олиш ўринли бўлади:

1-белги – ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки нарсаларни билдириши;

2-белги – таркибига кўра содда ва мураккаб бўлиши;

3-белги – гапнинг боши, ўртаси ва охирида кела олиши;

4-белги – ундалмаларнинг нутқдаги ўрни;

5-белги – ундалмаларда тиниш белгиларининг ишлатилиши (мақсад ва оҳангга боғлиқ ҳолда вергул ёки ундовнинг қўлланиши).

Бу мавзунини ўтишда «Қарама-қарши муносабат» методидан фойдаланиш 5-синф ўқувчилари учун анчайин мураккаб ҳисобландиган ундалмаларга хос билимларни ўзлаштиришлари учун яхши самара бериши мумкин. Бунинг учун қуйидаги жараённи амалга ошириш талаб этилади:

– мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;

– улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;

– тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;

– жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;

– кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;

– жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

Ўқувчилар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборларига қуйидаги жадвални тақдим этиш мақсадга мувофиқдир:

Ўқувчиларнинг ҳушёрлигини ошириш учун “Муҳим тушунчалар” ва “Муҳим бўлмаган тушунчалар”нинг ўрнини алмаштириб қўйиш ҳам мумкин. Бунда гуруҳ аъзолари индивидуал тарзда тўғри тушунчаларни топади ва гуруҳ учун балл йиғишда иштирок этади. Дарҳақиқат, бундай ишларни амалга ошириш учун ўқитувчи дарсга пухта тайёргарлик кўриши талаб этилади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, ундалманинг грамматик хусусиятлари отга яқиндек кўринади, бу мавзуни ҳар хил интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда ўтиш бу муаммонинг ечимини топишда муҳим восита бўлиши мумкин.

Мавзунинг аҳамияти			
Т.р.	Муҳим тушунчалар	Т.р.	Муҳим бўлмаган тушунчалар
1.	– ундалма сўзловчининг нутки қаратилган шахс ёки нарсаларни билдиради;	1.	– ундалмалар гапда эга вазифасида қўлланади;
2.	– таркибига кўра содда ва мураккаб бўлади;	2.	– ундалмалар бир сўздан иборат бўлади;
3.	– гапнинг боши, ўртаси ва охирида келади;	3.	– ундалмалар гапнинг бошида келади;
4.	– ундалмалар ҳис-ҳаяжон билан айтилса, улардан сўнг ундов белгиси кўйилади;	4.	– ундалмалар ҳис-ҳаяжон билан айтилса, улардан кейин вергул кўйилади
5.	– ундалмалар гапнинг бошида келса, ундан кейин вергул, ўртасида келса, икки томонидан вергул, охирида келса, ундан олдин вергул кўйилади.	5.	– ундалмалар гапнинг охирида келса, ундан кейин ундов белгиси кўйилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Неъматов Х., Ғуломов А., Зиёдова Т. Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш. – Т., 1996.
- 2.Ашурова Д., Убаев Ф., Болтабоев Х. Мактабда ундалма ва кириш сўзни ўтиш. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 68 б.
- 3.Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo‘raboyeva Z. . 5-sinf uchun “Ona tili” darsligi. – Toshkent: O‘qituvchi, 2014. – 224.
- 4.Ona tili. Umumiy ta’limning davlat ta’lim standarti va o‘quv dasturi “Ta’lim taraqqiyoti” axborot-nomasining 1-maxsus soni. – Т.: Sharq, 1999. – 214 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада 5-синф ўқувчиларига “Ундалма” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишда муҳим восита бўлиши ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится об использовании интерактивных методов при изучении темы “Обращение” в 5-м классе как о важнейшем средстве повышения эффективности урока.

SUMMARY

In article it is told about use of interactive methods when studying the subject "Address" in the 5th class as about the most important means of increase in efficiency of a lesson.

Наирга пед.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган

ЗОЛОТОЕ НАСЛЕДИЕ ПРОШЛОГО В ВОСПИТАНИИ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ

Мирзаева К.Т., Убоженко А.С. (КарГУ)

Ключевые слова: *наследие, воспитание, самосознание, достоинство, ошибка, грех*

Независимое государство Узбекистан уверенно шагает по пути углубления демократических преобразований всех сфер жизни страны по пяти стратегическим направлениям развития на 2017–2021 гг. с учетом, прежде всего, интересов народа и каждого человека.

Безгранична и неопределима роль Президента Ш.М. Мирзиёева во всех процессах, касающихся углубления реформ. Его мудрое геостратегическое, политико-экономическое мышление предопределяет необходимость решения поставленных задач с учетом не только внутренних ресурсов, возможностей, но и выхода на мировую арену для утверждения твердой

позиции Узбекистана. Актуальность проблемы активизации террористической деятельности в различных регионах планеты возрастает все более. Самое печальное, что террористы и всякого рода экстремисты, совершают свои преступления под эгидой исламской религии.

Многочисленные выступления на встречах высокого уровня, форумах, мероприятиях, видеоселекторах, Постановления, распоряжения Президента направлены на укрепление мира на Земле, на улучшение благосостояния народа.

Особо следует отметить выступление главы нашего государства на 72-й Сессии Генеральной Ассамблеи ООН, в котором был дан глубокий анализ демократических преобразований в республике, ситуации в мире, в том числе, и в центральноазиатском регионе. Был проведен не только глубокий анализ, но и внесены предложения по предупреждению террористических актов, совершаемых, в основном, молодежью от 15 до 30 лет, составляющих 60% от численности населения. Президент убедительно заявил, что необходимо бороться не с последствиями, совершаемых террористами преступлений, а предупреждать их. В связи с этим, на этой сессии было внесено предложение о создании Международной Конвенции по правам молодежи с целью упреждения распространения среди них негативных радикальных взглядов.

«Просвещение против невежества» - одна из главных задач в деле воспитания молодежи, поставленная нашим Президентом не только перед образовательными учреждениями на всех этапах обучения. Неотъемлемой частью этой задачи является использование идей великого наследия прошлого, оставленного нам не только для изучения, но и, самое главное, для воплощения в жизнь. В спорах, дискуссиях между различными социальными слоями нашего общества высказываются различные точки зрения по поводу того, кто ответственный, кто должен отвечать за ту или иную ситуацию, за пробелы в деле воспитания подрастающего поколения? Очень много звеньев составляют эту общую цепь воспитания, которые тесно взаимосвязаны и взаимозависимы.

В этом многогранном деле особо важную, незаменимую роль должно сыграть изучение золотого наследия мыслителей великого прошлого, основанного на мудром, научно обоснованном, личном опыте Имама аль-Бухари, Ат-Термизи, Амира Тимура, Накшбанди, Беруни, Фараби, 400 насафийцев, Алишера Навои и многих других.

Глава нашего государства принимает все возможные меры, создает все условия для того, чтобы вернуть рукописи трудов этих ученых-просветителей из других стран, организуется Центр исламской цивилизации в городе Ташкенте.

Каждый из нас, независимо от образования, специальности, возраста, положения, может быть приобщен к этим неисчерпаемым источникам. В них можно найти школу подлинного гуманизма, патриотизма, почитания старших младшими и оберегания младших старшими, познания не только внешнего, но и собственного внутреннего мира.

Обратим внимание на один из хадисов, собранных великим Имамом аль-Бухари, в котором указывается, что человеку необходимо исправлять свои собственные ошибки, недочеты, а не искать их у других. Его содержание таково: *чужие недостатки перед твоими глазами, их ты можешь видеть, а твои собственные ошибки находятся за твоей спиной, их ты не видишь*. Воспитательно-поучительное значение этого хадиса заключается в том, что человек должен и обязан, прежде всего, определить, найти недостаток, недочет свой, исправить его, но не нужно искать недостатки у других. Он учит человека познавать себя, внутренний мир, от которого очень далек современный человек.

Сочетание *познай себя*, т.е. свой внутренний мир, дошедшее до наших дней, одинаково функционирует во многих языках, оно имеет аналогично эквивалентные понятия: в узбекском – *узингни англа*, в персидском – *одина* Зачастую, узбекское *узингни англа* понимается как несколько одностороннее, в узком смысле, выражение. Например, в медицинском анатомо-физиологическом аспекте. Тогда как это выражение более соотносимо с понятием внутреннего мира человека, с его нравственно-духовными особенностями.

Зачастую, даже вполне образованные люди не имеют наиболее полного представления о своих недостатках и недочетах. Человеку присуща не одна ошибка, их множество, древние мыслители их насчитывают около сорока. Разумеется, это не означает, что каждый человек

допускает по 40 ошибок, называемых в религии *грехом*. Самыми распространенными из них являются *гордыня* (не смешивать с гордостью) и *эгоизм*. Отрицательный оттенок сложно распознаваемого слова *гордыня* заключается в том, что оно соотносится с понятием абсолютного превосходства над всеми окружающими¹. Отрицательный оттенок слова *эгоизм* в словарях передан следующим образом: «*эгоизм*», - себялюбие, предпочтение своих, личных интересов интересам других, общественным интересам, пренебрежение ими»².

Какие недостатки внутреннего мира мыслители прошлого считали грехами? Изучите, осмыслите следующие жемчужины мысли:

Каждый миг будь начеку, чтобы не впасть в один из восьми следующих грехов, присущих разуму, которых суть алчность, гнев (газаб, нафрат), возжелание (нафс), привязанность (богликлик), нетерпимость (токатсизлик), ненависть (нафрат), эгоизм (худбинлик), гордыня (кибр). Наиглавнейшая задача человека держаться от этих грехов как можно дальше.

Люди, отбрасывающие драгоценную мудрость прошлого, обречены на бедствия. Вот почему, когда люди начинают пренебрежительно относиться к священным писаниям, происходит упадок нравственности и веры. Счастье состоит в том, чтобы помогать людям. Оно достигается щедростью, а не накопительством.

Ищи в других достоинства, а недостатки - в себе . Нет болезни хуже чем алчность, нет врага хуже, чем злоба . Нет несчастья хуже нищеты . Нет радости выше ,чем знание . Человечество – единая общность: нанося вред себе, вы вредите всем. Помогая кому-то распрямиться, вы распрямляетесь сами .

Процветание, прогресс общества и государства зависит от каждого, являющегося частью общего, целого. К числу космистов, считавших человека частью космоса, относятся Флоренский П., Соловьев В. Но ещё тысячу лет назад Азизиддин Насафи³ высказал идеи, созвучные концепциям космистов. По мнению Насафи, «человек – объединение всех Вселенных». Особую значимость приобретает его изречение о счастье: «Счастье - это единство практики и воли».

Азизиддин Насафи был последователем научно-философской концепции Мотрудия, наставлявшего молодёжь на путь Истины, чтобы она не свернула на неверную дорогу, приводящую к печальным результатам. Хотя человек и является неразгаданной тайной природы, но он – самое могущественное её создание, поэтому он в силах не только познавать окружающий его мир, Вселенную, но и, вместе с тем, он должен изучать свой собственный внутренний мир, стремиться к гармонии – к Истине. А что такое истина? Истина – это гармония доброй мысли, слова и поступков.

Литература.

1. Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. – Т.: Укитувчи, 2017.
2. Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М., 1972, – С. 128.
3. Газета «Народное слово». – №50, №231, №235. 2017.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется место и роль наследия мыслителей прошлого в воспитании современной молодежи, в познании человеком самого себя.

РЕЗЮМЕ

Мақолада буюк алломаларимиз меросининг ёшларни тарбиялаш ҳамда ўзини англаш жараёнидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинади.

SUMMARY

The article analyzes the place and role of the legacy of the thinkers of the past in the upbringing of modern youth, in the cognition of the person by himself.

Рекомендовано к печати д.пед.н. Р.Шадиевым

¹ Ожегов С.И. Словарь русского языка. М., 1972, с. 128. Слово *гордыня* в этом словаре объясняется следующим образом: *гордыня*, -и(устар) чрезмерная гордость. *Обуздать гордыню*

² Там же, стр. 831

³ Азизиддин Насафий учился в Бухаре, его труды переведены на английский, немецкий, французский языки.

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ СИФАТЛАРИ, КОМПОНЕНТЛАРИ ВА МОТИВЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Аманова С. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: педагогик масала, коммуникатив функция, конструктив функция, тадқиқотчилик функцияси, аудиовизуал восита, ташкилий-конструктив савол.

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражаси улар олдида турган педагогик масалаларни ҳал қилиш сифатигагина эмас, балки ўқитувчи шахсининг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади.

Педагогик фаолият мураккаб, кўп қиррали ва шу билан бирга, яхлит жараён эканлигини ҳисобга олиб, қуйидагиларни алоҳида-алоҳида ифодалаш мумкин:

а) ахборот беришни, сафарбар этишни, йўналтиришни, камол топтириш ва коммуникатив функцияларни ўз ичига олган шахсий педагогик фаолият;

б) ташкилотчилик, конструктив ва тадқиқотчилик функцияларидан иборат методик фаолият.

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг сифатлари ва компонентлари шаклланганлигининг даражасини аниқлаш имконини берадиган саволлар қуйидаги асосий кўрсаткичларга гуруҳлаган ҳолда ифодалаш ўринли ҳисобланади:

1. Ахборот саволлари – ахборотларнинг ҳиссий бериш воситаси бўлмиш оғзаки нутқни ўзлаштириш; ўқув материални чуқур ва бемалол эгаллаш; аудиовизуал воситаларни (янги педагогик технологияларни) қўллаш ва улардан фойдаланиш; асосий тушунчалар, қонунлар, кўникмалар, малакалар ва ҳоказоларни ажратиш ҳамда таълим жараёнида уларни шакллантириш; ахборотнинг зарур манбаларини билиш ва улардан фойдаланиш кўникмаси; таълим жараёнида тескари алоқаларни (назорат, баҳолаш, тўғрилаш, билим ва кўникмаларнинг мустаҳкамланишини) таъминлаш.

2. Ташкилий-конструктив саволлар – мавзунинг ўзига хос ҳар бир қисмини ҳисобга олиб машғулотлар структурасини ташкил қилиш; машғулотларда жорий ўзлаштиришнинг назорат қилинишини ташкил этиш; тарбияланувчиларнинг жамоавий, гуруҳий ва якка тартибдаги ишларини уюштириш, ишнинг мана шу шакллари бирлаштириш; умумий педагогик мақсадларга мувофиқ предмет бўйича ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсадларини белгилаш; билимлар тизимини кенгайтириш ва шакллантириш назарда тутилган ўқув материални танлаш; фаннинг талабларини ва илғор педагогик тажрибани ҳисобга олиб тахминий периспектив мавзу режалари ва машғулотлар режаларини тўғрилаш; ўқитиш ва тарбиялаш самарадорлигини олдиндан билиш; синфнинг хусусиятларига ҳамда ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсадларига боғлиқ ҳолда таълимнинг мавжуд шакл ва методларини белгилаш; ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсадларига мувофиқ предмет бўйича ўқув-моддий базани бойитишни режалаштириш.

3. Тадқиқотчилик саволлари – ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсадларини белгилайдиган ўқув-дастурий ҳужжатларни ўрганиш; таълимнинг умумдидактик методлари, шакллари ва воситаларини ўрганиш, ўқув жараёнида уларни қўллашнинг имкониятларини белгилаш; фаннинг ривожланиши ҳақидаги ахборотларни тадқиқ қилиш ва ўқув-тарбия жараёнида маълумотлардан фойдаланиш; синфнинг ва ҳар бир ўқувчининг машғулотларга дастлабки тайёргарлик даражасини (билимлари, кўникмалари, малакалари, савиясини) аниқлаш; хусусий педагогик ва методик ишларни баҳолаш, таҳлил қилиш ва олдиндан билиш, уларни такомиллаштиришнинг йўллари ва воситаларини аниқлаш; илғор педагогик тажрибани ўрганиш ва ишда уни амалга ошириш; мустақил билим олиш йўли билан методик ишлар жараёнида янги назарий билимларни ўзлаштириш.

4. Йўналтирувчи-ривожлантирувчи саволлар – ўқувчиларда ўқишга ижобий муносабатни шакллантириш; ўқувчиларда фаолиятнинг ижтимоий-аҳамиятли мотивларини уйғотиш; жамоатчилик, ватанпарварлик, шахсий масъулият, ижтимоий бурчни тарбиялаш; ўқувчиларда таълимий меҳнатга қизиқиш ҳосил қилиш ва уни ривожлантириш; ўқувчиларга таълим бериш назарияси ва амалиётида предметлараро алоқалардан фойдаланиш; ўқувчиларнинг билиш –ижодий фаоллигини тараққий эттириш.

5. Коммуникатив саволлар – ўқувчиларнинг қобилиятларини ҳисобга олиш; таълимда ҳар хил методларни қўллаш билиш; машғулотларда вужудга келадиган вазиятларда тез ва тўғри йўл топиш; ўзини ўқувчининг ўрнига қўя олиш ва унинг аҳволини, фикрлари ҳамда ҳиссиётини (эмпатияни) тушуниш; ўзини таҳлил қилиш (рефлексия) қобилияти; ўзининг ҳиссиётлари, сезилари ва аҳволини назорат қилиш (ҳиссий барқарорлик); ўқувчилар билан уларнинг ёш психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, ўзаро алоқа ўрната билиш.

Ўқитувчиларни юқорида айтилган сифатлар ва компонентлар бўйича тадқиқ қилиш 1995–2000 йиллар мобайнида Ўзбекистондаги ўқитувчилар кенг қамралган ҳолда А.Жабборов ва Р. Гайнутдиновлар томонидан амалга оширилган. Улар томонидан республиканинг турли вилоятларидаги 2 минг нафардан зиёд ўқитувчилардан тўпланган материаллар бизга ўқитувчиларнинг касб-корини объектив баҳолаш учун етарли эмасдек кўринди. Шу боисдан биз қўшимча тадқиқот ўтказишга мажбур бўлдик. Бинобарин, тадқиқотимизнинг вазифаси барча методларни ўқитувчиларнинг битта контингентда фойдаланишдан иборат эди. Ана шу тақдирдагина ўқитувчиларни шахсий хусусиятлари бўйича ҳам педагогик фаолиятнинг мотивацион асоси сифатлари ва компонентлари бўйича ҳам текшириш, шунингдек, ўз халқининг миллий маданий хусусиятларини билиши бўйича баҳолашни орқали ушбу тадқиқотнинг мақсадларига эришиш мумкин эди. Биз бунда ўқитувчиларни педагогик фаолиятининг сифатлари ва компонентлари бўйича тадқиқ этишнинг илғари олинган натижаларидаги бирмунча ихтилофни аниқладик (маълумотлар қуйида берилган).

Шуни айтиш керакки, фойдаланилган методикага жиддий қўшимча қилинган. Ана шу методика бўйича текшириш натижаларини баҳолаш шкаласи ва батафсил таърифи психолог олимларнинг илмий ишларида атрофлича талқин этилган.

1-жадвалда педагогик фаолиятнинг сифатлари ва компонентлари намоён бўлиши ҳамда ўқитувчилар томонидан бажарилиши даражасининг кўрсаткичлари ифодаланган, унда: I даража –улар паст самарали амалга оширилишини; II даража – онгли равишда, етарлича маҳорат билан, самарали, лекин ноижодий бажарилишини; III даража – онгли, етарлича маҳорат билан, ижодийлик элементларига асосланиб бажарилишини ва IV даража – юқори даражада самарали, илғор тажриба ва фаннинг ютуқларини ҳисобга олиб бажарилишини, ижодий изланиш жараёнида доимий такомиллашувини билдиради.

1-жадв.

Ўқитувчиларда педагогик фаолият компонентлари ва сифатларининг намоён бўлиши ҳамда уларни амалга ошириш даражаларининг ўртача кўрсаткичи (фоиз ҳисобида) n=104

№	Ўқитувчи педагогик фаолиятининг компонентлари	Даражалар			
		I	II	III	IV
1.	Ахборот	23,2	53,2	15,5	8,1
2.	Ташкилий-конструктив	17,5	50,3	20,3	11,9
3.	Тадқиқотчилик	36,1	46,2	10,3	7,4
4.	Йўналтирувчи-ривожлантирувчи	30,2	51,3	10,2	8,3
5.	Коммуникатив	22	45,5	20,9	11,6
6.	Ҳамма компонентлар бўйича ўртача:	25,8	49,3	15,44	9,46

1-жадвалдан кўринадики, ўқитувчиларнинг 25,8 фоизи педагогик фаолиятни расман, нўноқлик билан, қуйи самарали йўсинда бажарадилар. Ана шундай ўқитувчилар педагогик фаолиятнинг тадқиқий ва йўналтирувчи-шакллантирувчи компонентлари ҳамда сифатларини яхши амалга ошира олмайдилар (36,1 фоиз ва 30,2 фоиз).

Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида педагогик фаолиятнинг ахборот, коммуника-тив ва ташкилий-конструктив сифатлари ҳамда компонентлари етарли даражада кўринмайди.

Шундай қилиб, биз ўзбек мактаби ўқитувчиларининг 25,8 фоизи қуйи даражадаги касбий маҳоратга эга эканлиги ва улар ўз маҳоратини такомиллаштиришга интильмаслиги ҳақидаги маълумотларга эгамиз. Бизнингча, бу ҳол ўқитувчилар бўш тайёрлангани ва қайта тайёрланмагани (малака оширмагани)нинг натижасидир ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий статуси етарли эмаслигига ҳам боғлиқ.

Ўқитувчиларнинг 49,3 фоизи педагогик фаолиятни онгли, етарлича маҳоратли, аммо ноижодий йўсинда бажарадилар (1-жадвал). Улар ўқитувчиларнинг асосан кўпчилигини ташкил қиладилар ва энг консервативдир (эски тартиб қоидаларга ёпишиб олиш). Бундай ўқитувчилар, одатда, ишни виждонан бажарадилар, барча кўрсатмаларга, қоидалар ва меъ-ёрларга жиддий риоя қиладилар. Шу билан бирга, улар экспериментлар ўтказишга мойил бўлмайдилар, аммо миллий ўзбек мактаби қурилишининг белгиланган тамойиллари улар-нинг ижодий имкониятларини очишга ёрдам бериши мумкин. Ўзбек халқи анъаналари ва урф-одатларининг уйғониши билан боғлиқ муаммолар ҳам шунга даъват этади.

Ўқитувчиларнинг 9,46 фоизи (1-жадвал) педагогик фаолиятни илғор тажрибалар ва фаннинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, юқори даражада самарали амалга оширадилар. Агар педагогик фаолиятнинг сифатлари ва компонентларини учинчи ҳамда тўртинчи дара-жада амалга оширадиган ўқитувчиларни бирга қўшсак, ҳозирги пайтда ўқитувчиларнинг ана шу 24,9 фоизи Ўзбекистон Республикасида замонавий миллий мактаб қуришнинг таянчи ҳисобланади. Улар биз текширган ўқитувчиларнинг 1/4 қисмини ташкил этадилар ва ўқитувчиларнинг умумий ижтимоий-психологик "портрети"га муҳим ҳисса қўшадилар ҳамда яхши англайдиларки, бугунги кунда хур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлат-лар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интильмоқдалар. Ўқитувчиларнинг 25,8 фоизи педагогик фаолиятнинг сифатлари ва компонентларини укувсизлик ва паст самарадорлик билан амалга оширадилар; 49,3 фоизи эса етарлича моҳирлик билан, бироқ ижодкорлик етишмаган ҳолда бажарадилар. Бундай ўқитувчилар текширилган ўқитувчи-ларнинг 75,1 фоизини ташкил этади. Ўзбекистондаги ўқитувчиларнинг ҳам кўпчилигини ана шундай ўқитувчилар ташкил қилиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Улар тадқиқотимизда асосий респондентлар бўлиб, ўқитувчилар ўзбек халқининг этник-маданий анъаналарини билиши ва уларни амалда қўллаш бўйича умумий баҳога (4 тадан 3 баллга) таъсир кўрсатадилар.

Текширилган ўқитувчиларнинг 15,44 фоизи ўз фаолиятларида ижодга интиладилар, 9,46 фоизи эса ижодий ишлайдилар. Шу тариқа 24,9 фоиз ўқитувчилар ўз шахслари ва касб маҳоратларини такомиллаштиришда ҳамкасбларига ибрат бўлмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, – 2008. – 176 б.
2. Жабборов А.М. Ўқитувчи этнопсихологияси. – Қарши: Насаф, 2015. –180 б.
3. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. – Т., 2010. – 544 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқитиш жараёнининг сифатлари, уни ташкил этувчи таркибий қисмлар ҳамда бу компонентларни мотивлаштириш асослари ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется вачество процесса обучения, его составные части и основы мотивации данных компонентов.

SUMMARY

This article analyzes the vachestvo of the learning process, its component parts and the basics of motivation data components.

Наишрга проф. А.Жабборов тавсия этган

БОЛА ШАХСИНИ ТАРБИЯЛАШДА ОТА-ОНАЛАР ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Эшонқулов Н.О. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: баркамол шахс, индивидуал хусусият, оилавий муносабат, ҳиссий мослик, психологик ҳолат, хулқ-атвор, бола, ўсмир, ўстирин.

Фарзандини ҳар томонлама камол топган ҳақиқий инсон қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг эзгу ниятидир. Чунки ақлан ва ахлоқан баркамол бўлган киши она юрти олдидаги хизматлари учун доимо халқ орасида ҳурмат-эътиборда бўлган ва эъзозланган. Шу боис ўзбеклар инсонийлик фазилатлари пойдеворининг фақатгина оилада қўйилишини, яъни одоб-ахлоқнинг аввали оиладан бошланишини азал-азалдан сезишган ва оила тарбиясига алоҳида эътибор билан қарашган.

Инсон дунёга келиши биланоқ воқеликдаги нарса ва ҳодисалар билан ўзаро муносабатга кириша бошлайди. Одамнинг қандай шаклланиши нарса ва ҳодисаларнинг, аввало, қайси томонини (яхши-ёмон, ижобий-салбий, фойдали-зарарли) ўзлаштиришига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бола тарбияси ва унинг етук шахс сифатида шаклланишида оиланинг роли ниҳоятда каттадир. Оилада боланинг ақлий фаолияти камол топади, дунёқараши, тафаккури шаклланиди, кишиларга нисбатан меҳр-оқибат ҳисси тарбияланади. Боланинг билими, қобилияти ва малакаларининг шаклланиши айнан оила ва оилавий тарбияга боғлиқдир.

Психологик жиҳатдан мураббийлик қонун-қоидаларини яхши эгаллаган ота-оналар болаларининг ёш даврдаги хусусиятларини, шахсий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг хатти-ҳаракатларини, фикр юритишларини тўғри фаҳмлайди ва оқилона баҳолай олади.

Оилада фарзандларнинг ҳар бирининг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, тарбия жараёнига ёндашиш муҳим ижобий натижалар беради. Катталар доимо фарзандларга нисбатан одил ва талабчан бўлишлари керак. Чунки ҳар бир тўғри ҳаракати одилона баҳоланганини кўрган боланинг ўз ота-оналарига нисбатан меҳри ортиб боради. Оилада бола шахсини таркиб топтиришда оилавий муносабатларнинг аҳамияти каттадир. Инсон ахлоқий-маънавий ва руҳий кифасининг пойдевори оилада қўйилади. Ўзбек оиласида бола шахсини шакллантиришда энг яхши хислатларни, фазилатларни бола онгига сингдириб бориш зарур. Оилада бола шахсини тўғри тарбиялашнинг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, улардан унумли фойдаланиш зарур. Улар куйидагилар:

1. Оилада ҳиссий мослик, руҳий хотиржамликни яратиш.
2. Оилада ота-она ўз обрўсини сақлаб бориш.
3. Тарбияда ота-она орасида талабчанлик бирлиги.
4. Бола шахсини меҳнат орқали тарбиялаш.
5. Болани севиш ва шахс сифатида ҳурмат қилиш.
6. Оилада қатъий режим ва кун тартибини ўрнатиш.
7. Тарбияда болаларнинг ёш, жинсий хусусиятларини инобатга олиш.
8. Боланинг психологик хусусиятини ҳисобга олиш.
9. Бола ёш тараққиётини ўрганиб бориш.
10. Болада мустақиллик, ташаббускорлик сифатларини ҳосил қилиш.

Ота-оналар ўртасида ўзаро муносабатда ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ширинсуханлик бир-бирига ғамхўрлик мавжуд бўлса, бундай муносабатлар бола тарбиясига ижобий таъсир қилади.

Болаларнинг билим олишидаги ютуғи, ахлоқи, саломатлик даражаси кўп жиҳатдан оилада қарор топтирилган оқилона режимга боғлиқ. Ота-оналарнинг ўзлари ҳам бу борада намуна кўрсатишлари, оқилона тузилган оила тартибига қатъий амал қилишлари, болаларга ҳам ўргатишлари керак. Ота-оналар ўртасида тез-тез содир бўлиб турадиган оилавий жанжаллар туфайли болаларнинг ороми бузилади, уйқуси қочади, чўчиб тушадиган кўрқок бўлиб қолади, ҳатто асаб тизимида ўзгаришлар бўлади. Фарзандлар кўз ўнгида ота-оналар обрўси тўкилади. Оила бу – ўзига хос жамоа бўлиб, унинг турмуш кечириш муаммолари

мавжуд. Ота-оналар оила аъзоларининг амалий фаолиятларини уюштиради, уларнинг овқатланиш, таълим олиш, ишлаш, дам олиш, кийим-бош билан таъминлаш каби кундалик ишларни ташкил этади. Болаларни жуда кичиклигидан бошлаб аста-секинлик билан меҳнатга, мустақилликка, шахслараро ибратли муносабатга ўргатиб бориш керак. Бу эса бола тарбиясида муҳим омил ҳисобланади.

Бола тарбияси ота-онадан педагогика ва психология ҳақида билимлар, алоҳида малака ва кўникмалар бўлишини қатъий равишда талаб этади. Ўз фарзандларига ажойиб, гўзал тарбия бериш имконига эга бўлган ота-оналар умрларини роҳат ва фароғатда ўтказадилар. Болаларидан олижаноблик, яхшилик, меҳрибонлик кўрадилар, ўқинишга дучор бўлмайдилар.

Оилада отанинг раҳбарлик роли зарур, ота оила бошлиғидир. Зеро, оиланинг ҳар бир кўз илғамас юмушларидаги муаммоларни ечиб, тўғри йўл кўрсатиб туришдек инсоний масъулият отанинг зиммасида бўлади. Буни тўғри тушунган эркак оила олдида обрўга эга бўлади, агар аксинча бўлса, отанинг обрўси тўкилади. Оилада обрўси бўлмаган ота тарбиясини олган бола кўпинча ноқобил бўлиб етишади.

Оиладаги самимийлик, ғамхўрлик фазилатлари болалар юрагида ўчмас из қолдириб, уларнинг ҳаётда тўғри йўл топа олишига таъсир кўрсатади. Уларнинг ибратли характер хислатлари фарзандлар қалбида келгуси орзуларининг ушалишида катта рол ўйнайди. Оилада тотувликнинг бўлиши барча муваффақиятларнинг гаровидир. Чунки оила аъзоларининг бир-бирига бўлган муносабатлари боланинг келажакда қандай шахс бўлиб етишишига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўсмирлик даврида болаларнинг руҳий дунёсида катта ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришларга қатор омиллар таъсир қилади. Жумладан, унинг биологик жиҳатдан ўсиши, уни ўраб турган муҳит таъсири натижасида унинг руҳиятида кескин бурилиш ясалади. Шунинг учун оилада, мактабда, кўчада боланинг ўзини тутиши ўзгаради, ахлоқий масалаларга қараши ўзгаради. Бу даврда ўсмирларда шахсий фикрни маъқуллаш, бошқалар фикрига танқидий муносабатда бўлиш, ўз камчиликларига иқдор бўлмаслик, ўжарлик, ўзбилармонлик, ўзини катта кишилардай ҳис этиш каби хусусиятлар кўзга ташлана бошлайди. Ота-оналар ўсмирлар билан мулоқотга киришишда уларнинг иззат-нафсига тегмаслиги зарур. Акс ҳолда ота-онага бўлган меҳр-муҳаббат ўрнини нафрат, ҳасад эгаллаши мумкин. Ўсмирларнинг жинсий тарбиясига раҳбарлик қилиш ота-оналарни болаларига янада яқинлаштиради. Ота-оналар уларнинг маслаҳатгўйи, сирдошига айланадилар. Шунинг учун улар билан муносабатлари доимо шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда иш тутиш, оиладаги ўзаро муносабатлар, тотувлик, ҳамжиҳатлик, руҳий мослик вужудга келади.

Ўспиринлик ёшида жисмоний, ақлий, жинсий жиҳатдан ривожланган, дунёқараш, ўз ўзини бошқариш каби инсоний хусусиятлар таркиб топган бўлади. Шу сабабли ҳам улар вазмин, мулоҳазали бўладилар, катта ёшдагиларга ҳурмат кўзи билан қарайдилар.

Ўспиринлик даврида болалар келажак учун қайғурадиган, эртани ўйлайдиган бўладилар, ота-оналарнинг яқин ёрдамчисига айланадилар. Шунинг учун ҳам ота-оналар ўспирин фарзандлари билан маслаҳатлашиб иш тутишлари, уларнинг дардларига, мулоҳазаларига қулоқ солишлари, раъйларига қарашлари, улар билан ҳисоблашишлари лозим.

Ўспиринларда инсон учун муқаддас, энг нозик туйғу севги пайдо бўлади. Шу туйғу қалбини қамраб олиши туфайли ёшларнинг руҳий дунёсида айрим ўзгаришлар юз беради. Ота-она ёшларнинг юрагидаги бу туйғусидан хабардор бўлиши, керакли насихатлар, маслаҳатлар бериши, ҳаётдан олинган мисолларни намуна қилиб келтириши зарур.

Фарзандларга касб танлашда тўғри йўлланма бериш, уларнинг кизиқишларини инобатга олиш лозим. Айрим ота-оналар болаларининг майлига, интилишига, раъйига қарамадан ўзлари хоҳлаган (ота-она) ўқув юртларига кириб ўқишни тавсия қилдилар. Кўпинча ўз касбини сева олмаган ёшлар анча вақтини беҳуда сарфлаб, охир-оқибат ўқишни ташлаб кетади. Бундай кўнгилсиз ҳол оила тинчлигини бузади. Фарзандлар билан ота-оналар ва катталар ўртасида кўнгилсиз зиддиятлар келтириб чиқаради. Шу боис касб танлаш муаммосига ўта жиддийлик билан ёндашиш лозим.

Оила тарбияси жараёнида болалар онгига сингдириладиган ахлоқий қоидалар, урф-одатлар, анъаналарга риоя этиш йўл-йўриғи зерикарли, қуруқ насихатгўйликдан иборат

бўлиб қолмаслиги лозим. Ота-оналар фарзандларига халқ маросимларига бўлган тўғри муносабатни тарбиялаш ва уларда иштирок этиш қоидалари ҳақида тушунча беришлари зарур. Шунингдек, ота-оналар, оиланинг катта ёшдаги аъзолари кичик ёшдагиларни меҳмон кутиш, дастурхон безаш, овқатланиш қонун-қоидаларидан хабардор қилишлари лозим. Миллий урф-одатлардан ва анъаналардан, маросимлардан келиб чиққан ҳолда, оилада ота-онага, қариндош-уруғларга, катталарга ҳурмат ҳиссини шакллантириш, маънавий-маданий меросимизга меҳр-муҳаббат руҳини сингдириш оиланинг бош вазифасидир. Оилада меҳнат тақсимотини тўғри ва адолатли амалга ошириш болаларда ҳар хил кўникма ва малакаларни таркиб топтириш, меҳнатсеварлик ҳислатини шакллантиришга хизмат қилади. Меҳнат улушларини ўғил-қизларнинг ёшига, кучига, дидига, қобилияти ва қизиқишига мос равишда тақсимлаш уларда меҳнатга нисбатан кундалик эҳтиёж, зарурият ҳиссини туғдириш билан бирга масъулият ҳиссини ҳам таркиб топтиради, барқарорлаштиради.

Дарҳақиқат, бола шахсини таркиб топтириш оиладан бошланади. Болада ҳиссий-иродавий ҳолатлар, одатлар, хулқ-атвор, атроф-муҳитга муносабат, эътиқод вужудга келади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, турмушда инсонни камол топтириш шароитлари, таъсир кўрсатиш имкониятларини ўрганмай туриб, шахснинг хусусиятлари ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳақида фикр юритиш мумкин эмас. Маълумки, оила ижтимоий-тарихий белгига эга бўлган ижтимоий гуруҳнинг кўриниши бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Шу сабабдан ҳам турмушдаги ва оила аъзолари ўзаро муносабатларидаги ўзгаришлар унинг моддий-маиший, иқтисодий негизи ўзгаришига бевосита боғлиқдир.

Соғлом турмуш тарзини таркиб топтиришда оиладаги шахслараро муносабатлар, психологик ҳолатлар ва шарт-шароитнинг ҳам аҳамияти катта. Оила аъзоларининг ҳар бири ўзаро хушмуомала, ғамхўр бўлишлари зарур. Чунки оиласида ўзаро ҳурмат-эътиборга асосланган муҳитда тарбия топган фарзандлар келажакда ўзи қурадиган оилада ҳам шундай руҳий соғлом муҳит, шароит яратишга интиладилар. Халқимизда асрлар оша аждодлардан-авлодларга ўтиб келатган ажойиб урф-одатлар, анъаналар мавжуд. Ўз яқинлари билан борди-келди қилиш, меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат сингари одатларни ривожлантириш, уларга амал қилиш яхши самаралар беради.

Психологлар оилада бола шахсини шакллантириш жараёнини ўрганиб, бахтли болалик, бу – оиладаги қувончли ҳамжиҳатликнинг ҳамда ота-оналарнинг болаларига ғамхўрлигининг самарасидир, деган хулосага келганлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Орзиқулов Р.А. Соғлом турмуш тарзи асослари. –Т., 2005.
2. Отабоев Ш., Турсунов Э., Муминов Х. Оила, экология ва саломатлик. –Т., 2008.
3. Отабоев Ш., Сатторов Э., Мелиева М. Экогигиена, жисмоний тарбия, спорт ва саломатликнинг тиббий-психологик асослари. – Т., 2009.
4. Ғозиев Э. Оила этикаси ва психологияси. – Т., 1992 .
5. Ғозиев Э. Умумий психология. – Т., 2010.

РЕЗЮМЕ

Мақолада баркамол шахсни тарбиялашда оила, ота-она ва оилавий муносабатларнинг роли таҳлил қилинган. Ўзбек халқига хос бўлган психологик хусусиятлар айнан оила таълим-тарбияси орқали амалга оширилади. Бунда халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналаридан таълим-тарбияда тўғри фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ана шунга амал қилган оилаларда ақлли, комил фарзандлар вояга етадилар.

РЕЗЮМЕ

В данной статье проанализирована роль семьи, родителей и семейных отношений в воспитании личности. Психологические качества, свойственные узбекскому народу, проявляются в процессе воспитания и обучения в семье. При этом необходимо правильное использование традиций и обычаев нашего народа. И именно в тех семьях, где соблюдается эти нормы, воспитываются умные, гармонично развитые дети.

SUMMARY

This article examined the role of families, parents and family relationships in the education of the individual. Psychological qualities characteristic of Uzbek people, manifested in the process of upbringing and education in the family. This requires proper use of traditions and customs of our people. And it is in those families where enforced those rules brought up smart, harmoniously developed children.

Наишга проф. А.Жабборов тавсия этган

РЕКРЕАЦИЯ ГЕОГРАФИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ

Усманова Р. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *рекреация, рекреацион география, рекреация ресурслари, объект, субъект, ҳудудий рекреация тизимлари.*

Рекреация куч ва фаолиятни тиклаш доирасидаги меҳнат фаолиятдан бўш даврдаги муддат бирлиги сифатида тавсифланади ва саломатликни тиклашнинг самарали йўналиши ҳисобланади. Рекреацион география махсус фан ҳисобланиб, унинг ривожланиши жамиятнинг муҳим соҳалари (маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) билан чамбарчас боғлиқ. Ҳудудий рекреацион тизимлар, уларнинг шаклланиши, ривожланиши ва тарқалиши рекреация географиясининг ўрганиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Рекреацион география тадқиқот предметининг мақсад ва вазифаларига кўра, табиат ресурсларидан инсон саломатлигини мустаҳкамлаш учун фойдаланишни тадқиқ қилишда, табиий ва тарихий ёдгорликларнинг дам олиш учун аҳамиятини ўрганишда, жамият ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқа географик ҳамда демографик муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Рекреацион география тиббиёт географияси, туризм географияси ва курортшуносликдан фарқ қилгани ҳолда, улар билан боғлиқ ва биргаликда ривожланади. Дам олиш ва рекреация мақсадидаги туризм – бу туризмнинг асосий мақсади дам олиш, даволаниш ва бошқа соғломлаштириш мақсадларидан иборат. У бўш вақтни тўлдириш учун сайр-томоша ва турли хил спорт машғулотларини таклиф этади. Баъзи асосларга кўра, унга туризмнинг экскурсия, ихтисослашган, таълимий, спорт, саргузашт, экзотик, экологик турлари ҳам қўшилади.

Тиббиёт географияси – инсон саломатлиги ва турли хил касалликларнинг вужудга келишига таъсир этувчи омил ва шароитлар, уларнинг мамлакат ҳамда районларида тарқалиш қонуниятлари ва хусусиятларини ўрганади.

Курортшунослик эса организмни физиологик жиҳатдан таҳлил қилиб, даволанишни, инсоннинг жисмоний кучини тиклаш учун даволаш шароитларини, соғлиқни қайта тиклашда зарур бўлган усулларни ўрганади. Туристлик фаолият – аҳолининг дам олиши учун самарали шарт-шароитларни яратишдаги рекреацион тизимларини шакллантириш ва ривожлантиришдаги фаолиятларни ўз ичига олади. Туризмда истеъмолчининг мақсади кенгрок ва саломатликни тиклаш биринчи ўринга қўйилмайди. Туризм кўпроқ инсоннинг руҳияти ва маънавий қизиқишлари билан боғлиқ.

“Рекреация” тушунчаси чет эллик ва маҳаллий географ олимлар томонидан талқин қилинган бўлиб, улар бир-бирига ўхшашдир. Рекреация (тиклаш, ўрнини тўлдириш) нинг қамрови катта бўлиб, одамнинг меҳнат қилгандан сўнг дам олиши, соғлиғини тиклаши, маданий ҳордиқ чиқариши маъносида ишлатилади [2:57]. Рекреация (полякча *rekreacja* – дам олиш, лотинча *rekreatio* – тикланиш), бу: 1) танаффус, байрамлар, таътиллар; 2) дам олиш иншооти; 3) дам олиш, инсоннинг меҳнат жараёнида сарфланган кучини қайта тиклаш маъноларини англатади [1:6].

Юқоридагиларни хулоса қилган ҳолда қуйидагича таърифлаш мумкин: рекреация тушунчаси (лотинча *rekreatio* – сўзма-сўз тиклаш) “одамнинг меҳнат жараёнида сарфланган кучини тиклаш”, “ҳордиқ чиқариш” деган маънони беради. Рекреацион география – ҳудудий рекреация тизимларининг вужудга келиши, жойлашиши, инсон саломатлигини тиклаш ва ҳордиқ чиқариш усулларини аниқлайди ва баҳолайди, рекреация фаолиятининг қонуниятларини ўрганади.

Рекреация ресурслари бу – турли табиий компонентлар бирикмасидан иборат бўлиб, инсоннинг дам олиши ва даволаниш эҳтиёжларини қондиришда хизмат қиладиган воситалардир. Келиб чиқиши ва фойдаланиш хусусиятларига кўра рекреацион ресурслар икки гуруҳга ажратилади: табиий ва антропоген рекреация ресурслари.

Табиий ресурсларга – иклимий (куёш радиацияси, ҳарорат, ёгин, намлик, шамол ва б.), геологик (минерал, денгиз сувлари, шифобахш балчиқлар), биологик (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тупроқлар ва б.), ландшафтлар (тоғ, ўрмон, шаршара, соҳиллар ва б.) каби ресурслар киради.

Антропоген ресурсларга маданий-тарихий (маданий ва диний марказлар, зиёратгоҳлар, миллий боғлар, кўрғазмалар) кўнгилочар объектлар (миллий ўйинлар, концерт, театрлар каби объектлар) киради. Булар рекреацияни ривожлантирувчи асосий омиллар (ресурс)дир.

Рекреацион географиянинг тадқиқ қилиш объекти ва субъекти ҳар хил ижтимоий-маданий билимлар тизимидан иборат. Рекреацион география объектнинг туб маъноси деганда, моддий предметлар, тизимлар, жараёнлар ва ҳодисалар, шунингдек, инсоннинг ҳар хил рекреацион фаолиятини амалга ошириш имкониятини шакллантирувчи мезонларни тушунилади. Бу ўзига хос рекреацион фаолиятни тўғридан тўғри ривожлантирувчи кўпгина омилларга бўйсунувчи асос бўлиб, алоҳида аҳамиятга эга эмас. Рекреацион географиянинг субъекти сифатида рекреацион фаолият билан шуғулланувчи инсон тушунилади.

Ўтмишдаги аждодларимиз томонидан табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиб, ҳордиқ чиқариш учун ҳамда шу жойларни табиатини муҳофаза қилиш мақсадида боғлар ташкил қилинган. Ўзбекистонда табиатнинг хушманзара жойларида дам олиш азалдан мавжуд бўлиб, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўпгина аждодларимиз ов ҳамда табиат кўйида сайр қилиш каби машғулотларни амалга оширганликлари бизга тарихдан маълум.

Европада рекреация XIX асрнинг охиридан ривожлана бошлаган. Рекреациянинг учқунлари кўринмасиданоқ Швейцарияда кишилар ўз ҳолларича дам олишган ва даволанишган. Россия Ўрта Осиёни мустамлака қилганидан кейин рус ҳарбийларининг оилалари ҳордиқ чиқаришлари ва дам олишлари учун даволаш-соғломлаштириш масканлари ташкил этилган. Бу масканлар асосан Фарғона водийсининг тоғ ёнбағирларида жойлашган хушхаво ва хушманзара ҳудудлардан иборат бўлиб, у ерга киришга фақат мустамлакачиларнинг олий табақадаги оила аъзоларига рухсат этилган.

Рекреация ҳақидаги билимларни тадқиқ қилишда кўпгина олимлар, жумладан, МДХ олимларидан П.Г.Царфис, А.В.Чаклин, А.А.Минц, И.П.Герасимов, А.А.Шошина, А.П.Авцин, А.Д.Лебедев, В.С.Преображенский, Н.А.Данилова, Ю.С.Веденин ва бошқалар шуғулланганлар. Мамлакатимизда рекреациянинг илмий масалалари билан Ғ.Зокиров ва А. Юсупов каби географлар тадқиқот ишларини олиб борганлар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мазкур йўналишни бойитиш, тадқиқотнинг янги усуллари ва воситаларидан тўлиқ фойдаланишни янада такомиллаштириш лозим [3:14].

Ўзбекистонда XX асрнинг бошларида Чирчиқ-Оҳангарон ва Фарғона водийларида (Шоҳимардон, Чимён, Арашон) бир нечта иклимий дам олиш масканлари барпо этилди. Аммо бу масканларни барпо этилишидан олдин тўлиқ ўрганилмаган эди. Кейинчалик иккинчи жаҳон урушидан кейин ушбу ҳудудлар тўлиқ ўрганилиб, минерал сувларининг топилиши натижасида даволаниш ва соғломлаштириш масканлари кенгайтирилди. Шифобахш сувларнинг топилиши (Тошкент ва Чортоқ минерал сувлари) мамлакатимизда балнеологик курортларнинг ташкил топишига сабаб бўлди. Мамлакатимизда санаторийларда даволашнинг самарадорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқиш ва рекреация ресурсларини муҳофаза қилишни илмий асосда ўрганиш бўйича Н.Ф.Семашко (1936) номидаги курортология ва физиотерапия илмий тадқиқот институти шуғулланиб келмоқда.

Рекреация ва рекреацион фаолият билан боғлиқ тадқиқотлар 1963–1975 йилларда ҳозирги Россия Фанлар Академияси география институти мутахассислар жамоаси (В.С.Преображенский, Ю.А.Веденин, И.В.Зорин, В.Н.Лехонов, Л.И.Мухина, Л.С.Филиппович ва б.) томонидан “Теоритические проблемы рекреационной географии” номли монография тайёрланди ва бу монография кейинги шу каби тадқиқотлар учун асос сифатида хизмат қилди [1:9]. Е.А. Котляровнинг “География отдыха и туризма” номли монография (1978) рекреация тизимларини ҳудудий иқтисодий ташкил этилишини ўрганиш, рекреация инфратузилмаси-

нинг имкониятларини аниқлаш ва таҳлил қилишга бағишланган. Муаллифлар жамоаси томонидан “Географические аспекты исследования рекреационных систем” (1979), Данилова.Н.А. “Природа и наше здоровье” (1974) ва “Климат и отдых в нашей стране” (1980) номли монографияларида ҳудуд табиий комплексларини ўрганиш, уларни рекреация нуқтаи назаридан мажмуали баҳолаш, амалий фойдаланишда оптималлаштиришни илмий асослаш масалалари ёритилган [3:15].

Рекреацион география ҳозирги пайтда рекреация жараёнлари фаолиятига бўлган талаб ва қизиқишнинг ортиб бораётганлиги сабабли иқтисодиёт, социология, психология, тиббиёт, биология фанларига ва география фанлари тизимига таъсир кўрсатган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Инсоннинг физиологик хусусиятларига мавжуд дам олиш шароитининг таъсири рекреация фаолиятини ривожлантиришда муҳим ва салмоқли вазифаларни бажаради. Рекреация географияси юқорида таҳлил қилганимиздек, иқтисодий ва табиий фанлар қатори аниқ фанлар билан ҳам боғ ҳолда ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ваҳобов Х., Якубов Ў. Рекреацион география асослари. – Тошкент: Фан, 2008. – 82 б.
2. Рафиқов А.А., Азимов Ш. Амалий география. – Т., 2000. – 57 б.
3. Преображенский В.С., Зорин И.В. Территориальная рекреационная система и задачи географических наук // В сб. «Теоретические основы рекреационной географии». – Москва, 1975.
4. Усманова Р. Рекреацион география / Монография. – Қарши. 2015. – Б. 15.

РЕЗЮМЕ

Мақолада рекреацион географиянинг табиий ва антропоген ресурслардан инсон саломатлигини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш ва фанлар тизимида тутган ўрни тавсиф этилган ва “рекреация”, “рекреацион география”, “рекреацион фаолият”, “рекреация ресурслари”, “худудий рекреация тизимлари” тушунчаларига тасниф берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются использование в целях укрепление человеческого здоровья природных и антропогенных ресурсов в рекреации, их особенности в системах наук рекреационной географии. Изложено понятия “рекреация”, “рекреационная география”, “рекреационная функция”, “рекреационные ресурсы”, “территориальная рекреационная система”.

SUMMARY

This article mean the recreation geography of natural and antropogen resources use for humans healthy stable and subjects systems considers. “Recreation”, “recreation geography”, “recreation activity”, “recreation resources”, “boundary recreation system” is ideas narrate.

Наишга доц. С.Абдуллаев тавсия этган

БИОПРЕПАРАТ ВА ОРГАНО-МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ТАЪСИРИДА ТУПРОҚЛАР МИКРОБИОЛОГИК ФАОЛЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Бурханова Д.У (ТДАУ)

Таянч сўз ва иборалар: *биопрепарат, органико-минерал ўғитлар, микроорганизмлар миқ-дори, мавсумий ўзгариш динамикаси, микроорганизмларнинг гуруҳлари, ўғитларнинг таъсири.*

Тупроқ микробиологик фаоллиги унинг унумдорлигида муҳим ўрин тутди. Чунки тупроқдаги микробиологик жараёнлар гумификация-дигумификация характерини, тупроқни ҳаракатчан озик моддалар билан таъминланганлиги белгилайди. Улар ўз навбатида, тупроқнинг бошқа агрокимёвий ва агрофизик хоссаларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун тупроқ микробиологик фаоллигини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Биологик усуллар асосида ишлаб чиқилган биологик препаратлар ўсимликларда уч-райдиган ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилишда ва уларга қарши курашда таянч ҳисоблаб келинган. Тупроқнинг биологик ҳолати ва унумдорлигини мустаҳкамлаб ривожлантириб боришда асосий манба сапрофит микроорганизмлар ҳаётига чамбарчас боғлиқлиги исботланган. Бу ўринда тупроқда микроорганизмлар ва микробиологик жараёнлар муҳим вазифани бажариб келган.

Жумладан, тупроқдаги органик моддаларнинг меъёрий бўлиши, азот қабул қилувчи микроорганизмларнинг ҳаводаги эркин ҳолатдаги азотни ўзлаштириши туфайли тупроқни биологик азотга бойитиш хусусиятига эга. Натижада микроорганизмлар иштирокида азот тупроқда тўпланиб қолмасдан, балки ўсимликларни калий, фосфор элементларининг ўсимликлар ўзлаштирадиган ҳолатга ҳам олиб келади. Бунинг натижасида ўсимликларни биологик азотга, яъни экологик тоза озукаларга тўйинтириб келади. Ҳозирги технологияларнинг ривожланиши туфайли сунъий йўл билан минерал азотли ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ҳосил қилинган ўғит микроорганизмлар томонидан ўзлаштирилиб яъни нитрификатор ва денитрификатор жараёни натижасида қўлланилаётган азотли минерал ўғитининг 20–30 фоиз йўқолиб кетиш жараёнига эга бўлса, яна 20 фоиз қисмини микроорганизмлар ўзлаштириш хусусиятига эга. Тупроқдаги ўсимликлар томонидан ўзлаштирилмайдиган фосфор захиралари жуда ҳам кўп. Ҳар йили ўсимликлар фосфорни минерал ҳолатига уларнинг 15–20 фоиз қисминигина ўзлаштиради, холос. Қолган қисми эса ўзлаштирилмай, захира ҳолида тўпланиб қолади. Шу тўпланиб бораётган ортофосфат ва ўсимликлар томонидан қийин ўзлаштириладиган бирикмалар Са, Fe, Al ларнинг микроорганизмлар томонидан парчаланади ва ўзлаштирилади.

Тадқиқотлар Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ўтлоқи тупроқларида олиб берилган. Тадқиқот натижасига кўра, экинлар учун яхшилانган озикланиши фонини ташкил этишда тупроқ микроорганизмлари катта рол ўйнайди. Чунки тупроққа тушган ҳар қандай органик қолдиқларнинг экинларга қайта ўзлаштирилиши учун тупроқда яшовчи фойдали микроорганизмлар воситасида парчаланиб, маъдан шаклга айланиши керак.

Тупроқ микробиологик фаоллиги унинг унумдорлигида муҳим ўрин тутди. Чунки тупроқдаги микробиологик жараёнлар гумификация – дегумификация характерини, тупроқни ҳаракатчан озик моддалар билан таъминланганлигини белгилайди. Улар ўз навбатида тупроқнинг бошқа агрокимёвий ва агрофизик хоссаларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун тупроқ биологик фаоллигини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Ўғитларни турли шаклларда ва меъёрларда солиш тупроқ микрофлорасининг миқдор ва сифат таркибига таъсир кўрсатади.

Суғориладиган тупроқларнинг маданийлашиб бориши билан улар таркибидаги микроорганизмлар миқдори ортади ва азот балансида иштироки фаоллашади. Тўлиқ минерал

ўғит (NPK) ҳамда органик ўғит қўлланганда микроорганизмлар структураси ўзгаради ва фаоллиги ошади. Шунга қўшимча, охириги ҳолда микроорганизмларнинг карбон ва азот трансформациясидаги иштироки бир қатор омилларга боғлиқ (масалан, ишлатилган органик ўғитнинг биокимёвий таркиби, тупроқ тури) [1,6].

Марказий Осиё тупроқлари юқори биоген ҳисобланади ва уларда минерализация жараёни синтезга нисбатан жадал кечиши натижасида ушбу тупроқларда гумус миқдори нисбатан кам бўлади [4,5,7].

Экинларда қўлланиладиган азотли ўғитларга қўшимча равишда органик моддаларнинг парчаланиши натижасида ҳам тупроқдаги N миқдори ошади [2]. Бу ҳам шунга тегишли, суғориладиган бўз тупроқларда парчаланиш (минерализация) жараёни тоғ олди минтақасидан текисликка қараб ортади.

Самарқанд вилояти Иштихон ва Окдарё туманларида ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқларнинг микробиологик фаоллигига минерал ва органик ўғитларнинг таъсирини ўрганиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Уларнинг таъкидлашича, минерал ва органик ўғитларнинг тупроқ микробиологик фаоллигига таъсири каттадир. Минерал ва органик ўғитлар таъсирида тупроқда бактерия, замбуруғ ва актиномицетлар, ҳамда аммонификаторлар, нитрификаторлар, денитрификаторлар ва азотфиксаторлар миқдорининг ошишига олиб келади. Органик ўғитлар замбуруғлар миқдорига кучлироқ таъсир этади. Замбуруғлар бактерияларга нисбатан органик ўғитларга юқорироқ даражада боғлиқ бўлиши аниқланди. Бунда органик ўғитларнинг таъсири узоқ ва комплексли эканлиги кузатилган [3].

Тажрибалар бошланиши билан белгиланган меъёрларда гўнг, биогумус, биологик препарат, таркибида 46 фоиз фосфор бўлган аммофос, калий таркибида 62 фоиз калий бўлган хлорли калий воситасида экиш билан бирга қўлланилди. Азотли ўғитлар эса таркибида 34 фоиз азот бўлган аммиакли селитра воситасида белгиланган меъёрларда кузги буғдойнинг бахорги туплаш (35 фоиз), найчалаш (35 фоиз) ва бошоқлаш (30 фоиз) фазаларида қўлланилди.

Ўрганилган тупроқлар микрофлораси таркибида, солинган ўғитлар тури ва меъёридан қатъи назар спора ҳосил қилмайдиган бактериялар устунлик қилади, кўплаб миқдорда актиномицетлар мавжуд. Тупроқни ўзлаштириш ва ўғитлар солишда микроорганизмларнинг кўпайиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Биз ҳам тажриба даламизда буғдойнинг вегетация даврида ўғитларнинг тупроқ микроорганизмлар миқдорига ва буғдой ривожланишига таъсирини аниқладик. Тажриба даласи тупроқлари ўтлоқи тупроқлар. Кузги буғдойни униб чиққанда, баҳорда ва вегетация охирида микроорганизмлар миқдорини ўргандик.

Ўрганилган ҳудуд тупроқларида МПАда ўсувчи бактериялар сони буғдой ўсув даври жадаллашиши билан ортиб борди. Минерал ва органик ўғитлар ва биопрепарат қўлланилиши бактериялар сонини оширди. Масалан, буғдойнинг униб чиққан даврида кузатилганда, назоратда тупроқ хайдов қатламида бактериялар сони 51 млн бўлган бўлса, $N_{150}P_{100}K_{50}$ вариантыда бу кўрсаткич 79,5 млн, биопрепарат қўлланилган вариантда 330 млн, 20 т гўнг қўлланилган вариантда 147 млн, маъданли ўғитлар гўнг билан қўлланилганда 163,5 млн дон, биогумус ва биогумус билан маъданли ўғитлар қўлланилган вариантда бактериялар сони назоратга нисбатан ошганлиги кузатилди. Бу ҳолат бутун ўсув даврида кузатилди. Бу даврда тупроқ намлиги устки хайдов 0–30 см қатламда 13,5 фоиз, хайдов ости 30–50 см қатламда эса 17,0 фоизни ташкил этди.

Кейинги кузатувлар бошоқлаш даврида, яъни баҳорда, апрель ойида кузатилди. Бу даврда ҳам бактериялар миқдори биопрепарат қўлланилган ва биогумус қўлланилган вариантларда назоратга нисбатан юқорилиги кузатилди. Яъни 3-вариант $N_{150}P_{100}K_{50}$ билан биопрепарат Байкаль ЭМ1 қўлланилганда бактериялар миқдори 422 млн донани ташкил этди. Биогумус қўлланилган вариантда эса 298,5–345 млн хужайрани ташкил этди.

Вегетация охирига келиб, ҳаво ҳароратининг ошиши ва тупроқ намлигининг камайиши бактериялар миқдорига салбий таъсир этди. Бунда тупроқ намлиги 14,4–20,5 фоиз бўлганда назоратда бактериялар 57 млн, биопрепарат қўлланилганда 372 млн, биогумус

қўлланилганда эса 261–300 млнни ташкил этди. Демак, бу даврда ҳам биопрепарат ва биогумус қўлланилган вариантларда бактериялар миқдори юқори бўлганлиги кузатилди.

Тажрибада **актиномицетлар** миқдори ҳам буғдойнинг ўсув даврида авж олиши билан ортиб борди. Биопрепарат ва биогумус+минерал ўғитлар қўлланилиши билан актиномицетлар миқдори сезиларли ортди. Униб чиқиш даврида кузатилганда, назоратга нисбатан биопрепарат ва биогумус қўлланилган вариантларда актиномицетлар миқдори 2 бараварга (375–360 минг) ошганлиги кузатилди. $N_{150}P_{100}K_{50}$ қўлланилган 2-вариантда эса актиномицетлар миқдори 210 минг хужайрани ташкил этди. Бунда айтишимиз мумкинки, $N_{150}P_{100}K_{50}$ ни биогумус билан қўллаганда ижобий самара бериши аниқланди.

Актиномицетлар апрел ойида авж олиши тажриба натижаларида кузатилди. Бу давр буғдойнинг бошоқланиш даврига тўғри келди. Бунда актиномицетларнинг миқдори гўнг қўлланилган вариантда 225 минг бўлса (тупроқ намлиги 17,7–18,1 фоиз), биогумус ва биопрепарат қўлланилган вариантларда назоратга нисбатан 240–525–600 минг хужайрага етди. Бу даврда барча микроорганизмлар учун қулай об-ҳаво шароити юзага келади. Вегетация охирида пишиш даврида эса бу кўрсаткичлар камайганини кўриш мумкин.

Азотсиз муҳитда ўсувчи **олигонитрофиллар** миқдори ҳам буғдой униб чиқиш даврида кузатилганда назоратда 210 минг, $N_{150}P_{100}K_{50}$ ва 20 т гўнг қўлланилганда 270 минг, биогумус қўлланилганда 375–450 минг хужайра бўлса, биопрепарат қўлланилганда эса 515 минг хужайрага етди. Баҳорда кузатилганда олигонитрофиллар миқдори юқори бўлиши биопрепарат ва биогумус маъданли ўғит билан қўлланганда кузатилди. Вегетация охири, яъни пишиш даврида эса тупроқ намлигига мос равишда (намлик 13,3–11,1 фоиз) камайиши кузатилди.

Замбуруғлар миқдори назоратда 45 минг хужайра бўлса, гўнг қўлланилган вариантда 2 бараварга ортди. Биопрепарат қўлланилган ва биогумус маъданли ўғит билан қўлланганда бу кўрсаткич 4–5 бароварга ортиши кузатилди. Энг юқори кўрсаткич апрель ойига тўғри келди бу даврда замбуруғлар миқдори 285–525 минг хужайрага етди. Вегетация охирида эса 315–480 минг хужайра бўлди. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан қўллаш тупроқ замбуруғлари сонининг ошишига ижобий таъсир этди.

Йил мавсумлари бўйича эса баҳорги мавсумда микроорганизмлар миқдорининг ёзги даврга нисбатан юқорилиги кузатилди. Чунки бу даврда микроорганизмлар ривожланиши учун қулай шароитнинг юзага келиши ва ўсимлик айна шу даврда қўшимча озиклантирилганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Қўлланилган ўғитлар ичида маъданли ўғитларни биогумус ва гўнг билан қўлланилганда юқори самара бериши аниқланди. Биопрепарат ва биогумус бактериялар сонига кучлироқ таъсир этди.

Демак, микроорганизмларнинг таксономик гуруҳлари вакиллари сонига органик ва биопрепарат қўллаш сезиларли таъсир кўрсатди. Биогумус ва биопрепарат қўллаш актиномицетлар бактериялар сонига кўпроқ таъсир кўрсатса, замбуруғлар миқдорига гўнг ва биогумус ва биопрепарат қўллаш юқори таъсир этди. Минерал ўғитлар тупроқ аммонификаторлар ва олигонитрофиллар сонига ижобий таъсир этди. Барча вариантларда бактерияларнинг юқори миқдори кузатилди. Умуман олганда, тупроққа биогумус ва биопрепарат қўллаш юқори самара берди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лазарев В.И. Зависимость урожайности озимой пшеницы от основных природных и антропогенных факторов //Ж. Зерновые культуры. – Москва, 1997. – №3. – С. 16-17.
2. Насыров Ю.С., Асроров К.А., Пинхасов Ю.И. Фотосинтез хлопчатника // Физиология хлопчатника. Ред. Б.А.Рубин. – М.: Колос, 1977. – С. 91–95.
3. Ортиқов Т.Қ., Ғозиев Т.Ч. Ўзбекистон тупроқшунослари ва агрохимёгарлари жамиятининг V қурултойи материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 238–241.
4. Рискиева Х.Т. Азот в почвах зоны хлопкосеяний Узбекистана // Т.: ФАН. –1989. – С. 150.
5. Рискиева Х.Т., Мирсадыков М.М., Каримов Х., Касымова С. Микробиологическое состояние орошаемых почв среднего и нижнего течения реки Зарафшан. Материалы научно-практической

конференции: Почвы Узбекистана и земельные ресурсы: рациональное использование и защита их. 14–16 мая. – Ташкент, 2008. – С. 43–45.

6. Семёнов В.М., Семенов А.М., Ван Бругген А.Х.К., Феррис Х., Кузнецов Т.В. Трансформация азота почвы и растительных остатков сообществом микроорганизмов и микроскопических животных // Ж. Агрохимия. – Москва, 2002. – №1. – С. 5–11.

7. Эргашев А. Агрохимические свойства орошаемых почв Узбекистана и пути повышения их плодородия автор. док. дисс. – Ташкент, 1993. – С. 43.

РЕЗЮМИ

Мақолада Тошкент вилоятида тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг микробиологик фаоллигига биопрепарат ва органико-минерал ўғитларнинг таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМИ

В данной статье приведены результаты исследований влияния биопрепаратов и органико-минеральных удобрений на микробиологическую активность орошаемых луговых почв Ташкентской области.

SUMMARY

The article presents the results of the influence of biological preparations and organo - mineral fertilizers on the microbiological activity of irrigated meadow soils of Tashkent region.

Наишга доц. М.Ҳакимова тавсия этган

ДЕГРАДАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТОҒ МИНТАҚАСИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-ГЕНЕТИК ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ

Қодирова Д.А. (ГДАУ), Джалилова Г.Т. (ЎЗМУ)

Таняч сўз ва иборалар: тоғ ва тоғ олди тупроқлари, тупроқ тури ва типчалари, тупроқ эрозияси, эрозияланиш даражаси, қиялик экспозицияси.

Ҳозирги вақтда глобал экологик инқироз таҳдидлари кучайиб бораётган бир вақтда, тупроқни деградация жараёнларидан муҳофаза қилиш дунё миқёсидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммонинг муҳимлиги шундаки, тупроқ деградацияси жараёнини бартараф этмасдан ва Ер шарининг тупроқ қатламини сақламай туриб, ўсимлик ва ҳайвонот оламини, сув ва ҳаво тозалигини сақлашнинг имкони йўқ. Шундай экан, биосферанинг нормал ишлашини сақлай олмасдан инсоният ҳаётининг экологик фаровонлигини сақлашнинг имкони йўқдир.

Инсоннинг тупроққа фаол таъсир кўрсатиши натижасида, унинг хосса-хусусиятларининг ўзгариши, унумдорлигининг ошиши ёки пасайиши, шўрланиши, эрозияланиши, дегумификацияси каби жараёнларнинг юзага келиши ер ресурсларини муҳофаза қилишда аввалгидан ҳам эътиборли бўлишликни тақозо этади [1].

Шу боис бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланган тупроқлар деградациясининг олдини олиш ҳамда унинг оқибатларини бартараф этишда энг аввало, тупроқлардан оқилона фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш, сифатини, иқтисодий баҳосини, муҳофазасини билиш, ҳар хил ўсимликларни тупроқ ҳолатига кўра илмий асосланган ҳолда кетма-кет экиш, тупроққа тўғри ишлов бериш талаб этилади. Тарихий давр мобайнида инсоният тахминан 2 млрд. га ҳосилдор ерларнинг йўқотилишини, тупроқлар унумсиз ерларга ва антропоген саҳроларга айланишини тупроқлар деградацияси жараёнининг глобал ва турли-туман хусусиятидан дарак берадиган маълумотларга кўшиш мумкин [4].

Эрозия жараёнлари рўй бериши натижасида ерларни деградацияланиш муаммолари нафақат Ўзбекистонда, балки чет мамлакатларда ҳам долзарбдир. Тоғ минтақаларининг тупроқ ҳосил бўлишининг ўзига хос регионал хусусиятларини ҳисобга олмасдан, тоғ ва тоғолди ерларидан оқилона фойланмаслик, ўрмонларни йўқ қилиниши, чорва молларининг тартибсиз боқилиши табиий тупроқ қопламанинг ўзгаришига, тупроқ унумдорлигини пасайишига, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг камайиши ва уларни сифатини пасайишига олиб келувчи эрозия жараёнларини янада кучайтиради. Шундай экан, эрозияланган тоғ тупроқларининг унумдорлигини сақлаш, ошириш ва муҳофаза қилиш масалалари, шунинг-

дек, республиканинг турли табиий-экологик минтақаларидаги тоғ ер ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади [2, 3].

Тупроқ эрозияси натижасида тупроқ унумдорлигининг барча хосса-хусусиятлари ёмонлашиши кузатилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотларимиз давомида республикамизнинг Чотқол, Туркистон ва Ҳисор тоғ тизмаларида тарқалган тоғ ва тоғ олди тупроқларининг асосий хосса-хусусиятларига эрозия жараёнларининг таъсири қиёсий ўрганилди.

Тупроқларни морфогенетик хусусиятлари ва уларга эрозиянинг таъсири. Ўрганилган тупроқларнинг морфологик кўрсаткичларини ўрганиш Чотқол, Туркистон ва Ҳисор тоғ тизмалари тупроқ қопламанинг тузилиши ўрганилган ҳудудларнинг рельефи, қиялик экспозицияси, тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларнинг хусусияти, ўсимлик дунёси ва тупроқларни вертикал минтақаланишига чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди. Буларнинг барчаси бу ерда бўз ва жигарранг тупроқларининг турли хил типчаларини шаклланишига имкон беради. Тупроқ кесмаси типик бўз тупроқлардан тоғ жигарранг тупроқлар томон гумусли қатлам қалинлигининг ортиши, ёмғир чувалчанги ва ҳашаротлар билан кучли ишланганлиги, ўтиш қатлами қалинлигини қисқариши, тўқ ранглари ортиши, чангсимонлигининг камайиши, структурасининг ўзгариши, сувга чидамли донадор ва ёнғоксимон структуранинг ортиши, тупроқ профилининг ўрта қисмида гилланиш қатламини аниқроқ ифодаланиши билан тавсифланади.

Ўрганилган ҳудудлар тупроқларининг морфологик кўрсаткичлари эрозияланиш даражаси ва қиялик экспозициясига боғлиқ ҳолда ҳам ўзгаради. Қиялик тупроқларида сувайирғич тупроқларига нисбатан гумусли қатлам қалинлиги камайган, карбонатларни тўпланиш чегараси тупроқ юзасига яқинлашган, механик таркибининг енгиллашганлиги ва зичлигини ортганлиги кузатилди. Шлейф тупроқлари сувайирғич, айниқса, қиялик тупроқларига нисбатан кучли ўзгаришларга учраган. Бу ерда юқори даражада гумуснинг тўпланиши, карбонатларни бошланиш чегарасини пасайиши ва тупроқ намлигини ошиши кузатилади. Шимолий қиялик тупроқларида жанубий қияликлик тупроқларига нисбатан гумусли қатлам қалинлигини ортиши, карбонатлар бошланиш чегарасининг чуқурлашиши, структурасини яхшиланиши кузатилади.

Тупроқларни механик таркиби ва уларга эрозиянинг таъсири. Ўрганилган барча ҳудуд тупроқлари турли шаклланиш шароитига кўра механик таркибига кўра бир хил эмас, асосан, ўрта ва оғир қумоқлардан, камдан-кам ҳолларда енгил қумоқлардан ташкил топган. Бу ҳолат тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларнинг генезиси ва эрозия жараёнларни намоён бўлиши билан боғлиқдир. Ўрганилган тупроқларнинг механик таркиби рельеф элементи бўйича ҳам фарқланади. Ҳудуднинг сувайирғич қисмида тарқалган тупроқларнинг механик таркиби деярли ўзгармаган, қияликнинг ювилган тупроқларида, айниқса, устки қатламида физик лой миқдорининг бирмунча камайиши, ювилиб тўпланган тупроқларда эса ошиши кузатилади. Шунингдек, эрозия жараёнлари натижасида шимолий қиялик тупроқларини механик таркибини жанубий қиялик тупроқларига нисбатан оғирлашиши кузатилади. Типик бўз тупроқлардан тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик ва тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқларига ўтилгани сайин тупроқларни механик таркиби оғирлашиб боради. Тоғ жигарранг тупроқларининг ўрта қатламларида ил фракциясининг ($<0,001$ мм) ортиши ҳисобига гилланиш кузатилади.


Тупроқларнинг умумий физик хоссалари ва уларга эрозиянинг таъсири. Ўрганилган ҳудудлар тупроқларининг солиштирма оғирлиги эрозияланиш даражаси, механик таркиби, гумус ва карбонат миқдorigа кўра $2,44\text{--}2,74$ г/см³ оралиғида ўзгариб туради. Эрозияланган тупроқларнинг ҳажм оғирлигининг ошиши, қуйи зич қатламларни ер устига кўтарилиши, шунингдек, минерал қисмлар нисбий миқдорини кўпайиши ва органик қисмлар миқдорини камайиши билан боғлиқдир. Ўрганилган ҳудудлардаги типик бўз тупроқларнинг устки қатламида ҳажм оғирлик $1,32\text{--}1,41$ г/см³, тўқ тусли бўз тупроқларда $1,25\text{--}1,44$ г/см³, тоғ жигарранг карбонатли тупроқларда $1,18\text{--}1,43$ г/см³, тоғ жигарранг типик

тупроқларда 1,08–1,28 г/см³, тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқларда 1,12–1,25 г/см³ оралиғида ўзгариб туради. Чуқурлик ортгани сайин барча ўрганилган тупроқларнинг солиштирма оғирлиги ошиб боради. Тупроқларни ҳажм ва солиштирма оғирлигидаги ўзгаришлар ғовакликда ўз ифодасини топади ва у 44,1 дан 55,0 фоиз оралиғида тебраниб туради. Ўрганилган тоғ жигарранг тупроқлари бўз тупроқлар минтақасига кўра органик моддаларга бойлиги ва юқори ғоваклиги (47,2–55,0 фоиз) билан тавсифланади. Шунингдек, тупроқларни физик хоссаларини эрозияланиш даражасига боғлиқ равишда ҳам ўзгариши кузатилади. Ювилган, айниқса, жанубий қиялик тупроқлари ювилмаган ва ювилиб тўпланган тупроқларга нисбатан зичлигини юқорилиги билан характерланади. Тупроқларни зичлигига боғлиқ ҳолда ғоваклиги ҳам ўзгаради, ғовакликни қуйи қатламлар томон камайиши ушбу тупроқларда ноқулай шароитларни мавжудлигидан далолат беради.

Тупроқларни агрокимёвий хоссалари ва уларга эрозиянинг таъсири. Бўз тупроқлар, айниқса, типик бўз тупроқлар эрозион жараёнлар таъсирида органик модда ва асосий озук элементлари миқдори бўйича камбағалдир ва шунинг учун ҳам унумдорликнинг паст даражасига эга. Тоғ жигарранг тупроқлари бўз тупроқларга қараганда гумус ва озук элементларининг юқори миқдори билан тавсифланади. Тоғ жигарранг типик ва тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқларда гумус ва озук элементларининг сезиларли даражада тўпланиши бу тупроқларда тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари жадал боришидан далолат беради. Ювилмаган тупроқлар ювилган тупроқлардан генетик қатламларининг яхлитлиги, гумус, умумий азот ва озук элементларининг нисбатан юқори миқдори билан фарқланади. Ювилиб тўпланган тупроқлар чуқурроқ кириб борган кучли гумусли профилга эга ва гумус, озикли элементлар миқдори ювилмаган, айниқса, ювилган тупроқларга нисбатан тупроқ кесими бўйлаб аста-секин камайиб боради (1-расм).

1-расм.

Тупроқлар агрокимёвий хоссаларининг эрозияланиш даражасига боғлиқ ҳолда ўзгариши



Изланишларнинг кўрсатишича, эрозия жараёнлари ўрганилган тупроқлар кесими бўйлаб карбонатларни тақсимланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ўрганилган бўз тупроқларда карбонатлар миқдори тупроқ профили бўйлаб 6,00–8,84, тоғ жигарранг тупроқларда эса 2,20–19,52 фоиз оралиғида тебраниб турди. Тупроқлар эрозияланиш даражаси, қиялик экспозицияси, тупроқ типи ва типчаларига боғлиқ ҳолда CO₂ карбонатлар миқдорининг турличалиги билан тафовут қилади. Эрозия жараёнларини намоён бўлиши – устки қатламни ювилиши натижасида карбонатли қатламни юқорига кўтарилиши, ювилиб тўпланган тупроқларда эса пасайиши кузатилади. Тоғ жигарранг кам ишқорсизланган тупроқлар маълум чуқурликкача карбонатлардан холи бўлганлиги билан фарқланади. Ишқорсизланиш ва карбонатли-иллювиал қатламни ётиш чуқурлиги тупроқларни намланиш чуқурлигига, тупроқ ҳосил қилувчи она жинсларни карбонатлилик даражасига ва жойнинг рельефига боғлиқдир.

Умуман олганда, ўрганилган тоғ тизмалари ўзига хос регионал хусусиятларга эгаллиги, тупроқ-иклим шароитининг турличалиги, ўсимлик қоплами, шунингдек, тоғ ва тоғолди тупроқ типлари ва типчаларининг тарқалиш чегараси билан фарқланади, бу тупроқ ҳосил

бўлиш жараёнларининг йўналишида акс этади. Ўрганилган ҳудуд тупроқлари морфогенетик, агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари бўйича бир-биридан фарқланади. Чотқол тоғ тизмаси иклими бирмунча намлиги туфайли тупроқлари Туркистон ва Ҳисор тоғ тизмаларида тарқалган тупроқлардан гумус ва озуқа элементлари микдорининг юқорилиги билан фарқланади. Қолаверса, ўрганилган тупроқлар хоссалари эрозияланиш даражасига кўра ҳам ўзгаради. Нисбатан қулай агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалар ювилиб тўпланган ва ювилмаган тупроқлар, ёмон хоссалар эса ювилган тупроқлар учун хосдир, яъни бу эрозия таъсирида устки унумдор қатламни ювилиши билан боғлиқдир. Устки қатламларнинг ювилиши ва қуйи кам ишқорсизланган қатламларнинг юзага чиқиши тупроқларда карбонатларнинг намоён бўлиши ва микдорини ошишига олиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гафурова Л.А., Абдурахмонов Т., Жабборов З., Саидова М. Тупроқ деградацияси. Ўқув қўланма. – Т., 2012. – 228 б.
2. Гафурова Л.А., Кадирова Д.А. Эрозированные почвы Туркестанского хребта и их биологическая активность. Монография. – Т.: ФАН, 2014. – 152 с.
3. Гафурова Л.А., Джалилова Г.Т. Современный подход в изучении эрозионноопасных земель бассейна Сукокская с применением ГИС технологии. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2017. – 144 с.
4. Деградация и охрана почв. Под ред. академика РАН Г.В.Добровольского - М.: Изд-во МГУ, 2002. – 654 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон тоғ ҳудудларида кечаётган эрозия жараёнларини тупроқларнинг асосий хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье предоставлены результаты исследований по изучению влияния эрозионных процессов на основные свойства горных почв Узбекистана.

SUMMARY

The article presents the results of studies on the influence of erosion processes on the basic properties of mountain soils of Uzbekistan.

Нашрга доц. М.Ҳакимова тавсия этган

БЎЗ-ВОҲА ТУПРОҚЛАРИНИНГ СИНГДИРИШ СИҒИМИ ВА СИНГДИРИЛГАН АСОСЛАР ТАРКИБИ

Парпиев Ғ.Т., Қўзиёв Р.Қ., Ахмедов А.У.

(Тупроқшунослик ва агрокимё-илмий тадқиқот институти)

Таянч сўз ва иборалар: *Тошкент воҳаси, бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи-воҳа тупроқлари, сингдириш сиғими, сингдирилган асослар таркиби.*

Тадқиқотнинг долзарблиги. Тупроқларнинг сингдириш сиғими, уларнинг механик ва минерологик таркиби, гумушлашганлик даражаси ва бир қатор сув-физикавий, физик-кимёвий ва кимёвий хоссалари билан белгиланиб, суғориладиган тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилияти ва маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан унинг сингдириш сиғими ва сингдирилган асослар (катионлар) таркибига боғлиқ.

Одатда, кўриқ тўқ тусли ва типик бўз тупроқларнинг сингдириш сиғими (сингдириш комплекси) ишқорий ер металлари билан тўйинган бўлиб, ўз навбатида тупроқ профилининг қуйи горизонтларига қараб сингдирилган асослар таркибида кальцийнинг улуши камайиб, ва аксинча, магний микдорининг ортиб бориши кўпчилик олимлар томонидан исботланган. Мисол учун В.М.Молодцов [7:44–111] томонидан Зарафшон воҳасида олиб борилган тадқиқотларда суғориладиган бўз тупроқлар агроирригацион қатламлари сингдирилган асослар билан жуда кам тўйинганлиги, узоқ вақтлар суғориш таъсирида сингдирилган магний микдорининг 20–30 фоизгача кўпайганлиги қайд қилинган. Бу борада бўз тупроқлар минта-

касида ривожланган бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқларининг сингдириш сиғими ва сингдирилган асослар таркибини мунтазам суғоришлар таъсирида ўзгаришини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади – Узоқ йиллар мунтазам суғоришлар таъсиридаги воҳа тупроқларининг сингдириш сиғими ва сингдирилган асослар таркибида содир бўлган ўзгаришларни аниқлаш.

Тадқиқот объекти ва услубияти. Тадқиқот объекти Тошкент воҳасидаги бўз-воҳа, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-воҳа тупроқлари.

Тадқиқотлар республикада умумқабул қилинган услубий қўлланмалар [6:493 б., 9:260] асосида олиб борилган.

Тадқиқот натижалари. Тупроқ пайдо бўлиши жараёнларида, хусусан, кўп йиллик суғоришлар таъсирида бўз-воҳа тупроқлари шаклланишида турли минерал жинслар, минерал ва органик моддаларнинг тўхтовсиз парчаланиши ва майдаланиши натижасида ҳосил бўлган аралаш зарралар дисперс системани ташкил этиб, унда ўлчами 1μ (микрон)дан кичик, коллоид хоссасига эга бўлган барча заррачалар йиғиндиси, яъни тупроқнинг сингдириш комплекси (мажмуаси) вужудга келади [1:394–557].

Бу жараёнда тупроқнинг сингдириш сиғими ва сингдирилган асослар таркиби ҳам, органик модда сингари уларнинг кўплаб хоссаларини, тупроқларни алоҳида ўзига хос хусусиятлари ва унумдорлигини белгилаб, унинг кимёвий, физик-кимёвий, агрокимёвий ҳамда бир қатор сув-физик хоссаларига таъсир кўрсатади, тупроқ муҳити реакцияси ва унинг барақарорлигини белгилайди. Бунда нейтрал, кислотали ёки ишқорли тупроқ шароитлари бевосита сингдирилган асослар таркибига боғлиқ бўлади. Хусусан, тупроқ сингдириш қобилятининг фаол таъсири ўсимликлар ва микроорганизмлар учун озуқа элементларининг тўпланишини таъминлагани ҳолда тупроқ озуқа режимини тартибга солади, асосийси тупроқ реакцияси, унинг буферлик даражаси ҳамда сув-физик хоссаларини тартибга солишда иштирок этади.

Ўзбекистоннинг тоғолди ҳудудларидаги лёссимон ёткизликларда шаклланган кўрик тўқ тусли бўз тупроқлар асосан бир хил механик таркибли ўрта кумоқлардан, паст тоғларда ривожланган кўрик тўқ тусли бўз тупроқлар эса оғир ва ўрта кумоқ, айрим ҳолларда энгил кумоқлардан иборат бўлиб, тупроқ профилининг ўрта қисмида анча зич бўлган иллювиал горизонти билан ажралиб туради [3:12–23]. Ушбу тупроқлар сингдириш сиғими нисбатан юқори бўлиб, 100 г. тупроқда 16–19 мг-экв. гача етади, пастки қатламлари томон унинг кўрсаткичлари камайиб боради. Сингдирилган асослар таркибида кальцийнинг улуши 75–90 фоизни, магний миқдори эса 8–16 фоизни ташкил қилади. Сингдирилган кальций миқдорининг пастки қатламлар томон камайиб бориши, ва аксинча магний миқдорининг ортиб бориши сингдириш сиғимига нисбатан 45–55 фоизгача етади.

Кўрик типик бўз тупроқларда ҳам сингдириш сиғими 100 г. тупроқда 7–15 мг-экв. ни ташкил этиб, сингдирилган кальцийнинг миқдори сингдирилган асослар йиғиндисига нисбатан 50 дан 92 фоизгача етади, айрим тупроқ айирмаларининг пастки горизонтларида алмашинувчи магний улуши юқори бўлиб, сингдирилган асослар йиғиндисидан 50–70 фоизгача қайд қилинади [3:12–23].

